OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE PROCEEDINGS

DAVLAT TILI – TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

MAQOLALAR TO'PLAMI | COLLECTION OF PAPERS

INTERNATIONAL CONFERENCE | XALQARO ILMIY KONFERENSIYA

SAMARQAND | SAMARKAND 2026

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI” KAFEDRASI

“DAVLAT TILI – TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani

MATERIALLAR TO‘PLAMI (2-qism)

5-sho‘ba. Taniqli tilshunos olim -Bekmurod Yo‘ldoshevning o‘zbek tilshunosligiga qo‘shgan hissasi

(2026 yil 20-21 oktabr)

SAMARQAND-2026

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА
КАФЕДРА “УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ”

Сборник материалов международной научно-практической конференции на тему (часть 2):

“ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЯЗЫК – КРИТЕРИЙ РАЗВИТИЯ И НАЦИОНАЛЬНОГО ПРОГРЕССА”

5 секция. Вклад известного лингвиста Бекмурода Юлдашева в развитие узбекского языка.

(20-21 октября 2026 г.)

САМАРКАНД-2026

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SAMARKAND INSTITUTE OF ECONOMICS AND SERVICE
DEPARTMENT OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE

Collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic (part 2):

"THE STATE LANGUAGE A CRITERION OF DEVELOPMENT AND NATIONAL PROGRESS"

Section 5. The Contribution of the Renowned Linguist Bekmurod Yuldashev to the Development of the Uzbek Language

(October 20-21, 2026)

SAMARKAND-2026

UO'K: 811.512.133:342.725
Y18
KBK: 81.2Ўзб + 67.401

"DAVLAT TILI – TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI" *Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari 2-qism. 2026-yil 20-21-oktabr. Samarqand, SamISI, 2026. – 278 bet.*

To'plovchi va nashrga tayyorlovchi:
D.B.Yuldasheva - SamISI "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasi mudiri, filologiyafanlari bo'yicha falsafa (PhD) doktori, dotsent.

Nashr uchun mas'ullar:
A.S.Adilova – SamISI "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasi katta o'qituvchisi, f.f.n.
D.J.Norboyeva - SamISI "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasi katta o'qituvchisi
T.A.Chernova - SamISI "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasi o'qituvchisi.

Xalqaro miqyosda o'tkazilgan ilmiy-amaliy anjuman materiallarida professor-o'qituvchilar, yosh olimlar, katta ilmiy xodim izlanuvchilar, magistrantlar va iqtidorli talabalarning davlat tili tadqiqiga oid dolzarb muammolariga bag'ishlangan.

To'plamdagi materiallardan professor-o'qituvchilar, yosh olimlar, katta ilmiy xodim izlanuvchilar, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, iqtidorli talabalar va amaliyot xodimlari o'z ilmiy faoliyatlarida foydalanishlari mumkun.

Taqrizchilar:
M.B.Abdiyev – filologiya fanlari doktori, professor;
A.M.Shofqorov – filologiya fanlari nomzodi, dotsent.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas'ul.

ISBN: 978-9910-350-20-7

©Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026 y.

БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

Бекмурод Йўлдошев 1947 йил 9 июлда Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг Зиёвуддин қўрғончасида косиб-ҳунарманд оиласида туғилди.

1953-1964 – Пахтачи туманидаги 14 (ҳозирги 22)-сон ўрта мактаб ўқувчиси.

1964 - Пахтачи тумани Зиёвуддин қўрғончасидаги 22-ўрта мактабни “Олтин медаль” билан битирди.

1962-1964 - ўқишдан ажралмаган ҳолда Зиёвуддиндаги 2-ишчилар таъминоти бўлимига қарашли қандолатпазлик цехида устага ёрдамчи.

1964-1969 – Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетининг талабаси.

1969 - Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади.

1969-1970 – Самарқанд вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси таҳририятининг адабий ходими, кейинчалик таржимони.

1970-1982 – Самарқанд давлат университети умумий тилшунослик кафедрасининг ўқитувчиси.

1979 – Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган Илмий кенгаш йиғилишида “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1982 – Олий Аттестация Комиссияси (ВАК) қарорига асосан умумий тилшунослик кафедрасининг доценти илмий унвони берилди.

1982-1990 – Самарқанд Давлат университети умумий тилшунослик кафедрасининг доценти.

1990-1992 - Самарқанд Давлат университетининг катта илмий ходими.

1992-1995 - Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти.

1994 - Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин номитдаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган Илмий кенгаш йиғилишида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1995-1999 - Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори вазифасини бажарувчи.

1999-2000 - Самарқанд Давлат университети халқаро журналистика ва услубият кафедрасининг мудири.

2000-2002 – Навоий Давлат институти ўзбек филологияси факультетининг декани ҳамда шу институт ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори.

2002-2016 – Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори.

2002 йилдан – «СамДУ Илмий-тадқиқотлар ахборотномаси» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси.

2004 – Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) қарорига асосан ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори илмий унвони берилди.

2006 – Халқаро Antique World илмий академиясининг академиклигига сайланди.

2010 – "Истеъдод" жамғармасининг гранти асосида июль ойи давомида Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетида "Ахборот технологияси" бўйича малака ошириб қайтди.

АВТОБИОГРАФИЯ

Бекмурод Йўлдошев эллик йилдан ортиқ вақт давомида Самарқандда яшаб, оддий талабаликдан филология фанлари доктори, СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори, фразеология, бадиий матн услубияти, умумий тилшунослик соҳасида мамлакатимизда таниқли тилшунос-олим сифатида шаклланди. Б.Йўлдошевнинг ҳаёт йўли ҳозирги илмсевар ёшлар учун жуда ибратлидир.

Б.Йўлдошев 1947 йил июлда Самарқанд вилоятининг Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) туманидаги Зиёвуддин қўрғонида косиб-хунарманд оиласида дунёга келди. Унинг ёшлик йиллари қадимий Дабус қалъа ёнидаги Зиёвуддин қўрғонида ўтди. Бўлажак олим 1953-1964 йилларда Зиёвуддиндаги 14-(ҳозирги 22-) ўрта мактабда таҳсил олди. Унинг дастлабки хабарлари вилоят ва туман газеталарида ўша ўқувчилик даврларида эълон қилинган эди. Ўқишдан ажралмаган ҳолда 1962-1964 йилларда Зиёвуддин шаҳарчасида мавжуд бўлган қандолатпазлик цехида устага ёрдамчи бўлиб ишлади, бу эса унинг меҳнатда тобланишида муҳим аҳамият касб этди. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллаган Б.Йўлдошев 1964-1969 йилларда Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил кўрди. У университетда ўқиган кезлари Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Раҳматулла Қўнғуров, Абдужаббор Мухторов, Ваҳоб Эгамов, Раҳим Муқимов, Сайдулла Мирзаев, Жўрабой Ҳамдамов, Раҳмонқул Орзибеков каби машҳур адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таълимидан баҳраманд бўлди.

Б.Йўлдошев тилшунослик ва адабиётшунослик масалаларига талабалик йилларидаёқ жуда қизиқа бошлади. У СамДУ талабаларининг ҳар йили ўтказиладиган анъанавий илмий анжуманларига бадиий асар тили ва услубият муаммоларига оид қизиқарли маърузалар билан иштирок этди. Ўрта Осий ва Қозоғистон республикалари талабаларининг Бишкекда бўлиб ўтган илмий анжумани (1968)да маъруза билан қатнашди. Бишкекда у ўша вақтда ҳаёт бўлган, машҳур тилшунос олим К.К.Юдахин билан учрашиш ва суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган эди. Ёш тадқиқотчи Б.Йўлдошевнинг илк илмий изланишлари бир неча марта Самарқанд вилоят ва шаҳар ёшлар қўмитасининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган эди. Бўлажак олимнинг “Она қалбининг буюклиги ҳақида достон” (1968), “Тил маданиятининг улкан тарғиботчиси” (1969) каби мақолалари ўша талабалик йилларидаёқ матбуотда эълон қилинганди.

Б.Йўлдошев 1969 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, йўлланма билан Самарқанд вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси таҳририятига ишга келди. Газета Б.Йўлдошев учун қаламнинг чархланиши, оперативлик, тезкорлик, ҳозиржавоблик хмслатларини эгаллаш учун ўзига хос мактаб бўлди. Худди шу даврда унинг бир қанча таржималари, хабар ва мақолалари матбуотда эълон қилинди. У газетада мусаҳҳиҳ, адабий ходим, кейинчалик таржимон бўлиб хизмат қилди.

1970 йилда СамДУда янги умумий тилшунослик кафедраси ташкил этилиши билан устоз Ҳамдам Бердиёров Б.Йўлдошевни кафедра ўқитувчилигига ишга тавсия этди. 70-йилларда Бекмурод Йўлдошев алоҳида жўшқинлик билан кафедра, факультет, қолаверса университет миқёсида сиёсий-тарбиявий, маънавий-маърифий, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди. Буни Б.Йўлдошевнинг ўша йиллари факультет ёшлар қўмитасининг котиби (1972-1975), университет ёшлар қўмитасининг аъзоси (1974-1976), СамДУ талабалар илмий жамиятининг раиси (1975-1977), факультет талабалар меҳнат семестри штабининг бошлиғи (1972-1977) каби вазифаларни бажарганидан ҳам сезиш мумкин.

Б.Йўлдошев бу йилларда талабаларга “Умумий тилшунослик”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Рус гуруҳларида ўзбек тили”, “Тилшуносликка кириш” фанларидан юксак савияда дарс бериш, жамоат топшириқларини аъло даражала бажариш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам мунтазам шуғуллана бошлади. Олимнинг ўша йиллари нашр этилган “Ўзиники бўлмаган нутқнинг айрим услубий хусусиятларига доир” (1975), “Муаллиф нутқи ҳақида” (1976), “Саид Аҳмад асарларида персонажлар нутқини индивидуаллаштириш воситалари ҳақида” (1977), “Саид Аҳмад асарларида диалектизмларнинг стилистик функциялари” (1979), “Бадиий асар тили ва

услубини ўрганиш” (1980) каби қатор илмий мақолалари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

1979 йилда Б.Йўлдошев машҳур тилшунос олим, академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг илмий раҳбарлигида “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу диссертацияда ўзбек филологиясида илк бор таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг ўз асарларида нутқнинг монолог, диалог, полилог шаклларидан фойдаланиш маҳорати, халқ мақоллари, фразеологизмларни қўллашдаги ўзига хослиги чуқур таҳлил қилиб берилган, енгил юморга, ҳазил-мутойибага бой ёзувчи асарларининг ўзига хос тил хусусиятлари ўрганилган эди. Серғайрат олим Бекмурод Йўлдошев ўзининг бу соҳадаги илмий изланишларини янада давом эттириб, кейинчалик “Бадиий нутқ стилистикаси” (1982), “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” (1987), “Ўзбек бадиий прозасининг услубий таҳлили” (1989), “Ўзиники бўлмаган нутқнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни” (1992), «Бадиий асар тили ва услуби масалалари» (2001, 2006), “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари” (2006) номли монографиялар, қўлланмалар ва кўплаб илмий мақолалар яратди. Бу ишлар республикамиз илмий жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланди.

Б.Йўлдошевнинг тилшуносликнинг умумназарий муаммоларига доир ўқув қўлланмалари, дастурлар, услубий тавсиялар яратиш соҳасидаги фаолияти ҳам ғоят ибратлидир. Олим ўз сафдошлари билан ҳамкорликда эълон қилган “Умумий тилшунослик” (1974, 1979, 1982), “Тилшуносликка кириш” (1980), “Тилшуносликка кириш” курсидан амалий машғулотлар режаси” (1983), “Тилшуносликка кириш” курсидан услубий тавсиялар” (1988), “Лингвистик таълимотлар тарихи” курсидан дастур” (1984, 1996), “Тилшуносликка кириш” курсининг дастури” (1995), “Умумий тилшунослик” курсининг дастури” (1996), “Тилшунослик таълимотлари тарихи” курсидан услубий тавсиялар” (1993), «Тилшунослик асослари» фанидан рейтинг топшириқлари» (2001), «Умумий тилшунослик асослари» (2005) каби асарлари ҳозирги кунда мамлакатимизда юқори малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

70-йиллардан бошлаб Бекмурод Йўлдошев фразеология, фразеография ва фразеологик услубият муаммоларини тадқиқ этиш билан узлуксиз шуғулланиб келмоқда. Олим проф.Ҳ.Бердиёров ва доц.Р.Расулов билан ҳамкорликда ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғатини яратиш ишида бевосита иштирок этди. Бу тадқиқотнинг тўрт қисми “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” номи билан нашр этилди (1976, 1979, 1983, 1997) ва илмий жамоатчиликнинг муносиб баҳосини олди. Кейинчалик олим

К.Бозорбоев билан ҳамкорликда “Ўзбек тили фразеологизмларининг луғати” (сўзлик) асарини ҳам нашр эттирди (1998). Б.Йўлдошев фразеология ва ўзбек фразеологик услубиятига доир “Ўзбек тилидаги фразеологизм-сарлавҳалар ҳақида” (1979), “Фразеология ва ўзбек тилини ўқитиш” (1980), “Фразеологизмларнинг грамматик табиатига доир” (1981), “Фразеологик вариантлар ва уларнинг айрим услубий хусусиятлари” (1982), “Фразеологизмларнинг структурал-грамматик ва семантик хусусиятлари” (1985), “Навоий асарларида “бош” компонентли фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳақида” (1990), “Фразеологизмнинг сўз билан функционал муносабатига доир” (1992) каби илмий мақолалар, қўлланмалар нашр эттирди. Ана шу илмий изланишларнинг натижаси сифатида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” номли докторлик диссертацияси юзага келди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти хузуридаги ихтисослашган илмий кенгашда 1994 йилда муваффақиятли ҳимоя қилинган мазкур диссертация ўзбек фразеологияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Диссертация ҳимоясида сўзга чиққан расмий ҳакамлар академик Ғани Абдураҳмонов, профессорлар Шавкат Раҳматуллаев, Бозорбой Ўринбоев, шунингдек академик Шоназар Шоабдураҳмонов, профессорлар Абдимурод Маматов, Нинель Владимирова, Баҳром Бафоев ва бошқалар бу ишга юксак баҳо бердилар. Жумладан, академик Ш.Шоабдураҳмонов фикрича, “мен бир неча йиллар олдин фразеологияга оид ёқланган ишлар орасида мақолларни кўрардим. Мақол билан фразеологизмлар орасида қандайдир чегара борлигини ҳеч ким айта олмас эди… Мен Бекмуроднинг ишини ўқиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, демак, унинг ишидан ўрганиб, мақол ва фразеологизмларни аниқ фарқлаш, уларни мустақил бирликлар сифатида тасниф қилиш мумкин экан…”.

Филология фанлари доктори А.Маматов: “Ишда фразеологик бирликларнинг услубий маъноси, услубий функцияси ҳақида гап боради, уларнинг таснифи берилади, кейин норма масаласи тилга олинади, фразеологик бирликларнинг адабий тил нормасига муносабати масаласи ўрганилади… Бекмурод аканинг ютуғи шундаки, у ўз тадқиқотида бир томондан услубий функцияли фразеологизмларни ўрганса, иккинчи томондан норма бузилиш ҳолатларини тадқиқ этади, улар ўртасидаги фарқларни ажратиб беради. Бу диссертантнинг катта ютуғи саналади”.

Диссертациянинг авторефератига тақриз ёзган профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг таъкидлашига кўра, “фразеоло-гизмларнинг услубий фарқланишини монографик планда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

ушбу диссертация ўзбек лингвопоэтикаси, услубияти масалаларининг такомилида амалий дастур бўлиб хизмат қилади”.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети профессори, марҳум Шавкат Холматов ўз тақризида шундай хулосага келган эди: “Б.Йўлдошевнинг бу диссертацияси долзарб, мураккаб ва ғоят муҳим мавзуни тадқиқ этишга бағишланган, тугал, мукаммал ва йирик илмий асар сифатида ўзбек тилшунослигида янгиликдир, ўзбек филологияси ва стилистикаси тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир”.

Ана шундай фикр-мулоҳазаларни инобатга олган Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссияси ҳайъати ўзининг 1994 йил 27 октябрь қарори билан Б.Йўлдошевга филология фанлари доктори деган юксак илмий даражани беришни маъқул топган эди.

Б.Йўлдошев тилшунослик муаммолари билан бир қаторда адабиётшунослик, тил ўқитиш методикаси, таржимашунослик, қиёсий типология масалалари бўйича ҳам қатор илмий ишларнинг муаллифи саналади. Шунингдек, олим “Саид Аҳмад” (1977), “Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич” (1978), “Тилшунос олим” (1978), “Газета тили” (1984), “Ўзбекистон фольклори бўйича библиографик кўрсаткич” (1981, 1983), “Фразеология ва умумий тилшунослик бўйича библиографик кўрсаткич” (1984), “Раҳматулла Қўнғуров” (1993), “Профессор Ҳамдам Бердиёров” (2008), “Профессор Жўрабой Ҳамдамов” (2009), “Профессор Худойберди Дониёров” (2016), “Ўзбек фразеологияси” (2016) сингари бир қатор библиографик тадқиқотларнинг, илмий-назарий очеркларнинг яратилишида бевосита иштирок этган. Проф.Б.Йўлдошевнинг шу кунгача нашр этган илмий-назарий, услубий ва илмий-оммабоп характердаги ишлари жамланса 300 босма тобоқдан ошади.

Олимнинг Бухоро (1974, 1999, 2001, 2009, 2015), Бишкек (1986, 1991), Тошкент (1980, 1988, 1994, 2006, 2010, 2015, 2016), Гулистон (1987, 2003, 2015, 2016), Қарши (1989, 2004), Урганч (1992), Жиззах (1985, 1995, 2011, 2015, 2016), Термиз (2003, 2005, 2011, 2013, 2015), Қўқон (2003, 2006), Фарғона (2004, 2006, 2015), Навоий (1998, 2001, 2004, 2015, 2016), Самарқанд (1994, 1996, 1998, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007, 2010, 2011, 2014, 2015, 2016), Нукус (2005) шаҳарларида ўтказилган халқаро, бутуниттифоқ ва республика илмий-назарий анжуманларида қилган маърузалари мутахассисларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

1991-2006 йилларда олим СамДУ хузуридаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси эди. Б.Йўлдошев умрининг сўнги йилларида филология факультети илмий кенгаши аъзоси, университет илмий-техника комиссиясининг аъзоси, “СамДУ

илмий-тадқиқотлар ахборотномаси” журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида баракали меҳнат қилган. 2016 йилга қадар Б.Йўлдошев ўндан ортиқ номзодлик ва бир докторлик диссертациясига расмий ҳакамлик қилган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида Ф.Бобожонов, З.Пардаев, О.Турсунова, М.Вафоева сингари ёшлар номзодлик ишларини ҳимоя қилганлар.

Б.Йўлдошев 2016 йил 20 декабрда 70 ёшида вафот этди.

V - SHO‘BA: TANIQLI TILSHUNOS OLIM BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI RIVOJIGA QO‘SHGAN HISSASI

O‘ZBEK TİLSHUNOSLİGİNİNG YORQİN SİYMOSİ

(Professor Bekmurod Yo‘ldoshevning hayot yo‘li va frazeologik uslubiyat maktabi)

Almaz Ulviy BINNATOVA
filologiya fanlari doktori, professor
Ozarbayjon Milliy Ilmlar akademiyasi Nizomiy Ganjaviy nom. Adabiyot instituti Ozarbayjon-Turkmaniston-O‘zbekiston adabiy aloqalari bo‘limi mudiri,
O'zbekiston Respublikasining "Do'stlik" ordeni sohibi,
ulvialmaz@gmail.com; **orcid** – 0000-0001-7991-3969

Annotatsıya: Maqola zamonaviy o’zbek tilshunosligi va turkologiyasining yirik namoyandalaridan biri, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo’ldoshev (1947–2016) hayoti va uning boy ilmiy-pedagogik faoliyatiga bag’ishlangan. Tadqiqotda olimning o’zbek tilshunosligida frazeologik uslubiyat (stilistika) sohasini mustaqil fan sifatida shakllantirishdagi fundamental xizmatlari nazariy jihatdan tahlil qilingan. Muallifning lug’atchilik (lexicografiya) sohasidagi kamchiliklarga qaratilgan tanqidiy konsepsiyalari, frazeologik birliklarning funksional-uslubiy differensiaciyasi uchun ilgari surgan 6 ta metodologik mezonlari (etimologik, ichki shaklning jozibadorligi, semantik, ohangdoshlik, komponent va miqdoriy mezonlar) maqolada keng yoritilgan.

Shuningdek, maqolada B.Yo’ldoshevning o’zbek lingvofolkloristikasiga kiritgan yangiliklari, xususan, o’zbek xalq dostonlari ("Alpomish", "Ravshan", "Rustamxon") matnlarini kompyuter dasturlari va matematik-statistik metodlar yordamida o’rganish jarayoni tahlil etilgan. Olim rahbarligida tuzilgan chastotali izohli frazeologik lug’atlarning metodologik ahamiyati asoslab berilgan. Yakunda professor B.Yo’ldoshev yaratgan ilmiy maktabning zamonaviy turkologiya va nutq madaniyati rivojidagi fundamental o’rni alohida ta’kidlangan.

Kalit so‘zlar: Bekmurod Yo’ldoshev, o’zbek tilshunosligi, frazeologik uslubi-yot, lingvostatistika, o’zbek xalq dostonlari, leksikografiya, badiiy matn tahlili.

KIRISH.

Har bir xalqning milliy-madaniy tafakkurining, ma’naviy sarvatining va tarixiy yaddoshining korunub saqlanmasinda, inqishof etdirilmasinda tilshunos olimlarning, xususan tilning lug’at tarkibini va badiiy butunligini tadqiq etgan mutaxassislarning roli beqiyosdir. O’zbek xalqining badiiy til madaniyatini, xususan frazeologiyasini ilg’or ilmiy metodlar bilan tadqiq etib, bu sohada fundamental ilmiy maktab yaratgan shunday ulkan siymolardan biri filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo’ldoshevdir. Yarim asrdan ortiq davrni qamrab olgan ilmiy-pedagogik faoliyati bilan u faqat Samarqand va Navoiy ilmiy muhitidagina emas, balki butun Turkologiya olamida chuqur iz qoldirgan, o’zbek tilshunosligini yangi cho’qqilarga ko’targan.

ASOSIY MATN:

Olimning boy ilmiy merosi badiiy nutq uslubiyati, badiiy matnning lingvistik tahlili, lingvostatistika va xususan frazeologik uslubiyat sohalarini tubdan yangilagan. Ushbu maqola, professor Bekmurod Yo’ldoshevning sharafli hayot yo’lini, uning ilmiy-pedagogik faoliyatining asosiy bosqichlarini va o’zbek frazeologik uslubiyatining nazariy poydevorini qo’ygan fundamental asarlarini tizimli ravishda yoritish maqsadini tashiydi.

1. Bolalik yillari, tahsili va mehnat faoliyatining boshlanishi – Bekmurod Yo’ldoshev 1947 yil 9 iyulda O’zbekistonning Samarqand viloyati Paxtachi (sobiq Paxtakor) tumani Ziyovuddin shaharchasida, hunarmand-kulol (kosib-hunarmand) oilasida dunyoga kelgan. Ilk tahsilini tumandagi 14-sonli (hozirgi 22-sonli) o’rta maktabda olgan Bekmurod, hali yosh chog’laridanoq ilmga, badiiy adabiyotga va davriy matoratga katta havas ko’rsatgan. U, o’rta tahsilini yuqori muvaffaqiyat bilan – "Oltin medal" bilan tamomlagan. Hali maktab yillarida, 1962–1964 yillarda tahsildan ajralmagan holda Ziyovuddindagi qandolatchilik sexida usta yordamchisi bo’lib ishlashi uning mehnatsevar va intizomli inson bo’b shakllanishida mühim rol o’ynagan.

1964 yilda Alisher Navoiy nomidagi Samarqand Davlat universitetining (SamDU) o’zbek va tojik filologiyasi fakultetiga o’qishga kirgan B.Yo’ldoshev, bu yerda o’zbek tilshunosligi va adabiyotshunosligining Vohid Abdullayev, Ulug’ Tursunov, Hamdam Berdiyorov kabi mashhur fidoyilarining ma’ruzalarini tinglagan, ulardan chuqur ilmiy bilimlar olgan. Talabalik yillaridanoq ilmiy konferensiyalarda faol ishtirok etgan va "Faxriy yorliq"larga loyiq ko’rilgan yosh tadqiqotchi, 1968 yilda Bishkekda o’tkazilgan talabalar ilmiy konferensiyasida mashhur turkolog, akademik K.K.Yudaxin bilan uchrashish sharafiga muyassar bo’lgan.

1969 yilda universitetning "Imtiyozli diplomi" bilan tamomlab, bir muddat Samarqand viloyatining "Lenin yo’li" (hozirgi "Zarafshon") gazetasida korrektor,

adabiy xodim va tarjimon bo'lib faoliyat yuritgan. Ushbu matbuot tajribasi uning qalamining o'tkirlashishida, tilning jonli va yozma shakllarini chuqur anglashida, operativ va tezkor tafakkur qozonishida katta maktab vazifasini o'tagan.

2. Ilmiy faoliyati, dissertatsiya himoyalari va ijodiy yutuqlari – 1970 yilda ustozi professor Hamdam Berdiyorovning tavsiyasi bilan Samarqand Davlat universitetining yangi tashkil etilgan Umumiy tilshunoslik kafedrasiga o'qituvchi etib tayinlangan B.Yo'ldoshev, umrining oxirigacha oliy ta'lim va ilm-fan sohasidan ajralmagan. Olimning ilmiy izlanishlari o'zbek tilining uslubiyati, badiiy matn tahlili va frazeologiyasi ustiga qurilgan edi. Tinmay qilgan mahsuldor mehnati natijasi o'laroq u, ikki mühim ilmiy daraja dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildi:

1. Nomzodlik Dissertatsiyasi (1979): O'zbekiston Fanlar akademiyasining A.S.Pushkin nomidagi Til va adabiyot instituti huzuridagi Ixtisoslashgan ilmiy kengashda mashhur adib "Said Ahmad ijodining tili va uslubi" mavzusida dissertatsiya himoya qilib, filologiya fanlari nomzodi darajasini olgan. Bu ish badiiy matnda muloqot, monolog, polilog shakllaridan foydalanish, frazeologizm va maqollarning uslubiy imkoniyatlarini tadqiq etgan ilk mukammal badiiy-uslubiy tadqiqotlardan hisoblanadi. Ushbu ilmiy faoliyatning davomisi sifatida, olim 1982 yilda dotsent ilmiy unvonini olgan.

2. Doktorlik Dissertatsiyasi (1994): Yana o'sha institutning Ixtisoslashgan ilmiy kengashida o'zining fundamental tadqiqot ishini – "Zamonaviy o'zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari" mavzusini muvaffaqi-yatli himoya qilib, filologiya fanlari doktori olimlik darajasiga ko'tarilgan. Akade-miklar G'.Abdurahmonov, Sh.Rahmatullayev, Sh.Shoabdurahmonov kabi ulkan tilshunoslar bu ishni o'zbek tilshunosligida katta yangilik va frazeologiyaning rivojida mustasno bir bosqich sifatida yuqori baholaganlar. 2001 yilda olimga professor ilmiy unvoni berilgan.

3. Pedagogik-tashkiliy faoliyati va ilmiy rahbarligi – Professor B.Yo'ldoshev nafaqat kabinet olimi, balki juda iste'dodli tashkilotchi va fidokor pedagog ham edi. U yoshlarning ijtimoiy va ilmiy hayotida har doim oldingi saflarda bo'lgan. Universitet yillarida Talabalar ilmiy jamiyati raisi (1975–1977), keyingi yillarda esa oliy maktab tizimida mühim kafedralar mudiri va dekan lavozimlarida faoliyat yuritgan. Olimning ma'muriy va pedagogik faoliyatining asosiy yillnomasi quyidagicha:

- *1999–2000 yillar:* SamDUda Xalqaro jurnalistika va uslubiyat kafedrasi mudiri bo'lgan, bo'lajak jurnalistlarga adabiy tahrir va matorat tilidan dars bergan.
- *2000–2002 yillar:* Navoiy Davlat pedagogika instituti (NavDPI) O'zbek filologiyasi fakulteti dekani vazifasini bajargan. Uning rahbarligi davrida

ushbu fakultetda ilmiy salohiyat keskin ravishda ortib, fan nomzodlari soni qisqa muddatda 6 tadan 14 taga ko'tarilgan.

- *2002–2016 yillar:* SamDU O'zbek tilshunosligi kafedrasi professori sifatida ilmiy-pedagogik faoliyatini davom ettirgan, shu bilan birga nufuzli ilmiy jurnallar tahrir hay'ati a'zosi bo'lgan.

B.Yo'ldoshevning rahbarligida ko'plab yosh tadqiqotchilar ilmiy ishlarini muvaffaqiyatli himoya qilganlar. Uning bevosita ilmiy rahbarligida F.Bobojonov, Z.Pardayev, O.Tursunova, M.Vafoeva kabi yosh olimlar nomzodlik dissertatsiyalarini tamomlaganlar. Shuningdek, o'nlab magistrlar uning himoyasi ostida ilmiy ish yozib, magistrlik darajasini qo'lga kiritganlar. Olim rahbarlik qilgan talabalar orasida O'zbekiston Prezidenti Davlat stipendiyasiga loyiq ko'rilganlar va respublika olimpiadalarida faxriy o'rinlarni egallaganlar bo'lgan.

4. Boy ilmiy merosi va fundamental monografiyalari – Professor Bekmurod Yo'ldoshevning qalamidan chiqqan ilmiy, ilmiy-ommabop va metodik asarlarning umumiy hajmi *300 bosma taboqdan* ortiqdir. U 40 dan ziyod monoqrafiya, darslik va o'quv qo'llanmalarining, 300 dan ortiq ilmiy maqolalarning muallifidir. Olimning o'zbek tilshunosligining fundamental poydevorini tashkil etgan asosiy kitoblari quyidagilardan iborat:

- "Umumi tilshunoslik" (1974, 1979, 1982),
- "Badiiy nitq uslubiyati" (1982),
- "Adabiy til va badiiy uslub" (1988),
- "O'zbek badiiy nasrining uslubiy tahlili" (1989),
- "Frazeologiya tarixidan lavhalar" (1998),
- "Frazeologik uslubiyat asoslari" (1999),
- "Matn tilshunosligi" (2006),
- "Matematik va kompyuter tilshunosligi" (2007),
- "O'zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug'ati" (2008),
- "O'zbek tilining frazeologik stilistikasi" (2016, U.Rashidova bilan hammual-liflikda).

Olim o'zbek frazeologiyasining izohli va chastotali lug'atlarini tuzishda mustasno xizmatlar ko'rsatgan, til ma'lumotlarining kompyuter va lingvostatistik boshqaruv metodlari bilan ishlanishining asosini qo'ygan. U, shuningdek, Toshkent, Moskva, Sankt-Peterburg, Boku, Olmaota, Bishkek kabi xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy markazlarda o'tkazilgan konferensiyalarda ma'ruzalar bilan chiqish qilib, o'zbek ilm-fanini munosib ravishda taqdim etgan. Ilm-fandagi yuksak xizmatlari uchun 2006 yilda Xalqaro "Antique World" Fanlar akademiyasining akademiki etib saylangan, 2010 yilda esa "Iste'dod" jamg'armasi liniyasi bilan Xitoyning Shanxay universitetida axborrot texnologiyalari bo'yicha malaka oshirish kursini o'tagan.

5. O‘zbek frazeologik uslubiyatining nazariy asoslari – Professor Bekmurod Yo’ldoshev ilmiy merosining shoh asarini uning frazeologik birliklarning uslubiy imkoniyatlariga bag’ishlagan tadqiqotlari tashkil etadi. Olimning 1999 yilda nashr etilgan *“Frazeologik uslubiyat asoslari”* va umrining so’nggi yilida – 2016 yilda yorug’lik ko’rgan *“O’zbek tilining frazeologik stilistikasi”* nomli monoqrafiyalari o’zbek tilshunosligida bu sohani mustaqil bir fan sifatida shakllantirdi. B.Yo’ldoshevning rahbarligi va ustood olimlar (akademik Sh.Shoabdurahmonov, professorlar Sh.Rahmatullayev, A.Hojiyev, E.Begmatov) ilmiy maslahatlari bilan vujudga kelgan ushbu asarlar lug’atchilik va uslubiyatning kesishishida mühim nazariy baza yaratdi.

5.1. Leksikografik bo’shliqlarning tanqidiy tahlili – B.Yo’ldoshev ilgari surgan eng mühüm ilmiy-tanqidiy konsepsiyalardan biri o’zbek leksikografiyasi (lug’atchiligi) va frazeografiyasida mavjud bo’lgan bo’shliqlar bilan bog’liqdir. Muallif akademik V.V.Vinogradovun rus tilining lug’atlari uchun qilgan haqli tanqidlarini o’zbek lug’atchiligiga ham ijodiy ravishda tatbiq etgan. Olim isbotlar ediki, fundamental *“O’zbek tilining izohli lug’ati”* (ЎТИЛ va ЎТИЛ-5) seriyasida frazeologik birliklarning qarşisida ularning qaysi funksional uslubga (badiiy, ilmiy, publisistik, sўzlashuv va b.) tegishli ekanligini ko’rsatuvchi maxsus uslubiy belgilar (stilistik markerler) aksar hollarda berilmagan.

Ushbu metodologik kamchilik lug’atdan foydalanuvchilarda barcha iboralarning uslubiy jihatdan neytral degan noto’g’ri tasavvur uyg’otadi, lug’atning nutq madaniyati va til normalari sohasidagi ma’lumotnoma vazifasini pasaytiradi. B.Yo’ldoshevning asarlari uslubiy mezonlarni belgilash va lug’atlarda frazeologizmlarning uslubiy qatlamlarini aniq ko’rsatish maqsadiga xizmat qiladi.

5.2. Iboralarning uslubiy semantikasi va differensiya mezonlari – Professor Yo’ldoshev iboraning ma’no strukturasini sFormazning ma’no strukturasidan ko’ra murakkabroq hisoblaydi. Chunki iborada komponentlarning real, dastlabki leksik ma’nosi bilan butun ifodaning konnotativ ma’nosi orasida katta bir "uzilish" va ko’chma ma’noga ko’chish mavjud bo’ladi. Olim frazeologizmlarning uslubiy ma’nosini *ikki asosiy komponentga* ajratadi:

1. Ekspressiv-baho bo’yog’i: Iboraga emosionallik, ekspressivlik va ijobiy/ salbiy (ironiya, kinoya, hayrat) baholash chalasi yuklaydi.

2. Funksional-uslubiy bo’yoq: Iboraning konkret qaysi funksional uslubda (rasmiy-ish yuritish, ilmiy, publisistik, badiiy yoki maishiy-sўzlashuv) ishlatiishi kerakligining lingvistik singnalini beradi.

Tilshunoslik ilmida iboralarning uslubiy tegishliligini va ularning funksional uslublar bo’yicha taqsimlanishini aniqlash uchun professor B.Yo’ldoshev tomonidan *6 ta mühüm metodologik mezon (mezon)* ilgari surilgan va asarlarida keng shaklda tahlil qilingan:

- *Etimologik mezon:* Iboraning kelib chiqishi, tilda ilk yaratilgan muhiti uning uslubiy tabiatini bevosita shartlantiradi. Masalan, xalq jonli sўzlashuv tilidan va folklordan kelgan iboralar bilan bir qatorda, arab-fors tillaridan, shuningdek rus tilidan kalka (sўzmasўz tarjima) va yarim kalka yo'li bilan o'zbek adabiy tiliga o'tgan ifodalar farqli funksional uslubiy xususiyatlar tashiydi.
- *Ichki shaklning jozibadorligi (obrazlilik) mezoni:* Iboraning asosida turgan ko'chma obrazning (masalan, o'zbek tilidagi *"pichoq suyakka yetdi"*, *"ko'zini moashdek ochmoq"*) darajasi uslubiy ekspressiyaning darajasini aniqlaydi.
- *Semantik mezon:* Iboraning ifoda etgan mujarrad yoki konkret tushuncha-larning mohiyati, uning intellektual yoki emosional qatlamda joy olishi bilan bog'liqdir.
- *Ohangdoshlik (Ritm-qofiya) mezoni:* Ibora komponentlari orasida alliteraciya, assonans va ichki qofiyaning (masalan, *"eski tos, eski hammom"*) bo'lishi ifodani bevosita badiiy-folklor uslubiga yoki jonli sўzlashuv tiliga yaqinlashtiradi.
- *Komponent mezoni (Deaktualizaciya):* Ibora tarkibidagi arxaik, kitobiy yoki dialektal sformazlarning (masalan, fors mənşəli *"pora"*, *"jo"*) borligi va komponentlarning erkin ma'nolarini yo'qotib barqarorlashishi jarayoni uslubiy differensiasiyaga xizmat qiladi.
- *Miqdoriy mezon (Statistik ko'rsatkich):* Olim qayd etadiki, iboraning real uslubiy tabiati uning badiiy adabiyotda, publisistikada yoki muxtalif ijtimoiy qatlamlarning, personajlarning nutqida *ishlatilish chastotasi (statistika)* asosida daqiq muayyan qilinadi.

5.3. Frazeologizmlarning matnda funksional-uslubiy va ijodiy transformasiya imkoniyatlari – Professor B.Yo'ldoshevning tadqiqotlarida frazeologizmlarning badiiy matndagi roli faqat barqaror til vahidi sifatida qotirilgan shaklda o'rganilmaydi, ularning yozuvchi va shoirlar tomonidan fərdi shaklda o'zgartirilishi – *struktur-semantik transformasiya usullari* ham tizimga solinadi. Olim frazeologik uslubiyatning bu dinamik sohasini quyidagi kategoriyalar bo'yicha guruhlagan:

- *Komponentlarning almashtirilishi:* Ibora tarkibidagi barqaror komponentlar-dan birining fərdi muallif niyatiga muvofiq ravishda sinonimi yoki konnextual ma'noda yaqin boshqa bir sFormaz bilan almashtirilishi.
- *Kontekstual kengaytirish:* Ibora ichiga va atrofiga uning emosional-ekspressiv ta'sir kuchini oshiradigan, obrazni konkretlashtiradigan erkin leksik vahidlarning orttirilishi.
- *Frazeologik (Iyhom):* Matnda bir sFormazning bir vaqtning o'zida ham o'z real (haqiqiy) ma'nosi, ham ibora ichidagi tegishli bo'lgan ma'no qatlamni bilan to'qnashtirilib, keskin badiiy-satirik effekt yoki sFormaz o'yini yaratilishi jarayoni.

Olim shuningdek iboralarning adabiy til normasi (ortografiya, punktuasiya, uslub normalari) bilan o'zaro aloqasini tadqiq etgan, nutq nuqsonlarining va uslubiy xatolarning bartaraf etilishi uchun ilmiy asoslangan lug'atchilik metodologiyasini taklif etgan.

6. Folklor tilshunosligi va "lingvofolkloristika" sohasidagi yangiliklar – Professor B.Yo'ldoshevning o'zbek tilshunosligiga olib kelgan eng katta ilmiy yangiliklaridan biri ham o'zbek xalq dastanlarining, folklor matnlarining tilini riyziy-statistik va lingvostatistik metodlar bilan o'rganilishidir. Uning Dilbar O'rinboyeva bilan hammuallif bo'lgan *"O'zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug'ati"* ushbu sohada fundamental bir burilish nuqtasi bo'lgan.

6.1. Lingvostatistik metodologiyaning tatbiqi – Olimlar o'zbek folklorining shoh asarlari va milliy-ma'naviy pasporti hisoblangan *"Alpomish", "Ravshan" va "Rustamxon"* dastanlarining badiiy matnlarini to'liq shaklda maxsus dasturiy ta'minot vositasida kompyuter xotirasiga kiritib, fundamental lingvostatistik tahlil olib borganlar. Tadqiqot davomida umumiy hisobda *28,499 ta so'z shakli* statistik filtrdan o'tkazilgan va dastanlarning leksik hajmi aniqlik bilan guruhlangan:

- "Alpomish" dastoni – 14,029 ta so'z shakli (umumiy folklor matnining 49.2%i),
- "Ravshan" dastoni – 7,059 ta so'z shakli (24.7%i),
- "Rustamxon" dastoni – 7,411 ta so'z shakli (26.2%i).

Matnlarning chuqur tekshirilishi natijasida dostonlarda umumiy hisobda *1,041 ta unikal frazeologik vahidning* ishlatilgani va ularning umumiy takrorlanish (ishlatilish chastotasi) soni *1,641 marta* ekanligi to'liq daqiqligi bilan riyziy ravishda muayyan qilingan.

6.2. Riyziy ehtimollik formulasi va leksik-semantik guruhlar – Kitoibda tatbiq etilgan riyziy ehtimollik formulasi ($V = \frac{P \cdot K}{D}$) va maxsus ilmiy qrafiklar tildagi yangi so'z va badiiy ifodalarning dastan matnlarida duch kelinish qonuniyatlarini ilmiy shaklda asoslantiradi. Ushbu lingvostatistik tahlil vositasida dastanlarda eng mahsuldor bo'lgan leksik komponentlar aniqlangan. Masalan, dastan yaratuvchiligida inson a'zolari (somatizmlar) bilan bo'g'liq ifodalarning dominantlik tashkil etgani, konkret ravishda "bosh" (bosh) leksmasi bilan bo'g'liq 31 ta farqli ibaraning (umumiy ishlatilish chastotasi 105 marta), nutq faoliyati bilan bo'g'liq bo'lgan "gap" (so'z/suhbat) komponenti bilan esa 24 ta unikal ibaraning (umumiy ishlatilish chastotasi 43 marta) tasbit etilgani va leksik-semantik tahlilga jalb qilingani ko'rsatilgan.

Ushbu lug'atning unikal strukturasi ikki mühim qismdan iborat:

I Hissa (Frazeologizmlarning ishlatilish chastotasi jadvali): Dostonlarda qayd etilgan barcha frazeologik birlashmalar alifbo ketma-ketligida tizilgan va har bir ifodaning ro'parasida uning uch dastanning har birida alohida-alohida konkret

necha marta ishlatilganini ko’rsatuvchi daqiq statistik raqamlar berilgan (masalan, "Abgor bo’ldik" ifodasining faqat "Alpomish"da 1 marta, "Achchig’i kelib" ifodasining esa "Ravshan"da 6 marta ishlatilishi kimi).

II Hissa (Izohli lug’at): Hamin frazeologizmlarning har biri semantik ma’nosi xalq tilining injaliklariga muvofiq ravishda izohlanadi va dastan matnlaridan olingan konkret kontekstual sitatlar bilan ayon shaklda namoyish etiladi (masalan, "Abgor bo’lmoq" ifodasining ma’nosi *"sarson bo’lmoq, sarsongarchilik; nochorlik, nochor ahvolga tushmoq"* kimi sharhlanadi).

Professor B.Yo’ldoshevning ushbu yo’nalishdagi tadqiqotlari o’zbek lingvofolkloristikasida bir ilk bo’lish bilan birga, turk tillarining frazeologiyasini, dastanlarning til strukturasini va tarixiy rivojlanish qonuniyatlarini tadqiq etgan barcha turkologlar uchun fundamental, bebahor bir ilmiy manbadir.

SO‘NG SO‘Z

Umrini o’zbek tilining sofligiga, boyligiga, ilmiy saviyasining xalqaro miqyosda tanilinishiga va yosh avlodning yuksak intellektual ruhda tarbiyasiga bag’ishlagan professor Bekmurod Yo’ldoshev 2016 yil 20 dekabrda, 70 yoshida vafot etgan. Lekin uning qoldirib ketgan boy ilmiy maktabi, yozgan 40 dan ortiq kitob, o’quv qo’llanmasi va monoqrafiyalari, shakllantirgan yuzlab olim va pedagoglar armiyasi bugun ham uning nomini va ilmiy merosini katta ehtiram bilan yashatmoqda.

Uning raqamli, kompyuter va riyziy tilshunoslik metodlarini frazeologiya va folklor matnlariga tatbiq etgan ilmiy qarashlari bugungi zamonaviy tilshunoslikning rivojlanish yo’nalishlarini o’n yillar oldin muayyanlashtirgan. Professor Bekmurod Yo’ldoshev nafaqat o’zbek ilm-fanining, balki butun Turk dunyosining faxrlanadigan chuqur tafakkurli, obyektiv, adolatli va mehnatsevar bir intellektual siymosi sifatida ilm tarixida abadiy joyini olgan. Olimning aziz xotirasi va boy ijodiy merosi kelajak tadqiqotchilarning yo’llarini yoritishda davom etajak.

Bibliografiya (Asosiy ilmiy asarlari)

1. Yo’ldoshev B. *Umumiy tilshunoslik*. Samarqand: SamDU nashri, 1974 (Qayta nashrlari: 1979, 1982).
2. Yo’ldoshev B. *Badiiy nitq uslubiyati*. Samarqand: SamDU nashri, 1982.
3. Yo’ldoshev B. *Adabiy til va badiiy uslub*. Toshkent: Fan, 1988.
4. Yo’ldoshev B. *O’zbek badiiy nasrining uslubiy tahlili*. Toshkent: O’qituvchi, 1989.
5. Yo’ldoshev B. *Frazeologiya tarixidan lavhalar*. Samarqand: SamDU nashri, 1998.
6. Yo’ldoshev B. *Frazeologik uslubiyat asoslari*. Samarqand: SamDU nashri, 1999.
7. Yo’ldoshev B. *Matn tilshunosligi*. Samarqand: SamDU nashri, 2006.

8. Yo’ldoshev B. *Riyziy va kompyuter tilshunosligi*. Samarqand: SamDU nashri, 2007.

9. Yo’ldoshev B., O’rinboyeva D. *O’zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug’ati*. Toshkent: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.

10. Yo’ldoshev B., Rashidova U. *O’zbek tilining frazeologik stilistikasi (Monografiya)*. Toshkent: Navro’z nashriyoti, 2016.

Almaz Ulvi BİNNATOVA

A BRIGHT FIGURE OF UZBEK LINGUISTICS
(The Life Path and School of Phraseological Stylistics of Professor Bekmurod Yo’ldoshev)

Abstract: The article is dedicated to the rich scientific-pedagogical heritage and life path of Doctor of Philological Sciences, Professor Bekmurod Yo’ldoshev (1947–2016), one of the prominent representatives of modern Uzbek linguistics and Turkology. The study theoretically analyzes the scholar's fundamental contributions to establishing the field of phraseological stylistics as an independent discipline within Uzbek linguistics. The scholar's critical concepts regarding existing gaps in lexicography, along with the 6 methodological criteria he proposed for the functional-stylistic differentiation of phraseological units (etymological, attractiveness of internal form, semantic, harmonious/rhythmic, component, and quantitative criteria), are extensively highlighted in the paper.

Furthermore, the article examines B. Yo’ldoshev’s innovations in Uzbek linguofolklore studies, particularly the investigation of Uzbek heroic epics ("Alpomish", "Ravshan", "Rustamxon") using computer software and mathematical-statistical methods. The methodological significance of the frequency explanatory phraseological dictionaries compiled under his leadership is well-substantiated. In conclusion, the fundamental value of the scientific school formed by Professor B. Yo’ldoshev for modern Turkology and the culture of speech is strongly emphasized.

Keywords: Bekmurod Yo’ldoshev, Uzbek linguistics, phraseological stylistics, linguostatistics, Uzbek heroic epics, lexicography, literary text analysis.

B. YO‘LDOSHEV MEROSI – FRAZEOLOGIYA SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA ASOSIY MANBA

Pirniyazova A.K.
filologiya fanlari doktori (DSc), professor
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Taniqli olim, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo'ldoshevning o'zbek tilshunosligi Samarqand maktabining yorqin namoyandalaridan biridir. Turkiy tilshunoslar uni o’zbek frazeologiyasi, stilistika va kompyuter tilshunosligining taniqli mutaxassisi sifatida e’tirof etgan.

Olimning yaratgan "Badiiy nutq stilistikasi" (1982), "Said Ahmad asarlarining tili va uslubi" (1987), "O’zbek badiiy nasrining uslubiy tahlili" (1989), "O’ziniki bo‘lmagan nutqning grammatik-stilistik xususiyatlari va badiiy matndagi o’rni" (1992), "Badiiy asar tili va uslubi masalalari" (2001, 2006), "Ufq" trilogiyasining lingvopoetik tahlili masalalari" (2006) nomli monografiyalar, qo’llanmalar va ko’plab ilmiy maqolalari nafaqat o’zbek filologlari, balki barcha turkiyshunoslarga tanish va yo’l-yoriq bo’lib qolmoqda.

O’tgan asrning 70-yillaridan boshlab Bekmurod Yo’ldoshev frazeologiya, frazeografiya va frazeologik uslubiyat muammolarini tadqiq etish bilan uzluksiz shug‘ullangan. "O’zbek tilidagi frazeologizm-sarlavhalar haqida" (1979), "Frazeologiya va o’zbek tilini o’qitish" (1980), "Frazeologizmlarning grammatik tabiatiga doir" (1981), "Frazeologik variantlar va ularning ayrim uslubiy xususiyatlari" (1982), "Frazeologizmlarning struktur-grammatik va semantik xususiyatlari" (1985), "Navoiy asarlarida "bosh" komponentli frazeologizmlarning qo’llanilish xususiyatlari haqida" (1990), "Frazeologizmning so’z bilan funktsional munosabatiga doir" (1992) monografiya va qo’llanmalari, "Hozirgi o’zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funktsional-uslubiy xususiyatlari" (1994) nomli doktorlik dissertatsiyasi o’zbek frazeologiyasi rivojiga salmoqli hissa bo’lib qo’shildi.

Lug‘at tarkibining ma’lum qismini tashkil etuvchi frazeologizmlar xalq og‘zaki ijodida, badiiy asarlarda, xalqning og‘zaki so’zlashuv tilida keng qo’llaniladi. Tilshunoslikda lug‘at tarkibining alohida guruhi sifatida tan olinadigan frazeologizmlar haqidagi muammo qadimdan olimlarning e’tiborini o’ziga tortib kelmoqda. Antik dunyo ilmida frazeologiyaning bir necha masalalari bo’yicha tadqiqotni Aristotel boshlagani klassik filologiyadan ma’lum [5:86], turkiy filologiyada esa XIX asrda Mirza Kazambek (1802-1870) frazeologiya terminini qo’llagan [6:9].

Taniqli turkologlar S.K. Kenesbatyev, Sh. Rahmatullayevlarning maxsus tadqiqotlari turkiy frazeologiyasining paydo bo’lishi va rivojlanishiga katta yo’l

soldi. Sh. Raxmatullayevning nomzodlik dissertatsiyasi fe’l frazeologizmlarning xususiyatiga bag‘ishlangan [12].

Turkiy tillardagi frazeologizmlarni o’rganish qaysi yo’nalishlarda olib borilgani haqida bir qancha asarlarda so’z yuritildi [10;13]. Ayniqsa, B. Yo’ldoshev o’zbek tili frazeologiyasini o’rganishning paydo bo’lishidan boshlab XX asrda ham qaysi yo’nalishda o’rganilgani, frazeologik lug‘atlarning tuzilishi bo’yicha ishlarning barchasi bilan tanishib, ularning yo’nalishlarini aniqlab borgan [6]. Professorning bu tadqiqoti frazeologiya masalasi bilan shug‘ullanuvchi barcha filologlar uchun topilmas bibliografik ko’rsatkich bo’lib xizmat qilmoqda.

Qoraqalpoq tili frazeologizmlarga boy tillarning biri. Shunday bo’lsa-da ularni maxsus tadqiqot ishlari o’tgan asrning 60-yillariga to’g‘ri keladi. Professor E.Berdimuratov qoraqalpoq tilining leksikasiga oid yozgan ishida leksikaning bir qatlami sifatida frazeologizmlar haqida aytib o’tadi. "Adabiy tilning funksional uslublarining rivojlanishi bilan qoraqalpoq leksikasining rivojlanishi" monografiyasida frazeologizmlarning badiiy asarlar tilida tasviriy vosita sifatida qo’llanilishi ko’rib chiqilgan [3;4].

Qoraqalpoq tilidagi frazeologizmlarni maxsus ilmiy yo’nalishda o’rganish S.Nauruzbaeva tomonidan olib borildi. U frazeologizmlarning so’z turkumlariga munosabatiga etibor qaratdi. U 1967-yili Moskvada nomzodlik dissertatsiya yoqladi va monografiyasini nashrda e’lon qildi [8;9]. Ishda frazeologik birliklar termini qo’llaniladi. Ularning boshqa turg‘un so’z birikmalaridan va erkin so’z birikmalaridan farqini so’zlab, frazeologik omonimiya, antonimiya, sinonimiya, ko’p manolilik, variantlilik masalalariga to’xtaladi. Frazeologik birliklarning asosiy sakkiz belgisini ta’kidlab o’tadi.

G.Aynazarova 2000-yili Nukusda "Qoraqalpoq tilidagi simmetrik ikki komponentli frazeologizmlar" degan mavzuda nomzodlik dissertatsiya ishini muvaffaqiyatli yoqladi. U teng ikki komponentli frazeologizmlar masalasini ilmiy yo’nalishda tadqiq etdi. G.Aynazarovaning ishi frazeologizmlarni tuzilishi bo’yicha, shu jumladan, alohida bir tuzilishini, ikki komponentli frazeologizmlarning leksik-semantik va stilistik xususiyatlarini o’rganadi. Uning bu masalaga bag‘ishlangan maqolalari, o’quv qo’llanmalari nashr etildi [1;2].

Turkiy tilshunoslikda frazeologiyaning shakllanishi va rivojlanishini taniqli olim B. Yo’ldoshev uch davrga bo’lib qaraydi: I davr XVIII asrning o’rtalaridan XX asrning 30-yillarigacha bo’lgan davrni o’z ichiga oladi. Bu frazeologiyaning o’rganilishining yo’lga qo’yilgan vaqti.

II davr XX asrning 30-50-yillari. Bu tilshunoslikda frazeologiyaning alohida soha bo’lib shakllanish davri. III davr XX asrning 60-yillaridan boshlanib hozirgacha davom etib kelmoqda [6:4-5].

So’nggi davrda frazeologizmlarni o’rganish yo’nalishlari oldingi davrlardan boshqacha tus oldi. Frazeologizmlar - tilning leksik vositalaridan farqli murakkab til birliklari, insonning dunyoni obrazli bilishini, unga baho berishning aniq birliklari, konnotatsiyalardir. Bu haqida frazeolog olimlar B.Yo’ldoshev va U.Rashidova shunday yozadi: "Frazemani so’zga tenglashtirishdan ko’ra uning funktsional, leksik-semantik jihatdan so’zga muvofiq kelishi haqida aytish to’g‘riroq bo’lar edi, chunki frazema yakka so’z bildirgan manoni anglatish bilan birga, unga qo’shimcha yana bir holatni ham bildirib keladi. Shunday qilib, frazemaning so’zga semantik jihatdan to’liq mos kelmasligi ob’ektiv haqiqat" [7:77-78]. Frazeologizmlarni aniqlashda, ularni o’rganishning davrlarini belgilashda, shuningdek frazeologizmlarning chegarasini aniqlashda professor B. Yo’ldoshevning bergan tariflari, klassifikatsiyalari ko’pchilik tomonidan e’tirof etilgan. Ayniqsa biz doktorlik dissertatsiyamiz va monografiyamizni yozishda ushbu olimning ishlariga tayandik va ularni hisobga oldik [11].

Frazeologiyaning o’rganish ob’ektini aniqlashda ham B. Yo’ldoshevning fikri e’tiborga loyiq: ..."undan haqli ravishda bo’linmas leksik birliklar, jumladan maqol, matal, hikmatli so’z va aforizmlar chiqib ketadi, chunki ular strukturaviy jihatdan yaxlit holda qo’llaniladigan sintaktik birliklardir" [6:214].

Frazeologiya tilshunoslikning keng va maxsus sohasi bo’lib, u alohida tadqiqot ob’ekti jihatidan ajralib turadi. Tildagi turg‘un birikmalar deb umumiy nom bilan atalib yurgan til birliklariga idiomalar, frazeologik birikmalar, maqol-matallar, qo’shma terminlar va atamalar, aforizmlar, shtamplar va klishelar kiradi. Ularning har biri o’ziga xos belgilar bilan ajralib turadi, umumiy belgi ularning barqaror birikma ekanligida, tilda tayor holda uchrashida ya’ni tashqi shakllarida. Ammo ularning semantikasi har xil.

Hozirgi tilshunoslikda ustoz ta’kidlagan maqol, matal, hikmatli so’z va aforizmlar tilshunoslikning paremiologiya deb ataladigan sohasida o’rganiladi va u alohida soha sifatida shakllandi.

Qoraqalpoq tilidagi frazeologizmlarning o’rganilishi, muammolari professor B. Yo’ldoshevning nazaridan chetda qolgan emas. U o’zining ilmiy ishlarida qoraqalpoq tili frazeologizmlari haqidagi fikrlarni hisobga olib, ularga o’z fikrlarini bildirib keldi [6]. Qoraqalpoq tilshunosligida frazeologizmlarning o’rganilishi, bu sohadagi olimlar E. Berdimuratov, G. Aynazarova haqida o’z fikrlari bilan o’rtoqlashib keldi.

Faoliyati davomida B. Yo’ldoshev o’ndan ortiq nomzodlik va bitta doktorlik dissertatsiyasiga rasmiy hakamlik qilgan. Uning bevosita ilmiy rahbarligida Qoraqalpog‘istonlik, Qoraqalpoq davlat universiteti docenti, hozirgi kunda filologiya fanlari doktori F. Bobojonovning nomzodlik dissertatsiyasiga ilmiy rahbar bo’lgan.

So’nggi yillarda qoraqalpoq tilshunosligida frazeologiyaning Ustoz tomonidan ta’kidlagan ustuvor masalalari tadqiqot ob’ektiga aylanmoqda. Turkiy va boshqa tillarning frazeologiyasini qiyosiy tarzda o’rganish, ko’p tilli frazeologizmlar lug‘atini tuzish, qoraqalpoq tilining frazeologik izohli lug‘atini tuzish kabi masalalar bugungi kunda o’z echimini topmoqda.

Bugun atoqli olim va murabbiy xotirasini yod etar ekanmiz, u kishi nafaqat olimlik, balki tom ma’nodagi insoniyligi, yuksak ma’naviy fazilatlari bilan ko’z o’ngimizda gavdalanadi. Noyob tafakkur qobiliyati, zukkoligi va topqirligi, mehnatsevarligi bilan barchamizga ibrat bo’lgan ustozning xotirasi va siymosi xotiramizda mangu yashaydi.

Adabiyotlar

1. Айназарова Г. Қарақалпақ тилинде теңлес еки компонентли фразеологизмлер. Нөкис, 2005.
2. Aynazarova G. Qaraqalpaq tilinde ten’les yeki komponentli frazeologizmlerdin’ leksika-semantikali’q ha’m stillik wo’zgeshelikleri. No’kis: Qaraqalpaqstan, 2015.
3. Бердимуратов Е. Ҳәзирги қарақалпақ тили. Лексикология. Нөкис,1994.
4. Бердимуратов Е. Әдебий тилдиң функционаллық стиллериниң раўажланыўы менен қарақалпақ лексикасының раўажланыўы. - Нөкис: Қарақалпақстан,1973.
5. Бушуй А., Холиёров Л. Фразеология ва паремиология тарихидан // Тил ва адабиёт.-Тошкент, 2002, - №4, - Б.86.
6. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. - Самарқанд, 2007. – Б.9.
7. Йўлдашев Б., Рашидова У. Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси. Тошкент: Навруз,2016, Б.77-78.
8. Наурузбаева С. Типы именных фразеологических единиц каракалпакского языка и их отражение в каракалпакско-русском словаре. Автореф.дисс…канд.филол.наук.-Москва,1967.-Б.32.
9. Наурузбаева С. Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре.-Ташкент:ФАН, 1972.-Б.148.
10. Малиновский Е.А. История изучения проблем фразеологии в русском языкознании. Ташкент: Фан, 1991. Б.5-92.
11. Пирниязова А.К. Қаракалпақ тили фразеологиялық системасы ҳәм оның стилистикалық имканиятлары. Нөкис,2020.
12. Рахматуллаев Ш. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. Автореф. дисс…канд. филол. наук – Москва. 1952.- Б.16.

13. Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки по истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. Самарканд, 1975. Б.5-70.

BEKMUROD YO‘LDOSHEV – O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI RIVOJIGA MUNOSIB HISSASINI QO‘SHGAN OLIM VA USTOZ

Abdug‘ofur Mamatov,
Jizzax davlat pedagogika universiteti professori
Bibish Jo‘rayeva,
Buxoro davlat universiteti professori

O‘zbek tilshunosligi tarixida ayrim olimlarning ilmiy faoliyati muayyan bir davr yoki alohida tadqiqot doirasi bilan chegaralanib qolmaydi. Ularning izlanishlari tilshunoslikning bir necha yo‘nalishlarini qamrab olib, keyingi avlod tadqiqotchilari uchun ilmiy-metodologik asos vazifasini bajaradi. Filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev ana shunday serqirra ilmiy va pedagogik faoliyat egalaridan biri edi.

B.Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyati, ayniqsa, o‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi, frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari, badiiy nutq stilistikasi hamda umumiy tilshunoslik masalalarini o‘rganish bilan uzviy bog‘liq. Uning tadqiqotlari o‘zbek tilshunosligida frazeologik birliklarni funksional-uslubiy jihatdan tizimli o‘rganishga muhim turtki bo‘ldi. Xususan, olimning doktorlik tadqiqotida frazeologizmlarning funksional-uslubiy tasnifi, uslubiy tavsifi, uzual va okkazional qo‘llanish xususiyatlari, badiiy matndagi o‘rni hamda pragmatik imkoniyatlari keng tadqiq etildi.

Olimning hayot yo‘li ham uning ilmiy faoliyati singari ibratlidir. Bekmurod Yo‘ldoshev 1946-yil 9-iyulda Samarqand viloyatining Paxtachi tumanidagi Ziyovuddin qo‘rg‘onida kosib-hunarmand oilasida tug‘ilgan. 1953–1964-yillarda shu hududdagi maktabda tahsil olib, 1964-yilda o‘rta maktabni oltin medal bilan tamomlagan. 1964–1969-yillarda Samarqand davlat universitetining o‘zbek va tojik filologiyasi fakultetida o‘qib, universitetni imtiyozli diplom bilan tugatgan.

Uning keyingi faoliyati jurnalistika, oliy ta’lim va ilmiy tadqiqotning uzviy birligini namoyon etadi. Dastlab Samarqand viloyat gazetasida adabiy xodim va tarjimon sifatida faoliyat yuritgan olim 1970-yildan Samarqand davlat universiteti “Umumiy tilshunoslik” kafedrasida pedagogik faoliyatini boshlagan. 1979-yilda Said Ahmad asarlarining tili va uslubiga bag‘ishlangan nomzodlik dissertatsiyasini, 1994-yilda esa hozirgi o‘zbek adabiy tilidagi frazeologik birliklarning funksional-

uslubiy xususiyatlariga oid doktorlik dissertatsiyasini himoya qilgan.

Ana shu ilmiy izlanishlar natijasida B.Yo‘ldoshev o‘zbek tilshunosligida o‘ziga xos ilmiy yo‘nalishga ega bo‘lgan olim sifatida shakllandi.

Ilmga eltgan hayot yo‘li. Buyuk ilmiy natijalar ko‘pincha katta hayotiy tajriba, sabr va izchil mehnat mahsuli sifatida yuzaga keladi. B.Yo‘ldoshevning tarjimayi holi ham buni yaqqol tasdiqlaydi. U maktab yillaridanoq bilimga alohida qiziqish ko‘rsatgan, o‘qish bilan birga mehnat faoliyatini ham olib borgan. Avtobiografiyasida 1962–1964-yillarda o‘qishdan ajralmagan holda Ziyovuddindagi qandolatchilik sexida usta yordamchisi bo‘lib ishlagani qayd etiladi. Bu jihat olim shaxsiyatining muhim qirralaridan birini ko‘rsatadi: bilim olishga intilish amaliy mehnat bilan uyg‘unlashgan. Keyinchalik uning ilmiy va pedagogik faoliyatida ham ana shu mehnatsevarlik, izchillik va mas’uliyat yetakchi xususiyatlardan biriga aylangan.

Universitetni imtiyozli diplom bilan tamomlagach, uning mehnat faoliyati Samarqand viloyat matbuoti bilan bog‘landi. Gazeta muhiti bo‘lajak olim uchun nafaqat kasbiy tajriba, balki til va uslub masalalarini amaliy jihatdan kuzatish maktabi bo‘ldi. Ilmiy-biografik manbalarda uning gazeta tahririyatida musahhih, adabiy xodim va tarjimon sifatida ishlagani, shu davrda tarjimalari, xabar va maqolalari matbuotda e’lon qilingani qayd etiladi.

Bu tajriba keyinchalik uning badiiy matn, uslubiyat va nutq masalalariga qiziqishida muhim omil bo‘lgan, deyish mumkin. Chunki matbuot tili bilan amaliy ishlash til birliklarining real kommunikativ muhitdagi qo‘llanishini kuzatish imkonini beradi. B.Yo‘ldoshevning keyingi ilmiy faoliyatida esa aynan til birliklarining funksional imkoniyatlarini o‘rganishga alohida e’tibor qaratilgan.

1970-yildan Samarqand davlat universitetida pedagogik faoliyatini boshlashi uning hayotida yangi bosqichni boshlab berdi. U “Umumiy tilshunoslik”, “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”, “Tilshunoslikka kirish” kabi fanlardan dars bergan. Ilmiy-biografik manbalarda uning pedagogik faoliyati bilan bir qatorda tadqiqotchilik ishlarini ham muntazam olib borgani qayd etiladi.

Frazeologiya – B.Yo‘ldoshev ilmiy merosining muhim yo‘nalishi. B.Yo‘ldoshevning o‘zbek tilshunosligi rivojiga qo‘shgan hissasini baholashda, avvalo, uning frazeologiya sohasidagi tadqiqotlarini alohida qayd etish zarur bo‘ladi. Olimning bu yo‘nalishdagi ishlari o‘zbek frazeologik birliklarini shunchaki lug‘aviy birliklar sifatida qayd etishdan ko‘ra, ularning nutqdagi vazifasi, uslubiy imkoniyati va funksional xususiyatlarini tizimli o‘rganishga yo‘naltirilgani bilan ahamiyatlidir.

Uning “Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari” mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasi o‘zbek tilshunosligi uchun muhim ilmiy ishlardan biri sifatida e’tiborga molik. Mazkur tadqiqotda frazeologik birliklarning funksional-uslubiy tasnifi amalga oshirilgan, ularning

uslubiy tavsifi, uzual va okkazional funksiyalari, badiiy matndagi o‘rni va pragmatik imkoniyatlari aniqlangan.

Bu yondashuvning ilmiy ahamiyati shundaki, frazeologik birlikning mazmuni faqat lug‘aviy ma’no bilan chegaralanmaydi. U muayyan nutqiy vaziyatda ekspressivlik, baholash, obrazlilik, munosabat va kommunikativ maqsadni ifodalash kabi qo‘shimcha vazifalarni ham bajarishi mumkin. Demak, frazeologiyani funksional-uslubiy jihatdan o‘rganish til birliklarining real nutqdagi hayotini yanada chuqurroq anglash imkonini beradi.

B.Yo‘ldoshevning tadqiqotlari frazeologik me’yor masalasiga ham e’tibor qaratgani bilan ahamiyatlidir. Frazeologik birlik shakli yoki ma’nosining noto‘g‘ri qo‘llanishi adabiy til me’yoriga ta’sir qilishi mumkin. Shu bois frazeologiya va nutq madaniyati, frazeologiya va uslubiyat masalalarining o‘zaro aloqasi ilmiy jihatdan muhimdir.

Olimning frazeologiyaga oid ilmiy merosi birgina dissertatsiya bilan cheklanib qolmaydi. Uning “O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi masalalari”, “O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasining shakllanishi hamda taraqqiyoti”, “O‘zbek tilida polisemantik frazemalarni lug‘atlarda izohlash tamoyillari” kabi ilmiy ishlari ham bu yo‘nalishda yaratilgan sara ishlardandir.

Shuningdek, B.Yo‘ldoshev H.Berdiyev va R.Rasulov bilan hamkorlikda o‘zbek frazeologiyasi materiallarini to‘plash va tizimlashtirish ishlarida qatnashgan, ular hamkorligida “O‘zbek frazeologiyasidan materiallar”ning bir necha qismlari nashr etilgan. Bunday ishlar o‘zbek frazeologiyasining empirik bazasini boyitish, frazeologik birliklarni ilmiy tavsiflash va ularni lug‘aviy jihatdan tizimlashtirish uchun muhim zamin yaratgan.

Badiiy matn va uslubiyat tadqiqotchisi. B.Yo‘ldoshev ilmiy faoliyatining yana bir muhim qirrasi – badiiy matn tili va uslubiyat masalalariga bo‘lgan e’tiboridir. Uning dastlabki nomzodlik dissertatsiyasi Said Ahmad asarlarining tili va uslubiga bag‘ishlangan. Bu tadqiqot olimning til birliklarini badiiy-estetik makonda o‘rganishga bo‘lgan qiziqishini namoyon etadi.

Keyinchalik uning “Badiiy nutq stilistikasi”, “Adabiy til va badiiy stil” kabi ishlari shu ilmiy yo‘nalishning izchil davomiga aylandi. Badiiy matnni lingvistik o‘rganish tilning estetik imkoniyatlarini ochib berishda alohida ahamiyatga ega. Chunki badiiy asarda til birliklari faqat axborot yetkazish vositasi bo‘lib qolmay; obraz yaratish, qahramon xarakterini ochish, muallif munosabatini ifodalash va matnning emotsional-estetik ta’sirini kuchaytirish vazifalarini ham bajaradi.

Frazeologik birliklar, ayniqsa, ana shunday imkoniyatlarga boy. Ularning obrazliligi va milliy-madaniy mazmuni badiiy matnning ifoda imkoniyatlarini kengaytiradi. B.Yo‘ldoshevning frazeologiya va uslubiyat masalalarini bir-biri bilan bog‘liq holda o‘rganishi ham shu sabab ilmiy jihatdan alohida qiymatga ega.

Olimning ilmiy qarashlarida til birliklarining funksional tabiati, ularning konkret nutqiy sharoitdagi qo‘llanishi va uslubiy yuklamasi muhim o‘rin egallaydi. Bu esa tilni statik tizim sifatida emas, balki real kommunikativ jarayonda faoliyat ko‘rsatuvchi murakkab hodisa sifatida anglashga xizmat qiladi.

Frazeografiya va lug‘atshunoslikdagi xizmatlari. B.Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyatida frazeografiya ham alohida yo‘nalish sifatida shakllangan. Frazeografiya frazeologik birliklarni lug‘atlarda berish; ularning ma’nosi, variantlari, uslubiy xususiyatlari va qo‘llanish doirasini izohlash bilan bog‘liq murakkab nazariy-amaliy masalalarni qamrab oladi. Olimning “O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi masalalari” nomli monografiyasi aynan shu yo‘nalishdagi ilmiy izlanishlarining muhim natijalaridan biridir.

Shuningdek, B.Yo‘ldoshev K.Bozorboyev bilan hamkorlikda “O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati”ni yaratishda ishtirok etgan. B.Yo‘ldoshev va D.O‘rinboyevaning “O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug‘ati” ham olimning frazeografik faoliyatini ko‘rsatuvchi muhim ishlardan biridir.

Frazeologik lug‘at yaratish oddiy lug‘at tuzishdan farqli ravishda bir necha bosqichli ilmiy ishni talab qiladi: birliklarni aniqlash, ularning turg‘unligini belgilash, ma’nosini izohlash, variantlarini ajratish, uslubiy xususiyatlarini ko‘rsatish va real nutqiy qo‘llanishini hisobga olish lozim bo‘ladi. Shu nuqtayi nazardan B.Yo‘ldoshevning frazeografik ishlari o‘zbek tilining frazeologik boyligini tizimlashtirishga xizmat qildi.

Olim va ustoz: ilmiy maktabning shakllanishi. B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosini uning pedagogik faoliyatidan ajratib tasavvur qilish qiyin. Chunki olim nafaqat ilmiy tadqiqotlar yaratgan, balki o‘z bilim va tajribasini keyingi avlod tadqiqotchilariga yetkazgan ustoz sifatida ham tanilgan.

U uzoq yillar Samarqand davlat universitetida faoliyat yuritib, “O‘zbek tilshunosligi” kafedrasining rivojiga hissa qo‘shdi. Universitetning rasmiy ma’lumotlarida B.Yo‘ldoshev Samarqand davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi shakllanishi va rivojida faol ishtirok etgan olimlar qatorida qayd etiladi.Olimning pedagogik mahorati uning shogirdlari xotiralarida ham alohida e’tirof etiladi.

Olim rahbarligida bir qator yosh tadqiqotchilar nomzodlik dissertatsiyalarini muvaffaqiyatli himoya qilgan, shuningdek, B.Yo‘ldoshev ko‘plab dissertatsiyalarga taqriz va ekspert xulosalari tayyorlagan.

Bu faktlar B.Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyati individual tadqiqotlar bilan chegaralanmaganini ko‘rsatadi. U o‘z atrofida ilmiy muhitni shakllantirgan, yosh mutaxassislarning tadqiqotchilik ko‘nikmalarini rivojlantirishga ko‘maklashgan va o‘zbek tilshunosligining yangi avlodini tarbiyalashga xizmat qilgan.

Ilmiy merosining ko‘lami va zamonaviy ahamiyati. B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosi mavzu va yo‘nalishlar ko‘lami jihatidan ham serqirradir. Ilmiy-biografik manbalarda uning 20 dan ortiq kitob va 200 dan ziyod ilmiy hamda ilmiy-uslubiy maqolalar muallifi bo‘lgani qayd etiladi. Olim asarlari orasida matn tilshunosligi, o‘zbek onomastikasi, tilning ijtimoiy mohiyati, kompyuter lingvistikasi, hozirgi o‘zbek adabiy tili, badiiy proza uslubiyati va frazeologiyaga oid tadqiqotlar mavjud.

Olimning ilmiy ishlari O‘zbekiston doirasidagina qolib ketmagan. Uning maqolalari Moskva, Sankt-Peterburg, Qozon, Ufa kabi shaharlardagi hamda Ozarbayjon, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Turkiya, Eron, AQSh, Germaniya, Xitoy va Angliyadagi nashrlarda chop etilgan.

B.Yo‘ldoshevning ilmiy qiziqishlari vaqt o‘tishi bilan yangi yo‘nalishlarni ham qamrab olgan. Masalan, uning mustaqillik yillaridagi o‘zbek tilshunosligi rivojiga bag‘ishlangan maqolasi 2016-yilda “Xorijiy filologiya” jurnalida e’lon qilingan. Mazkur ishda mustaqillik davrida o‘zbek tilshunosligining rivojlanish bosqichlari va metodologik o‘zgarishlari tahlil qilingan.

Shuningdek, olim mustaqillik yillarida o‘zbek frazeologiyasining erishgan yutuqlari va istiqboldagi vazifalariga bag‘ishlangan tadqiqot ham yaratgan. Bu uning frazeologiyani faqat tarixiy yoki struktur hodisa sifatida emas, balki mustaqillik davridagi yangi ilmiy metodologiyalar asosida rivojlantirilayotgan soha sifatida ko‘rganini anglatadi.

Shu jihatdan B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosi bugungi tilshunoslik uchun ham metodologik ahamiyatini saqlab qoladi. Ayniqsa, frazeologiyaning funksional-uslubiy tabiati, frazeografiya, badiiy matn lingvistikasi va til birliklarining kommunikativ imkoniyatlarini o‘rganishda uning ilmiy qarashlari keyingi tadqiqotlar uchun muhim asos bo‘lib xizmat qiladi.

Bekmurod Yo‘ldoshevning hayot va ilm yo‘li o‘zbek tilshunosligining taraqqiyoti bilan chambarchas bog‘langan sermahsul ilmiy faoliyat namunasidir. U oddiy hunarmand oilasidan yetishib chiqib; o‘zining bilimga intilishi, izchil mehnati va ilmga sadoqati orqali filologiya fanlari doktori, professor va mamlakatimizda tanilgan tilshunos olim darajasiga ko‘tarildi. Uning hayot yo‘li yosh tadqiqotchilar uchun ilmiy izlanish va mehnatning ahamiyatini ko‘rsatadigan ibratli tajribadir.

Olimning frazeologik birliklar funksional-uslubiy xususiyatlarini tizimli tadqiq etishi; ularning uslubiy, pragmatik va badiiy matndagi imkoniyatlarini ochib berishi o‘zbek frazeologiyasining nazariy taraqqiyotiga muhim hissa qo‘shdi, uning doktorlik tadqiqoti o‘zbek tilshunosligida frazeologizmlarni funksional-uslubiy jihatdan tizimli o‘rganishdagi muhim ishlardan biri sifatida baholanadi.

Frazeografiya sohasidagi ishlari esa tilning frazeologik boyligini lug‘aviy jihatdan tizimlashtirish va ilmiy tavsiflashga xizmat qildi. B.Yo‘ldoshevning monografiyalari, lug‘at ishlari va hamkorlikdagi tadqiqotlari o‘zbek

frazeologiyasining nazariy hamda amaliy bazasini kengaytirdi.

B.Yo‘ldoshev faoliyatining yana bir muhim jihati – olim va ustoz sifatidagi faoliyatining uyg‘unligidadir. U o‘nlab yillar davomida Samarqand davlat universitetida pedagogik faoliyat olib borib, yosh filologlarni tarbiyalash, ilmiy tadqiqotchilarni shakllantirish va o‘zbek tilshunosligi maktabining davomiyligini ta’minlashga xizmat qildi.

2016-yil 20-dekabrda olimning vafoti o‘zbek tilshunosligi uchun og‘ir yo‘qotish bo‘ldi. Biroq haqiqiy olimning hayoti uning fiziologik umr chegarasi bilan tugamaydi. Olim kitoblari, ilmiy maqolalari, tadqiqot metodlari, shogirdlari va ilmiy g‘oyalari orqali ilmiy tafakkurda yashashda davom etadi.

Bugun B.Yo‘ldoshev nomi o‘zbek frazeologiyasi, frazeografiyasi va stilistikasi bilan bog‘liq ilmiy meros qatorida alohida o‘rin egallaydi. Uning ilmiy faoliyatini o‘rganish nafaqat bir olimning hayot yo‘lini yoritish, balki o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotining muhim bosqichlarini anglash imkonini ham beradi.

Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmga fidoyiligi, ustozlik maktabi va boy ilmiy merosi o‘zbek tilshunosligi tarixida munosib o‘rin egallaydi. Uning qoldirgan ilmiy merosi yangi avlod tadqiqotchilarini til sirlarini chuqurroq o‘rganishga, ilmiy izlanishni izchil davom ettirishga va ona tilimizning beqiyos imkoniyatlarini yanada kengroq tadqiq etishga chorlaydi.

UDK: 811.512.133:81'373

PROFESSOR BEKMUROD YO‘LDOSHEV: ILMIY MEROS VA O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI

Muhamedova Saodat Xudoyberdievna
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
«O‘zbek tili va uni o‘qitish metodikasi» kafedrasi mudiri,
filologiya fanlari doktori, professor

Annotatsiya: Ushbu maqolada filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshevning o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotiga qo‘shgan hissasi ilmiy tahlil qilingan. Olimning frazeologiya, badiiy matn lingvostilistikasi, umumiy tilshunoslik va til ta’limi sohalaridagi tadqiqotlari, mazkur tadqiqotlarning milliy tilshunoslik taraqqiyotidagi ahamiyati yoritilgan. Shuningdek, olimning ilmiy-pedagogik faoliyati, shakllantirgan ilmiy muhiti va zamonaviy o‘zbek tilshunosligiga ta’siri baholangan. Maqolada Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy merosi bugungi antropotsentrik va funksional tilshunoslik nuqtai nazaridan qayta talqin qilinib, uning nazariy qarashlarining dolzarbligi asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: Bekmurod Yo‘ldoshev, o‘zbek tilshunosligi, frazeologiya, lingvostilistika, badiiy matn, funksional uslubiyat, ilmiy maktab, til ta’limi.

PROFESSOR BEKMUROD YO‘LDOSHEV: SCIENTIFIC HERITAGE AND HIS PLACE IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK LINGUISTICS

Abstract: This article analyzes the scientific contribution of Professor Bekmurod Yo‘ldoshev, Doctor of Philological Sciences, to the development of Uzbek linguistics. Particular attention is paid to his research in phraseology, stylistics of literary texts, general linguistics and language teaching methodology. The paper evaluates the scholar's role in establishing a scientific school and training young researchers. His theoretical views are interpreted from the standpoint of modern anthropocentric and functional linguistics, demonstrating their continuing relevance for contemporary linguistic studies.

Keywords: Bekmurod Yo‘ldoshev, Uzbek linguistics, phraseology, stylistics, literary text, functional stylistics, scientific school, language education.

O‘zbekistonda mustaqillik yillarida milliy tilshunoslik yangi taraqqiyot bosqichiga ko‘tarildi. Bu jarayonda o‘zbek tilining nazariy asoslarini mustahkamlash, uning funksional imkoniyatlarini tadqiq etish, til birliklarining semantik va uslubiy tabiatini chuqur o‘rganishga qaratilgan tadqiqotlar alohida ahamiyat kasb etdi. Mazkur jarayonning shakllanishi va rivojida o‘z hayotini ilm-fan va ta’limga bag‘ishlagan yirik olimlarning xizmatlari beqiyosdir. Ana shunday olimlardan biri filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev bo‘lib, u o‘zbek frazeologiyasi, badiiy matn lingvostilistikasi, umumiy tilshunoslik hamda til ta’limi sohalarida yaratgan ilmiy tadqiqotlari bilan milliy tilshunoslik taraqqiyotiga salmoqli hissa qo‘shgan. Uning ilmiy merosi bir tomondan fundamental nazariy izlanishlarga, ikkinchi tomondan esa oliy ta’lim tizimi uchun darslik va o‘quv qo‘llanmalar yaratishga qaratilganligi bilan ajralib turadi. Professor Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyatini baholashda uning faqat alohida asarlarini emas, balki shakllantirgan ilmiy yo‘nalishi, tarbiyalagan shogirdlari va milliy tilshunoslik rivojiga ko‘rsatgan ta’sirini ham yaxlit tizim sifatida tahlil qilish muhimdir. Ayniqsa, frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlarini o‘rganishga bag‘ishlangan ishlari bugungi antropotsentrik va lingvomadaniy tadqiqotlar uchun ham muhim nazariy manba bo‘lib xizmat qilmoqda. Mazkur maqolaning maqsadi professor Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy merosini tizimli tahlil qilish, uning o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotidagi o‘rnini belgilash hamda olimning frazeologiya, badiiy matn lingvostilistikasi va umumiy tilshunoslik sohalaridagi nazariy qarashlarining zamonaviy tilshunoslik uchun ahamiyatini yoritishdan iborat.

Professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyati o‘zbek tilshunosligidagi bir necha muhim yo‘nalishlarni qamrab oladi. Olimning shakllanish jarayonida Samarqand davlat universitetining boy ilmiy muhiti, u yerda faoliyat ko‘rsatgan yirik tilshunos va adabiyotshunos olimlarning ilmiy an’analari muhim o‘rin tutgan. Talabalik yillaridanoq til va adabiyot masalalariga qiziqish bildirgan B.Yo‘ldoshev keyinchalik o‘zbek tilshunosligida o‘ziga xos ilmiy yo‘nalish yarata olgan yetuk olimlardan biriga aylandi. Olimning ilmiy merosida to‘rtta asosiy yo‘nalish alohida ajralib turadi: umumiy tilshunoslik, frazeologiya, badiiy matn lingvostilistikasi hamda lingvostatistik va kompyuter lingvistikasi masalalari alohida o‘rin tutadi. Bu yo‘nalishlarning har biri B.Yo‘ldoshev ijodida o‘zaro bog‘liq holda rivojlangan. Xususan, til birliklarining nafaqat shakliy, balki funksional va uslubiy xususiyatlarini o‘rganish uning barcha tadqiqotlariga xos asosiy tamoyil hisoblanadi. B.Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyatida badiiy matn tahlili alohida o‘rin egallaydi. Olim badiiy asar tilini o‘rganishda faqat til vositalarining grammatik xususiyatlarini emas, balki ularning estetik vazifasi, obraz yaratishdagi imkoniyatlari va muallif uslubini shakllantirishdagi rolini ham tadqiq etdi. Bu yondashuv o‘zbek lingvostilistikasi taraqqiyoti uchun muhim ilmiy ahamiyat kasb etdi. 1979 yilda himoya qilingan «Said Ahmad asarlarining tili va uslubi» mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasi olimning ushbu yo‘nalishdagi dastlabki yirik tadqiqotlaridan biri bo‘ldi. Mazkur ishda yozuvchi ijodidagi dialog, monolog, polilog shakllari, personajlar nutqining individuallashuvi, xalq tili elementlari va frazeologik birliklarning badiiy vazifasi ilmiy jihatdan tahlil qilindi. B.Yo‘ldoshevning mazkur tadqiqoti o‘zbek filologiyasida badiiy matnni lingvistik tahlil qilish an’analarining rivojiga katta hissa qo‘shdi. Olim badiiy asar tilini yozuvchining ijodiy mahoratini namoyon etuvchi murakkab tizim sifatida talqin qildi. Bu qarashlar keyingi davr o‘zbek lingvopoetikasi rivoji uchun muhim nazariy asos bo‘lib xizmat qildi.

B.Yo‘ldoshev o‘zbek frazeologiyasining rivojiga katta hissa qo‘shgan olimlardan biridir. Uning bu sohadagi tadqiqotlari frazeologik birliklarning ma’no xususiyatlari bilan cheklanib qolmay, ularning nutqiy jarayondagi vazifasi, uslubiy imkoniyatlari va matn tarkibidagi o‘rnini ochib berishga qaratilgan. Olimning frazeologiyaga oid eng muhim tadqiqotlaridan biri «Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari» mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasidir. Ushbu tadqiqot o‘zbek tilshunosligida frazeologik birliklarni funksional jihatdan o‘rganishga bag‘ishlangan yirik ilmiy ishlardan biri hisoblanadi. Mazkur tadqiqotda frazeologizmlarning uslubiy ma’nosi, ularning turli nutq sohalarida qo‘llanishi, adabiy til me’yori bilan munosabati, badiiy va publitsistik matndagi vazifalari kompleks tahlil qilingan. Olimning muhim ilmiy xulosalaridan biri shundaki, frazeologik birliklarni faqat tayyor ma’noli til vositasi sifatida emas,

balki muayyan kommunikativ va estetik vazifani bajaruvchi funksional birlik sifatida baholash lozim. B.Yo‘ldoshevning frazeologiya sohasidagi qarashlari bugungi kunda rivojlanayotgan lingvomadaniy tadqiqotlar bilan hamohangdir. Chunki frazeologizmlar xalqning milliy tafakkuri, tarixiy xotirasi va madaniy qadriyatlarini o‘zida aks ettiruvchi til birliklari sifatida namoyon bo‘ladi. Olimning professor Hamdam Berdiyorov va boshqa tilshunoslar bilan hamkorlikda amalga oshirgan frazeografik ishlari ham o‘zbek tili leksik boyligini o‘rganishda muhim ahamiyatga ega. «O‘zbek frazeologiyasidan materiallar» va «O‘zbek tili frazeologizmlarining lug‘ati» kabi ishlar nafaqat ilmiy tadqiqotlar uchun, balki ta’lim jarayoni uchun ham qimmatli manba bo‘lib xizmat qilmoqda.

Professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosida badiiy matn uslubiyati masalalari ham alohida o‘rin tutadi. Olim o‘z tadqiqotlarida badiiy asar tilini murakkab lingvistik-estetik hodisa sifatida talqin qildi. Uning fikricha, badiiy matnda qo‘llangan har bir til birligi muayyan kommunikativ vazifani bajarib, asar g‘oyasi, qahramon xarakteri va muallif munosabatini ifodalashga xizmat qiladi.

B.Yo‘ldoshevning «Badiiy nutq stilistikasi», «O‘zbek badiiy prozasining uslubiy tahlili», «Badiiy asar tili va uslubi masalalari» kabi ilmiy ishlarida badiiy nutqning o‘ziga xos xususiyatlari, til vositalarining estetik imkoniyatlari va uslubiy vazifalari keng yoritilgan. Bu asarlarda olim badiiy matn tahliliga kompleks yondashuvni taklif etadi: fonetik, leksik, grammatik va frazeologik vositalarning bir-biri bilan bog‘liq holda matn mazmunini shakllantirishdagi roli ochib beriladi. Ayniqsa, olimning personaj nutqini o‘rganishga bag‘ishlangan tadqiqotlari muhim ahamiyatga ega. Badiiy asarda qahramon nutqi uning ijtimoiy mavqei, dunyoqarashi, xarakter xususiyatlari va milliy-hududiy mansubligini ifodalovchi muhim vosita hisoblanadi. B.Yo‘ldoshev personaj nutqini individuallashtirish vositalarini tahlil qilish orqali yozuvchining uslubiy mahoratini ochib berishga harakat qildi. Olimning badiiy matn tahliliga oid qarashlari bugungi lingvopoetika va matn tilshunosligi tadqiqotlari bilan uyg‘unlashadi. Zero, zamonaviy tilshunoslikda ham matnni faqat til birliklarining yig‘indisi sifatida emas, balki muayyan maqsad va mazmunga ega bo‘lgan yaxlit kommunikativ tizim sifatida o‘rganish muhim yo‘nalishlardan biri hisoblanadi.

B.Yo‘ldoshevning ilmiy-pedagogik faoliyatida umumiy tilshunoslik masalalari ham muhim o‘rin egallaydi. U ko‘p yillar davomida Samarqand davlat universitetida talabalarga «Umumiy tilshunoslik», «Tilshunoslikka kirish», «Hozirgi o‘zbek adabiy tili» kabi fanlardan saboq berdi. Olimning mazkur sohadagi faoliyati faqat dars berish bilan cheklanmagan. U filologik ta’lim mazmunini takomillashtirish, o‘quv jarayoni uchun ilmiy-nazariy asoslangan darslik va qo‘llanmalar yaratish ishlarida ham faol ishtirok etdi. Uning «Umumiy tilshunoslik», «Tilshunoslikka kirish», «Umumiy tilshunoslik asoslari» kabi kitoblari bir necha avlod

filologlarining kasbiy tayyorgarligida muhim manba bo‘lib xizmat qildi. Professor B. Yo‘ldoshevning pedagogik mahorati uning ilmiy faoliyati bilan uyg‘un holda namoyon bo‘ldi. U talabalarni tayyor bilimlarni o‘zlashtirishga emas, balki til hodisalarini mustaqil tahlil qilishga, ilmiy mushohada yuritishga va nazariy xulosalar chiqarishga o‘rgatdi. Olimning ustozlik faoliyati natijasida bir qator yosh tadqiqotchilar yetishib chiqdi. Uning ilmiy rahbarligi va maslahatlari asosida filologiya sohasida tadqiqot olib borgan mutaxassislar bugungi kunda respublika oliy ta’lim muassasalari va ilmiy markazlarida faoliyat yuritmoqda.

Bu holat B. Yo‘ldoshevning ilmiy merosi faqat asarlarida emas, balki u yaratgan ilmiy muhit va shogirdlarida ham davom etayotganini ko‘rsatadi.

Professor B. Yo‘ldoshevning ilmiy merosi uning frazeologiya va badiiy matn uslubiyati sohasidagi tadqiqotlari bilangina cheklanmaydi. Olim o‘zbek tilshunosligida zamonaviy ilmiy yo‘nalishlarning shakllanishiga ham munosib hissa qo‘shgan. Ayniqsa, XXI asr boshlaridan boshlab tilshunoslik va axborot texnologiyalari integratsiyasi masalalariga e’tibor qaratishi uning ilmiy dunyoqarashi keng va zamon talablarini chuqur anglagan tadqiqotchi ekanini ko‘rsatadi. Ustoz matnni ilmiy tahlil qilishda an’anaviy filologik usullar bilan bir qatorda lingvostatistik metodlarning imkoniyatlarini ham o‘rgandi. Uning «Matnni o‘rganishning lingvostatistik metodlari» nomli o‘quv va uslubiy qo‘llanmalarida matn tarkibi, til birliklarining qo‘llanish chastotasi, statistik tahlil usullarining filologik tadqiqotlardagi ahamiyati yoritilgan. Olimning mazkur yo‘nalishdagi ishlari o‘zbek tilshunosligida matn tahliliga miqdoriy yondashuvni olib kirish, til hodisalarini ob’ektiv mezonlar asosida o‘rganish imkoniyatlarini kengaytirishga xizmat qildi. Bu esa keyinchalik kompyuter lingvistikasi, milliy til korpuslarini yaratish va elektron til resurslarini shakllantirish kabi zamonaviy yo‘nalishlar uchun muhim nazariy asos bo‘ldi. Uning «Matematik va kompyuter lingvistikasi» nomli uslubiy qo‘llanmasi (2007) o‘zbek filologiyasida tilshunoslik va aniq fanlar integratsiyasiga bag‘ishlangan muhim ishlardan biri hisoblanadi. Mazkur qo‘llanmada matematik modellashtirish, til birliklarini kompyuter vositalari yordamida tahlil qilish, lingvistik masalalarni hal etishda axborot texnologiyalaridan foydalanish masalalariga e’tibor qaratilgan. Olimning «Kompyuter lingvistikasi» nomli uslubiy qo‘llanmasi (2008) esa mazkur sohadagi izlanishlarining mantiqiy davomi bo‘ldi. Ushbu asarning keyinchalik to‘ldirilgan va takomillashtirilgan ikkinchi nashri (2008), uchinchi nashri (2012, K.Rajabova bilan hammualliflikda) amalga oshirilgani B.Yo‘ldoshevning mazkur yo‘nalishga jiddiy ilmiy-uslubiy yondashganini ko‘rsatadi. Bu ishlar orqali olim nafaqat yangi ilmiy yo‘nalish haqida ma’lumot berdi, balki filolog talabalar va yosh tadqiqotchilar uchun kompyuter lingvistikasining nazariy asoslari va amaliy imkoniyatlarini tushuntiruvchi muhim o‘quv manbalarini yaratdi. B.Yo‘ldoshevning kompyuter lingvistikasiga oid

qarashlari bugungi raqamli texnologiyalar davrida yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi kunda o‘zbek tili milliy korpusini yaratish, elektron lug‘atlar ishlab chiqish, avtomatik tahlil va tarjima tizimlarini takomillashtirish jarayonlarida lingvistik va kompyuter texnologiyalarining uyg‘unligi muhim omilga aylanmoqda. Shu nuqtai nazardan, professor B.Yo‘ldoshevni o‘zbek tilshunosligida nafaqat frazeologiya va uslubiyat maktabining yirik vakili, balki an’anaviy filologik tadqiqotlarni zamonaviy axborot texnologiyalari bilan bog‘lashga harakat qilgan, kompyuter lingvistikasi rivojiga ilmiy-uslubiy asos yaratgan olim sifatida ham baholash mumkin.

Bugungi tilshunoslikda tilni inson omili, milliy madaniyat va tafakkur bilan bog‘liq holda o‘rganish ustuvor yo‘nalishlardan biriga aylanmoqda. Shu nuqtai nazardan qaraganda, B.Yo‘ldoshevning ilmiy qarashlari zamonaviy tadqiqotlar bilan uyg‘un jihatlarga ega. Xususan, olimning frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlariga oid qarashlari bugungi lingvomadaniy, kognitiv va antropotsentrik tadqiqotlar uchun muhim nazariy asos vazifasini bajaradi. Chunki frazeologizmlar xalqning milliy tafakkuri, hayotiy tajribasi va madaniy qadriyatlarini ifodalovchi til birliklari sifatida tilshunoslikning dolzarb ob’ektlaridan biri bo‘lib qolmoqda. Professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosi shuni ko‘rsatadiki, tilni chuqur o‘rganish uchun uning ichki tiziminigina emas, balki qo‘llanish jarayoni, uslubiy imkoniyatlari va inson tafakkuri bilan bog‘liq jihatlarini ham tahlil qilish zarur. Shu ma’noda olimning ilmiy faoliyati o‘zbek tilshunosligida funksional yondashuvning shakllanishi va rivojlanishiga munosib hissa qo‘shgan muhim ilmiy bosqichlardan biri sifatida baholanishi mumkin.

Yirik olimning haqiqiy qiyofasi nafaqat uning ilmiy asarlari, ilmiy unvonlari va erishgan yutuqlari bilan, balki insonlarga bo‘lgan munosabati, ustozlik mas’uliyati va ma’naviy fazilatlari bilan ham belgilanadi. Shu ma’noda professor Bekmurod Yo‘ldoshev nafaqat o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shgan taniqli olim, balki yuksak axloqiy fazilatlarga ega, samimiy va fidoyi inson sifatida ham ko‘pchilik qalbida chuqur iz qoldirgan. Bekmurod Yo‘ldoshev ustozning hayot yo‘lidagi eng ibratli jihatlardan biri - ilm ahliga, ayniqsa, yosh tadqiqotchilarga bo‘lgan beg‘araz munosabati edi. U kishi katta ilmiy tajriba va nufuzga ega olim bo‘lishiga qaramasdan, hech qachon yosh izlanuvchilar bilan muloqotda masofa saqlamas, ularning ilmiy qiziqishlari, muammolari va izlanishlariga katta e’tibor bilan yondashar edi. Uning uchun yosh tadqiqotchiga yo‘l ko‘rsatish, ilmiy ishiga xolis baho berish, kerakli maslahat va tavsiyalar berish ustozlik burchining ajralmas qismi edi.

Professor B.Yo‘ldoshev Samarqand davlat universitetida ilmiy seminarlar faoliyatida ham alohida o‘rin tutgan. U kishi seminar raisi sifatida ilmiy muhitning shakllanishi, yosh olimlarning tadqiqotlarini qo‘llab-quvvatlash va ularning ilmiy

salohiyatini namoyon etishi uchun katta imkoniyatlar yaratgan. Ilmiy seminarlarda u kishining har bir chiqish va mulohazasi chuqur bilim, katta tajriba hamda xolis ilmiy mezonlarga asoslangani bilan ajralib turar edi. U seminarlarda tadqiqotchilarning ishlariga faqat kamchilik izlash nuqtai nazaridan emas, balki ularni ilmiy jihatdan takomillashtirishga yordam berish maqsadida yondashar edi. U kishi har bir yosh olimning mehnatiga hurmat bilan munosabatda bo‘lib, ilmiy ishning kuchli jihatlarini ko‘rsatar, mavjud muammolarni bartaraf etish yo‘llarini tushuntirar edi. Shu sababli ham u rahbarlik qilgan ilmiy muhitda erkin fikrlash, ilmiy bahs va ijodiy izlanish an’analari shakllangan edi.

Mening shaxsiy xotiralarimda ham Bekmurod Yo‘ldoshev ustozning ana shunday yuksak insoniy va ustozlik fazilatlari alohida o‘rin egallaydi. Nomzodlik dissertatsiyamni himoya qilish arafasida Samarqand davlat universitetida o‘tkazilgan ilmiy seminarda ishtirok etganimda, ustoz menga katta e’tibor va samimiyat bilan munosabat bildirgan edilar. U kishi mening ilmiy ishim bilan tanishib, o‘zlarining qimmatli fikrlari, tavsiyalari va maslahatlari bilan beg‘araz yordam ko‘rsatdilar. O‘sha uchrashuv men uchun nafaqat ilmiy jihatdan, balki ma’naviy tomondan ham katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Chunki o‘sha jarayonda men Bekmurod Yo‘ldoshev timsolida faqat bilimdon olimni emas, balki yoshlarni qo‘llab-quvvatlaydigan, ularning kelajakdagi ilmiy yutuqlariga ishonadigan haqiqiy ziyoli va ustoz insonni ko‘rdim. Ustozning bir so‘zliligi, qat’iyati, adolatliligi va odamlarga yaxshilik qilishga doimo tayyorligi uni bilgan insonlarning xotirasida hamisha saqlanib qoladi. U kishi ilmiy masalalarda talabchan va prinsipial bo‘lgani holda, insonlar bilan munosabatda nihoyatda samimiy va mehribon edi... Shu bois professor B.Yo‘ldoshevning merosi haqida so‘z yuritganda, uning ilmiy asarlari bilan bir qatorda, u yaratgan ma’naviy muhit, yosh olimlarga bergan ishonchi va ustozlik maktabi haqida ham alohida ta’kidlash lozim. Chunki haqiqiy olimning buyukligi nafaqat uning kashfiyotlarida, balki ilm yo‘liga kirgan avlodlarga qoldirgan. O‘sha davrda Bekmurod Yo‘ldoshev o‘zlariga murojaat qilgan har bir yosh tadqiqotchiga katta mas’uliyat va mehr bilan yondashar, ilmiy ishning mazmun-mohiyatini chuqur anglashga, tadqiqotni takomillashtirishga yordam berar edilar. U kishining bir so‘zliligi, qat’iyligi, haqiqatni aytishdan cho‘chimasligi, ayni paytda insonga bo‘lgan hurmati va e’tibori barchada katta taassurot qoldirardi. Ustozning yana bir ulug‘ fazilati - ilm ahliga, ayniqsa, yosh olimlarga ishonch bilan qarashi edi. U har bir iqtidorli tadqiqotchini qo‘llab-quvvatlash, uning ilmiy salohiyatini namoyon etishi uchun sharoit yaratishni o‘zining ustozlik burchi deb bilardi. Shuning uchun ham Bekmurod Yo‘ldoshev nomi bugun nafaqat yirik tilshunos olim sifatida, balki ko‘plab shogirdlar qalbida mehribon, talabchan va fidoyi ustoz sifatida ham yashab kelmoqda.

Xullas, professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosi o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotida alohida o‘rin tutadi. Uning frazeologiya, badiiy matn uslubiyati, umumiy tilshunoslik, lingvostatistika va kompyuter lingvistikasi sohalaridagi tadqiqotlari milliy filologiyamiz rivojiga katta hissa bo‘lib qo‘shildi. Olimning ilmiy faoliyatida an’anaviy tilshunoslik bilan zamonaviy tadqiqot usullarini uyg‘unlashtirish, til hodisalarini keng qamrovda tahlil qilish tamoyili ustuvor bo‘ldi. U o‘z asarlari, ilmiy g‘oyalari va tarbiyalagan shogirdlari orqali o‘zbek tilshunosligi rivojiga munosib hissa qo‘shdi. Professor B.Yo‘ldoshev tavalludining 80 yilligi munosabati bilan uning ilmiy merosini yana bir bor yodga olish, ustozlik faoliyatini qadrlash va yosh avlodga yetkazish har bir tilshunos uchun ma’naviy vazifadir. Zero, haqiqiy olimning umri uning yozgan asarlari, ilmiy maktabi va ezgu ishlari orqali davom etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Йўлдошев Б. Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби. – Самарқанд, 1987.
2. Йўлдошев Б. Ўзбек бадиий прозасининг услубий таҳлили. – Самарқанд, 1989.
3. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. – Тошкент, 1994.
4. Йўлдошев Б. Бадиий асар тили ва услуби масалалари. – Самарқанд, 2001.
5. Йўлдошев Б. Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.
6. Йўлдошев Б. «Уфқ» трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.
7. Йўлдошев Б. Математик ва компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007.
8. Йўлдошев Б. Компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008.
9. Йўлдошев Б., Ражабова К. Компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012.

БЕКМУРОД БОЛТАЕВИЧ ЙЎЛДОШЕВНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Келдибек Базарбаев

Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти,
ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигида фразеология ва фразеография соҳаларининг ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Бекмурод Болтаевич Йўлдошевнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти ва илмий мероси, олимнинг фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари, фразеологик услубият, фразеография, ўзлашма фразеологизмлар ҳамда ўзбек фразеологиясининг тараққиёт босқичларига бағишланган тадқиқотлари таҳлил қилинади. Шунингдек, Б.Йўлдошевнинг ўзбек фразеологияси тараққиётига оид назарий қарашлари ва мазкур соҳанинг истиқболли тадқиқот йўналишлари ҳақидаги фикрлари умумлаштирилади.

Тил халқнинг тарихи, миллий тафаккури, маданияти ва маънавий дунёқарашини акс эттирувчи муҳим ижтимоий ҳодисадир. Тилнинг лексик бойлиги таркибида алоҳида ўрин тутувчи фразеологик бирликлар эса халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси, урф-одатлари, миллий образлари ва дунёқарашини ўзида мужассамлаштирган ўзига хос тил бирликларидир.

Ўзбек тилшунослигида фразеологиянинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадал ривожланди. Кейинги даврда фразеологизмларнинг семантик, структур-грамматик, функционал-услубий ва прагматик хусусиятларини ўрганишга эътибор кучайди. Б.Йўлдошевнинг таъкидлашича, мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиясида структур-грамматик, семантик-услубий ҳамда функционал-прагматик йўналишларда муҳим натижаларга эришилган. [1]

Ана шу илмий жараёнда профессор Бекмурод Болтаевич Йўлдошевнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади.

1. Бекмурод Болтаевич Йўлдошевнинг ҳаёти ва илмий-педагогик фаолияти

Бекмурод Болтаевич Йўлдошев ўзбек тилшунослигида самарали илмий ва педагогик фаолият олиб борган олимлардан бири ҳисобланади. Унинг илмий қизиқишлари фразеология билан чекланиб қолмай, ўзбек адабий тили, услубият, матн тилшунослиги, ономастика, нутқ маданияти ва бошқа тилшунослик масалаларини ҳам қамраб олган. Олимнинг илмий фаолияти Самарқанд давлат университети билан узвий боғлиқ бўлиб, у мазкур даргоҳда

узоқ йиллар давомида талабаларга тилшунослик фанларидан сабоқ берган, илмий тадқиқотчиларга раҳбарлик қилган. СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси тарихига оид материалларда Б.Йўлдошевнинг кафедра илмий мактабини ривожлантиришдаги хизматлари алоҳида қайд этилади.

Б.Йўлдошевнинг илмий изланишлари натижасида номзодлик ва докторлик диссертациялари яратилди. Унинг докторлик тадқиқоти «Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари» мавзусига бағишланган. Диссертация 1993 йилда автореферат шаклида Тошкентда эълон қилинган. [2] Мазкур тадқиқот ўзбек фразеологиясини фақат луғавий маъно нуқтаи назаридан эмас, балки фразеологик бирликларнинг функционал ва услубий хусусиятлари асосида ўрганишга қаратилгани билан муҳимдир.

2. Б.Йўлдошевнинг илмий мероси

Б. Йўлдошевнинг илмий мероси серқирра бўлиб, уни шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин: ўзбек фразеологияси; фразеография; фразеологик услубият; бадиий матн тили ва услуби; функционал услубият; матн тилшунослиги; ономастика; нутқ маданияти; умумий тилшунослик; ўзбек адабий тили масалалари.

Олимнинг фразеология соҳасидаги асосий ишлари қаторига «Фразеологик услубият асослари», «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти», «Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари» каби тадқиқотларни киритиш мумкин.

Айниқса, «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» монографиясида ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг қарийб бир асрлик шаклланиш ва тараққиёт босқичлари ёритилган. Асарнинг 2013 йилги тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри 116 саҳифадан иборат. [3]

3. «Фразеологик услубият асослари» асарининг илмий аҳамияти

Б. Йўлдошевнинг «Фразеологик услубият асослари» асари ўзбек тилшунослигида фразеологизмларнинг услубий имкониятларини махсус ўрганишга бағишланган муҳим тадқиқотлардан биридир. Асарда фразеологик бирликларнинг нутқдаги вазифаси, уларнинг таъсирчанлик хусусияти ва турли услубларда қўлланиши масалаларига эътибор қаратилади. Фразеологизм оддий сўз бирикмасидан фарқли равишда кўпинча тайёр ҳолда қўлланади ва яхлит маъно англатади. Масалан: кўзига уйқу келмаслик — ухлай олмаслик; юраги орқасига тортиб кетмоқ — қаттиқ қўрқмоқ; боши осмонга етмоқ — жуда хурсанд бўлмоқ; оғзи қулоғида — ниҳоятда хурсанд; кўз очиб юмгунча — жуда тез, қисқа вақтда. Бундай бирликларнинг муҳим

хусусияти шундаки, улар фақат маълумот бермайди, балки образлилик, эмоционаллик ва экспрессивлик ҳам ҳосил қилади. Шу жиҳатдан Б.Йўлдошевнинг фразеологизмларни услубий восита сифатида ўрганиши ўзбек тилшунослиги учун муҳим назарий аҳамиятга эга.

4. Фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари

Б.Йўлдошевнинг докторлик диссертациясининг асосий мавзуси айнан фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятларига бағишланган. [2]

Функционал-услубий ёндашув фразеологизмларни фақат «маъноси нима?» деган савол асосида эмас, балки уларнинг қайси нутқ шароитида, қандай мақсадда ва қандай таъсир билан қўлланган нуқтаи назаридан таҳлил қилишни талаб этади. Масалан, расмий нутқда фразеологизмлар нисбатан чекланган бўлиши мумкин. Бадиий адабиётда эса уларнинг қўлланиш имконияти жуда кенг. Бадиий матнда фразеологизм: қаҳрамон характерини очади; унинг руҳий ҳолатини ифодалайди; воқеага муносабатни билдиради; матннинг эмоционал таъсирини кучайтиради; образлиликни таъминлайди; миллий колоритни юзага чиқаради. Шунинг учун фразеологизмлар бадиий нутқнинг муҳим таъсирчан воситаларидан ҳисобланади.

5. Фразеология ва фразеография

Фразеология билан узвий боғлиқ соҳалардан бири — фразеографиядир. Фразеография фразеологик бирликларни луғатларда қайд этиш, уларнинг маъносини изоҳлаш, услубий белгиларини кўрсатиш ва зарур ҳолларда мисоллар билан бериш масалаларини қамраб олади. Б.Йўлдошев ўз тадқиқотларида ўзбек фразеографиясининг шаклланиш ва тараққиёт тарихини ҳам тизимли ўрганган. Унинг «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» монографиясида мазкур соҳанинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. [3] Олимнинг бу йўналишдаги ишлари фразеологик луғатларнинг яратилиши ва фразеографик тадқиқотларнинг илмий асосларини такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

6. Ўзбек фразеологиясининг тараққиёти ҳақидаги қарашлари

Б.Йўлдошевнинг «Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар» мақоласи олимнинг мазкур соҳадаги умумлаштирувчи тадқиқотларидан бири ҳисобланади. Мақола «Хорижий филология» журналида 2017 йилда, олим вафотидан кейин нашр этилган; таҳририят маълумотига кўра, олим мақолани 2016 йил охирида таҳририятга тақдим этган. [1]

Мақолада мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси бўйича бажарилган диссертациялар, яратилган монографиялар, мақолалар ва луғатлар таҳлил қилинади.

Муаллиф ўзбек фразеологиясида: структур-грамматик; семантик-услубий; функционал-прагматик йўналишларда сезиларли илмий натижаларга эришилганини таъкидлайди. [1] Шу билан бирга, олим фразеология соҳасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатади.

7. Фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари

Фразеологик бирликларнинг энг муҳим белгиларидан бири — семантик яхлитликдир. Масалан: «дўпписини осмонга отмоқ» иборасини сўзма-сўз тушуниш унинг ҳақиқий маъносини бермайди. Бу фразеологизм «жуда хурсанд бўлмоқ» маъносини англатади.

Шунингдек: «юраги шувиллаб кетди» — қаттиқ хавотирга тушмоқ; «боши қотмоқ» — муаммо устида кўп ўйламоқ; «кўнгли тоғдек кўтарилмоқ» — руҳан кўтарилмоқ, хурсанд бўлмоқ. Демак, фразеологизмларда сўзларнинг алоҳида маъносидан ташқари, яхлит кўчма маъно шаклланади. Б.Йўлдошев фразеологик бирликларнинг ана шу маъно ва услуб муносабатларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратган. [2; 3]

8. Фразеологизм ва миллий тафаккур

Фразеологизмларнинг яна бир муҳим хусусияти — уларда халқнинг миллий тафаккури акс этишидир. Масалан, ўзбек тилидаги: «нон-насибаси», «дўпписини осмонга отмоқ», «кўзга сурма қилмоқ», «қўли очиқ», «кўнгли оқ» каби ифодалар халқнинг турмуш тарзи ва миллий тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли фразеологияни ўрганиш тилшунослик доирасидан чиқиб, лингвомаданиятшунослик билан ҳам алоқадор бўлади. Б.Йўлдошевнинг фразеологияга оид тадқиқотларида фразеологизмларнинг маъноси, услубий хусусиятлари ва нутқдаги вазифасини комплекс ўрганишга интилиш ана шу жиҳатдан муҳимдир.

9. Ўзлашма фразеологизмлар

Ўзбек тили фразеологик тизимида ўзлашган фразеологик бирликлар ҳам муайян ўринга эга. Тиллар ўртасидаги маданий, адабий, сиёсий ва ижтимоий алоқалар натижасида бир тилдаги айрим фразеологик бирликлар бошқа тилга кириб келиши мумкин. Б.Йўлдошев ва Г.Адашуллаеванинг «Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари» номли монографияси айнан шу масалага бағишланган. [4]

Унда ўзлашма фразеологизмларнинг: семантик хусусиятлари; услубий бўёғи; тилда қўлланиш даражаси; ўзбек тили фразеологик тизимидаги ўрни каби масалаларга эътибор берилган.

10. Б. Йўлдошевнинг ўзбек фразеологиясига қўшган асосий ҳиссаси

Олимнинг илмий меросини умумлаштириб, унинг фразеология соҳасидаги хизматларини қуйидагича баҳолаш мумкин:

Биринчидан, фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятларини махсус ва тизимли тадқиқ қилди.

Иккинчидан, фразеологик услубиятнинг назарий ва амалий масалаларини ривожлантирди.

Учинчидан, ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг тарихий тараққиёт босқичларини умумлаштирди.

Тўртинчидан, фразеологизмларнинг бадиий матндаги услубий имкониятларини ёритди.

Бешинчидан, ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятларини ўрганишга ҳисса қўшди.

Олтинчидан, ўзбек фразеологиясининг истиқболдаги тадқиқот йўналишларини белгилашга ҳаракат қилди. [1; 3; 4]

11. Олимнинг илмий меросининг бугунги аҳамияти

Б. Йўлдошевнинг тадқиқотлари бугунги ўзбек тилшунослиги учун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги тилшуносликда фразеологизмларни: когнитив тилшунослик; лингвомаданиятшунослик; лингвопрагматика; корпус тилшунослиги; қиёсий тилшунослик; компьютер лингвистикаси нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятлари кенгаймоқда. Б.Йўлдошев ўзининг сўнгги тадқиқотларида ҳам ўзбек фразеологиясини янада чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлаган. У, жумладан, ўзлашма фразеологизмлар, фразеологик калькалар, умумтуркий ва байналмилал фразеологик қатламлар каби масалаларни келгуси тадқиқотлар учун муҳим деб ҳисоблаган. [1]

Бекмурод Болтаевич Йўлдошев ўзбек тилшунослигида ўзига хос илмий мактаб яратган, айниқса фразеология, фразеография ва фразеологик услубият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган олимдир. Унинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари» докторлик диссертацияси фразеологизмларни функционал-услубий нуқтаи назардан тизимли тадқиқ этишга бағишланган муҳим илмий ишдир. [2]

«Фразеологик услубият асослари» асари эса фразеологик бирликларнинг нутқдаги услубий имкониятларини ўрганиш учун муҳим назарий-амалий манба ҳисобланади. [5]

Олимнинг «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» монографияси ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг тарихий ривожини умумлаштирган муҳим тадқиқотдир.[3]

Б.Йўлдошевнинг илмий қарашларида фразеологизм оддий турғун бирикма эмас, балки тилнинг семантик, услубий, функционал, прагматик ва миллий-маданий имкониятларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб бирлик сифатида намоён бўлади.

Шу маънода, Бекмурод Болтаевич Йўлдошевнинг илмий мероси ўзбек фразеологиясининг кечаги тараққиётини ўрганиш билан бирга, унинг замонавий ва истиқболдаги тадқиқот йўналишларини белгилашда ҳам муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган илмий адабиётлар:

1. Йўлдошев Б. Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар // Хорижий филология. — 2017. — №1. — Б. 11 ва кейинги бетлар.

2. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. — Тошкент, 1993.

3. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашр. — Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. — 116 б.

4. Йўлдошев Б., Адашуллаева Г. Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари. — 2012.

5. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. — Самарқанд, 1999.

6. Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига оид тадқиқотлар ва фразеографик манбалар. — Самарқанд.

7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. — Тошкент, 1992.

8. Йўлдошев Б., Бозорбоев К. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. — Самарқанд, 1998.

9. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВНИНГ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ТИЛШУНОСЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Келдибек Базарбаев

Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Мазкур мақолада таниқли ўзбек тилшуноси, филология фанлари доктори, профессор Бекмурод Йўлдошевнинг қардош туркий халқлар тилшунослари билан илмий-маърифий алоқалари ва уларнинг ўзбек тилшунослиги, хусусан, фразеология ҳамда фразеография тараққиётидаги аҳамияти ёритилади. Олимнинг ўзбек тили фразеологик тизимини бошқа туркий тиллар билан қиёсий ўрганишга доир қарашлари, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, уйғур, татар ва бошқа туркий тиллар фразеологияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга муносабати таҳлил қилинади. Б.Йўлдошевнинг илмий меросида қардош тиллар материалларидан фойдаланиш тиллар ўртасидаги муштараклик ва миллий ўзига хосликни аниқлашнинг муҳим методологик воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослиги тараққиётида фразеологиянинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланишида Бекмурод Йўлдошевнинг алоҳида ўрни бор. Олим ўз тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари, адабий тил меъёри, матндаги прагматик имкониятлари, фразеологик шаклланиш ва фразеография масалаларига кенг эътибор қаратган.

Б.Йўлдошевнинг илмий фаолиятини фақат ўзбек тили доирасида олиб борилган тадқиқотлар билан чеклаб бўлмайди. Унинг фразеологияга оид ишларида бошқа туркий тиллар материаллари, туркий тилшуносликда шаклланган назарий қарашлар ва қардош халқлар тилшуносларининг тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. Олимнинг «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» асарида туркий тиллар фразеологиясининг ўрганилишига кенг тўхталиб, турли туркий халқлар тилшуносларининг илмий ишларини тизимлаштиргани бунинг яққол далилидир.

1. Б.Йўлдошев тадқиқотларида туркий тиллар омили

Туркий тиллар генетик жиҳатдан яқин тиллар оиласига мансуб бўлгани сабабли уларнинг лексик, грамматик ва фразеологик тизимларида умумий хусусиятлар билан бир қаторда ҳар бир халқнинг тарихий-маданий тараққиётини акс эттирувчи миллий белгилар ҳам мавжуд.

Б.Йўлдошев ўзбек фразеологиясининг тараққиётини таҳлил қилар экан, туркий тиллар фразеологиясига оид тадқиқотларни ҳам назардан четда

қолдирмайди. У туркий тиллар фразеологияси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг умумий манзарасини кўрсатиш билан бирга, ўзбек фразеологик тизимини бошқа тиллар билан қиёсий ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Бу ёндашув олимнинг тилни ёпиқ тизим сифатида эмас, балки тарихий, маданий ва этник муносабатлар билан боғлиқ ҳодиса сифатида талқин қилганини кўрсатади.

2. Қорақалпоқ тилшунослиги билан илмий муштараклик

Б.Йўлдошевнинг илмий меросида қорақалпоқ тилига оид фразеологик тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг сабаби ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг яқинлиги, икки халқнинг кўп асрлик маданий ва тарихий алоқалари ҳамда тиллар лексик-фразеологик қатламидаги муштаракликлардир.

Олим ўз асарларида қорақалпоқ тилшунослиги вакили Ж. Ешбаевнинг «Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги» асарини, С.Наурызбаеванинг қорақалпоқ тили фразеологиясига оид тадқиқотларини, шунингдек, қорақалпоқ тилшуносларининг бошқа ишларини тилга олади. Қорақалпоқ тили фразеологиясига бағишланган кейинги тадқиқотларда ҳам Б.Йўлдошевнинг «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» асари муҳим манбалардан бири сифатида келтирилади.

Бу илмий муносабатни бир томонлама таъсир эмас, балки ўзбек ва қорақалпоқ тилшунослиги ўртасидаги илмий фикр алмашинуви сифатида баҳолаш мумкин.

Айниқса, қорақалпоқ тилшунослигида фразеологиянинг ҳажми ва чегараси, фразеологик бирликларнинг турлари, уларнинг услубий хусусиятлари каби масалалар ўрганилган. Бунда ўзбек фразеологияси бўйича Б.Йўлдошевнинг ишларига мурожаат қилиниши икки қардош тил илмий мактаблари ўртасидаги методологик яқинликни кўрсатади.

3. Ўзбек–қорақалпоқ фразеологиясини қиёсий ўрганиш

Б.Йўлдошевнинг илмий қарашлари учун қиёсийлик муҳим методологик тамойиллардан биридир. Фразеологик бирликларни қиёсий ўрганиш орқали муайян иборанинг умумтуркий хусусиятлари, миллий-этник белгиси ва бошқа тиллардан фарқли жиҳатларини аниқлаш мумкин.

Кейинги қорақалпоқ тилшунослигида ҳам ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги фразеологизмларни қиёсий ўрганиш зарурлиги таъкидланган. Хусусан, туркий тиллар — қорақалпоқ, ўзбек ва қозоқ тилларидаги айрим фразеологизмлар қиёсий таҳлил қилинган тадқиқотлар мавжуд.

Бундай тадқиқотларда Б.Йўлдошевнинг илмий мероси назарий таянчлардан бири бўлиб хизмат қилган. Унинг ўзбек фразеологиясини

умумтуркий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилиши қардош тиллар материалини қиёсий ўрганиш учун кенг имконият яратади.

4. Қозоқ тилшунослиги билан илмий яқинлик

Қозоқ тили ҳам ўзбек тилига энг яқин қардош туркий тиллардан бири сифатида фразеологик қиёслашлар учун муҳим манба ҳисобланади.

Б.Йўлдошев ўз тадқиқотларида туркий тиллар фразеологиясининг умумий тараққиёт жараёнларини ёритар экан, қозоқ тилшунослигидаги фразеологик луғатчилик ва тадқиқотларга ҳам мурожаат қилади. Жумладан, С.Кенесбаевнинг «Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі» асари туркий тиллар фразеографияси тарихида муҳим манба сифатида қайд этилади.

Ўзбек ва қозоқ тилларидаги фразеологизмларни қиёсий ўрганиш нафақат тилларнинг генетик яқинлигини, балки халқларнинг умумий тарихий-маданий қатламларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Масалан, кейинги тадқиқотларда ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида сонлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар махсус қиёсий ўрганилган. Бу йўналиш Б.Йўлдошев илгари сурган умумтуркий фразеологик материални қиёсий тадқиқ этиш зарурати билан ҳамоҳангдир.

5. Туркман, уйғур, татар ва бошқа туркий тиллар тадқиқотларига муносабат

Б.Йўлдошев ўзбек фразеологиясининг тарихини ёритишда туркий тилларнинг турли тармоқларида фразеология бўйича иш олиб борган олимларни ҳам қайд этади. Унинг монографиясида туркман, татар, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа тиллар фразеологиясига оид тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

Жумладан, туркман тилшунослигида А.Абдураҳмонова, К.Бабаев, Г.Ачилова, О.Назаров, А.Аннамамедов; татар тилшунослигида Ф.Ғаниев каби олимларнинг ишлари тилга олинади. Уларнинг тадқиқотлари туркий тилларда фразеологиянинг шаклланиши ва мустақил лингвистик йўналиш сифатида ривожланишини тушуниш учун муҳим илмий манба сифатида қаралади.

Шу нуқтаи назардан Б.Йўлдошевнинг илмий фаолиятини туркий тилшунослик мактаблари ўртасидаги илмий мулоқотни таъминловчи муҳим бўғинлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

6. Қардош тилшунослар илмий меросини умумлаштиришда Б.Йўлдошевнинг ўрни

Б.Йўлдошевнинг муҳим хизматларидан бири шундаки, у ўзбек фразеологияси тарихини ёритиш билан чекланиб қолмасдан, фразеологиянинг умумий тараққиёт босқичларини турли тиллар материали асосида кўрсатишга ҳаракат қилган. Унинг «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» монографиясида туркий тиллар

фразеологиясига бағишланган алоҳида боб мавжуд бўлиб, унда туркий тиллардаги фразеологик тадқиқотларнинг йўналишлари умумлаштирилади. Асарнинг мазмуни ҳам «Туркий тиллар фразеологиясини ўрганиш масалалари»дан бошланиши билан бу йўналишнинг олим учун муҳим эканини кўрсатади.

Бунда олимнинг мақсади фақат адабиётларни санаб ўтиш эмас, балки турли тиллардаги фразеологик тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатишдан иборат бўлган.

7. Илмий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Б.Йўлдошевнинг қардош халқлар тилшунослари билан илмий алоқаларини шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

Биринчидан, туркий тиллар фразеологиясига оид илмий адабиётларни ўрганиш ва умумлаштириш.

Иккинчидан, ўзбек тили фразеологик бирликларини қардош тиллар материаллари билан қиёслаш.

Учинчидан, фразеологик луғатчилик ва фразеография тажрибасини ўзаро ўрганиш.

Тўртинчидан, фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш.

Бешинчидан, умумтуркий фразеологик қатламни алоҳида тадқиқот объекти сифатида белгилаш.

Олтинчидан, фразеологизмларнинг бадиий матндаги функционал-услубий имкониятларини қиёсий таҳлил қилиш.

Б.Йўлдошев мустақиллик йилларидаги ўзбек фразеологиясининг ҳолатини баҳолар экан, ўзбек фразеологик тизимидаги умумтуркий қатлам ва байналмилал фразеологик қатламни янги фактик материаллар асосида тадқиқ этиш зарурлигини махсус таъкидлаган.

8. Б.Йўлдошев илмий меросининг бугунги аҳамияти

Б.Йўлдошевнинг қардош тиллар билан боғлиқ илмий қарашлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки замонавий тилшуносликда фразеологизмларни фақат структур-семантик жиҳатдан эмас, балки лингвомаданий, когнитив, прагматик ва қиёсий аспектларда ўрганишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Қорақалпоқ тилшунослигида ҳам кейинги тадқиқотларда фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўзбек тили билан қиёслашга эътибор берилмоқда. Фразеологик бирликлар халқнинг дунёқараши, урф-одатлари, қадриятлари ва тарихий тажрибасини акс эттириши таъкидланади.

Шу жиҳатдан Б.Йўлдошевнинг қардош тиллар материалини жалб этишга асосланган илмий ёндашуви замонавий қиёсий-фразеологик ва лингвомаданий тадқиқотлар учун методологик аҳамият касб этади.

Бекмурод Йўлдошев ўзбек тилшунослигида фразеология ва фразеографиянинг назарий ҳамда амалий асосларини ривожлантирган йирик олимлардан биридир. Унинг илмий мероси қардош туркий халқлар тилшунослиги билан узвий алоқада шаклланган. Олим ўзбек фразеологиясини қорақалпоқ, қозоқ, туркман, татар, уйғур ва бошқа туркий тиллар фразеологияси билан қиёсий нуқтаи назардан ўрганиш зарурлигини кўрсатди. Айниқса, умумтуркий фразеологик қатламни аниқлаш, миллий-этник хусусиятларни белгилаш, фразеологик луғатчилик тажрибасини қиёслаш каби масалалар унинг илмий меросида муҳим ўрин эгаллайди.

Б.Йўлдошевнинг қардош тиллар тилшунослари тадқиқотларига мурожаат қилиши ва уларнинг илмий натижаларини ўзбек фразеологияси тараққиёти билан боғлаши тилшуносликдаги илмий ҳамкорликнинг самарали намунасидир. Унинг «Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти» асари бу борада муҳим умумлаштирувчи манба бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун Б.Йўлдошев илмий меросини ўрганишда уни фақат ўзбек фразеологиясининг тадқиқотчиси сифатида эмас, балки ўзбек фразеологиясини умумтуркий тилшунослик контекстида талқин қилган олим сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд: СамДУ, 2013. – 116 б.

Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси: мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар // Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.

Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд, 1999.

Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филология фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1993.

Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси. – Тошкент: Наврўз, 2016. – 198 б.

Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985.

Наурызбаева С. Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре. – Ташкент: Фан, 1972.

Кенесбаев С. Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. – Алматы: Ғылым, 1977.

Пирниязова А.Қ. Қарақалпақ тили фразеологиясының көлеми ҳәм шегарасы // Science and Society. – 2019. – №4-1. – Б. 81–84.

Түркий тиллериндеги фразеологизмлерди салыстырмалы изертлеў мәселесине // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Ахборотномаси.

EZGULIK YO‘LIDA – E`ZOZ TOPGAN OLIM

Tursunova Nasiba
Navoiy davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, (PhD)

Ko‘hna Samarqand zamini azal-azaldan ilm masakani sifatida dunyoda tanilgan. Tarixida juda ko‘p buyuk allomalar va davlat arboblari yashab, ilm-fan va madaniyat rivojiga katta hissa qo‘shgan. Bu zaminda yetishib chiqqan olimlar orasida tilshunoslik sohasida faoliyat yuritgan va o‘z ilmiy merosi bilan o‘zbek tilshunosligi rivojiga hissa qo‘shgan olimlar ham talaygina. Samarqand ilmiy muhitida shakllangan tilshunos olimlar o‘zbek tilining grammatik qurilishi, lug‘at tarkibi, tarixiy taraqqiyoti va adabiy til me’yorlarini o‘rganishga katta e’tibor berganlar. Ularning ilmiy izlanishlari natijasida o‘zbek tilining xususiyatlarini chuqurroq anglash, til hodisalarini ilmiy asosda tahlil qilish imkoniyati kengaydi.

Ma’lumki, Samarqand davlat universiteti ham o‘zbek tilshunosligi rivojida muhim ilmiy maskanlardan biri hisoblanadi. Bu yerda ko‘plab professor-o‘qituvchilar va tadqiqotchilar o‘zbek tili grammatikasi, leksikologiyasi, dialektologiyasi, frazeologiyasi, uslubiyati va tarixini o‘rganib kelganlar. Ularning ilmiy faoliyati yosh tadqiqotchilarni tayyorlash va tilimizning boy imkoniyatlarini o‘rganishda muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda.

Yaxshilik va ezgulikni hayotining mazmuniga aylantirgan kishilar hamisha elu yurt nigohida, jamiyatning e’tiborida bo‘ladi. Sharqning buyuk faylasufi Abu Nasr Farobiy bir o‘rinda inson, uning jamiyatda tutgan o‘rni, insonning yashash mohiyati haqida: “Agar inson ezgulikka intilib yashasa, uning umri quvonchli va go‘zal kechadi, go‘zal hayot esa xalq nazarida ham, xudo nazarida ham yuksakdir”, – deb yozgan edi[1]. Ana shunday yo‘ldan borgan o‘zbek tilshunosligi rivoji yo‘lida ulkan hissa qo‘shgan ulug‘ olim, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev katta ilmiy maktab yaratgan ustozdir. U o‘z sohasining yetuk bilimdoni sifatida, o‘tgan asrning 70-yillaridan boshlab frazeologiya, frazeologik uslubiyat muammolarini chuqur o‘rganishga bag‘ishlagan va uzluksiz shug‘ullanib kelgan.

[1] Forobiy. Baxt-saodatga erishuv haqida // Abu Nasr Forobiy. Risolalar. –T.: Fan, 1975. – B. 84.

Olimning hamkasblari prof. H.Berdiyorov va dots.R.Rasulov bilan hamkorlikda o‘zbek tili frazeologizmlarining izohli lug‘atini yaratish ishida bevosita xizmatlari beqiyos.

Darhaqiqat, olimning umri yillar bilan o‘lchanmaydi, olimning umri u yaratgan asarlar, ilmiy tadqiqotlar salmog‘i bilan sarhisob qilinadi. Olimning umri u ixtiro etgan kitoblar umrichadir, qoldirgan shogirdlari faoliyatida mangulikka muhrlanadi. O‘zining ilmiy maktabini yaratgan, serqirra faoliyati va yuksak iqtidor egasi bo‘lgan, frazeologizmlar bilimdoni Bekmurod Yo‘ldoshevdir. Olim filologiya soha egalari bo‘lmish, talabalarga “Umumiy tilshunoslik”, “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”, “Rus guruhlarida o‘zbek tili”, “Tilshunoslikka kirish” fanlaridan yuksak saviyada dars berish, jamoat topshiriqlarini a’lo darajada bajarish bilan birga ilmiy-tadqiqot ishlari bilan ham muntazam shug‘ullanib, ko‘plab shogirdlarga ilmiy maslahatchilik qilb kelganlar.

Ilm olamida shunday insonlar borki, ularning hayoti va faoliyati nafaqat o‘z davri, balki kelajak avlodlar uchun ham ibrat maktabi bo‘lib qoladi. Tilshunos olim B.Yo‘ldoshev ilmiy merosi, izlanishlari va yaratgan asarlari ana shunday bebaho xazinalardan biridir. U butun umrini ona tilining boyligi, tarixiy ildizlari, betakror imkoniyatlari va taraqqiyot qonuniyatlarini o‘rganishga bag‘ishladi. Olimning ilmiy faoliyatiga nazar tashlar ekanmiz, uning har bir tadqiqotida tilga bo‘lgan chuqur hurmat, xalqning ma’naviy merosiga ehtirom va ilmga bo‘lgan fidoyilik mujassam ekanini ko‘ramiz. U tilni shunchaki aloqa vositasi sifatida emas, balki millatning tarixi, tafakkuri, dunyoqarashi va ma’naviy qiyofasini aks ettiruvchi

bebaho boylik sifatida qadrladi. Ustozning ilmiy izlanishlari ko‘plab tadqiqotchilar uchun muhim manba bo‘lib xizmat qildi. Uning maqolalari, monografiyalari va ilmiy qarashlari tilshunoslikning muayyan yo‘nalishlari rivojiga munosib hissa qo‘shib kelmoqda. B.Yo‘ldoshevning tilshunoslikning umumnazariy muammolariga doir o‘quv qo‘llanmalari, dasturlar, uslubiy tavsiyalar yaratish sohasidagi faoliyati ham g‘oyat ibratlidir.

Ustozni 2000-2002 yillarda Navoiy davlat pedagogika instituti (hozirgi NavDU) O‘zbek filologiyasi fakulteti universiteti dekani faoliyatlari, ayniqsa, intizomli rahbar, samimiy do‘st, mehribon ustoz kabi sifatlari jamoa va talabalarning sevimli ustozi sifatida xotirlanadi. Men ham shu kezlarda talabalik yillaridanoq ustozning teran tafakkur egasi ekanliklarini sardor talaba, shogird sifatida yaqindan anglaganman. Kyeinchalik yillar davomida ilmiy izlanishlar bilan bog‘liq qaimmatli maslahatlarini olib, bir necha bor ustoz rahnomoligida va tahririyatlari asosida SamDU Axborotnomasiga ilmiy maqolalar nashr ettirganman.

Insonning surati va siyrati hamohangligini tilshunos olim, ustoz B.Yo‘ldoshev siymosida ko‘rganman desam xato bo‘lmas. O‘zbekiston qahramoni, xalq yozuvchisi, hajv ustasi Said Ahmaddek yozuvchi ijodiga bag‘ishlangan “Said

Ahmad asarlarining tili va uslubi” mavzuidagi nomzodlik dissertatsiyasini tadqiq etganlar. O‘zbek filologiyasida ilk bor taniqli yozuvchi Said Ahmad asarlarida nutqning monolog, dialog, polilog shakllaridan foydalanish mahorati, xalq maqollari, frazeologizmlarni qo‘llashdagi o‘ziga xosligi chuqur tahlil qilib berilgan, yengil yumorga, hazil-mutoyibaga boy yozuvchi asarlarining o‘ziga xos til xususiyatlari o‘rganilgan. Aynan, shu mavzu tilshunos B.Yo‘ldoshev xarakteriga mos va xosligin yaqindan bilgan insonlar haqli ravishda to‘laligicha angay oladilar. Negaki, ustozning iliq, samimiy, yengil hazil-mutoyibaga boy ekanliklari, nafaqat tadqiqot ishida, balki, hayotda ham shunday dili pok, beozor, hajviy so‘z ustalaridan deb bilamaz. Ustoz kirgan auditoriyada faqat sokinlik, yengil kulgu, quvnoq kayfiyat, mavzuni aniq va sodda mazmunli ma’ruza bilan talabarni diqqatini tortardilar.

Yetuk olim sarbonlik qilgan ilm karvoni bugungi kunda o‘z istiqbol manzili tomon o‘ktam odimlamoqda. Hayot va ilm yo‘llari ko‘pchilikka ibrat bo‘lgan ustoz o‘zbek tilshunosligining ma’naviy xazinasini boyitishga munosib hissa qo‘sha oldi.

Insonning umri o‘tkinchi, ammo uning ezgu ishlari va ilmiy merosi abadiydir. Samarqandlik tilshunos olimlarning merosi bugungi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Ularning tadqiqotlari o‘zbek tilini ilmiy jihatdan o‘rganish, ona tilimizga bo‘lgan hurmatni oshirish va uni kelajak avlodlarga boy hamda mukammal holda yetkazishda muhim manba bo‘lib xizmat qilmoqda.

Bugun buyuk olim, tajribali ustoz Bekmurod Yo‘ldoshev oramizda bo‘lmasalar-da, ularning qoldirgan ilmiy merosi, shogirdlari va ezgu xotirasi yashab kelmoqda. Har bir yangi tadqiqot, har bir ilmiy izlanish uning boshlab bergan ilmiy an’analarining davomidir.

Taniqli olim Bekmurod Yo‘ldoshev xotirasi — bu shunchaki o‘tgan kunlarni yodga olish emas. Bu ilmga sadoqat, ustozga hurmat va milliy tilga muhabbatni yana bir bor anglashdir. Uning nomi va ilmiy merosi kelajak avlod tadqiqotchilarini yangi izlanishlarga chorlab, ona tilimizning sir-asrorlarini yanada chuqur o‘rganishga ilhomlantiraveradi. Olimning yorqin xotirasi qalblarimizda, ilmiy merosi esa kitoblar va tadqiqotlarda abadiy yashaydi.

BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING O‘ZBEK FRAZEOLOGIK STILISTIKASI TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI

Umida Rashidova
filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti
O‘zbek tilshunosligi kafedrasi

Annotatsiya: Maqolada taniqli tilshunos olim, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshevning o‘zbek frazeologiyasi va frazeologik stilistikasi rivojiga qo‘shgan hissasi tahlil qilinadi. Olimning frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari, stilistik ma’no va uning tarkibiy qismlari, ekspressiv-baholash hamda funksional-uslubiy bo‘yoq, frazemalarning uslubiy xoslanish mezonlari, uzual va okkazional vazifalari haqidagi qarashlari yoritiladi. B.Yo‘ldoshev tomonidan besh mingdan ortiq frazeologik birlik tahlili asosida ishlab chiqilgan funksional-uslubiy tasnifning nazariy ahamiyati ko‘rsatiladi. Shuningdek, olim qarashlarining bugungi o‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasidagi davomiyligi haqida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Bekmurod Yo‘ldoshev, frazeologizm, frazeologik stilistika, funksional uslub, stilistik ma’no, konnotatsiya, ekspressiv-baholash bo‘yog‘i, funksional-uslubiy bo‘yoq, uzual funksiya, okkazional funksiya, frazeografiya.

O‘zbek tilshunosligida frazeologiya mustaqil ilmiy yo‘nalish sifatida shakllanishi va taraqqiy etishida bir necha avlod tilshunoslarining xizmatlari bor. Dastlab frazeologik birliklarning grammatik, semantik va struktur xususiyatlarini belgilashga asosiy e’tibor qaratilgan bo‘lsa, keyinchalik ularning nutq jarayonidagi vazifasi, uslubiy imkoniyatlari, ekspressiv-emotsional tabiati hamda matnda voqelanish xususiyatlarini o‘rganishga ehtiyoj kuchaydi. Frazeologik birlikni faqat tilda tayyor holda mavjud bo‘lgan turg‘un birikma sifatida emas, balki muayyan kommunikativ vaziyatda turli uslubiy vazifalarni bajaruvchi vosita sifatida tadqiq etish frazeologiyaning stilistika bilan tutashgan yangi yo‘nalishini yuzaga keltirdi.

O‘zbek tilshunosligida ana shu yo‘nalishning nazariy asoslarini ishlab chiqish professor Bekmurod Yo‘ldoshev nomi bilan bevosita bog‘liq. Olimning 1993-yilda himoya qilingan “Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari” mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasida o‘zbek frazeologizmlari ilk bor funksional-uslubiy jihatdan yaxlit tizim sifatida o‘rganilib, ularning funksional-uslubiy tasnifi amalga oshirildi, badiiy matndagi uzual va okkazional vazifalari tahlil qilindi. Mazkur tadqiqot keyinchalik “Frazeologik uslubiyat asoslari” asarida yanada kengaytirilib, o‘zbek frazeologik stilistikasining nazariy masalalari bir tizimga solindi.

B.Yo‘ldoshev frazeologiyaning frazemalarni funksional-uslubiy jihatdan o‘rganuvchi bo‘limini “frazeologik stilistika”, ya’ni “frazeologik uslubiyat” deb

nomlaydi. Olim ushbu yo‘nalishning tadqiq doirasini ancha keng belgilaydi. Unga ko‘ra, frazeologik uslubiyat faqat frazemalarning u yoki bu uslubga mansubligini aniqlash bilan cheklanmaydi. Frazemalarning uslubiy qatlamlari, emotsional-ekspressiv xususiyatlari, uzual va okkazional vazifalari, ulardan nutqda ijodiy foydalanish usullari, frazeologiyaning adabiy til me’yori hamda nutq madaniyati bilan aloqador muammolari ham shu sohaning o‘rganish obyektini tashkil etadi [1, 3–4]. Mazkur yondashuv o‘z davri uchun muhim edi, chunki frazeologik birliklarning uslubiy xususiyatlari ayrim yozuvchi yoki badiiy asar tili doirasida o‘rganilgan bo‘lsa-da, ularni yaxlit frazeologik sistema miqyosida tasniflash, uslubiy xoslanish mezonlarini ishlab chiqish va lug‘atlarda uslubiy belgilar bilan berish masalalari to‘liq hal qilinmagan edi. B.Yo‘ldoshev aynan shu bo‘shliqni to‘ldirishga harakat qildi. Olimning fikricha, frazemalarning uslubiy tarmoqlanishini o‘rganish faqat til strukturasini chuqurroq anglash uchungina emas, balki til ta’limi, leksikografiya va frazeografiya amaliyoti uchun ham zarur. Shu sababli frazeologik stilistika nazariy va amaliy tilshunoslikni bir-biri bilan bog‘laydigan soha sifatida namoyon bo‘ladi [1, 4–5].

B.Yo‘ldoshev tadqiqotlarining nazariy jihatdan muhim tomonlaridan biri frazemaning semantik tuzilishi bilan uning uslubiy imkoniyatlarini o‘zaro bog‘liq holda talqin qilishidir. Olim frazeologik birliklar voqea-hodisani shunchaki nomlamasligini, ularda so‘zlovchining shaxs, predmet yoki hodisaga munosabati ham ifodalanishini ta’kidlaydi. Masalan, xursandlik holati *og‘zi qulog‘iga yetdi* hamda *tishining oqini ko‘rsatdi* iboralari orqali ifodalanishi mumkin. Biroq bu birliklar bir xil denotativ holatga ishora qilgani bilan uslubiy jihatdan teng emas: birinchisida ijobiy baho kuchli bo‘lsa, ikkinchisida muayyan kontekstda salbiy munosabat yuzaga kelishi mumkin [1, 7–8]. Demak, frazema semantikasi faqat nominativ mazmun bilan cheklanmaydi; uning tarkibida baholash, emotsionallik va ekspressivlik ham ishtirok etadi.

B.Yo‘ldoshev frazemalarning stilistik ma’nosini ikki asosiy komponentga ajratadi: ekspressiv-baholash bo‘yog‘i va funksional-uslubiy bo‘yoq. Birinchi komponent frazemaga baholash, emotsionallik va ekspressivlikni yuklasa, ikkinchisi uning muayyan funksional uslubga xoslanishini belgilaydi [1, 179–180].

Bu ikki komponent o‘zaro aloqador bo‘lsa-da, ularni bir hodisa sifatida qarash to‘g‘ri emas. Kuchli ekspressiv-baholash xususiyatiga ega birlik ko‘pincha muayyan nutqiy muhitga xoslanishi mumkin, biroq bunday munosabat barcha frazemalarda bir xil namoyon bo‘lmaydi. Shuning uchun frazemaning uslubiy mansubligini belgilashda faqat emotsional-ekspressiv bo‘yoqqa tayanish yetarli emas.

Olim frazeologik birliklarning uslubiy tavsifida konnotatsiya masalasiga ham alohida e’tibor qaratadi. Olim frazemaning semantik strukturasini o‘rganishda ingerent va adgerent konnotatsiyani farqlash zarurligini ta’kidlaydi. Ingerent

konnotatsiya frazemaning kontekstdan tashqarida, til birligi sifatida olinganda unga xos bo‘lgan konnotativ ma’noni anglatadi. Adgerent konnotatsiya esa muayyan matn va nutqiy vaziyat ta’sirida yuzaga chiqadigan qo‘shimcha uslubiy ma’nodir [1, 9]. Bu farqlash frazeologik birlik tabiatini tushunishda muhim. Masalan, ayrim iboralar alohida olinganda ham so‘zlashuv nutqiga xosligi yoki salbiy baholash ma’nosini namoyon qiladi. Boshqa frazemalarning emotsional-ekspressiv xususiyati esa faqat muayyan kontekstda aniq yuzaga chiqadi. Frazemaning lug‘aviy imkoniyati bilan matnda yuzaga keladigan nutqiy imkoniyatini bir-biridan farqlash uning uslubiy tabiatini aniqroq belgilashga yordam beradi.

B.Yo‘ldoshev tadqiqotlarining e’tiborga molik jihatlaridan yana biri nazariy qarashlarning katta hajmdagi til materiali asosida tekshirilganidir. Olim besh mingdan ortiq o‘zbek frazeologik birligini tahlil qilib, ularni dastlab ikki katta guruhga ajratadi:

1. Funksional jihatdan muayyan uslubga xoslangan frazemalar;
2. Funksional jihatdan xoslanmagan frazemalar.

Birinchi guruh, o‘z navbatida, kitobiy, so‘zlashuv va oddiy so‘zlashuv frazemalariga ajratiladi [1, 180]. Olimning hisob-kitoblariga ko‘ra, kitobiy iboralar o‘zbek tili frazeologik sistemasining taxminan 8–10 foizini, so‘zlashuv iboralari qariyb 60 foizini, oddiy so‘zlashuv iboralari 10 foizdan ortig‘ini tashkil qiladi. Funksional jihatdan muayyan uslubga xoslanmagan frazemalar esa umumiy frazeologik fondning 25 foizdan ko‘prog‘ini qamrab oladi [1, 180]. Mazkur raqamlar bir muhim holatni ko‘rsatadi: o‘zbek frazeologik fondining asosiy qismi jonli so‘zlashuv bilan chambarchas bog‘langan. Bu esa frazeologizmlarning xalq tafakkuri, kundalik muloqot, baholash va hissiy munosabatni ifodalashdagi o‘rnini ko‘rsatadi. B.Yo‘ldoshev frazemalarni uslubiy guruhlarga ajratishda bitta mezon bilan cheklanmaydi. U etimologik, semantik, komponent, miqdoriy mezonlar hamda ibora ichki formasining ta’sirchanligini birgalikda hisobga olish zarurligini ko‘rsatadi [1, 179–180]. Demak, olim tomonidan taklif etilgan tasnif kompleks yondashuvga asoslanadi.

Funksional jihatdan xoslanmagan frazemalar masalasida ham B.Yo‘ldoshevning qarashi e’tiborga loyiq. U bunday birliklarni “neytral” yoki “uslublararo” deb atashni to‘liq ma’qullamaydi. Chunki ular muayyan funksional uslub bilan chegaralanmagan bo‘lsa ham, ekspressiv-baholash xususiyatidan butunlay mahrum emas. Shu jihatdan funksional xoslanmagan frazemalar neytral leksik birliklardan farqlanadi [1, 181].

B.Yo‘ldoshev frazeologik birliklarning matndagi imkoniyatlarini uzual va okkazional vazifalar munosabati asosida ham tahlil qiladi. Uzual vazifalar frazemaning til tizimida shakllangan, uning ichki xususiyatiga asoslangan vazifalaridir. Frazemalar, avvalo, nominativ vazifa bajaradi, biroq shu bilan birga

hodisa yoki holatni baholaydi, unga nisbatan subyekt munosabatini ifodalaydi va nutqning ta’sirchanligini oshiradi. Olim fe’l frazemalarda nutqni ixchamlashtirish, obrazli ichki formaga ega birliklarda obrazli ifodalash, substantiv va adyektiv frazemalarda baholash, undov frazemalarda esa emotsional vazifa yetakchi bo‘lishini ko‘rsatadi [1, 182]. Shunday qilib, bir frazema matnda faqat bitta vazifa bilan chegaralanmasligi mumkin. Nominativ vazifa bilan ekspressiv, baholovchi yoki obrazli vazifa bir vaqtda namoyon bo‘ladi.

Okkazional vazifalar esa frazemaning muayyan matnda yuzaga chiqadigan yashirin uslubiy imkoniyatlarini namoyon etadi. B.Yo‘ldoshev satira va yumor hosil qilish, personajga nutqiy tavsif berish, gradatsiya yaratish singari vazifalarni okkazional funksiyalar qatoriga kiritadi. Shuningdek, frazemalarning asar syujetiga asos bo‘lishi, sarlavha vazifasida kelishi, bob yoki epizodni yakunlashi, she’riy nutqda refren yoki qofiya hosil qilishi kabi kompozitsion imkoniyatlarini ham alohida ko‘rsatadi [1, 183]. Bu o‘rinda B.Yo‘ldoshev ilgari surgan yana bir muhim fikrni qayd etish lozim: okkazional vazifa uzual imkoniyatdan uzilib qolgan hodisa emas. Aksincha, individual-mualliflik qo‘llanishlari frazemaning tilda mavjud semantik-uslubiy imkoniyatlariga tayanadi va ularni muayyan kontekstda kengaytiradi. Shu sababli badiiy matndagi frazeologik transformatsiyalarni oddiy struktur o‘zgarish sifatida emas, balki til birligining potensial imkoniyatlarini yuzaga chiqaruvchi uslubiy hodisa sifatida baholash mumkin.

B.Yo‘ldoshev frazeologik stilistikani nutq madaniyatidan ajratib o‘rganmaydi. Olim frazeologik me’yorni murakkab va ko‘p qirrali hodisa sifatida baholab, uni frazemaning semantik, grammatik va stilistik xususiyatlari, komponent tarkibi hamda kontekst bilan birikuvchanligi bilan bog‘laydi [1, 185–186].

Frazeologik me’yor ham boshqa til me’yorlari singari tarixiy xususiyatga ega. Til taraqqiyoti davomida frazemaning shakli, variantlari va qo‘llanish darajasi o‘zgarib borishi mumkin. Shu bois ularni kodifikatsiya qilishda badiiy adabiyot materiallari va muayyan variantning real qo‘llanish darajasini hisobga olish muhim.

Bu qarash bugungi frazeografiya uchun ham dolzarb. Frazeologik lug‘atda birlikning faqat ma’nosini berish kifoya qilmaydi. Uning funksional-uslubiy belgisi, ekspressiv-baholash xususiyati, variantlari va qo‘llanish doirasi ham qayd etilishi zarur. B.Yo‘ldoshevning frazeologik lug‘atlarda uslubiy belgilarning yetarli emasligi haqidagi fikrlari keyingi frazeografik tadqiqotlar uchun muhim vazifa belgilab berdi.

Professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy merosi faqat XX asr o‘zbek frazeologiyasining muayyan bosqichini tavsiflab qolmaydi. Olim belgilagan qator muammolar keyingi tadqiqotlarda yangi material va metodlar asosida davom ettirildi. Xususan, frazemalarning funksional-uslubiy xoslanishi masalasi bugungi kunda so‘zlashuv, badiiy, publitsistik, ilmiy va rasmiy nutq materiallari asosida

kengroq o‘rganish imkonini bermoqda. B.Yo‘ldoshev tomonidan frazemaning stilistik ma’nosi tarkibida ajratilgan ekspressiv-baholash va funksional-uslubiy komponentlar esa frazeologizmlarning semantik-pragmatik tavsifida muhim mezon bo‘lib qolmoqda. Olimning uzual va okkazional funksiyalar haqidagi qarashlari badiiy matndagi frazeologik transformatsiyalarni, individual-mualliflik qo‘llanishlarini va frazemalarning lingvopoetik imkoniyatlarini tadqiq etishda nazariy asos vazifasini bajaradi.

Frazeografiyaga oid qarashlarning ahamiyati esa bugungi elektron lug‘atchilik va korpus lingvistikasi sharoitida yanada yaqqol ko‘rinadi. Elektron frazeologik bazalarda birlikning semantik izohi bilan bir qatorda uning uslubiy belgisi, emotsional-ekspressiv xususiyati, variantlari, kontekstual qo‘llanishi va chastotasini ko‘rsatish ehtiyoji B.Yo‘ldoshev ilgari surgan kompleks tavsif tamoyili bilan bevosita tutashadi. B.Yo‘ldoshevning ilmiy qarashlari shogirdlari tadqiqotlarida ham davom ettirildi. Frazeologizmlarni funksional-stilistik, semantik-pragmatik, lingvomadaniy va leksikografik jihatdan o‘rganishning bugungi bosqichi ustoz boshlab bergan ilmiy yo‘nalishning yangi nazariy qarashlar va zamonaviy metodlar asosida kengayib borayotganini ko‘rsatadi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshevning o‘zbek tilshunosligidagi ilmiy faoliyati frazeologik stilistikaning nazariy asoslarini shakllantirish bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Olim frazeologik birlikni faqat turg‘un birikma yoki tayyor til materiali sifatida emas, balki semantik, uslubiy va kommunikativ imkoniyatlarga ega murakkab lisoniy birlik sifatida o‘rgandi.

B.Yo‘ldoshev frazemaning stilistik ma’nosi tarkibida ekspressiv-baholash va funksional-uslubiy bo‘yoqni ajratdi, ingerent va adgerent konnotatsiyaning frazeologik birlik semantikasidagi o‘rniga e’tibor qaratdi. Besh mingdan ortiq frazeologik birlikning tahlili asosida ularning funksional-uslubiy xoslanish qonuniyatlarini belgilab, kitobiy, so‘zlashuv, oddiy so‘zlashuv va funksional jihatdan xoslanmagan qatlamlarni miqdoriy ko‘rsatkichlar bilan tavsifladi.

Olim tomonidan uzual va okkazional vazifalarning farqlanishi frazemalarning badiiy matndagi imkoniyatlarini chuqurroq tushunishga yo‘l ochdi. Ayniqsa, okkazional vazifalarni frazemaning yashirin uslubiy imkoniyatlari yuzaga chiqishi sifatida talqin etish keyingi lingvostilistik va lingvopoetik tadqiqotlar uchun muhim nazariy asos yaratdi.

B.Yo‘ldoshev frazeologik me’yor, nutq madaniyati va frazeografiya masalalarini ham frazeologik stilistika bilan uzviy bog‘liq holda o‘rgandi. Frazemalarni lug‘atlarda uslubiy jihatdan belgilash, ularning qo‘llanish doirasi va konnotativ xususiyatlarini qayd etish zarurligi haqidagi qarashlari bugungi elektron frazeografiya va korpus lingvistikasi uchun ham o‘z ahamiyatini saqlab qolmoqda.

Shu ma’noda, Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy merosi o‘zbek frazeologiyasi tarixidagi muayyan bosqich bilangina chegaralanmaydi. Olim yaratgan nazariy tamoyillar, tasnif mezonlari va tahlil usullari o‘zbek frazeologik stilistikasining keyingi taraqqiyotiga yo‘l ochgan ilmiy maktabning asosini tashkil etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Yo‘ldoshev B. Frazeologik uslubiyat asoslari. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU nashri, 1998. – 200 b.
2. Yo‘ldoshev B. Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari: filol. fan. d-ri diss. – Toshkent, 1993. – 297 b.
3. Yo‘ldoshev B. Badiiy nutq stilistikasi. – Samarqand: SamDU nashri, 1982. – 82 b.
4. Doniyorov X., Yo‘ldoshev B. Adabiy til va badiiy stil. – Toshkent: Fan, 1988. – 209 b.
5. Yo‘ldoshev B. O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi masalalari. – Toshkent: Muharrir, 2013. – 300 b.
6. Yo‘ldoshev B. O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasining shakllanishi hamda taraqqiyoti. To‘ldirilgan va tuzatilgan ikkinchi nashri. – Samarqand: SamDU nashri, 2013.
7. Yo‘ldoshev B., Abdullayev D. O‘zbek tilidagi polisemantik frazemalarni lug‘atlarda izohlash tamoyillari. – Samarqand: SamDU nashri, 2013. – 156 b.
8. Yo‘ldoshev B., Yo‘ldosheva D. Perifrazalarning frazemalar bilan munosabati va ularni o‘qitishning didaktik tamoyillari. – Toshkent: Navro‘z, 2015. – 108 b.
9. Yo‘ldoshev B., Rashidova U. Frazeologik uslubiyat asoslari. – Toshkent: Navro‘z, 2016. – 200 b.
10. Karimov S. O‘zbek tili funksional stilistikasi. – Samarqand: SamDU nashri, 2010. – 192 b.

ILMGA BAXSHIDA UMR: PROFESSOR BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING ILMIY MEROSI VA USTOZLIK MAKTABI

Muxtor Begmatov

Samarqand davlat chet tillar instituti professori

Ilm-fan taraqqiyoti, avvalo, uning ravnaqiga butun umrini bag‘ishlagan fidoyi insonlarning zahmatli mehnati bilan belgilanadi. Shunday olimlar bo‘ladiki, ularning faoliyati faqat yaratgan asarlari yoki erishgan ilmiy darajalari bilangina o‘lchanmaydi. Ular o‘zidan keyin ilmiy maktab, tadqiqot an’anasi, shogirdlar avlodi va boy ma’naviy meros qoldiradi. O‘zbek tilshunosligining ana shunday zabardast

namoyandalaridan biri filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev edi.

Bekmurod Yo‘ldoshev 1947-yil 9-iyulda Samarqand viloyati Paxtachi tumanining Ziyovuddin qo‘rg‘onida kosib-hunarmand oilasida tavallud topgan. Yoshligidanoq mehnat va ilmga mehr qo‘ygan bo‘lajak olim maktabni oltin medal bilan tamomlab, 1964–1969-yillarda Samarqand davlat universitetining o‘zbek va tojik filologiyasi fakultetida tahsil oldi. Bu davrda Vohid Abdullayev, Ulug‘ Tursunov, Hamdam Berdiyorov, Xudoyberdi Doniyorov, Rahmatulla Qo‘ng‘urov singari taniqli olimlar sabog‘idan bahramand bo‘lishi uning ilmiy dunyoqarashi shakllanishida muhim ahamiyat kasb etdi.

Talabalik yillaridayoq Bekmurod Yo‘ldoshev tilshunoslik va adabiyotshunoslik muammolariga jiddiy qiziqib, badiiy asar tili va uslubiga bag‘ishlangan ma’ruzalar bilan ilmiy anjumanlarda qatnasha boshladi. 1968-yilda Bishkekda o‘tkazilgan O‘rta Osiyo va Qozog‘iston respublikalari talabalari ilmiy anjumanida ishtirok etishi, mashhur tilshunos K.K. Yudaxin bilan uchrashishi yosh tadqiqotchining ilmiy izlanishlariga yanada kuchli turtki berdi.

1969-yilda universitetni imtiyozli diplom bilan tamomlagach, Bekmurod Yo‘ldoshev o‘z faoliyatini ilm-fan va ta’lim sohasi bilan bog‘ladi. 1970-yildan boshlab Samarqand davlat universitetida pedagogik va ilmiy faoliyat olib borib, o‘qituvchi, dotsent, professor hamda kafedra mudiri kabi mas’ul lavozimlarda samarali mehnat qildi. Uning ko‘p yillik faoliyati davomida ilmiy izlanish, pedagogik mahorat va yosh avlodni tarbiyalashga bo‘lgan yuksak mas’uliyat uyg‘unlashib bordi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshev nomi o‘zbek tilshunosligining badiiy matn stilistikasi, frazeologiya va frazeografiya, lingvopoetika hamda umumiy tilshunoslik yo‘nalishlari bilan chambarchas bog‘liqdir. Uning ilmiy izlanishlarini tilning xalq tafakkuri, badiiy mahorat va milliy madaniyat bilan bog‘liq imkoniyatlarini chuqur o‘rganishga bo‘lgan intilish birlashtirib turadi.

Olimning dastlabki yirik ilmiy tadqiqotlari badiiy asar tili va uslubiga bag‘ishlandi. 1979-yilda akademik Shonazar Shoabdurahmonov rahbarligida “Said Ahmad asarlarining tili va uslubi” mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildi. Tadqiqotda yozuvchining monolog, dialog va poliloglardan foydalanish mahorati, xalq maqollari, frazeologizmlar hamda xalqona nutq vositalarining badiiy-estetik vazifalari chuqur tahlil etildi.

Bu yo‘nalishdagi izlanishlar keyinchalik “Badiiy nutq stilistikasi”, “Said Ahmad asarlarining tili va uslubi”, “O‘zbek badiiy prozasining uslubiy tahlili”, “O‘ziniki bo‘lmagan nutqning grammatik-stilistik xususiyatlari va badiiy tekstdagi o‘rni”, “Badiiy asar tili va uslubi masalalari”, “Ufq” trilogiyasining lingvopoetik tahliliga bag‘ishlangan tadqiqotlarda yanada rivojlantirildi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshev ilmiy faoliyatining eng muhim va sermahsul yo‘nalishlaridan biri o‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi bo‘ldi. U professor Hamdam Berdiyorov va dotsent R. Rasulov bilan hamkorlikda o‘zbek tili frazeologizmlarining izohli lug‘atini yaratish ishlarida faol qatnashdi. “O‘zbek frazeologiyasidan materiallar”ning to‘rt qismi hamda keyinchalik “O‘zbek tili frazeologizmlarining lug‘ati”ning yaratilishi bu yo‘nalishdagi samarali izlanishlarning muhim natijalaridan bo‘ldi.

Ko‘p yillik tadqiqotlarning mantiqiy yakuni sifatida olim 1994-yilda “Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari” mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildi. Mazkur ish o‘zbek frazeologiyasida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy imkoniyatlarini ilmiy jihatdan tizimli o‘rganishga salmoqli hissa bo‘lib qo‘shildi. Tadqiqot o‘sha davrning taniqli tilshunos olimlari tomonidan yuqori baholandi.

Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy qiziqishlari faqat badiiy stilistika va frazeologiya bilan chegaralanmagan. Umumiy tilshunoslik, tilshunoslik tarixi, adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik, qiyosiy tipologiya, til o‘qitish metodikasi va bibliografiya masalalari ham uning ilmiy faoliyatida muhim o‘rin egalladi. “Umumiy tilshunoslik”, “Tilshunoslikka kirish”, “Lingvistik ta’limotlar tarixi”, “Umumiy tilshunoslik asoslari” kabi o‘quv-uslubiy ishlar filolog kadrlar tayyorlashda uzoq yillar xizmat qildi.

Olim ustozlar ilmiy merosini o‘rganish va targ‘ib etishga ham katta e’tibor qaratdi. Rahmatulla Qo‘ng‘urov, Hamdam Berdiyorov, Jo‘raboy Hamdamov, Xudoyberdi Doniyorov kabi olimlarga bag‘ishlangan bibliografik va ilmiy-nazariy tadqiqotlari o‘zbek tilshunosligi tarixining muhim sahifalarini saqlash va kelajak avlodga yetkazishga xizmat qildi. Professor Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy merosi 50 dan ziyod kitob hamda bir necha yuzlab ilmiy va ilmiy-uslubiy maqolalarni qamrab oladi.

Olimning faoliyati mamlakatimiz ilmiy hayoti bilangina cheklanib qolmadi. U ko‘plab respublika va xalqaro ilmiy anjumanlarda ma’ruzalar bilan qatnashdi. 2006-yilda Xalqaro Antique World ilmiy akademiyasi akademikligiga saylandi. 2010-yilda esa “Iste’dod” jamg‘armasi granti asosida Xitoy Xalq Respublikasining Shanxay universitetida axborot texnologiyalari yo‘nalishida malaka oshirdi. Bu tajriba olimning zamonaviy fan va texnologiyalar bilan hamnafas bo‘lishga intilganini ko‘rsatadi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshev uchun ilm va ta’lim bir-biridan ajralmas tushunchalar edi. U talabaga tayyor bilim berish bilangina kifoyalanmay, yoshlarni mustaqil fikrlashga, ilmiy manbalarga tanqidiy yondashishga va til hodisalarining mohiyatini teran anglashga undagan ustozlardan edi. Uning bevosita ilmiy rahbarligida F. Bobojonov, Z. Pardayev, O. Tursunova, M. Vafoyeva kabi

tadqiqotchilar nomzodlik dissertatsiyalarini muvaffaqiyatli himoya qildilar. Olim o‘ndan ortiq nomzodlik va bir doktorlik dissertatsiyasiga rasmiy opponentlik ham qilgan.

Haqiqiy ustozning qadri yillar o‘tishi bilan yanada teranroq anglashiladi. Chunki uning ilmiy merosi yangi tadqiqotlarda davom etadi, g‘oya va qarashlari shogirdlari xotirasida yashaydi, boshlab bergan ilmiy yo‘nalishlari esa keyingi avlod izlanishlarida yangi mazmun kasb etadi.

Bugun professor Bekmurod Yo‘ldoshev tavalludining 80 yilligi munosabati bilan uning hayot va ilm yo‘liga nazar tashlar ekanmiz, olimning umr yo‘li ilmda chinakam iz qoldirish uchun iste’dod bilan bir qatorda fidokorona mehnat, izchillik, ilmga sadoqat va ustozlik mas’uliyati zarurligini yana bir bor namoyon etadi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshev o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotiga salmoqli hissa qo‘shgan zabardast olim, filolog kadrlar kamolotiga xizmat qilgan fidoyi pedagog va o‘zidan keyin boy ilmiy meros hamda munosib shogirdlar qoldirgan ustoz sifatida doimo ehtirom bilan yodga olinadi.

Ustozning ilmga baxshida umri – uning asarlari, shogirdlari va ilmiy an’analarida davom etadigan umrdir.

ILMGA BAXSHIDA UMR

Allaberdiyev Alijon Avazberdiyevich,
NavDU O‘zbek tilshunosligi kafedrasi professori v.b., filologiya fanlari doktori

Boymanov Elyor G‘iyozovich,
NavDU O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi dotsenti, f.f.f.d. (PhD)

Jahonda insonlarning bajargan amallari, qoldirgan meroslari yaxshi insonlar tomonidan bot-bot tilga olinadi. Tarixga nazar tashlamasdan turib bugun haqida, kelajak haqida yozib bo‘lmaydi. 10 asr ilgari yashagan allomalar: Mahmud Qoshg‘ariy, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yassaviy, Ahmad Yugnakiylarning qoldirgan ilmiy va badiiy adabiyot durdonalari, 600 yil oldin yashagan Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur kabi shoirlarning adabiy merosi bunga misol bo‘ladi. Albatta, biz shunday buyuk ajdodlarning avlodlari ekanimizdan faxrlanamiz.

O‘zbek tilshunosligi, xususan, frazeologiya va leksikologiya sohasining rivojiga salmoqli hissa qo‘shgan yetuk olim, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev milliy tilshunoslik maktabining yorqin namoyandalaridan

biridir. Olim o‘zining yarim asrlik ilmiy-pedagogik faoliyati davomida ona tilimizning boy imkoniyatlarini tadqiq etish va o‘rgatishga ulkan hissa qo‘shgan.

Bekmurod Yo‘ldoshev 1947-yil 9-iyulda Samarqand viloyati Paxtachi tumanining Ziyovuddin qo‘rg‘onchasida kosib-hunarmand oilasida tug‘ilgan.

1953–1964-yillarda Samarqand viloyati Paxtachi tumanidagi 14 (hozirgi 22)-son o‘rta maktabda o‘qigan. 1964-yil maktabni Oltin medal bilan bitirdi. 1964–1969-yillarda Samarqand davlat universiteti o‘zbek va tojik filologiyasi fakultetida o‘qigan. U universitetda o‘qigan kezlari Vohid Abdullayev, Ulug‘ Tursunov, Hamdam Berdiyorov, Xudoyberdi Doniyorov, Nuriddin Shukurov, Botirxon Valixo‘jayev, Rahmatulla Qo‘ng‘urov, Abdujabbor Muxtorov, Vahob Egamov, Rahim Muqimov, Saydulla Mirzayev, Jo‘raboy Hamdamov, Rahmonqul Orzibekov kabi mashhur adabiyotshunos va tilshunos olimlarning ta’limidan bahramand bo‘lgan.

1970–1982-yillarda Samarqand davlat universiteti umumiy tilshunoslik kafedrasining o‘qituvchi lavozimida ishlagan. B.Yo‘ldoshev bu yillarda talabalarga “Umumiy tilshunoslik”, “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”, “Rus guruhlarida o‘zbek tili”, “Tilshunoslikka kirish” fanlaridan yuksak saviyada dars berish, jamoat topshiriqlarini a’lo darajala bajarish bilan birga ilmiy-tadqiqot ishlari bilan ham muntazam shug‘ullana boshlagan. Bu dissertatsiyada o‘zbek filologiyasida ilk bor taniqli yozuvchi Said Ahmadning o‘z asarlarida nutqning monolog, dialog, polilog shakllaridan foydalanish mahorati, xalq maqollari, frazeologizmlarni qo‘llashdagi o‘ziga xosligi chuqur tahlil qilib berilgan, yengil yumorga, hazil-mutoyibaga boy yozuvchi asarlarining o‘ziga xos til xususiyatlari o‘rganilgan edi. Serg‘ayrat olim Bekmurod Yo‘ldoshev o‘zining bu sohadagi ilmiy izlanishlarini yanada davom ettirib, keyinchalik “Badiiy nutq stilistikasi” (1982), “Said Ahmad asarlarining tili va uslubi” (1987), “O‘zbek badiiy prozasining uslubiy tahlili” (1989), “O‘ziniki bo‘lmagan nutqning grammatik-stilistik xususiyatlari va badiiy tekstdagi o‘rni” (1992), “Badiiy asar tili va uslubi masalalari” (2001, 2006), “Ufq” trilogiyasining lingvopoetik tahlili masalalari” (2006) nomli monografiyalar, qo‘llanmalar va ko‘plab ilmiy maqolalar yaratdi. Bu ishlar respublikamiz ilmiy jamoatchiligi tomonidan yuksak baholandi.

Ustoz Bekmurod Yo‘ldoshevning tilshunoslikning umumnazariy muammolariga doir o‘quv qo‘llanmalari, dasturlar, uslubiy tavsiyalar yaratish sohasidagi faoliyati ham g‘oyat ibratlidir. Olim o‘z safdoshlari bilan hamkorlikda e’lon qilgan “Umumiy tilshunoslik” (1974, 1979, 1982), “Tilshunoslikka kirish” (1980), “Tilshunoslikka kirish” kursidan amaliy mashg‘ulotlar rejasi” (1983), “Tilshunoslikka kirish” kursidan uslubiy tavsiyalar” (1988), “Lingvistik ta’limotlar tarixi” kursidan dastur” (1984, 1996), “Tilshunoslikka kirish” kursining dasturi” (1995), “Umumiy tilshunoslik” kursining dasturi” (1996), “Tilshunoslik ta’limotlari

tarixi” kursidan uslubiy tavsiyalar” (1993), “Tilshunoslik asoslari” fanidan reyting topshiriqlari” (2001), “Umumiy tilshunoslik asoslari” (2005) kabi asarlari hozirgi kunda mamlakatimizda yuqori malakali filolog kadrlar tayyorlash ishiga munosib xizmat qilib kelmoqda.

Professor H.Berdiyorov va dots.R.Rasulov bilan hamkorlikda o‘zbek tili frazeologizmlarining izohli lug‘atini yaratish ishida bevosita ishtirok etdi. Bu tadqiqotning to‘rt qismi “O‘zbek frazeologiyasidan materiallar” nomi bilan nashr etildi (1976, 1979, 1983, 1997) va ilmiy jamoatchilikning munosib bahosini oldi. Keyinchalik olim K.Bozorboyev bilan hamkorlikda “O‘zbek tili frazeologizmlarining lug‘ati” (so‘zlik) asarini ham nashr ettirdi (1998). B.Yo‘ldoshev frazeologiya va o‘zbek frazeologik uslubiyatiga doir “O‘zbek tilidagi frazeologizm-sarlavhalar haqida” (1979), “Frazeologiya va o‘zbek tilini o‘qitish” (1980), “Frazeologizmlarning grammatik tabiatiga doir” (1981), “Frazeologik variantlar va ularning ayrim uslubiy xususiyatlari” (1982), “Frazeologizmlarning struktural-grammatik va semantik xususiyatlari” (1985), “Navoiy asarlarida “bosh” komponentli frazeologizmlarning qo‘llanish xususiyatlari haqida” (1990), “Frazeologizmning so‘z bilan funksional munosabatiga doir” (1992) kabi ilmiy maqolalar, qo‘llanmalar nashr ettirdi. Ana shu ilmiy izlanishlarning natijasi sifatida 1979-yilda O‘zbekiston Fanlar akademiyasi A.S.Pushkin nomidagi Til va adabiyot instituti huzuridagi ixtisoslashgan Ilmiy kengash yig‘ilishida “Said Ahmad asarlarining tili va uslubi” mavzuidagi nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi.

1994-yili O‘zbekiston Fanlar akademiyasi A.S.Pushkin nomidagi Til va adabiyot instituti huzuridagi ixtisoslashgan Ilmiy kengash yig‘ilishida “Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari” mavzuidagi doktorlik dissertatsiyasini himoya qilgan.

Ustoz Bekmurod Yo‘ldoshev ko‘p yillar Samarqand davlat universitetida turli lavozimlarda faoliyat olib borgan, ko‘plab shogirdlar yetishtirgan. Shuningdek, olim 2000 – 2002-yillarda Navoiy davlat pedagogika institutining O‘zbek filologiyasi fakulteti dekani lavozimida faoliyat yuritgan. Faoliyati davomida tilshunoslik fanining turli sohalaridan, ayniqsa, frazeologiya sohasidan talabalarga chuqur bilim bergan, bakalavriat ta’limini bitiruvchi talabalarining bitiruv malakaviy ishlariga ilmiy rahbarlik qilgan. Ustoz bizga talabalik yillarimizda “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”, “Umumiy tilshunoslik”, “Nutq madaniyati” kabi fanlardan saboq bergan. Ayniqsa, frazeologiya sohasidagi bilimlarimizni mukammal bo‘lishiga katta hissa qo‘shgan. Tilshunos olim ilmiy faoliyatida o‘zbek tili leksikasi, terminologiyasi va iboralar (frazeologiya) olamini chuqur tadqiq etgan va turli anjumanlarda shu sohalardagi o‘z mulohazalari bilan muntazam ishtirok etgan.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshev qoldirgan ilmiy meros, U kishining yetishtirib chiqargan shogirdlari hamda chop ettirgan ilmiy risola va darsliklari

bugungi kunda ham o‘zbek tilshunosligini rivojlantirishda muhim manba bo‘lib xizmat qilmoqda. Ulug‘ ustozning ona tilimiz va milliy ilm-fanimiz ravnaqi yo‘lidagi xizmatlari hech qachon unutilmaydi hamda tilshunoslik ilmi ahli xotirasida mangu yashaydi.

TANIQLI TILSHUNOS OLIM — BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI RIVOJIGA QO‘SHGAN HISSASI

Isakov Zakirjon Soliyevich
Qo‘qon davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Samarqand davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasining yetakchi olimlaridan biri, professor Bekmurod Yo‘ldoshevning o‘zbek tilshunosligi rivojiga qo‘shgan hissasi tahlil qilingan. Olimning umumiy tilshunoslik, onomastika, frazeologiya va kompyuter lingvistikasi sohalaridagi ilmiy faoliyati, shuningdek uning Samarqand tilshunoslik maktabi an’analarini davom ettirishdagi o‘rni yoritilgan.

Kalit so‘zlar: umumiy tilshunoslik, onomastika, frazeologiya, kognitiv frazeologiya, kompyuter lingvistikasi, Samarqand tilshunoslik maktabi, ustozlik.

Аннотация: В данной статье анализируется вклад одного из ведущих представителей Самаркандской лингвистической школы, профессора Бекмурода Юлдошева, в развитие узбекского языкознания. Освещается научная и учебно-методическая деятельность ученого в области общего языкознания, ономастики, фразеологии и компьютерной лингвистики, а также его роль в сохранении научных традиций.

Ключевые слова: общая лингвистика, ономастика, фразеология, когнитивная фразеология, компьютерная лингвистика, Самаркандская лингвистическая школа, наставничество.

Abstract: This article analyzes the contribution of one of the leading scientists of the Department of Uzbek Linguistics of Samarkand State University, Professor Bekmurod Yuldoshev, to the development of Uzbek linguistics. The scientist's scientific activities in the fields of general linguistics, onomastics, phraseology and computer linguistics, as well as his role in continuing the traditions of the Samarkand linguistics school, are highlighted.

Keywords: general linguistics, onomastics, phraseology, cognitive phraseology, computer linguistics, Samarkand linguistics school, mentorship.

O‘zbek tilshunosligining XX asr oxiri – XXI asr boshidagi taraqqiyotida Samarqand davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasining o‘rni beqiyosdir.

Bu kafedrada Abdurauf Fitrat, Yevgeniy Polivanov, G‘ozi Olim Yunusov kabi tilshunoslikning ilk asoschilaridan tortib, Ulug‘ Tursunov shakllantirgan Samarqand tilshunoslik maktabining keyingi avlod vakillarigacha bo‘lgan olimlar faoliyat yuritgan. Aynan shu olimlar safida professor B.Yo‘ldoshevning nomi alohida hurmat bilan tilga olinadi – u nafaqat keng qamrovli ilmiy faoliyati, balki hamkasblari orasida “Tirik kutubxona” nomini olgan bilimdonligi bilan ham tanilgan edi.

Professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy faoliyati umumiy tilshunoslik nazariyasini o‘rganish va o‘qitishdan boshlangan. U X.Berdiyorov va T.Xo‘jayev bilan hamkorlikda 1974-yilda Samarqandda nashr etilgan “Umumiy tilshunoslik” darsligining hammuallifi bo‘lgan. Bu asar o‘sha davrda oliy ta’lim tizimida tilshunoslik nazariyasini o‘qitishning muhim manbalaridan biriga aylangan bo‘lib, olimning tilshunoslik metodologiyasi va nazariy asoslariga chuqur e’tibor qaratganini ko‘rsatadi. Bu darslikning ahamiyatini alohida ta’kidlash lozim: 1970-yillarda o‘zbek tilida umumiy tilshunoslikka oid mukammal o‘quv adabiyoti hali yetarli emas edi, talabalar ko‘pincha rus tilidagi manbalarga murojaat qilishga majbur bo‘lardi. Aynan shunday sharoitda yaratilgan bu darslik nafaqat amaliy ehtiyojni qondirdi, balki keyingi o‘n yilliklar davomida o‘zbek tilshunoslik terminologiyasi va tushunchalar tizimini shakllantirishga ham xizmat qildi. Yosh olimning bunday fundamental va nazariy jihatdan og‘ir mavzuga qo‘l urishi uning ilmiy salohiyati va istiqbolli tadqiqotchi sifatidagi salohiyatidan darak berardi. Bu birinchi yirik ish B.Yo‘ldoshevning butun keyingi ilmiy yo‘lida namoyon bo‘lgan xususiyatning – tilshunoslikning turli sathlarini nazariy asoslar bilan bog‘lab tahlil qilish mahoratining – ilk ko‘rinishi bo‘ldi.

Ushbu darslikning nazariy negizini o‘sha davr jahon tilshunosligida hukmron bo‘lgan strukturalistik paradigma, xususan, Ferdinand de Sossyurning tilni yaxlit ishora tizimi sifatida talqin etuvchi nazariyasi tashkil etgan edi. Sossyurning “til – nutq”, “sintagmatik – paradigmatik munosabatlar” kabi asosiy tushunchalari sovet tilshunosligi maktablari, jumladan o‘zbek tilshunosligi uchun ham umumiy tilshunoslikni o‘qitishning nazariy asosi bo‘lib xizmat qilgan. B.Yo‘ldoshev va hammualliflarining darsligi ana shu xalqaro strukturalistik an’anani o‘zbek o‘quv adabiyoti tiliga muvaffaqiyatli moslashtirgan dastlabki ishlardan biri sifatida baholanishi mumkin.

Professor B.Yo‘ldoshevning ilmiy qiziqishlari onomastika sohasini ham qamrab olgan. Uning “O‘zbek onomastikasi masalalari” nomli tanlov fan bo‘yicha uslubiy qo‘llanmasi (Samarqand: SamDU nashri, 2011) bakalavriat talabalari uchun mo‘ljallangan bo‘lib, ma’ruza matnlari, test topshiriqlari, amaliy va seminar mashg‘ulotlari rejalari hamda mustaqil ta’lim mavzularini o‘z ichiga olgan kompleks o‘quv-uslubiy majmua sifatida yaratilgan. Bu asar orqali olim onomastika

bo‘yicha nazariy bilimlarni tizimli tarzda yosh avlodga yetkazishga munosib hissa qo‘shgan.

Ushbu qo‘llanmaning metodik jihatdan qimmatli tomoni shundaki, unda nazariy ma’ruza matnlari amaliy mashg‘ulotlar, test topshiriqlari va mustaqil ta’lim mavzulari bilan uzviy bog‘langan holda taqdim etilgan – bu yondashuv talabaning nazariy bilimni amaliy ko‘nikmaga aylantirishini ta’minlaydigan zamonaviy pedagogik tamoyilga mos keladi. Shuni alohida ta’kidlash joizki, B.Yo‘ldoshev onomastikaga o‘zining asosiy tadqiqot yo‘nalishi sifatida emas, balki keng qamrovli tilshunoslik bilimining bir qirrasi sifatida yondashgan, biroq shunga qaramay bu sohada ham chuqur va tizimli o‘quv-metodik meros qoldira olgan. Bu holat olimning tilshunoslikning istalgan sohasida ham yuqori ilmiy-metodik saviyada ish olib bora olganini yaqqol ko‘rsatadi.

Mustaqillik yillarida o‘zbek frazeologiyasi yangi – kognitiv nuqtayi nazardan o‘rganila boshlanganida, B.Yo‘ldoshev bu yo‘nalishning faol tadqiqotchilaridan biri bo‘ldi. Olimning U.Rashidova bilan hamkorlikda yozgan “O‘zbek kognitiv frazeologiyasini o‘rganishning ayrim muammolariga doir” (Samarqand: SamDCHTI nashri, 2011) maqolasi o‘zbek frazeologik birliklarini kognitiv tilshunoslik metodologiyasi asosida tahlil qilishga qaratilgan dastlabki urinishlardan biri sifatida ahamiyatlidir. Bu ish o‘zbek frazeologiyasi tadqiqotlarini an’anaviy semantik tahlildan kognitiv-lingvokulturologik tahlil bosqichiga olib chiqishga xizmat qilgan.

Bu tadqiqotning ilmiy qiymati shundaki, u o‘zbek tilshunosligida frazeologiyani o‘rganishning yangi bosqichiga – frazeologik birliklarni faqat tayyor, qotib qolgan ifoda vositalari sifatida emas, balki insonning dunyoni kontseptuallashtirish jarayonining tilda aks etishi sifatida talqin qilishga o‘tishga zamin yaratdi. Shu davrda jahon tilshunosligida keng yoyilgan kognitiv yo‘nalishni o‘zbek frazeologik materiali asosida sinab ko‘rish o‘zi ilmiy jasorat va zamonaviy tilshunoslik yutuqlarini chuqur bilishni talab qiladigan ish edi. B.Yo‘ldoshevning bu boradagi izlanishlari keyinchalik o‘zbek kognitiv frazeologiyasi bo‘yicha olib borilgan dissertatsiya va monografik tadqiqotlar uchun boshlang‘ich nuqta va metodologik yo‘nalma bo‘lib xizmat qildi, deb aytish mumkin.

Kognitiv frazeologiyaning xalqaro nazariy negizini amerikalik olimlar Jorj Lakoff va Mark Jonsonning kontseptual metafora nazariyasi (Conceptual Metaphor Theory) tashkil etadi. Ularning 1980-yilda nashr etilgan “Metaphors We Live By” asariga ko‘ra, metafora shunchaki badiiy-nutqiy bezak emas, balki insonning mavhum tushunchalarni aniq, jismoniy tajriba orqali anglashini ta’minlovchi asosiy kognitiv mexanizmdir – inson bir tushunchani (masalan, vaqt yoki muhabbat) boshqa, ko‘proq tanish soha (masalan, harakat yoki sayohat) orqali kontseptuallashtiradi. B.Yo‘ldoshev va U.Rashidovaning tadqiqoti aynan shu

xalqaro nazariy paradigmani o‘zbek frazeologik materialiga tatbiq etishga qaratilgan bo‘lib, o‘zbek frazeologik birliklarida mujassamlashgan milliy kontseptual metaforalarni ochib berish imkonini yaratgan.

Diqqatga sazovor jihati shundaki, B.Yo‘ldoshev o‘z davrida hali o‘zbek tilshunosligida keng yoyilmagan kompyuter lingvistikasi masalalariga ham murojaat qilgan. Uning “Kompyuter lingvistikasi: muammo, vazifa hamda istiqbol” nomli maqolasi tilshunoslik va axborot texnologiyalari chorrahasidagi muammolarni ko‘tarib chiqqan, bu esa olimning nafaqat an’anaviy tilshunoslik, balki fanning istiqbolli, zamonaviy yo‘nalishlarini ham oldindan ko‘ra bilganidan dalolat beradi.

Bugungi kunda sun’iy intellekt va til texnologiyalari o‘zbek tilshunosligining eng dolzarb yo‘nalishlaridan biriga aylangan bir sharoitda, professor B.Yo‘ldoshevning bir necha o‘n yillar oldin aynan shu muammoga – tilshunoslikning kompyuter texnologiyalari bilan integratsiyasiga – e’tibor qaratgani olimning ilmiy dunyoqarashi naqadar keng va istiqbolli bo‘lganini ko‘rsatadi. Bu maqolada ko‘tarilgan “muammo, vazifa va istiqbol” tamoyili – ya’ni sohaning hozirgi holatini tanqidiy baholash, oldida turgan vazifalarni aniq belgilash va kelajakdagi rivojlanish yo‘nalishlarini bashorat qilish – hozirgi kunda ham o‘zbek tilshunosligida yangi yo‘nalishlarni tahlil qilishning samarali metodologik namunasi bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

Kompyuter lingvistikasi jahon miqyosida amerikalik matematik Uorren Uiverning 1949-yilgi mashhur memorandumidan boshlangan bo‘lib, unda birinchi marta til tarjimasini mashina yordamida amalga oshirish g‘oyasi ilmiy asoslab berilgan edi. Shu tariqa tilshunoslik va hisoblash texnologiyalari chorrahasida yangi fan sohasi – kompyuter (hisoblash) lingvistikasi – shakllana boshladi. B.Yo‘ldoshevning bu yo‘nalishga murojaat qilishi shuni ko‘rsatadiki, olim nafaqat mahalliy, balki xalqaro tilshunoslik fanining eng zamonaviy tendensiyalaridan ham xabardor bo‘lgan va ularni o‘zbek tili materiali asosida qanday qo‘llash mumkinligini oldindan ko‘ra bilgan.

Professor B.Yo‘ldoshev “Xorijiy filologiya: til, adabiyot, ta’lim” ilmiy jurnalining faol mualliflaridan bo‘lib, hamkasblari uni bilimdon, zukko olim, milliy tilshunoslikdagi yangiliklardan doimo xabardor bo‘lib turuvchi shaxs sifatida ta’riflashadi. Uning “Tirik kutubxona” unvoni bilan atalishi bejiz emas – bu olimning tilshunoslikning turli yo‘nalishlari (umumiy tilshunoslik, onomastika, frazeologiya, kompyuter lingvistikasi) bo‘yicha teran va keng qamrovli bilimga ega bo‘lganini yorqin ifodalaydi. Yosh tadqiqotchilar uning bilan suhbatlashish, undan maslahat olishga intilishgan, bu esa olimning nafaqat tadqiqotchi, balki chinakam ustoz sifatida ham katta obro‘-e’tibor qozonganini ko‘rsatadi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshevning ilmiy merosi o‘zbek tilshunosligining bir necha yo‘nalishini – umumiy tilshunoslik nazariyasi, onomastika, kognitiv frazeologiya va kompyuter lingvistikasini – qamrab oladi. Bu xilma-xillik olimning tor doiradagi mutaxassis emas, balki tilshunoslik fanining turli sohalarini chuqur va uzviy bog‘liqlikda ko‘ra bilgan keng qamrovli tadqiqotchi bo‘lganini ko‘rsatadi.

Yuqoridagi tahlildan ko‘rinadiki, B.Yo‘ldoshevning har bir yo‘nalishdagi ishi o‘z davri uchun alohida ahamiyatga ega bo‘lgan: 1970-yillarda – umumiy tilshunoslik nazariyasini tizimlashtirish, 1990–2000-yillarda – onomastikani o‘quv jarayoniga metodik jihatdan mustahkam asosda kiritish, 2010-yillarda – kognitiv frazeologiya va kompyuter lingvistikasi kabi zamonaviy yo‘nalishlarni o‘zbek tilshunosligiga olib kirish. Bu izchillik olimning ilmiy faoliyati tasodifiy emas, balki tilshunoslik fanining rivojlanish mantig‘ini chuqur anglagan holda amalga oshirilganini ko‘rsatadi. Ayni shu jihat – zamon bilan hamnafas bo‘lish, har bir davrning ilmiy talabiga o‘z vaqtida munosib javob bera olish qobiliyati – B.Yo‘ldoshevning eng katta yutug‘i va o‘zbek tilshunosligi rivojiga qo‘shgan eng qimmatli hissasi sifatida baholanishi lozim. U vafot etgach ham uning ishlari, maqolalari va o‘quv-uslubiy qo‘llanmalari yosh tilshunoslar uchun muhim manba bo‘lib xizmat qilishda davom etmoqda. Ustozning “Tirik kutubxona” sifatidagi merosi o‘zbek tilshunosligi tarixida munosib va o‘chmas iz qoldirgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Berdiyorov X., Xo‘jayev T., Yo‘ldoshev B. Umumiy tilshunoslik. – Samarqand, 1974. – 96 b.

2. Yo‘ldoshev B. O‘zbek onomastikasi masalalari: tanlanma fan bo‘yicha uslubiy qo‘llanma. – Samarqand: SamDU nashri, 2011. – 112 b.

3. Yo‘ldoshev B., Rashidova U. O‘zbek kognitiv frazeologiyasini o‘rganishning ayrim muammolariga doir // Til taraqqiyotining leksik va grammatik muammolari (respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari). – Samarqand: SamDCHTI nashri, 2011. – B. 56–60.

4. Yo‘ldoshev B. Kompyuter lingvistikasi: muammo, vazifa hamda istiqbol. – “Ma’rifat” gazetasi, 2008-yil 25-oktabr.

5. O‘zbekiston Respublikasi Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti o‘zbek tilshunosligi kafedrasi rasmiy sahifasi. URL: https://www.samdu.uz/uz/pages/ozbek tilshunosligi_kafedrasi

6. Узбекская фразеология в годы Независимости: достижения и очередные задачи // Иностранная филология: язык, литература, образование.URL:https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/402

7. Saussure F. de. Course in General Linguistics. – Paris, 1916 (rus tilida: Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. – Москва: Прогресс, 1977.– 256 с.).

8. Lakoff G., Johnson M. Metaphors We Live By. – Chicago: The University of Chicago Press, 1980. – 256 p.

9. Weaver W. Translation // Machine Translation of Languages. – 1949 (1955-yilda qayta nashr etilgan). – P. 15–23.

O‘ZBEK FRAZEOLOGIYASINING ZABARDAST VAKILI

Sh.A.Ganiyeva,
filologiya fanlari doktori, professor
Sh.M.Iskandarova,
filologiya fanlari doktori, professor

O‘zbek frazeologiyasining mustahkam nazariy va amaliy poydevorini yaratgan yirik olim, zabardast tilshunos, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev hisoblanadi. Olimning ko‘p yillik izlanishlari natijasida o‘zbek tilidagi frazeologik birliklar va ularning tadqiqi yaxlit tizimga solindi. B.Yo‘ldoshev tomonidan ilgari surilgan konsepsiyalar o‘zbek frazeologiyasining semantik-struktur va uslubiy xususiyatlarini asoslash va sohaning rivojlanish tamoyillarini yoritib berishda muhim ahamiyatga ega bo‘ldi.

O‘zbek tilshunosligida frazeologik birliklarning tadqiqi masalasi ancha yillardan buyon mutaxassislar e’tiborini tortib kelmoqda. Bu muammo bo‘yicha ko‘plab monografik izlanishlar maydonga keldi. Ularda frazeologik birliklarning shakllanishi, bu birliklarning o‘ziga xos belgilari, taraqqiyoti, uslubiy jihatlari, etimologik xususiyatlari, birikish imkoniyatlari, ayrim tillar iboralari bilan qiyoslanishi singari masalalar atroflicha tadqiq etilgan. Bu borada, ayniqsa, Sh.Rahmatullayev, B.Yo‘ldoshev, Abdimurod Mamatov, Abdug‘afur Mamatov va boshqa qator tilshunoslarning xizmatlari katta.

Tilshunoslik nazariyasida leksik sath hamda uning birligi bo‘lgan leksema va uning mazmuniy tuzilishi ancha keng o‘rganilgan. Frazeologizmlarning shakl va ma’no munosabatidan tashkil topgan butunlik ekanligi ko‘pchilik tomonidan e’tirof etilgan bo‘lishiga qaramay, frazeologik ma’no va uning tuzilishi haqidagi masalalar yaqin yillarga qadar munozarali muammo sifatida o‘rganildi. Ayrim mualliflar tomonidan frazeologik birliklarning umumiy masalalari xususida fikr yuritilganda, frazeologik ko‘p ma’nolilik ham tilga olinadi. Bu jihatdan B.Yo‘ldoshevning “O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi masalalari” nomli monografiyasi diqqatga sazovardir. Muallif leksik polisemiya hodisasining olimlar tomonidan keng tadqiq etilgani, frazeologik polisemiya hodisasining namoyon bo‘lishi haqida tilshunoslikda turli xil, hatto bir-biriga zid qarashlar mavjud ekanligini to‘g‘ri ta’kidlaydi.

Frazeologik polisemiya masalasiga turkologiyada ham o‘tgan asrning 70-yillaridan boshlab jiddiy e’tibor berila boshladi. Xususan, Z.Uraksin boshqird tilidagi 3000ga yaqin frazemalarni tahlil qilib, shulardan 215tasi ko‘pma’nolilik xususiyatiga ega ekanligini aniqlagan. B.Yo‘ldoshevning hisobiga ko‘ra, bu boshqird tilidagi barcha frazemalarning to‘qqiz foizini tashkil etadi.

Mazkur ishda frazeologik birliklardagi ma’no taraqqiyoti ikki guruhga ajratib o‘rganiladi: a) semalarning ketma-ket siljishi, taraqqiyoti yoki frazemalarda ikkilamchi metaforizatsiya jarayoni asosida hosil bo‘lgan polisemik frazemalar; b) frazemalarda ma’nolarning parallel siljishi yoki parallel metaforizatsiya asosida yuzaga kelgan polisemik frazemalar[2]. Bundan tashqari, B.Yo‘ldoshev tomonidan boshqa turkiy tillar, xususan, ozarbayjon, turkman, qirg‘iz tillaridagi frazeologik polisemiya tadqiqiga bag‘ishlangan bir qator asarlar ham tahlilga tortiladi.

O‘zbek tilshunosligida frazeologik polisemiyaga bag‘ishlangan maxsus monografik tadqiqotlar yetarlicha mavjud bo‘lmasa ham, frazeologik birliklarning semantik tahlilida frazeologik polisemiya haqida ma’lum darajada fikrlar uchraydi. Shunga asoslangan holda, professor B.Yo‘ldoshev frazemalarga xos ko‘pma’nolilik xususiyati o‘zbek tilshunosligida keng faktik materiallar tahlili asosida chuqur ilmiy tadqiqot olib borish lozimligini bayon qiladi[3]. Olimning fikricha, leksik omonimiya va leksik polisemiya o‘rtasidagi differensial belgi motivlovchi semaning mavjud yoki mavjud emasligi bilan izohlanadi. Polisemiya bu belgiga ko‘ra oppozitsiyaning kuchli, omonimiya esa kuchsiz a’zosi sanaladi. Xuddi mana shu belgi tilning boshqa sathlariga xos bo‘lgan omonimiya va polisemiya hodisalarini ham farqlash uchun xizmat qiladi. Ya’ni: “PFlar (polisemik frazemalar) tarkibidagi ma’nolar ham xuddi leksik ma’nolarda bo‘lgani singari o‘ziga xos kontekstda, sintaktik qurshovda namoyon bo‘ladi. Ayrim PFlarning ma’nolari (semalari) o‘zaro lug‘aviy ma’nosidan tashqari, leksik kontekstida, grammatik tabiati yoki sintaktik qurshovida farqlanishi mumkin”[4].

Frazeologik birliklar doirasida ham ushbu differensial holatni kuzatish mumkin. Jumladan, ***gap tegmoq*** frazeologik birligi “tanbeh eshitmoq” va “so‘z navbati kelmoq” sememalarini ifodalab, bu semalar o‘rtasida motivatsion munosabat saqlangan. Ikkala semema “nutqqa dahldorlik” semasi bilan tutashib turadi. Frazeologik birlikni bitta integral sema birlashtirib turadi. Shuning uchun ***gap tegmoq*** frazeologik birligi ikki sememaga ega bo‘lgan bitta til birligi hisoblanadi.

“So‘z nutqiy daraja ko‘rsatkichi va ma’no nisbiy tafovuti polisemiya hodisasini hosil qiladi. Semantik struktura shakllanish qonuniyatlari aynan ichki

[2] Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. М.: Наука, 1975. – С.52.
[3] Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. Тошкент: Муҳаррир, 2013. - Б.102.
[4] Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. Тошкент: Муҳаррир, 2013. –Б.126.

mohiyat kengayishini tayin etadi. Frazemada ma’no tugalligiga mantiqiy ta’kid yuklanadi. Bunday ma’no kengayishi PF tabiatini belgilaydi”[5].

Ko‘rinadiki, tilning barcha sathlarida polisemiyada sememalar o‘rtasidagi ichki bog‘liqlik saqlanadi, bir semema asosida ikkinchisi kelib chiqadi, ular o‘rtasida motivatsion munosabat mavjud bo‘ladi. Omonimiyada ham ikki va undan ortiq semema mavjud bo‘lsa ham, lekin bu sememalar o‘rtasida semantik bog‘liqlik, motivatsion munosabat mavjud bo‘lmaydi.

Qayd etish zarurki, bugungi kunda transformatsiya hodisasi sintaktik sath uchungina emas, balki boshqa sathlar uchun ham tegishli hodisa sifatida amal qilmoqda. Xususan, frazeologik birliklar transformatsiyasi bo‘yicha ham ayrim monografik izlanishlar maydonga kelgan bo‘lib, bu borada o‘zbek tilshunosligida B.Yo‘ldoshevning tadqiqotlarini alohida ko‘rsatib o‘tish kerak.

B.Yo‘ldoshev frazeologik antonimlarning badiiy uslubda antitezalar hosil qilish vazifasi haqida fikr yuritib, frazeologik antonimlar yordamida antitezalar hosil qilishning quyidagi uch turini ajratadi: a) antonim frazemalarni qarama-qarshi qo‘yish usuli: *Yaqin orada ovozasini eshitib qolarsizlar. Qishloqning boshini yerga egdi emish, boshini ko‘tardi degin;* b) kontekstual frazeologik antonimlarni zid qo‘yish: *Sodiq qancha yonib kuymasin, uning ignasi siniq, ipi uzun edi*; v) frazeologik birikmani uning biror komponentiga antonim bo‘lgan so‘z bilan to‘qnashtirish: *Qalandarov haqiqatan tanqidchilarning boshini qashlab turib, qorniga mushtlamoqchi edi*[6]. Ko‘rinadiki, olim tomonidan frazeologik antonimiya hodisasi ham atroflicha o‘rganilgan.

Ma’lumki, individual-muallif o‘zgarishlari ma’lum muallif tomonidan kiritilgan o‘zgartirishlar bo‘lib, bunday o‘zgarishlar natijasida hosil bo‘lgan frazeologik birliklar iste’moli chegaralangan, tilga to‘la singib ketmagan birliklardir. Bunday frazeologik birliklar til taraqqiyoti natijasida iste’mol doirasi kengayib, umumtil frazeologik birligiga aylanishi ham kuzatiladi. Bu borada professor B.Yo‘ldoshevning qarashlari o‘rinlidir. Olim o‘z fikrlarida asosiy e’tiborni individual muallif o‘zgarishlariga qaratar ekan, frazeologik birliklarning quyidagi o‘zgarish usullarini keltiradi:

1) ibora komponentini almashtirish usuli (ko‘pincha fe’l iboralarda ot komponent almashtiriladi);

2) iborani oddiy qo‘llanishdagi so‘z bilan kengaytirish usuli (ibora tarkibiga uning biror komponentiga tegishli, o‘sha komponentni aniqlab, izohlab keluvchi so‘z yoki o‘xshash birikma kiritish, ibora tarkibini uning boshi yoki oxiridan oddiy qo‘llanishdagi so‘z bilan kengaytirish);

[5] Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. Тошкент: Муҳаррир, 2013. –Б.129.
[6]Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 1993.- Б.37.

3) frazeologik ixchamlashtirish usuli;

4) erkin qo‘llanishdagi so‘zni frazeologik birlikning qismi bilan biriktirish usuli;


5) mavjud frazeologik birlikning obrazli asosidan foydalanish usuli[7].

Mohir tadqiqotchi B.Yo‘ldoshev badiiy matnlarda qo‘llanilgan umumtil, okkazional va individual-frazemalarning lingvopoetik xususiyatlarini o‘zbek uslubshunosligi erishgan yutuqlarga tayangan holda” tadqiq etib, bunday frazemalarning transformatsion, uslubiy xususiyatlarini aniqlash masalasiga ham alohida e’tibor qaratgan[8].

Filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev o‘zbek tilshunosligida mohir frazeolog olim, mazkur sohaning yetuk nazariyotchisi sifatida tadqiqot olib borgan. Olimning ilmiy merosi bugungi kunda soha tadqiqotchilari uchun muhim nazariy manba bo‘lib xizmat qilib kelmoqda. Butun umrini, ilmi va mahoratini o‘zbek frazeologiyasining taraqqiyoti uchun bag‘ishlagan olim B.Yo‘ldoshevning siymosi hamkasblari, izdoshlari xotirasida uzoq yillar yashaydi.

[7] Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. 1998. – Б.185

[8] Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б. 243-297.


USTOZ VA OLIM SHAXSI
EZGU NOM — ABADIY XOTIRA
PROFESSOR BEKMUROD YO'LDOSHEV XOTIRASIGA BAG'ISHLANADI!

ҲАЛОВАТИ – МАШАҚҚАТ ЭДИ…

Профессор Бекмурод Йўлдошевни эслаб

Ёшинг улғайган, ҳаётий тажрибанг ортган, яхши-ёмонни англай борган сари ўзингда ҳаётингда муҳим роль ўйнаган ажойиб инсонлар сийратини соғиниб қоларкансан. Зеро, инсон табиати ҳам яхшиликни унутмасликка мойил бўлади. Яхшилик эса бировга тўғри йўлни кўрсатиш, тўғри маслаҳат беришгина эмас, балки ибрати билан унинг камолотига сабабчи бўлиш ҳамдир. Бекмурод ака ана шу тоифадаги олимлардан, одамлардан бири эди.

Гарчи бир шаҳарчада туғилиб ўсган, қўшни мактабларда ўқиган, бир муҳитда камол топган бўлсак-да, у киши менга буни билдирмасди, ҳаракатимга яраша ёрдам қиларди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, домланинг ортидан қолгим келмасди, кутубхонага борса кутубхонага, илмий анжуманга борса, илмий анжуманга бирга борардим. Айниқса, таниқли ижодкорлар ҳақида суҳбатларидан завқланардим, кун бўйи, тинмай ҳаракатда бўлишига ҳавасим келарди.

Иккинчи курслигимда домланинг таклифи билан Нормурод Нарзуллаевнинг «Зарафшон зарлари» янги китоби ҳақида тақризнамо мақола ёздим. У киши Юрт таърифи борасидаги ташбеҳларга алоҳида эътибор беришимни, таҳлил қилишимни сўради, кўрсатмалар берди. Ва ниҳоят бу битигимни биринчи илмий мақола қилишга эришдим. Бу мақола университет талабаларининг илмий конференцияси тўпламида чоп этилди.

Сўзлар билан ишлашда ўша давр етук тилшуноси Раҳматулла ака Қўнғуров билан Ҳамид Олимжон асарлари тили луғатини яратишда озгина тажриба орттирдим. Бу жараёнда ҳам Бекмурод ака маслаҳатларини аямади. Бир мен эмас, бу ишга жалб этилган бошқа курсдошларим ишларини таҳлил қилиб борди.

Омон Матжондек таниқли шоир билан бир гуруҳда ўқиб, диплом олгач, вилоят «Зарафшон» газетасида биргаликда бир муддат ишлагани учунми, домлада публицистик қобилият ҳам кучли эди. Камина эса бундан фойдаланиб, мақола ёзишнинг сирларини ҳам ўргана бошлади. Бекмурод аканинг ёрдами билан «Зарафшон» газетасида чоп этилган «Замонага муносиб бўлайлик» сарлавҳали мақолам (1973 йил, ноябрь) деярли барча олий ўқув юртларида муҳокама бўлган эди.

Кейинчалик Б.Йўлдошевнинг тавсиясига кўра, Барот Бойқобиловнинг «Афросиёб ва сонетлар тўплами ҳақида» таҳлилий мақола ёздим. Унда муаллифнинг «Ургут чиноридан менинг қаламим» сатри билан бошланувчи шеърidаги ташбеҳларни шарҳлашга ҳаракат қилдим, Тошкентга бориб муаллиф билан учрашдим. Бу илмий изланишимиз ҳам талабалар конференцияси материалларида чоп этилди.

Бекмурод ака билан кейинги ишимиз битирувчи курсимда бўлди. Ўшанда ёзувчи Турғун Пўлатнинг «Шарқ юлдузи» журналида «Ичкуёв» деган қиссаси чоп этилди. Очиғи, асарни ўқиб чиқиб, жуда таъсирландим. Бир инсоннинг аянчли ҳаётини тасвирлаш баробарида муаллиф образлар мулоқотларида халқона иборалардан жуда кўп ва усталик билан фойдаланган экан. Фикрим Б.Йўлдошевга жуда маъқул тушди ва у кишининг тавсияси билан «Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» қиссасида халқ ибораларидан фойдаланиш маҳорати» мавзусида яна бир ихчам илмий тадқиқотга қўл урдим. Минг афсуски, битирувчи курс кайфияти биланми ёки эътиборсизлик туфайлими, бу тайёр мақолани чоп этишга улгурмадим. Кейинчалик, қўлёзмаси ҳам йўқолди. Бироқ, асардан олган таассуротларим ёзган сатрларим ҳамон эсимда.

Б.Йўлдошев жуда ҳушёр олимлардан эди. Тилшуносликда нимаики янгилик бўлса, дарҳол хабар топар ҳамда муносабат билдирарди. Бир йилда камида ўндан зиёд конференцияларда иштирок этарди. Кўплаб тенгдошлари ва устозлари қўлёзмаларини нашрга тайёрлаганини ҳам ўзим кўрганман. Бир сўз билан айтганда, тиним билмасди. Хусусан, фразеологик бирикмалар юзасидан жуда кўп хулосалар берарди. Уларни тўплаб, нашр ҳам эттирдим. Ҳатто биз газетада бу ибораларнинг шарҳини бера бошладик. Бундан ташқари, олим мустақиллик йилларида ёзилган ҳар бир бадиий асар ҳақида ўз фикрларини олиб келар, журналистлар билан бу асар ҳақида суҳбатлашарди. Шунинг учун ҳам жамоамиз домланинг мулоқотларига ўрганиб қолган эдик. Бундан ташқари, Б.Йўлдошев илтимосимга кўра, жамоамиз ўртасида лотин ёзувидаги тил қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтиб берди, кейинчалик бу ишга шогирди Мардон Болтаевни жалб этди.

Бир сўз билан айтганда, Б.Йўлдошев ўз даврининг билимли, маърифатли олимларидан эди. У киши изланишни, машаққатни ҳаловат деб англарди. Шунинг учун бўлса керак, бугун ҳам жамиятимиз ана шундай фидойи инсонларга жуда катта эҳтиёж сезади ва соҳа одамлари Бекмурод аканинг номини ҳар даврада эслаб туришади.

Фармон ТОШЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ЕТУК НАМОЁНДАЛАРИДАН БИРИ БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВНИ ХОТИРЛАБ

Устоз бор жойда илм яратилади - илм бор жойда тараққиёт бўлади, тараққиёт бор жойда – фаровонлик бўлади, фаровонлик бор жойда хотиржамлик бўлади, хотиржамлик бор жойда инсон ўзини бахтли ҳис қилади. Бундай устозларнинг номи ва эзгу ишлари қалбларда абадий яшайди.

Бунинг исботи сифатида таниқли тилшунос маърифатли олим, филология фанлари доктори, профессор Бекмурод Болтаевич Йўлдошевнинг ёркин хотираси орамиздан кетганига йиллар ўтса-да, унинг илмий мероси, устозлик сабоқлари ва инсон сифатидаги ибратли фазилатлари ҳамкасблари, биродарлари, шогирдлари ва илм аҳли қалбида ҳамон сақланиб келмоқда.

Мен билган Бекмурод Йўлдошев ўзбек тилшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшган фидойи олим эди. Унинг айниқса ўзбек фразеологияси, фразеографияси, услубият ва матн тилшунослиги соҳаларидаги илмий изланишлари алоҳида эътиборга сазоворлиги, ушбу масалаларнинг бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотган эмас. Олим ўз тадқиқотлари орқали яратган ижод маҳсулида она тилимизнинг бойлиги, жозибаси ва беқиёс имкониятларини чуқур очиб беришга хизмат қилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Устознинг яна бир буюк фазилати, етук олим сингари, илмни фақат ўзи учун эмас, балки ёш авлодга етказишни ўзининг муқаддас бурчи деб билганида эди. У талабалар ва шогирдларига билим бериш билан бирга, уларни илмга садоқатли, изланувчан ва энг муҳими, ҳалол инсон бўлишга ундар эди. Бунинг бу фазилати авлодлар оша бардавом бўлиши тайин.

Мен Бекмурод ака билан мулоқот қилганимда, у кишининг кенг билими, самимийлиги, камтарлиги ва инсонларга бўлган меҳр-эътиборини албатта ҳис қилар эдим. Устознинг ҳар бир суҳбати, ҳар бир маслаҳати ва илмий фикри дўстлари ва шогирдлари учун катта сабоқ бўлиб қолди. Айрим жараёнлар, одамлар такрорланади, аммо айримлари бетакрор бўлади. Қаҳрамонимиз ҳақиқатда бетакрор инсон эди.

Маълумки, инсоннинг умри унинг дунёда қанча яшагани билан эмас, балки халқ ва илм соҳасида қандай из қолдиргани билан ўлчанади. Бу маънода Бекмурод Йўлдошевнинг умри мазмунли ва баракали кечди ва жуда катта маънавий меърос қолдирди. Унинг илмий асарлари – унинг тафаккури, шогирдлари – унинг давомчилари, эзгу хотираси эса унинг маънавий меросидир. Бугун бундай устозни эслар эканмиз, унинг номи билан бирга ўзбек тили ва тилшунослигига бўлган беқиёс меҳрини ҳам ёдга оламиз. Унинг илмий мероси миллатимининг кўп авлодлари учун хизмат қилади. Миллт бор

экан, ўзбек тилининг мавқеи йўқолмайди. Бу тил яшар экан миллатнинг қадри ва қадриятлари ҳам асло ўлмайди. Демак, устозлар вафот этмайди – уларнинг номи илмда, сўзи шогирдлар қалбида, эзгу ишлари эса халқ хотирасида абадий яшайверади.

Бекмурод Болтаевич Йўлдошевнинг **таржимаи ҳолига** назар ташлайдиган бўлсак, у кишинги ҳаёти ва таълим йўли оддий одамлар сингари кечган. У киши 1946 йил 9 июль куни Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Мисит қишлоғида туғилган. Қишлоқда мактабни битириб, 1964–1969 йилларда Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил олган ва университетни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ўша пайтларда имтиёзли диплом соҳиблари албатта олийгоҳнинг ўзида ишга қолар эди. Бироқ у киши меҳнат фаолиятини Самарқанд вилояти газетаси таҳририятида бошлади. Бир йилдан кейин 1970 йилдан бошлаб Самарқанд давлат университетида илмий-педагогик фаолият олиб борди. Унинг бутун меҳнат фаолияти ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва ўргатишга, илмий тадқиқ қилиш ва ёш авлодга шунга йўналтиришга бағишланган эди.

Бекмурод Йўлдошевнинг **илмий фаолияти** ҳам ибратга лойиқ. У кишининг илмий меросида фразеология муҳим ўрин эгаллайди. У ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг маъноси, тузилиши, қўлланиш хусусиятлари ва услубий имкониятларини чуқур тадқиқ этган олимларимиздан бири эди. Олим 1979 йилда айнан шу ўзбек тили бўйича номзодлик диссертациясини, 1994 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Докторлик тадқиқоти ҳозирги ўзбек адабий тилидаги фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятларига бағишланганлиги билан характерлидир. Унинг тадқиқотларида фразеологизмларнинг нафақат луғавий маъноси, балки уларнинг бадиий нутқда, публицистик ва илмий услубларда қўлланиши, нутқнинг таъсирчанлиги ва образлилигини таъминлашдаги ўрни ҳам атрофлича ёритилганлиги туфайли, бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган долзарб масалалардан бири ҳисобланди.

Бекмурод Йўлдошев олим сифатида кўплаб илмий мақола, монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифидир. Унинг илмий ишлари таркибида «Фразеологик услубият асослари», «Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари», «Матн тилшунослиги», «Ўзбек ономастикаси масалалари», «Тилнинг ижтимоий моҳияти», «Компьютер лингвистикаси» каби асарлари ўзбек тилшунослигида муҳим илмий манба сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Бекмурод Йўлдошевнинг **педагогик фаолиятига** назар ташлайдиган бўлсак, у киши фақат тадқиқотчи олим сифатида эмас, балки ўзбек

тилшунослигининг етук устози сифатида ҳам баҳоланадиган даражада ижод қилиб, жуда катта илмий мерос қолдиришга муваффақ бўлди. У кўп йиллар давомида талабалар, магистрантлар ва ёш тадқиқотчиларга таълим бериш билан бирга кўплаб илмий ходимларга ҳам таянч бўлиб келди. Олимнинг устозлик фаолиятининг муҳим жиҳати шундаки, у тилшуносликнинг назарий масалаларини амалий мисоллар билан тушунтиришга катта аҳамият берганлиги билан ажралиб туради. Унинг илмий мактабида шаклланган кўплаб шогирдлар кейинчалик ўзбек филологияси соҳасида фаолият олиб бормоқда. Юқорида таъкидланганидек, устоз ўз илмий асарлари билан абадий яшайди. Унинг илмий ва педагогик мероси бугун ҳам ёш тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда ва келажакда ҳам хизмат қилади.

Бекмурод Йўлдошевнинг асарлари илмий меросининг аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз қадрини асраб келаётганлиги билан ҳам белгиланади. Олимнинг асарлари тилшунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар, докторантлар, магистрантлар ва талабалар учун қимматли манба ҳисобланади. Унинг илмий мероси ўзбек тилининг бой имкониятларини ўрганиш, фразеологик бойликни асраш ва бундай нодир манбаларни келажак авлодга етказишда, миллий тил маданиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Бекмурод Болтаевич Йўлдошев айни 70 ёшида 2016 йил 19 декабрда вафот этди. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ўзбек тилшунослигига фидойилик, илмга садоқат ва устозлик мактабининг ёрқин намунаси сифатида ибрат бўлиб келмоқда. Бугун олимнинг номи ва илмий мероси нафақат тилшунослар томонидан, балки кенг омма томонидан ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Унинг асарлари ва илмий ғоялари ўзбек тилини чуқур ўрганишда ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда ва бугунги ўнгланиш даври учун ҳам хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Бекмурод Йўлдошев ўзбек тилшунослиги фанининг ривожига катта ҳисса қўшган, илмий фаолиятини миллий тилнинг бойлиги ва имкониятларини ўрганишга бағишлаган етук олимдир. Айниқса, унинг ижодига мансуб, ўзбек фразеологияси ва фразеологик услубият соҳасидаги тадқиқотлари унинг илмий меросида алоҳида ўрин тутади. Унинг илмий асарлари, педагогик фаолияти ва шогирдларига берган сабоқлари ўзбек филологияси тарихида муносиб из қолдирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бекмурод Йўлдошевнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш миллий тилшунослик мактабининг бой анъаналарини давом эттириш ҳозирги авлоднинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Устозни қадрлаган шогирдларнинг қадри баланд бўлади.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д

BEKMUROD YO‘LDOSHEV – BENAZIR VA BETAKROR USTOZ

Tog‘larning balandligi ulardan uzoqlashganda sezilganidek, insonlarning ham buyukligi ulardan ayrilganimizga vaqtlar o‘tishi bilan tobora yaqqolroq namoyon bo‘lar ekan. Ustozim Bekmurod Yo‘ldoshev ham qanchalik buyuk olim ekanligini bugungi kunda yanada teranroq anglamoqdamiz.

Anjumanlarda, ilm ahli vakillari orasidagi o‘zaro suhbatlarda ba’zan “uztozingiz kim?” deb so‘rab qolishadi, Bekmurod Yo‘ldoshev haqida eshitishlari bilan ko‘proq yoshi ulug‘ ustozlar yoki domlani taniydigan insonlar albatta u kishi haqida iliq fikrlar bildirishadi, tilshunoslik ilmidagi benazir va betakror inson sifatida alohida e’tirof etishadi. Afsuski, ko‘pincha ulug‘ unsonlarning qadrini ularni yo‘qotgandan keyin bila boshlaymiz. Ustozlarni bekorga otalarga qiyoslashmas ekan, ular ham xuddi otalardek shogirdining kamoli uchun har narsaga tayyor turisharkan. Ularning nasihatlari qanchalik to‘g‘ri ekanligini hayotning o‘zi tasdiqlab boraveradi...

Bekmurod Yo‘ldoshev bilan ilk uchrashuvimiz 1997-yil bo‘lgan edi. Domla Nukusga universitetimiz faoliyatini attestatsiyadan o‘tkazuvchi ishchi guruh tarkibida kelgan ekanlar. Ishga kelganimga bor-yo‘g‘i ikki yil to‘lgan bo‘lib, frazeolog olim Yo‘ldoshev haqida faqat eshitgandim xolos. Tanishuvimizning ilk kuniyoq rahbariyat tomonidan domlaga yordamchi qilib tayinlandim. Ustozimiz Abdurahmon Madaminov va Bekmurod Yo‘ldoshev bir-birini yaxshi tanishar ekan, ikkala qadrdon suhbatlari orasida mening nomzodlik ishimga Bekmurod Yo‘ldoshevni rahbar qilib bekitish haqida kelishib olishdi. Taklif menga ham ma’qul bo‘ldi. Chunki men Bekmurod Yo‘ldoshev bilan allaqachon ota-boladek bo‘lib olgan edim.

1998-yilda dissertatsiya mavzusi va ilmiy rahbar rasmiy ravishda tasdiqlandi. Yeng shimarib ilmiy ishga kirishdim. Ishlar ba’zan tezlashib ketar, ba’zan oylar davomida to‘xtab qolardi. Shunday paytlarda domladan tanbeh ham eshitib turardim. Ba’zan yaxshiroq maqola tayyorlasam, domla albatta e’tirof etardilar. Balki shunday paytlari g‘ururlanib ketsam kerak, domla darhol: “hoy bola, o‘zingdan ketib qolma, katta ish oldinda turibdi hali..“ deya meni hovurimdan tushirib qo‘yardilar.

2001-yil sentabrdan boshlab domla Navoiy davlat pedagogika institutida ishlay boshladilar. Ilmiy ishlar bahonasida Navoiy shahrini ham ko‘rdim. Bir voqea hech esimdan chiqmaydi: domla dissertatsiyamning birinchi bobini endi o‘qishga kirishganda, abituriyentlar kelib qoldi. O‘sha paytlari fan doktori Yo‘ldoshev domla dekanlik bilan birga repetitorlik ham qilarkanlar, chunki oylikka kun ko‘rish qiyin edida... Xullas, domlaning uch soat vaqtini abituriyentlar mendan tortib olishmoqchi

bo‘lishdi. Shunda domlaga tayyorlik darsini uning o‘rniga men o‘tishga ruxsat berishini so‘radim, rozi bo‘ldilar. Men uchun abituriyentga dars o‘tish sevimli mashg‘ulot edi, domla ham darajasiga loyiq ish bilan shug‘ullanayotgan edi...

Apil-tapil deguncha to‘rt yil o‘tib, dissertatsiyaning xomaki matni ham tayyor bo‘lib qoldi. 2002-yil fevral oyida kafedrada dastlabki muhokama bo‘ldi, jiddiy kamchiliklar aytildi. Tayyorlov kurslari boshlanib ketganligi sababli, ishni qayta ko‘rishga vaqt ham, istak ham bo‘lmadi. Yangi o‘quv yili boshlanganda yana Samarqandga yo‘l oldim va ishga jiddiy kirishdim. Domla ham Samarqandga qaytgan ekanlar, ishlarni tezlatish maqsadida boshqa joyda turishimga rozi bo‘lmay, uylariga olib keldilar. Seminarlar va tashqi taqrizda aytilgan har bir kamchilikni tushuntirib, qanday tuzatishlar kiritish bo‘yicha qimmatli maslahatlar berardilar. Kunduzlari domlaning kutubxonasi ixtiyorimda bo‘lib, kun bo‘yi yozganlarimni domla qayta tahrir qilar edilar. Keyin esa pazanda yangam pishirgan ovqatlarni birga tanovvul qilardik. Kunlik ijodimiz samarali bo‘lsa qittay-qittay qilib yuvardik... Kasallanib qolgan vaqtlar ham bo‘ldi, yangamning xuddi onamdek mehribonligi sababli tezda tuzaldim. Ikki oylar chamasi domla bilan bir oiladek bo‘lib yashab, dekabrda himoyani ham o‘tkazib oldik. Himoya bo‘ldi, diplomlar qo‘lga tegdi, lekin domla bilan aloqalarimiz uzilmadi. Birgalikda kitoblar, maqolalar chiqardik, xullas, hamkorlik davom etdi.

2015-yilda universitetimizda o‘zbek tilshunosligi bo‘yicha magistratura mutaxassisligi ochilishida ham ustozning ko‘p yordamlari tegdi. Domla dastlabki yillarda magistrlarga dars berib, o‘quv-uslubiy va me’yoriy hujjatlarni tayyorlashda yo‘l-yo‘riq ko‘rsatib turdilar. Domla bilan, ayniqsa, keyingi yillarda juda yaqin bo‘lib qolgandik. Tez-tez telefonda yo‘qlab turardilar.

2016-yil 20-dekabr kuni kechqurun Samarqanddan sovuq xabarlar kela boshladi. Do‘stim Botir (domlaning o‘g‘illari) otasining vafoti haqidagi xabarni yetkazdi. Men ham Botirga qo‘shilib yig‘lab oldim... Keyingi kelgan xabarlardan janoza namozi tushdan oldin bo‘lishini bilib oldim. Telefonimni tindirmay tanish bilishlardan surishtirib, tunda yo‘lga chiqayotgan bir taksini topib oldim. Tong bilan Samarqandga yetib bordik, to‘g‘ri ustozning xonadoniga bordim. Botir yangamning yoniga olib kirdi, unga dalda berishga harakat qildim. “Ustozingiz sizni o‘z o‘g‘lidek ko‘rar edi, har bir yutug‘ingizni faxrlanib menga aytib berardi..“ Yangamning so‘zlarini oxirigacha eshita olmadim, bo‘g‘izimga tiqilib turgan qayg‘u hayqiriq va ko‘z yoshlar bilan tashqariga otildi... Men otadek mehribon suyanchig‘im – ustozimdan ayrilgan edim...

Bekmurod Yo‘ldoshev haqida gap ketar ekan, men domlaning ilmiy faoliyatini baholashga ojizman, faqat u insonning shaxsiy fazilatlari xususida qisqacha to‘xtalib o‘tmoqchiman. Ustoz juda samimiy va soddadil inson edilar. U kishi, asosan, frazeologiya bilan shug‘ullangan bo‘lishiga qaramasdan

tilshunoslikning deyarli barcha sohalarini yaxshi tushunar va ayrim masalalarda maqolalar yozib turardilar. Tilshunoslikka doir ilmiy tadqiqotlar borasida domla kuchli bibliograf edilar. Biror olim haqida gap ketsa, darhol uning ishlarini sanab berar, biror soha haqida gap ketsa, shu sohada izlanishlar olib borgan barcha olimlarni sanab berardilar. Bunday katta bilim sohibi va kuchli xotira egasini boshqa joyda ko‘rgan emasman, undaylar topilmasa ham kerak. Ustoz og‘ir vaznli bo‘lishiga qaramasdan chaqqonligi va serg‘ayratligi meni taajjubga solardi. Ba’zan ko‘cha-ko‘yda domla bilan teng yuraman deb charchab qolardim. Domlaning ilmdagi g‘ayrati alohida e’tirofga loyiq. Tilshunoslik bo‘yicha himoya qilinayotgan ishlardan deyarli barchasidan xabardor bo‘lardilar va aksariyatiga yozma yoki og‘zaki munosabatini bildirar edilar.

Keyingi suhbatlarimizda ustozning asosiy qiziqishi mening doktorlik ishim bo‘lardi. Afsus, doktorlik himoyamni ko‘ra olmadilar...

Meni ilmga yo‘naltirgani va samimiy maslahatlar berib borganlari uchun ustozdan hamisha minnatdorman, ustozning ruhlari shod bo‘lsin. Domla benazir va betakror inson edilar. Farzandlariga, nevaralariga va shogirdlariga ustozning yo‘lini tilab qolaman.

Bobojonov Farhod Qurbonboyevich,
filologiya fanlari doctor (DSc), professor.

“УСТОЗИМ ҲАЁТИМ ЧИРОҒИ” БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВНИ ХОТИРЛАБ

Бекмурод Йўлдошев 1947 йил 9 июлда Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг Зиёвуддин қўрғончасида косиб-ҳунарманд оиласида туғилган. 1964 йилда Пахтачи тумани Зиёвуддин қўрғончасидаги 22-ўрта мактабни “Олтин медаль” билан битирган. 1964-1969 йилларда Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетининг талабаси. 1969 йилда Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1970-1982 йилларда Самарқанд давлат университети умумий тилшунослик кафедрасининг ўқитувчиси.1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган Илмий кенгаш йиғилишида “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1994 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган Илмий кенгаш йиғилишида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2002-2016 йилларда Самарқанд

Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори. 2006 йилда Халқаро Antique World илмий академиясининг академиклигига сайланган. Бекмурод Йўлдошев эллик йилдан ортиқ вақт давомида Самарқандда яшаб, оддий талабаликдан филология фанлари доктори, СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори, фразеология, бадиий матн услубияти, умумий тилшунослик соҳасида мамлакатимизда таниқли тилшунос-олим сифатида шаклланган инсондир. Б.Йўлдошевнинг ҳаёт йўли ҳозирги илмсевар ёшлар учун жуда ибратлидир. Б.Йўлдошев 1964-1969 йилларда Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил кўрган. У университетда ўқиган кезлари Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Раҳматулла Қўнғуров, Абдужаббор Мухторов, Ваҳоб Эгамов, Раҳим Муқимов, Сайдулла Мирзаев, Жўрабой Ҳамдамов, Раҳмонқул Орзибеков каби машҳур адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таълимидан баҳраманд бўлган инсон. 1991-2016 йилларда олим СамДУ хузуридаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси эди. Б.Йўлдошев умрининг сўнги йилларида филология факультети илмий кенгаши аъзоси, университет илмий-техника комиссиясининг аъзоси, “СамДУ илмий-тадқиқотлар ахборотномаси” журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида самарали меҳнат қилган. 2016 йилга қадар Б.Йўлдошев ўндан ортиқ номзодлик ва бир докторлик диссертациясига расмий ҳакамлик қилган. Вақт ҳамма нарсани даволайди, дейдилар. Бир одам оламдан ўтар экан, ортида қолган яқинларининг қалбидаги айрилиқ дарди ҳам йиллар ўтиб, енгиллашади. Баъзилар эса бир неча йиллардан сўнг бутунлай унут бўлиб кетади. Аммо шундай инсонлар борки, уларнинг вафотидан кейинги соғинч вақт ўтиши билан нафақат унутилмайди, балки кун сайин кучайиб, борган сари чуқурлашиб боради. Орамизда у инсонинг йўқлиги ҳар дам билиниб, сезилиб туради. Ана шундай устозлардан бири тилшунослик соҳасининг етук билимдони, филология фанлари доктори, профессор Б.Йўлдошевдир. Одатда, таълим ва тарбия ҳақида сўз кетса, бевосита унинг сифати ва самараси ҳақида баҳс бошланади. Бу табиий ҳол. Чунки таълимнинг моҳияти баркамол авлодни, эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ватанимиз тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида кенгқамровли билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишини таъминлашдир. Тарбияланган инсон тарбиялайди, таълим олгангина таълим бера олади. Бу ҳам айни ҳақиқат.

Педагог сўзининг луғавий маъноси бола етакловчи демакдир. Ўзига ва сўзига қизиқтирадиган, ишонтира оладиган инсонгина бировнинг боласини ўз ортидан эргаштира олади. Чинакам муаллим фанига, ватанига, шогирдларига

меҳр оқибатли бўлади. Шулар ҳақида ўйласак, 50 йилга яқин муддат мобайнида ўз умрини она тили фани таълимига бағишлаган устозим хам тоғам Бекмурод Йўлдошев кўз олдимга келаверади. Тўғрисўз, фидойи, жонкуяр устоз 70 ёшида дунёдан кўз юмдилар. Бу тилшунослик соҳасида чинакам йўқотиш бўлди. Тилшуносликни соҳасининг бир устуни қулади деган эди совуқ хабарни эшитган бир домламиз. У ҳақ эди. Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин устозни. Улар билан боғлиқ бир воқеани эслаб ўтмасам бўлмас,менинг отам Нормурод Махмудов хам СамДУнинг ўзбек тили ва адабиёти филологиясини тоғам билан бир вақтларда сиртқи бўлимини тамомлаган. Менга тоғам хақида жуда кўплаб воқеаларни айтиб бераради. Келажакда шу тоғангдай инсон бўлгин,олим бўлгин деб айтарди.Тоғам бир марта уйимизга келган эди мен 5-синфда ўқир эдим, шунда тоғам СамДУ га ўқишга борасанми менга шогирд бўласан деганди.1986 йилда ўрта мактабни битириб тўғри Самарқандга тоғамни уйига бориб абитуриент бўлиб яшаганман.Ўғиллари Баходиржон,Нодиржанлар билан ёшимиз хам деярли яқин эди.Тоғам хар куни кечкурун келиб,бугунги тайёргарликларимни текширар ва савол жавоб қилар эди. Бир куни эрталаб тоғам юр кетдик сени бир жойга олиб бораман деб бирга уйдан чиқиб кетдик. Шунда СамДУга бордик ва 2 қаватли кутубхонанинг ўқув залига олиб кирди ва ўқув залидаги опа билан таништириб,бу менинг жияним бўлади бугундан ўқишга мана шу ерда тайёрланади деб таништирди.Шунда зал тинч ва жим-жит жуда гўзал жой экан. Шунда қалбимдан бир хис ўтдики,келгусида тоғамдай олим ва буюк инсон бўлишга хавас уйғонди. Яъна бир мисолни айтишим жоиз деб ўйлайман тоғам Тошкентга уйимизга келганда отам – онам,оила аъзоларим олдида яна бир марта менга мотивация бериб, сен рахбарлик лавозимга берилиб,илмий ишингни тухтатиб куйибсан,сенга бир йил мухлат докторлик диссертациясини ҳимоя қилишинг керак.Бу сафар келганимда албатта шу ютуқларни кўрайлик деб менга янада далда берган ва дуо қилган инсон. Мен тоғам Бекмурод Йулдашев билан фахрланаман.

Дарҳақиқат, профессор Бекмурод Йўлдошев ана шундай барча ҳавас қилган, илмпарвар устоз сифатида хотирамизга абадий муҳрланиб қолади.

Аллоҳ таоло барча ўтган улуғ устозларимизни раҳматига олиб, охиратларини обод айласин!

Азамат Нормурадович Махмудов
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, иқтисодиёт фанлари доктор,
Турон ФА академиги, Олий таълим аълочиси

ТАНИҚЛИ ОЛИМНИНГ ЎЧМАС ИЗЛАРИ

Бекмурод Йўлдошев эллик йилдан ортиқ вақт давомида Самарқандда яшаб, оддий талабаликдан филология фанлари доктори, СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори, фразеология, бадиий матн услубияти, умумий тилшунослик соҳасида мамлакатимизда таниқли тилшунос-олим сифатида шаклланди. Унинг ҳаёт йўли ҳозирги илмсевар ёшлар учун жуда ибратлидир.

Б.Йўлдошев 1947 йилда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Зиёвуддин қўрғонида косиб-хунарманд оиласида дунёга келди. Бўлажак олим 1953-1964 йилларда Зиёвуддиндаги 22-ўрта мактабда таҳсил олди. Унинг дастлабки хабарлари вилоят ва туман газеталарида ўша ўқувчилик даврларида эълон қилинган эди. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллаган интилувчан йигит 1964-1969 йилларда Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил олди. У ўша кезлари Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Раҳматулла Қўнғуров, Абдужаббор Мухторов, Ваҳоб Эгамов, Раҳим Муқимов, Сайдулла Мирзаев, Жўрабой Ҳамдамов, Раҳмонқул Орзибеков каби таниқли адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таълимидан баҳраманд бўлди.

Б. Йўлдошев тилшунослик ва адабиётшунослик илмини талабалик йиллариданоқ катта қизиқиш билан ўрганишга киришди. У СамДУ талабаларининг ҳар йили ўтказиладиган анъанавий илмий анжуманларига бадиий асар тили ва услубият муаммоларига оид қизиқарли маърузалари билан иштирок этарди. Марказий Осий ва Қозоғистон республикалари талабаларининг 1968 йилда Бишкекда бўлиб ўтган илмий анжуманидаги маърузаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бишкекда у ўша вақтда ҳаёт бўлган, машҳур тилшунос олим К.К.Юдахин билан учрашиш ва суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган эди. Ёш тадқиқотчининг илк илмий изланишлари Самарқанд вилоят ва шаҳар ёшлар қўмитасининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлганди. Бўлажак олимнинг “Она қалбининг буюклиги ҳақида достон”, “Тил маданиятининг улкан тарғиботчиси” каби мақолалари ўша талабалик йилларидаёқ матбуотда эълон қилинганди.

Б.Йўлдошев 1969 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, йўлланма билан Самарқанд вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси таҳририятига ишга келди. Газета Б.Йўлдошев учун қаламининг чархланиши, тезкорлик ва ҳозиржавоблик иқтидорини эгаллаш учун ўзига хос мактаб бўлди. Худди шу даврда унинг бир қанча таржима, хабар ва мақолалари матбуотда эълон қилинди. У газетада мусаҳҳиҳ, адабий ходим, кейинчалик таржимон бўлиб хизмат қилди.

1970 йилда СамДУда янги Умумий тилшунослик кафедраси ташкил этилиши билан устоз Ҳамдам Бердиёров Б. Йўлдошевни кафедра ўқитувчилигига ишга тавсия этди. 70-йилларда ёш мутахассис алоҳида жўшқинлик билан кафедра, факультет, қолаверса университет миқёсида сиёсий-тарбиявий, маънавий-маърифий жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди. Буни унинг 1972-1977 йилларда факультет ёшлар қўмитасининг котиби, СамДУ талабалар илмий жамиятининг раиси, факультет талабалар меҳнат семестри штабининг бошлиғи каби вазифаларни бажарганидан ҳам тасдиқлайди.

Б.Йўлдошев бу даврда талабаларга “Умумий тилшунослик”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Рус гуруҳларида ўзбек тили”, “Тилшуносликка кириш” фанларидан сифатли дарс бериш, жамоат топшириқларини бажариш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам мунтазам шуғуллана бошлади. Олимнинг ўша йиллари нашр этилган “Ўзиники бўлмаган нутқнинг айрим услубий хусусиятларига доир”, “Муаллиф нутқи ҳақида”, “Саид Аҳмад асарларида персонажлар нутқини индивидуаллаштириш воситалари ҳақида”, “Саид Аҳмад асарларида диалектизмларнинг стилистик функциялари”, “Бадиий асар тили ва услубини ўрганиш” каби қатор илмий мақолалари фикримизнинг далилидир.

1979 йилда Б. Йўлдошев машҳур тилшунос олим, академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг илмий раҳбарлигида “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу диссертацияда ўзбек филологиясида илк бор таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг ўз асарларида нутқнинг монолог, диалог, полилог шаклларидан фойдаланиш маҳорати, халқ мақоллари, фразеологизмларни қўллашдаги ўзига хослиги чуқур таҳлил қилиб берилган, енгил юморга, ҳазил-мутойибага бой ёзувчи асарларининг ўзига хос тил хусусиятлари ўрганилган эди. Серғайрат олим Бекмурод Йўлдошев ўзининг бу соҳадаги илмий изланишларини давом эттириб, 1982-2006 йилларда “Бадиий нутқ стилистикаси”), “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби”, “Ўзбек бадиий прозасининг услубий таҳлили”, “Ўзиники бўлмаган нутқнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни”, “Бадиий асар тили ва услуби масалалари”, “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари” номли монографиялар, қўлланмалар ва кўплаб илмий мақолалар яратди. Бу ишлар республикамиз илмий жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланди.

Б.Йўлдошевнинг тилшунослик умумназарий муаммоларига доир ўқув қўлланмалари, дастурлар, услубий тавсиялар яратиш соҳасидаги фаолияти ҳам ибратлидир. Олим 1974-2005 йилларда сафдош тадқиқотчилар билан

ҳамкорликда эълон қилган “Умумий тилшунослик” , “Тилшуносликка кириш”, “Тилшуносликка кириш” курсидан амалий машғулотлар режаси”, “Тилшуносликка кириш” курсидан услубий тавсиялар”, “Лингвистик таълимотлар тарихи” курсидан дастур”, “Тилшуносликка кириш” курсининг дастури”, “Умумий тилшунослик” курсининг дастури”, “Тилшунослик таълимотлари тарихи” курсидан услубий тавсиялар”, “Тилшунослик асослари” фанидан рейтинг топшириқлари”, “Умумий тилшунослик асослари” каби асарлари ҳозирги кунда мамлакатимизда юқори малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

70-йиллардан бошлаб Бекмурод Йўлдошев фразеология, фразеография ва фразеологик услубият муаммоларини тадқиқ этиш билан узлуксиз шуғулланди. Олим профессор Ҳ.Бердиёров ва доцент. Р.Расулов билан ҳамкорликда ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғатини яратиш ишида бевосита иштирок этди. Бу тадқиқотнинг тўрт қисми “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” номи билан нашр этилди ва илмий жамоатчиликнинг муносиб баҳосини олди. Кейинчалик олим К. Бозорбоев билан ҳамкорликда “Ўзбек тили фразеологизмларининг луғати” асарини ҳам нашр эттирди Олим. Шунинг билан бир пайтда ўзбек фразеологик услубиятига доир “Ўзбек тилидаги фразеологизм-сарлавҳалар ҳақида”, “Фразеология ва ўзбек тилини ўқитиш”, “Фразеологизмларнинг грамматик табиатига доир”, “Фразеологик вариантлар ва уларнинг айрим услубий хусусиятлари”, “Фразеологизмларнинг структурал-грамматик ва семантик хусусиятлари”, “Навоий асарларида “бош” компонентли фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳақида”, “Фразеологизмнинг сўз билан функционал муносабатига доир” каби илмий мақолалар, қўлланмалар нашр эттирди. Ана шу илмий изланишларнинг натижаси сифатида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” номли докторлик диссертацияси юзага келди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти хузуридаги ихтисослашган илмий кенгашда 1994 йилда муваффақиятли ҳимоя қилинган мазкур диссертация ўзбек фразеологияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Диссертация ҳимоясида сўзга чиққан расмий ҳакамлар академик Ғани Абдураҳмонов, профессорлар Шавкат Раҳматуллаев, Бозорбой Ўринбоев, шунингдек академик Шоназар Шоабдураҳмонов, профессорлар Абдимурод Маматов, Нинель Владимирова, Баҳром Бафоев ва бошқалар бу ишга юксак баҳо бердилар. Жумладан, академик Ш.Шоабдураҳмонов, “мен бир неча йиллар олдин фразеологияга оид ёқланган ишлар орасида мақолларни кўрардим, дейди. Мақол билан фразеологизмлар орасида қандайдир чегара борлигини ҳеч ким айта олмас эди… Мен Бекмуроднинг

ишини ўқиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, демак, унинг ишидан ўрганиб, мақол ва фразеологизмларни аниқ фарқлаш, уларни мустақил бирликлар сифатида тасниф қилиш мумкин экан…”.

Филология фанлари доктори А.Маматов: “Ишда фразеологик бирликларнинг услубий маъноси, услубий функцияси ҳақида гап боради, уларнинг таснифи берилади, кейин норма масаласи тилга олинади, фразеологик бирликларнинг адабий тил нормасига муносабати масаласи ўрганилади… Бекмурод аканинг ютуғи шундаки, у ўз тадқиқотида бир томондан услубий функцияли фразеологизмларни ўрганса, иккинчи томондан норма бузилиш ҳолатларини тадқиқ этади, улар ўртасидаги фарқларни ажратиб беради. Бу диссертантнинг катта ютуғи саналади”.

Диссертациянинг авторефератига тақриз ёзган профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг таъкидлашига кўра, “фразеологизмларнинг услубий фарқланишини монографик планда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу диссертация ўзбек лингвопоэтикаси, услубияти масалаларининг такомилида амалий дастур бўлиб хизмат қилади”.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети профессори, марҳум Шавкат Холматов ўз тақризида шундай хулосага келган эди: “Б. Йўлдошевнинг бу диссертацияси долзарб, мураккаб ва ғоят муҳим мавзуни тадқиқ этишга бағишланган, тугал, мукаммал ва йирик илмий асар сифатида ўзбек тилшунослигида янгиликдир, ўзбек филологияси ва стилистикаси тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир”.

Ана шундай фикр-мулоҳазаларни инобатга олган Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссияси ҳайъати ўзининг 1994 йил 27 октябрдаги қарори билан Б. Йўлдошевга филология фанлари доктори деган юксак илмий даражани беришни маъқул топган эди.

Б. Йўлдошев тилшунослик муаммолари билан бир қаторда адабиётшунослик, тил ўқитиш методикаси, таржимашунослик, қиёсий типология масалалари бўйича ҳам қатор илмий ишларнинг муаллифи саналади. Шунингдек, олим “Саид Аҳмад”, “Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич”, “Тилшунос олим”, “Газета тили” , “Ўзбекистон фольклори бўйича библиографик кўрсаткич”, “Фразеология ва умумий тилшунослик бўйича библиографик кўрсаткич”, “Раҳматулла Қўнғуров”, “Профессор Ҳамдам Бердиёров”, “Профессор Жўрабой Ҳамдамов”, “Профессор Худойберди Дониёров”, “Ўзбек фразеологияси” сингари бир қатор библиографик тадқиқотларнинг, илмий-назарий очеркларнинг яратилишида бевосита иштирок этган. Профессоа Б.Йўлдошевнинг шу кунгача нашр этган илмий-назарий, услубий ва илмий-оммабоп характердаги ишлари жамланса 300 босма тобоқдан ошади.

Олимнинг 1974-2016 йилларда Бухоро, Бишкек, Тошкент, Гулистон, Қарши), Урганч, Жиззах, Термиз, Қўқон, Фарғон, Навоий, Самарқанд, Нукус шаҳарларида ўтказилган халқаро, бутуниттифоқ ва республика илмий-назарий анжуманларида қилган маърузалари мутахассисларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

1991-2016 йилларда олим СамДУ хузуридаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси эди. Б.Йўлдошев умрининг сўнги йилларида филология факультети илмий кенгаши аъзоси, университет илмий-техника комиссиясининг аъзоси, "СамДУ илмий-тадқиқотлар ахборотномаси" журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида баракали меҳнат қилган. 2016 йилга қадар Б.Йўлдошев ўндан ортиқ номзодлик ва бир докторлик диссертациясига расмий ҳакамлик қилган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида Ф.Бобожонов, З.Пардаев, О.Турсунова, М.Вафоева сингари ёшлар номзодлик ишларини ҳимоя қилганлар.

Бекмурод Йўлдошев 2016 йил 20 декабрда 69 ёшида вафот этди. Ажойиб инсон, таниқли олим, меҳрибон ва талабчан устоздан яхши ном, бой илмий мерос ҳамда ўчмас излар қолди.

Олим Хўжаев,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.
30. 09. 2026 йил.

ИЛМ ЙЎЛИДА ҚОЛГАН ИЗЛАР
Бекмурод Юлдошевнинг 80 йиллик юбилейига хотира

Инсон умрининг 80 йиллиги — бу шунчаки бир сана эмас. Бу йиллар давомида босиб ўтилган ҳаёт йўли, илм-фанга қўшилган ҳисса, тарбияланган шогирдлар ва инсонлар қалбида қолдирилган эзгу изларни сарҳисоб қилиш фурсатидир.

Таниқли тилшунос олим, профессор Бекмурод Юлдошевнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан у киши ҳақида хотира ёзар эканман, кўз олдимдан аввало Навоий давлат педагогика институтидаги меҳнат йилларимиз, устознинг самимий суҳбатлари, илмга бўлган юксак талабчанлиги ва ёшларга кўрсатган ғамхўрлиги ўтади.

Мен Бекмурод аканинг сингиллари Муҳаббат опа билан 1983 йилдан буён бирга меҳнат қилганман. Ўша йили Тошкент давлат университетини тамомлаб, Навоийга ишлаш учун келган эдим. Бу мен учун янги шаҳар, янги муҳит ва катта ҳаёт мактаби эди. Ўша йилларда институтда ишлаган ёш

мутахассислар учун тажрибали олимларнинг ҳар бир суҳбати, ҳар бир маслаҳати катта аҳамиятга эга эди.

Бекмурод ака 2000–2002 йилларда Навоий давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультетининг декани, шунингдек, Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори сифатида фаолият юритдилар. Бу йиллар институт ҳаётида ҳам, ўзбек тилшунослиги соҳасида ҳам муҳим давр бўлганини бугун янада яхши англаймиз.

Ака Самарқанддаги илмий муҳитни ташлаб, Навоийга келиб ишлашни танлаган эдилар. Бу қарор ортида илмга, ёшларга ва Навоийдаги таълим тараққиётига бўлган ишонч бор эди.

Бекмурод ака эса ўз билим ва тажрибасини бошқалар билан баҳам кўришдан ҳеч қачон чарчамасдилар.

У киши билан суҳбатлашганда тилшуносликнинг мураккаб масалалари ҳам оддий ва тушунарли туюларди. Сўзнинг маъноси, унинг тарихи, нутқда қўлланиши, тил ва тафаккур ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги фикрлари ҳар доим чуқур мушоҳадага ундарди.

Бекмурод Юлдошевнинг яна бир ажойиб фазилати — кучли **хотираси** эди.

У киши инсонларнинг исм-шарифини, уларнинг қаерда ўқигани ва ишлаганини, қачон ва қаерда учрашганини, ҳатто орадан кўп йиллар ўтган воқеаларнинг тафсилотларини ҳам ҳайратланарли даражада аниқ эслар эдилар.

Баъзан бирор ҳамкасбимиз ёки собиқ талабамиз ҳақида гап кетса, Бекмурод ака унинг исми-шарифини, қачон институтда ўқиганини, қайси йўналишда ишлаганини бир зумда айтиб берар эдилар. Биз эса бу хотирага беихтиёр қойил қолардик.

У кишининг хотирасида гўё бутун бир давр — одамлар, воқеалар, илмий суҳбатлар, учрашувлар ва устоз-шогирд муносабатлари сақлангандек эди.

Навоийда фаолият юритган йилларида Бекмурод ака кўплаб ёш мутахассисларга устозлик қилди. У кишининг ташаббуси, илмий маслаҳатлари ва талабчанлиги туфайли кўплаб шогирдлар ўз илмий йўлини топди.

Шу маънода, Бекмурод Юлдошевнинг Навоийдаги фаолиятини тилшунослик соҳасида ўзига хос **илмий мактабнинг шаклланиш даври** сифатида баҳолаш мумкин.

Мен бугун бир нарсани чуқур ҳис қиламан: олимликни китоблар, мақолалар, илмий даража ва унвонлар билан ўлчаш мумкин. Аммо ҳақиқий устознинг қадрини унинг **шогирдлари, уларнинг ютуқлари ва илмга бўлган садоқати** янада яққол намоён этади.

Бекмурод ака ана шундай устоз эди.

У кишининг инсон сифатидаги фазилатлари ҳам илмдаги салоҳиятидан кам эмасди. Самимий, талабчан, адолатли ва одамларга бефарқ бўлмаган инсон сифатида хотирамизда қолганлар.

Мен учун Бекмурод ака билан бирга ишлаган йиллар — катта ҳаёт ва илм мактаби бўлди. У кишидан нафақат ўзбек тили ва тилшуносликка оид билим, балки касбга садоқат, масъулият, устозлик маданияти ва инсонларга ҳурматни ҳам ўргандик.

Бугун Бекмурод ака орамизда йўқ. Аммо у киши қолдирган илмий мерос, шогирдлари, ҳамкасблари хотираси ва Навоий таълим муҳитидаги излари яшаб келмоқда.

Устознинг умри унинг ёши билан эмас, шогирдлари билан давом этади. Олимнинг умри эса унинг асарлари, ғоялари ва илмга қўшган ҳиссаси билан узаяди.

Бекмурод Юлдошевнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан у кишини хотирлаш — биз учун нафақат ўтган йилларни эслаш, балки устознинг илм-фан ва таълим соҳасидаги хизматларини яна бир бор қадрлашдир.

Бекмурод ака хотирамизда ҳамиша **билимли олим, талабчан устоз, феноменал хотира соҳиби ва инсонларга меҳр билан муносабатда бўлган самимий инсон** сифатида қолади.

Устознинг руҳи шод, охирати обод бўлсин.

Гулчеҳрахон Шамсиддинова,
Навоий давлат университети декани

XOTIRA AZIZ: USTOZ SOYASI TUSHGAN YO‘LLAR

Yaxshi insonlar haqida gapirish og‘ir, ayniqsa, u o‘tgan bo‘lsa! Uning bir insoniy fazilatini aytmoqchi bo‘lsang, boshqa bir fazilati qolib ketadigandek, o‘zga bir xislati undan-da ustun keladigandek tuyulaveradi. Shu sababli bo‘lsa kerak, ko‘ngilga yaqin insonlar haqida gap ketganda, ko‘pincha birgina «yaxshi inson edi!» degan jumla bilan kifoyalanamiz. Aslida esa shu ikki og‘iz so‘z ortida qancha xotira, qancha minnatdorlik, qancha aytilmay qolgan gaplar yashirinib yotadi...

Vaqt – g‘alati hukmdor. U ba’zan og‘riqlarni yumshatadi, ba’zan ayrim xotiralarni xiralashtiradi. Kechagina qalbni ezgan dardlar bir kuni sukunatga cho‘kadi, odamlar tiriklik tashvishlari bilan ovora bo‘lib, ortiga kamdan kam nazar tashlaydi. Ammo shunday insonlar bo‘ladiki, vaqt ularning xotirasi oldida ojiz qoladi. Yillar o‘tgan sari ularning siymosi uzoqlashmaydi, aksincha, qilgan ishlari, aytgan gaplari, hatto nigohi va ovozigacha tobora aniqroq esga tushaveradi.

Men uchun ana shunday insonlardan biri o‘zbek tilshunosligining yetuk bilimdoni, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshevdir. Ustoz haqida o‘ylaganimda, avvalo, bir haqiqat xayolimdan o‘tadi: inson umrining uzunligi faqat yashagan yillari bilan o‘lchanmas ekan. Ba’zi odamlar uzoq umr ko‘radi, ammo ortidan iz qoldirmaydi. Ba’zilarning esa umri shogirdlarining umri bilan davom etadi. Ustozning aytgan bir gapi shogirdning qaroriga, bergan bir maslahati uning kelajagiga, ko‘rsatgan bir yo‘li esa butun hayotiga aylanadi.

Odatda, ta’lim va tarbiya haqida so‘z ketsa, uning sifati va samarasi xususida bahs boshlanadi. Bu tabiiy. Chunki ta’limning mohiyati ertangi kun egalarini bilimli, tafakkurli, Vatan va xalq oldidagi mas’uliyatini his etadigan insonlar qilib tarbiyalashdan iborat. Tarbiyalangan inson tarbiyalaydi, ta’lim olgan inson ta’limning qadrini biladi. Lekin bir haqiqatni ba’zan unutib qo‘yamiz: o‘quvchini fanga oshno qiladigan ham, undan uzoqlashtiradigan ham ko‘p jihatdan muallimdir. Talabaning qalbiga ilmga muhabbat urug‘ini qadash uchun faqat bilimning o‘zi yetmaydi. Buning uchun muallimning o‘zi ilmga oshiq bo‘lishi kerak.

«Pedagog» so‘zining lug‘aviy mazmunida «bola yetaklovchi» ma’nosi mujassam. Ammo har kim ham birovning farzandini o‘z ortidan ergashtira olmaydi. Buning uchun avvalo o‘z so‘ziga ishontirish, o‘z faniga qiziqtirish, eng muhimi, shogird qalbiga yo‘l topish kerak. Chinakam muallim fanini ham, Vatanini ham, shogirdini ham sevadi. Shu ma’noda qariyb yarim asrlik umrini ona tili ta’limiga, o‘zbek tilshunosligiga va shogird tarbiyasiga bag‘ishlagan professor Bekmurod Yo‘ldoshev chin ma’nodagi Ustoz edi.

To‘g‘riso‘z, fidoyi, jonkuyar ustoz 70 yoshida dunyodan ko‘z yumdilar. Bu xabar nafaqat yaqinlari va shogirdlari, balki o‘zbek tilshunosligi uchun ham og‘ir yo‘qotish bo‘ldi. Sovuq xabarni eshitgan domlalarimizdan biri: «Tilshunoslik sohasining bir ustuni quladi», degan edi. O‘shanda bu gapning og‘irligini yuragim bilan his qilganman. Chunki ayrim insonlarning o‘rni bo‘sh qolganidagina ularning atrofdagilar hayotida naqadar katta tayanch bo‘lgani bilinadi. Alloh o‘z rahmatiga olgan bo‘lsin ustozni. Aytishlaricha, inson taqdiri ba’zan birgina so‘z bilan o‘zgaradi. Mening hayotimda ham shunday bir so‘z bo‘lgan...

Hali maktab o‘quvchisi edim. Ona tili va adabiyot fanidan o‘tkaziladigan olimpiadaning tuman g‘olibi sifatida 9-, 10-, 11-sinflarda ketma-ket uch yil viloyat bosqichida qatnashdim. 11-sinfda yana Samarqand shahriga keldik. Viloyat olimpiadasiga oldingi yillardagidek professor Bekmurod Yo‘ldoshev raislik qilardilar. Ikki kun davom etgan olimpiada yakunida faxrli birinchi o‘rinni oldim. Taqdirlash marosimida ustoz faxriy yorliqni qo‘limga tutqazar ekanlar: – Qizim, bu yil o‘qish uchun, albatta, Samarqand davlat universitetining o‘zbek filologiyasi fakultetiga keling, – dedilar.

Bugun ortga qarab o‘ylasam, mening hayot yo‘lim ana shu «keling» degan birgina so‘zdan boshlangan ekan. Bu oddiy taklif emas edi. Bu – ishonch edi. Ustozning hali maktab partasida o‘tirgan bir qizga bildirgan ishonchi edi.

Men xursandligimdan:

– Xo‘p, – dedim.

Ustoz darhol:

– Xo‘p emas, menga va’da bering, – dedilar.

Men va’da berdim.

Garchi o‘sha paytda Toshkentda o‘qishni orzu qilgan bo‘lsam-da, ustozga bergan va’damni buzolmadim. Hujjatlarimni Samarqand davlat universitetining o‘zbek filologiyasi fakultetiga topshirdim va talabalik baxtiga muyassar bo‘ldim. Ba’zan o‘ylab qolaman: agar o‘sha kuni ustoz menga shu gapni aytmaganlarida-chi? Balki hayotimning yo‘li boshqacha kecharmidi. Balki bugungi kasbim, ilmiy faoliyatim, ona tilimiz bilan bog‘langan butun umrim boshqa manzil tomon burilarmidi. Buni bilmayman. Bilganim shuki, ustozning bir og‘iz so‘zi mening kelajak yo‘limni belgilab berdi.

Darslar boshlangach, ustozni tezroq ko‘rishni istardim. «Men va’damning ustidan chiqdim», degim, buni ko‘zlarim bilan bo‘lsa-da, bildirgim kelardi. Nihoyat, ustoz auditoriyaga kirdilar. Shuncha talaba orasida meni tanirmikanlar, deb o‘yladim. Ustoz avval bizni talabalik baxtiga muyassar bo‘lganimiz bilan tabrikladilar. Har bir so‘zlarini jon qulog‘im bilan tinglab o‘tirardim. Bir payt:

– Bilasizlarmi, sizlarning orangizda olimpiada g‘oliblari, «mashhur» o‘quvchilar bor, – dedilar. «Mashhur» so‘zini ustoz ko‘p ishlatardilar. Auditoriyadagilar bir-biriga qaradi. Ustoz esa mening ism-sharifimni bexato aytib, yonlariga chorladilar. Hayratimni yashira olmadim. Ustozning xotirasi favqulodda kuchli edi. Yuzlab talabalar orasidan har birining ism-sharifini eslab qolishlari, kimning nimaga qiziqishini bilishlari oddiy xotira emas, shogirdga bo‘lgan e’tiborning bir ko‘rinishi edi. Ustoz men haqimda shunday iliq so‘zlar aytdilarki, o‘sha kundan boshlab u kishining etaklaridan mahkam tutishga qaror qildim.

Keyinchalik angladim: haqiqiy ustoz shogirdiga faqat bilim bermaydi. Avvalo, unga ishonadi. Ba’zan shogird hali o‘zida ko‘rmagan imkoniyatni ustoz ko‘radi. Uning bir og‘iz «siz uddalaysiz» degan so‘zi odamga yillar davomida kuch berib turadi. Bekmurod Yo‘ldoshev ana shunday ustoz edi. U kishining har bir darsi o‘zgacha o‘tar, bir darsi ikkinchisini takrorlamasdi. Eng qizig‘i, dars paytida auditoriyada pashsha uchsa eshitiladigan darajada jimjitlik hukm surardi. Bugun o‘qituvchi sifatida auditoriyaga kirganimda, ba’zan o‘zimga savol beraman: ustoz shuncha talabaning diqqatini qanday qilib bir nuqtada ushlab turardilar? Javobi oddiydek, ammo unga erishish nihoyatda qiyin: bilim, mahorat va fanga muhabbat.

Ustoz ona tilimiz haqida shunchaki ma’lumot bermasdilar. Tilning kechasi, buguni va ertasi haqida kuyib gapirardilar. So‘zning taqdiri, tilning taqdiri, millatning taqdiri u kishining darslarida bir-biridan ajralmas tushunchalardek tuyulardi. Shu sababli biz darsda faqat navbatdagi mavzuni emas, ona tilimizga boshqacha nigoh bilan qarashni ham o‘rganardik. Ustozning darsini tinglab chiqqan talaba auditoriyadan kirgan holicha chiqmasdi. Uning xayolida, albatta, bir fikr, bir savol, bir iztirob yoki bir havas qolardi. Menimcha, haqiqiy darsning kuchi ham shunda.

Ustozning oilasi ham namunali, mahallada e’tiborli xonadonlardan edi. U kishini yo‘qlab borgan paytlarim hovlining ozodaligi, anvoyi gullarning hidi, ustozning mamnun tabassum bilan qarshi olishlari hali-hanuz ko‘z oldimda. Auditoriyada talabchan, ba’zan cho‘rtkesar ko‘ringan ustozning uyida naqadar mehribon ota va sevimli bobo ekanini ko‘rib, insonning asl ulug‘ligi uning eng yaqinlariga bo‘lgan munosabatida ham namoyon bo‘lishini his qilardim. Farzandlarimni tizzalariga o‘tqazib, erkalab suyganlari hech qachon esimdan chiqmaydi. Bugun o‘sha manzaralarni eslasam, beixtiyor: «Ustoz, oxiratingiz obod bo‘lsin, sizdagi mehribonlik va oliyjanoblikdan mening farzandlarimga ham nasib etsin», deb duo qilaman.

Ustozni nogoh yo‘qotgan kunni eslagim kelmaydi. Ammo xotira odamdan ruxsat so‘ramaydi. Shunday paytlarda ayajonimizning menga aytgan bir gapi yodimga tushadi:

– Umidajon, ustozingizning ruhlari shod bo‘lsin desangiz, ularning ishini davom ettiring.

Men bosh irg‘ab tasdiqlagan edim.

Oradan yillar o‘tib, bu so‘zlarning ma’nosi yanada chuqurlashdi. Ustozni xotirlash faqat u haqda yaxshi gaplarni aytish emas ekan. Ustozni xotirlash – undan qolgan ishni davom ettirish, u qadrlagan fanga xizmat qilish, u asragan tilni asrash, u ishongan shogirdlarga o‘zimiz ham ishonish ekan.

Darhaqiqat, ustozning butun harakati, niyati va amali ona tilimiz ravnaqi, o‘zbek tilshunosligi taraqqiyoti bilan bog‘liq edi. U kishining bir kuni, hatto bir soati ham ilm tashvishidan xoli o‘tmagandek tuyulardi. Ustoz o‘qituvchining auditoriya diqqatini tortmasdan aytgan so‘zini ko‘zni yumib osmonga o‘q uzayotgan ovchiga qiyoslash mumkinligini amalda ko‘rsatib yashadilar. Ovchining maqsadi o‘qdonni bo‘shatish emas, nishonga tegish. Muallimning maqsadi ham soatni to‘ldirish emas, aytgan so‘zini talabaning ongi va qalbiga yetkazishdir.

Ustozning so‘zi ana shunday – nishonga borib tegadigan so‘z edi.

Umrlarining oxirgi yillarida biz shogirdlarni yanada ko‘proq izlanishga undardilar. Ba’zan ortga qarab, xuddi qayergadir shoshayotgandek edilar, deb o‘ylayman. Go‘yo vaqt ozligini sezgandek, bilganlarini tezroq shogirdlariga berib

qolishga intilardilar. Sirtdan qaraganda cho‘rtkesardek tuyulsalar-da, haqiqat va adolatni hamma narsadan ustun qo‘yardilar. Gapni yuzga aytardilar. Bu kimgadir yaxshi yoki yomon ko‘rinish uchun emas edi. Ustozning talabchanligi ortida fanga nisbatan murosasizlik turardi. Ilmda chala ishni, yuzakilikni, mas’uliyatsizlikni ko‘tara olmasdilar.

Bugun anglayman: o‘sha paytda qattiq tuyulgan ayrim tanbehlar ham aslida shogirdni asrashning boshqa bir shakli ekan.

Universitetda «Kompyuter lingvistikasi» fanidan saboq bergan davrlari ayniqsa yodimda. 2004-2005-yillarda biz uchun yangilik bo‘lgan bu yo‘nalishni ustoz o‘ziga xos usulda tushuntirardilar. Darslar ba’zan bir aktyor teatrini eslatardi. Ovoz tembri, ohang, pauza, savol-javob – bularning bari mavzuni ochishga xizmat qilardi. «Yolg‘on–chin» aksiomasini izohlashlaridagi misollar, ovozlarini turlicha jilolantirib fikrni yetkazishlari hali ham qulog‘imda. U kishining darslarida nazariya quruq qoida bo‘lib qolmasdi. U jonlanardi, harakatga kelardi, talabani o‘ylashga majbur qilardi.

Shunday o‘qituvchilar bo‘ladiki, ularning darsida bir soat bir kundek cho‘ziladi. Yana shunday muallimlar bo‘ladiki, ma’ruzasini qancha tinglasang ham, vaqt qanday o‘tganini bilmaysan. Bekmurod Yo‘ldoshev ana shunday muallimlardan edi. Ba’zan ustozni dars berayotgan pedagogga emas, bemor qarshisidagi tabibga o‘xshatgim keladi. Tabib inson tanasidagi dardni davolasa, haqiqiy muallim inson tafakkuridagi loqaydlikni, bilimsizlikni, befarqlikni davolaydi. Ustozning darsi biz uchun ana shunday ma’naviy va tafakkuriy uyg‘otish edi.

O‘zbekiston Qahramoni Abdulla Oripovning muallimlik haqidagi mashhur to‘rtligini eslaganimda ham ko‘z oldimga ustoz keladi. Chunki Bekmurod Yo‘ldoshev muallimlik kasbini jonu dilidan sevardi. Muallim ekanidan g‘ururlanardi. Dars berish u kishi uchun shunchaki kasbiy vazifa emas, yashash tarzining bir qismi edi.

Shoirdan so‘rashdi siz baxtli inson,
Xalqingiz ardoqlar hamma taniydi.
Shoir javob berdi, menda bir armon –
Muallim deyishsa meni qaniydi.

Ustozning shogirdlari bugun respublikamizning turli joylarda faoliyat yuritmoqda. Kimdir auditoriyada dars bermoqda, kimdir ilm bilan shug‘ullanmoqda, kimdir yosh tadqiqotchiga yo‘l ko‘rsatmoqda. Balki ularning har biri o‘zi sezmagan holda ustozdan qolgan bir ohangni, bir talabchanlikni, bir odatni davom ettirayotgandir. Ustozning haqiqiy umri ham shunda davom etadi.

Bir vaqtlar maktab o‘quvchisi bo‘lgan menga: – Xo‘p emas, menga va’da bering, – degan edilar. Men o‘sha kuni Samarqand davlat universitetiga o‘qishga

kelishga va’da bergan edim. O‘shanda bu va’da faqat universitet tanlash bilan bog‘liqdek tuyulgandi. Bugun esa uning ma’nosi men uchun ancha keng. Go‘yo ustozga berilgan o‘sha va’da hali ham davom etayotgandek: ona tiliga xizmat qilish, ilmga xiyonat qilmaslik, shogirdga ishonish, bilganingni ayamaslik, auditoriyaga tayyorgarliksiz kirmaslik, so‘zning mas’uliyatini unutmaslik...

Ustoz soyasi tushgan yo‘llardan yurib kelayotganimni endi ko‘proq his qilaman. Inson dunyodan o‘tadi. Uning ovozi tinadi, qadamlari eshitilmay qoladi, ammo yaxshi ustozdan qolgan yo‘l yo‘qolmaydi. Chunki bu yo‘lni shogirdlar davom ettiradi. Shuning uchun ham yaxshi inson haqida «yaxshi inson edi» debgina qo‘ya qolish qiyin. Ustoz haqida esa undan ham qiyin, chunki yaxshi ustoz bir insonning xotirasidagina qolmaydi. U o‘zi tarbiyalagan shogirdlarning hayotida, aytgan so‘zlarida, qilgan ishlarida, ilmga va insonga munosabatida yashashda davom etadi.

Professor Bekmurod Yo‘ldoshev ham biz uchun ana shunday Ustoz bo‘lib qoladi. Alloh taolo ustozimizni va barcha o‘tgan ulug‘ ustozlarimizni o‘z rahmatiga olsin, oxiratlarini obod aylasin!

Umida Rashidova
Sh. Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti
O‘zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti

USTOZ – QALB ME’MORI
(tilshunos olim Bekmurod Yo‘ldoshevni xotirlab)

O‘qituvchi kim? Bu savolga birgina jumla bilan javob berish qiyin. Chunki o‘qituvchi shunchaki bilim beruvchi, dars o‘tuvchi yoki muayyan fan sirlarini o‘rgatuvchi mutaxassis emas. U inson qalbiga ezgulik urug‘ini qadovchi, yosh avlodning dunyoqarashini shakllantiruvchi, jamiyatning ma’naviy qiyofasini belgilovchi buyuk siymodir. O‘qituvchi – kelajak bunyodkori, millat tafakkurining me’mori, inson kamolotining yo‘lchi yulduzidir.

Har qanday jamiyatning taraqqiyoti, avvalo, uning ta’lim tizimi va ustozlarga bo‘lgan munosabati bilan chambarchas bog‘liq. Zero, bugun maktab partasida o‘tirgan o‘quvchi ertaga yurtning taqdirini belgilaydigan olim, shifokor, muhandis, rahbar yoki fidoyi inson bo‘lib yetishadi. Uning qalbida Vatanga muhabbat, xalqiga sadoqat, insonlarga hurmat tuyg‘ularining shakllanishida esa o‘qituvchining o‘rni beqiyosdir. Shu ma’noda, o‘qituvchi nafaqat bugunning, balki ertangi kunning ham mas’uliyatini zimmasiga olgan insondir.

O‘qituvchilik – bu shunchaki kasb emas, balki yuksak mas’uliyat, cheksiz sabr-toqat va fidoyilikni talab qiladigan sharafli faoliyatdir. Bu kasb egasidan chuqur bilim, keng dunyoqarash, yuksak ma’naviyat va mustahkam iroda talab etiladi.

Chunki o‘qituvchi har kuni o‘nlab, yuzlab yosh qalblar bilan muloqotga kirishadi. Ularning har biri o‘ziga xos xarakter, qobiliyat, orzu va intilishlarga ega. Ana shu xilma-xil olamni anglash, har bir o‘quvchining qalbiga yo‘l topish, undagi iste’dod va imkoniyatlarni yuzaga chiqarish chinakam pedagogik mahoratni namoyon etadi.

Bekmurod Yo‘ldoshev ana shunday xislatga ega bo‘lgan inson edi. Ilm yo‘lida “ Tirik kitob” bo‘lsalar, pedagoglik yo‘lida “qalb me’mori” edilar. Talabalik damlarim hamon yodimda, yuzdan ziyod talabalarni o‘z bag‘riga sig‘dira oladigan ayditoriya, biz intiqib domlani kutardik. Tilshunoslik va tabiiy fanlar degan fandan bizga kim ta’lim berar ekan deb, eshikka qarar edik. Hech qancha vaqt o‘tmasdan ustoz kirib keldilar. Ustozlarga xos salobat, viqor bilan so‘z boshladilar, o‘z fanining fiyoyi insoni ekanliklari o‘tayotgan ma’ruzalarida sezilib turar edi. Ma’ruza deganda biz faqat ustoz gapiradi degan tushunchamiz bor, ammo domla butunlay boshqa yo‘ldan bordilar. Tilshunoslik haqida ma’lumot berar ekan, dabdurustdan “Mana shu qizimiz ko‘zlari porlab turibdi, bu ma’lumotni mendan ham yaxshi biladilar”-dedilar-da menga ishora qildilar. Ko‘pchilik ichida meni tanlab aytganliklariga ming hijolat, ming bir hayajon ichida bilganim qadar o‘z fikrimni gapirdim. Bilmadim, o‘sha vaqtda qay darajada to‘g‘ri yoki noto‘g‘i gapirganimni bilmayman. Ammo ustoz qandaydir bir tantanavor ohangda “Sizdan yaxshi tilshunos chiqadi, ko‘zlaringizdan sezdim men”,-dedilar. Ko‘pchilk ichida ko‘rsatilgan bu ichonch fanga bo‘lgan mehrimni yanada orttirdi. Balki shu sababdir bugun men filologiya yo‘nalishida o‘qituvchi bo‘lib o‘z faoliyatimni olib borayapman. 20 yildan ziyod maktabda tilimizning boyliklarini yosh qalblarga o‘rgatish uchun ustozlarim bergan bilimni berishga harakat qilib keldim. Bu yillar orasida turli xil ko‘rik – tanlovlarda, fan olimpidalarda o‘quvchilarim g‘oliblikni qo‘ldan boy bermay, men esa ularning yutuqlaridan g‘ururlanib yurgan chog‘larimda ustozning qizlari meni yo‘qlab qoldi. Ustozning o‘sha ilhom bergan so‘zlarini eslatdi va meni magistratura yo‘nalishida o‘qishim kerakligini, ilm yo‘lida fidoyi bo‘lish kerakligini, buning uddasidan chiqishim mumkinligini bot-bot ta’kidladi. Balki o‘sha vaqtda ustozning chin dildan aytgani tilagidir, balki Allohning yo‘l ko‘rsatganidir, talabalik davrimdan 20 yil o‘tib, Samarqand davlat universiteriga lingvistika yo‘nalishidagi magistraturaga o‘qishga kirdim. Bu yo‘lni davom ettirib, mustaqil tadqiqotchilikka qabul qilindim. Hozirda tilshunoslikning o‘ziga xos sirlarini mukammal o‘rganishga harakat qilmoqdaman.

Birgina mehr bilan aytilgan so‘z, qalbdan bildirilgan ichonch, inson hayot yo‘liga shu darajada ta’sir qilishining guvohi bo‘ldim. Shuning uchun ham xalqimizda “Ustoz - qalb me’mori” deyishi bejizga emas ekan. Bugun ustoz oramizda yo‘q bo‘lsalar-da, ammo ruhlari biz bilan. Ilmning haqiqiy fidoyi insoni edilar, bu yo‘lni davom ettirishimizni shu darajada istagan ekanlarki, shogirdlarining

safi kundan-kun ortib bormoqda. Demak, tilimizning yana yangi qirralari ochilishida davom etadi. Ustozning ruhlari shod bo‘lsin.

Maxammatova Feruza Olimovna,
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti Markaziy Osiyo xalqlari tillari va madaniyati instituti mustaqil tadqiqotchisi,
Zarmed universiteti o‘qituvchisi
FeruzaOlimovna0105@gmail.com

ILMGA BAG'ISHLANGAN UMR

Har gal ilm-ma'rifat fidoyilari haqida o'ylasam, zalvarli yuk yelkasiga ortilgan inson ko'z oldimga keladi. Aslida ham ilm yo'lini tanlagan inson, ro'parasida duch kelgan tik qoyani va uning cho'qqisiga chiqishga chog'langan chavandozni xayol qilish mumkin. U charchoqdan qo'rqmaydigan va har bir qadamini o'ylab bosadigan bo'lsagina, marraga bexato yetib borishi tayin. Ana shu yo'lni tanlagan olimlardan biri, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo'ldoshev bo'ladi. Bu insonning o'zbek tilshunosligiga qoldirgan ilmiy merosi g'alvirini ko'tarsa arziydigan, umrining mazmunini, sarhisobini qilsa bo'ladigan umr kechirdi.

Xalq orasida, o'zbek tilining jozibasini his qilgan bola o'zi tug'ilib o'sgan hududning ruhiyatini qabul qilib, o'z qalbida saqlab qoladi degan naql yuradi. Ana shu ruhiyatning qalbda saqlanishi, uning kelajakda tilshunos sifatida shakllanishi uchun muhim omil bo'lib hisoblangan. Bekmurod Yo'ldoshevning hayot yo'li ana shu nazariyaning amaliy tasdig'idir.

Ustoz bilan birga Samarqand davlat universiteti filologiya fakultetida ishlagan paytlarimizda bir necha marta suhbatida bo'lganman. O'sha suhbatlardan anglaganim, u kishidagi eng avvali, kuchli iroda sohibi ekanligi bo'ldi. Tabiiyki, inson o'z maqsadiga erishish uchun mehnatsevarlik, bilimga chanqoqlik, kitobga bo'lgan mehr muhim ahamiyatga egadir. Nazarimda, aynan ana shu xislat ustozda mujassamdek tuyular edi.

Bu intilishlar samarasi olimning o'zbek tilshunosligiga oid ilmiy faoliyatida, ta'lim bergan shogirdlarida, ilm-fanda erishgan yutuqlarida o'z ifodasini topgan. Ayniqsa, o'z shogirdlariga talabchanligi, o'zaro munosabatlarda to'g'ri so'zligi, o'rni kelganda bahs-munozaraga moyilligi olimning asl tabiiy munosabatini ifodalagan.

Xudoning inoyatini idrok etgan kishi o'z taqdiridan minnatdor bo'lib yashaydi. O'z umrining boshqacharoq emas, balki ayni shundoq bo'lganidan rizo bo'lib yashaydi. Hamkasbimiz, taniqli tilshunos olim, o'zbek tilining unitilmas targ'ibotchisi Bekmurod Yo'ldoshev yuqorida aytilganidek o'z taqdiridan, tanlagan yo'lidan mamnun bo'lib yashagan olimlardan biri edi. U Samarqand davlat

universitetida ko'plab yoshlarning ustozi va murabbiysi darajasidagi maqomga ega bo'lgan olim sifatida tilshunoslik borasida ilmiy mutaxassislarni tayyorlash sohasida ham samarali ish olib bordi.

Mening nazarimda, ustozning oilasida ilmga muhabbat qadriyatga aylangan. Farzand ota-onaning aytgan barcha nasihatlarini eslab qolmasligi mumkin, lekin uyida ko'rib o'sgan hayot tarzini unutmaydi. Xonadonda kitob qadrlansa, ilmga hurmat bo'lsa, bu muhit farzand tarbiyasida o'z aksini topadi. Ustozning farzandlaridan biri, qizi Dilnoza ota yo'lidan borib, ilmni tanladi va olima sifatida izzat-hurmat topdi. Nazarimda, bu tasodif bo'lmay, oila muhitining ta'siri natijasidir.

Insonni tanitadigan eng ishonchli mezon – uning atrofida qoldirgan yaxshi nomi bilan o'lchanadi. Yillar o'tadi, turli davrlar ortda qoladi. Biroq, odamlar xotirasida samimiy munosabat, ezgu amalning izi qoldi. Ustoz oxiratingiz obod bo'lsin!

Mahkamoy Tursunova
Mumtoz adabiyot kafedrasi professori

FRAZEOLOGIYANING OTASI SAMARQANDDA-KU!

O‘zbek tilshunosligining fidoiy va zahmatkash vakillaridan, frazeologiya, frazeografiya, badiiy nutq uslubiyati, lingvopoetika va til o‘qitish metodikasi kabi ko‘plab jabhalarida ulkan iz qoldirgan taniqli olim, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev hayot bo‘lganlarida muborak 80 yoshni qarshilagan bo‘lar edilar.

Ustoz o‘zining serqirra va mahsuldor ilmiy faoliyati davomida bir necha monografiya va risolalar, o‘quv-uslubiy qo‘llanmalar hamda 400 dan ortiq ilmiy, ilmiy-uslubiy maqolalar va taqrizlar yaratdi.

Ilm yo‘lidagi ilk qadamlar va ustoz o‘giti. Biz universitetning so‘nggi besh yillik bitiruvchilaridan edik. Diplom ishi mavzusini 4-kursda berdilar, shundan boshlab ustoz-shogird an’analari yanada mas’uliyatli davom etdi. *«Jon» komponentli frazeologizmlarning leksik-semantik va grammatik xususiyatlari"* deb nomli bitiruv ishining qanday tartibda yozilish usullarini batafsil tushuntirar, badiiy asardan olingan misollarni qanday tartibda kartateka qilishgacha birma-bir o‘rgatar edilar. Ustoz shu qadar talabchan edilarki, diplom ishimiz qay darajada ketayotganini, tayyorgarlik jarayonlarini so‘rab-surishtirib turardilar.

Universitetni muvaffaqiyatli tamomlab, aspiranturada tahsil oldim. Ilmiy ish mavzusi tanlangach, ustozdan “Boblar va bo‘limlarni qanday nomlaymiz?” deb so‘raganimda, u kishi Toshkentdagi markaziy kutubxonaga borib, sohaga oid dissertatsiyalarni qunt bilan o‘rganib chiqishimni tavsiya qildilar.

Poytaxtga borib, kutubxonada ustoz tavsiyalari bilan mavzuga doir o‘ndan ortiq dissertatsiyalarni o‘qib-o‘rganib, rejalashtirilgan boblarning taxminiy nomlarini tuzib qaytdim. Shunda ustoz mamnun bo‘lib: “Ana endi senda dissertatsiya yozish haqida tushuncha va tasavvur paydo bo‘ldi!” – deya xursandchilik bilan ishni qanday davom ettirish va shakllantirish bo‘yicha qimmatli maslahatlarini bergan edilar.

Ustozimning doimiy yo‘l-yo‘riqlari, bergan chuqur bilimlari va yuksak e’tibori tufayli 2009-yilda O‘zFA Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot institutida “O‘zbek tilida frazeologik sinonimlar va ularning struktural-semantik tahlili*”* nomli nomzodlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildim. Erishgan barcha muvaffaqiyatlarim ortida Ustozning beqiyos mehnati va sabr-toqati yotadi, deb hisonlayman.

“Frazeologiyaning otasi Samarqandda-ku!”. Ilmiy ish yuzasidan Til va adabiyot institutiga qatnab yurgan kunlarimning birida rahmatli professor Ergash Umarov bilan tanishib qoldim. Suhbat asnosida u kishi tadqiqot mavzusi haqida so‘radilar. Dissertatsiya mavzusini eshitib, chehrasi yorishib ketdi va samimiy ehtirom bilan: “Iye, frazeologiyaning otasi Samarqandda-ku!” – deya ustozimiz haqida juda iliq so‘zlar aytib, u kishining ilmlariga yuksak baho bergan edilar. Bu so‘zlar Bekmurod Yo’ldoshevning nafaqat Samarqandda, balki butun respublika ilmiy jamoatchiligi o‘rtasida qanchalik yuksak obro‘-e’tiborga ega ekanliklarining yana bir isboti edi.

O‘zbek tilshunosligi, xususan, frazeologiya va frazeografiya sohasining shakllanishi hamda taraqqiyoti haqida gap ketganda, muhtaram ustozimiz va ulkan olimning xizmatlarini alohida e’tirof etish joiz. Samarqand tilshunoslik maktabining yorqin vakili sifatida tan olingan ustoz haqli ravishda “Samarqand frazeologiyasining otasi” maqomiga sazovor bo‘lgan edi.

Ustozning ko‘p yillik mashaqqatli va samarali ilmiy izlanishlari o‘zbek tilidagi frazeologizmlar, ularning uslubiy, pragmatik hamda semantik xususiyatlarini chuqur tadqiq etishga bag‘ishlangan. B.Yo‘ldoshev qalamiga mansub fundamental asarlar, monografiyalar va lug‘atlar o‘zbek frazeologiyasining muhim xazinasini tashkil etadi. Olimning yillar davomida yaratgan salmoqli ilmiy merosini quyidagi muhim asarlar, lug‘atlar va tadqiqotlar misolida ko‘rishimiz mumkin:

- **O‘zbek frazeologiyasining shakllanishi va tadqiqi:** *“O‘zbek frazeologiyasidan materiallar”* (1976, 1979, 1983, 1997-yillardagi to‘plam va tadqiqotlar (hamkorlikda)); *“Frazeologiya tarixidan lavhalar”* (1998); *“O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasining shakllanishi hamda taraqqiyoti”* (2007); *“O‘zbek frazeologiyasi va frazeografiyasi masalalari”* (2013); *“O‘zbek frazeologiyasi”* (bibliografik ko‘rsatkich, 2016) (hamkorlikda).
- **Frazeologik lug‘atchilik (Frazeografiya) va izohlash tamoyillari:** *“O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati”* (so‘zlik, 1998) (hamkorlikda); *“O‘zbek xalq*

dostonlarining chastotali frazeologik lug‘ati” (2008) (hamkorlikda); *“O‘zbek tilidagi polisemantik frazemalarni lug‘atlarda izohlash tamoyillari”* (2013) (hamkorlikda).

- **Frazeologik uslubiyat, pragmatika va semantika:** *“Frazeologik uslubiyat asoslari”* (1999); “*O‘zbek tilida frazeologizmlarning uslubiy va pragmatik imkoniyatlari”*(2002); “*O‘zbek tilida o‘zlashma frazeologizmlarning semantik-uslubiy xususiyatlari”*(2012) (hamkorlikda), “*O‘zbek tilining frazeologik stilistikasi”* (2016) (hamkorlikda)
- **Lingvopoetika va badiiy asar tahlili:** *“Ufq” trilogiyasining lingvopoetik tahlili”* (2006) (hamkorlikda); “*Shoir Erkin Vohidovning frazeologizm qo‘llash mahorati haqida”* (2007)
- **Ta’lim va didaktika masalalari:** *“Perifrazalarning frazemalar bilan munosabati va ularni o‘qitishning didaktik tamoyillari"* (2001) (hamkorlikda)

Ilmiy maktab va yuksak e’tirof. Ustoz tomonidan asos solingan nazariy va amaliy tamoyillar bugungi kunda ham o‘zbek tilshunosligida o‘z qadr-qimmatini yo‘qotmagan. Xalq dostonlarining chastotali lug‘atidan tortib, mumtoz va zamonaviy adabiyotimiz namoyandalarining (Said Ahmadning “Ufq” trilogiyasi, Erkin Vohidov poeziyasi) frazeologizmlar qo‘llash mahoratigacha bo‘lgan tahlillar yosh tadqiqotchilar uchun haqiqiy mahorat maktabi vazifasini o‘tamoqda.

Ustozning frazeologiya va frazeografiyaga qo‘shgan ushbu beqiyos hissasi nafaqat Samarqand ilmiy muhitida, balki butun respublikamiz tilshunoslik jamoatchiligi tomonidan yuksak qadrlanadi. Ustoz yaratgan maktab va uning boy kitobiy merosi kelajak avlod uchun bebaho xazina bo‘lib xizmat qilaveradi.

Ustoz ilm yo‘lida chinakam fidoyi, tinim bilmas va mehnatkash olim edilar. Sohaga oid har bir yangi nashr etilgan maqola, risola yoki kitob haqidagi xabarni eng birinchi bo‘lib aynan u kishining o‘zlaridan eshitardik.

Talabchan olim va samimiy inson. Ustoz ilmda nihoyatda qattiqqo‘l va talabchan bo‘lsalar-da, hayotda nihoyatda mehribon, bag‘rikeng va ta’sirchan inson edilar. Shu bilan birga, juda xushchaqchaq va samimiy mutoyiba sohibi edilar – o‘ziga yaqin olgan shogird va talabalariga ba’zan samimiy tabassum bilan: “Ov bola, sen ko‘p o‘zingdan ketma...” – deb hazillashib qo‘yardilar. Bu sodda va samimiy hazil ortida samimiyat hamda shogirdlariga bo‘lgan cheksiz mehr yashiringan edi.

Bir og‘iz “tanbeh” ortiga yashiringan g‘amxo‘rlik. Bekmurod Yo’ldoshev nafaqat talabchan ustoz, balki shogirdlarining turmush sharoiti va ro‘zg‘oridan ham xabardor mehribon ota kabi edilar. 2005-yillarda ilmiy tadqiqot yuzasidan ustoz bilan tez-tez muloqot qilib turardik. U paytlari yosh oila edik, uyga shahar telefoni o‘tkazish esa ancha mushkul va murakkab masala edi.

Navbatdagi muloqotlarimizdan birida ustoz bilan bog‘lanishim qiyin bo‘layotgani sababli u kishi zohiran “tanbeh” bergandek bo‘ldilar. Lekin bu tanbeh

zamirida shogirdiga bo‘lgan yuksak g‘amxo‘rlik va e’tibor yashiringan edi. Aynan ustozning o‘sha bir og‘iz so‘zlari va e’tiborlari tufayli xonadonimizga uy telefoni o‘rnatildi hamda ilmiy muloqotlarimiz yanada barqarorlashdi.

Bekmurod Yo‘ldoshev kabi fidoyi olimlar, xokisor insonlar qalblarda va ilm sahifalarida mangu yashaydilar. Ustozimizning bizga qoldirgan boy ilmiy merosi va bergan saboqlari kelajak avlod uchun ham hamisha mash’ala bo‘lib xizmat qiladi.

Ilohim, Ustozning joylari jannatda, oxiratlari obod bo‘lsin.

***Muxayyo Vafoyeva** (SamDU)*

RAHMATLI USTOZIM — BEKMUROD YO‘LDOSHEV XOTIRASIGA!

Ustozlar ketmaydi — ular o‘rgatgan
saboqlarda, shogirdlari qalbida
va ezgu xotiralarda yashayveradi.

Ustoz degan ulug‘ nom bor. Inson hayotida shunday kishilar bo‘ladiki, ular faqat bilim beribgina qolmay, o‘zining odobi, muomalasi, insoniyligi, dunyoqarashi va hayotga munosabati bilan shogirdlari qalbida o‘chmas iz qoldiradi. Rahmatli ustozim, filolog olim va Sharof Rashidov nomidagi (sobiq Alisher Navoiy nomidagi) Samarqand davlat universiteti o‘zbek filologiyasi fakultetida ko‘p yillar talabalarga saboq bergan **Bekmurod Yo‘ldoshev** ana shunday insonlardan edi.

Filologiya — so‘z, til va tafakkur olami. Bu sohaning haqiqiy vakili esa so‘zning qadrini, uning inson qalbi va jamiyat hayotidagi o‘rnini chuqur his qiladi. Bekmurod Yo‘ldoshev ham o‘z kasbiga shunchaki bir mutaxassis sifatida emas, balki katta mas’uliyat va mehr bilan yondashgan ustoz edi. Men Ustozga 2015-yilda shogird tushgan edim. Ustozni eslaganimda, avvalo, ilmga bo‘lgan munosabatlari ko‘z oldimga keladi. Shuning uchun bo‘lsa kerak, haqiqiy ilm yo‘lidagi ustoz qanday bo‘lishini ilk bor shu onlarda his qilganman. Qorong‘uda to‘g‘ri yo‘lni izlayotgan inson kabi yoki maqsadsiz bir o‘rganuvchi sifatida edim, menga haqiqiy ilm olami kalitlarini ochishni o‘rgatgan inson Bekmurod Yo‘ldoshev edilar...

U kishining darslarida oddiy bir mavzuning o‘zi ham o‘zgacha mazmun kasb etardi. Til va adabiyotga oid masalalar orqali inson, ma’naviyat, millat va tafakkur haqida o‘ylashga, qo‘shimcha tarzda o‘z ustimizda ishlashga undardilar. Ustozning fikrlari, mulohazalari va hayotiy kuzatuvlari talaba uchun darslikdagi ma’lumotlardan kam bo‘lmagan saboq edi.

Men uchun ustozning eng katta fazilatlaridan biri — **shogirdga inson sifatida munosabatda bo‘lishlari** edi. Ustoz-shogird munosabati faqat auditoriya bilan chegaralanib qolmasligini u kishining hayotidan anglash mumkin edi. Savol bergan talabani tinglash, uning fikrini hurmat qilish, kerak bo‘lsa to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatish — ustozning kundalik odatlaridan edi. Hazillari esa... hazillar alohida mavzu.

Oradan yillar o‘tadi. Inson ko‘plab voqealarni, ayrim suhbatlarni, hatto ba’zi ism va sanalarni ham unutishi mumkin ekan. Ammo chin ustozdan olgan saboq unutilmaydi. Chunki ustoz bergan bilim nafaqat xotirada, balki insonning dunyoqarashi va hayot tarzida yashaydi.

Bekmurod Yo‘ldoshev ustoz ham ana shunday unutilmas siymolardan edi. U kishining darslari, aytgan fikrlari, so‘zga bo‘lgan e’tibori va shogirdlariga bildirgan ishonchi bugun ham xotiramizda. Agar ortga qaytish imkoni bo‘lganida edi, 2011-yil, ya’ni, bakalavriat 1-bosqichga qabul qilingan paytlarimdayoq darhol ustozning etagidan tutardim, u kishining salobati bosgan, talabchan ekanidan qo‘rqqan bo‘lsam ham, oltinga teng bo‘lgan to‘rt yilni hech qachon boy bermas edim... Afsuski, buning imkoni bo‘lmagan. Qancha gapirsamda, bu to‘rt yil hech qachon ortga qaytmaydi. Lekin Allohning bir faqir bandasiga taqdirning kulib boqqani shu bo‘lganki, magistratura bosqichida o‘qiyotgan kezlarim bir necha talabgorlar orasida Qodir Egam u insonga shogird tushishdek baxtni aynan menga muyassar etgani va shu qisqa paytda bo‘lsa-da, ustozdan olgan katta saboq bilan hozirga qadar ishlab kelayotganimdir... Men ham faoliyatim davomida ustozning shogirdlar bilan ishlash texnikasi asosida ko‘plab natijalarga erishdim va bu yutuqlarning har birida ustozning haqqi bor o‘ylayman. Bu muvaffaqiyatlar uchun hozir ham ustozdan behad minnatdorman, har safar ortga qaytib nimalarnidir yodga olganda eslashga arzigulik xotiralar bergani uchun ham ustozdan minnatdorman, hayotim davomida “ustoz” degan so‘zni zalvorini ko‘rsatib bergani uchun ham ustozdan minnatdorman, “Ustozing kim?” degan savolga javob bergandagi “faxr” uchun ham ustozdan boshim yerga yetgan qadar minnatdorman...

Ustozning jismi oramizda bo‘lmasa-da, bergan saboqlari, ezgu nomi va shogirdlari qalbidagi xotirasi yashaydi.

Rahmatli ustozimni eslar ekanman, bir haqiqatni yana bir bor his qilaman: insonning umrini uning yashagan yillari emas, **odamlarga bergan yaxshilik nuri va qoldirgan yaxshi nomi** belgilar ekan.

Bekmurod Yo‘ldoshev ustozning xotirasi ham ana shu ezgu nom bilan shogirdlari qalbida yashaydi.

Joyingiz jannatda, ruhingiz shod bo‘lsin. Har doim duolarimizdasiz Ustoz!

Ch.Xushmurodova,
SDTU Talaba klublari bo‘limi boshlig‘i.

ҚУДАЧИЛИК— МИНГ ЙИЛЧИЛИК

Менинг биринчи қудам, профессор Бекмурод Юлдошев, нафақат қудам, балки талабалик йилларимда менга тилшунослик фанидан сабоқ берган устозимдир. Шу сабабли, у киши ҳақида хотира ёзар эканман, кўз олдимда Самарқанд давлат университетидаги ажойиб даврлар гавдаланади. Устоз ўз фанини яхши билгани учун жуда талабчан эди. Лекин адолатли ва жуда камтар эди.

Университетни тугаллаб, тақдир тақозоси билан Навоий шаҳрида устозимнинг сингиллари Муҳаббат опа билан учрашиб, дугона бўлиб қолдик. Йиллар ўтиб, катта қизим Нилуфархонни Бекмурод Юлдошевнинг ўғиллари Нодиржонга сўрашди. Устозим билан қуда бўлишни ўйлаб, жуда ҳаяжонландим. Ўша йилларда профессор қудам Навоий давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультетининг декани бўлиб ишларди.

Муҳаббат опам қизимни тавсия қилганларида, устозим ўйлаб туриб: «Катта охурдан ем еган инсонлар экан, бизларни писанд қилармикин? Қизларини оддий жойга бермаса керак!», деган экан. Турмуш ўртоғим Абдурайим Ҳалимов Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлагани учун шундай ўйлаган бўлсалар керак. Аммо Нодиржон Нилуфарни бир кўришда севиб қолгани учун институтнинг таниқли олимлари билан совчиликка келишди.

Қарасам, устозим ҳам ҳаяжонланганиданми, тез-тез ниманидир оғзига солар, гапни қаердан бошлашни билмай ўтирарди. Шунда Муҳаббат опа: «Ака, мақсадга ўтайлик», дегандилар. Шу тариқа қудачилик ришталари боғланди.

Турмуш ўртоғим ҳам, фарзандларим ҳам домлани яхши кўриб қолишди. Жуда камтар, ҳазилкаш, ҳозиржавоб ва самимий инсон эдилар. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, устозим Нилуфарни ўз қизидай қабул қилди. Ёшлар жуда бахтли эди. Қудалар тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Суҳбатлари узоқ чўзилар, бир-бирларини йўқлаб, гаплашиб ўтирардилар. Ҳатто бирга шаҳар кўлига тонгда чиқиб, айланишар эди. Турмуш ўртоғим қудасига доимо: «Худо хоҳласа, яхши кунлар олдинда», дерди.

Аммо иккала қуданинг ҳам умри қисқа экан. Абдурайим ака қизимизнинг тўйидан қирқ кун ўтиб қазо қилди. Фарзандларимиз ўзидан кўпайиб, ували жўвали бўлишди. Профессор қудамга эса болаларимизнинг энг яхши кунларини кўриш насиб қилмади.

Мен шундай устозим билан қуда бўлганимдан ҳамиша фахрланаман!

Қудам китобни жуда яхши кўрар, қаерда бўлмасин кўп ўқир ва барчага китоб ўқишни тавсия қилар эди. Самарқанддаги ҳовлисида алоҳида катта

кутубхонаси бор эди. Биз уйларига меҳмонга борганимизда ана шу кутубхона-кабинетини кўриб, «Менга ҳам бир яхши китоб беринг, ўқийман», дегандим. Шунда ҳазиллашиб: «Яхши, қайтариш шарти билан, ҳозир ёзиб қўяй», деган эдилар.

Бу гап ҳали ҳам ёдимда. Чунки бу оддий ҳазил эмас, балки устознинг китобга, илмга ва шогирдига бўлган муносабатини ифодаловчи самимий бир хотира бўлиб қолган.

Бекмурод қудам умри давомида илмга, тилшуносликка, китобга ва шогирдларига садоқат билан хизмат қилди. У кишидан сабоқ олганлар орасида унинг илмий меросини давом эттираётган, устозининг номи ва эзгу ишларини ҳурмат билан ёд этаётган шогирдлари кўп. Улар ичида фарзандлари Баҳодир ва Дилнозахоннинг борлиги бизни ҳам қувонтиради. Устознинг ҳақиқий умри ҳам ана шу шогирдлари, китоблари, илмий ишлари ва яхши номида давом этади.

Қудачилик эса халқимизда оддий қариндошлик эмас, икки оиланинг тақдирини боғлайдиган муқаддас ришта. «Қудачилик — минг йилчилик», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бизларнинг қудачилик риштамиз ҳам қисқа умрга эмас, фарзандларимиз, набираларимиз ва уларнинг келажаги орқали давом этадиган маънавий меросга айланди.

Бугун 80 йиллик хотира ёзар эканман, устозимнинг овози, ҳазиллари, ҳозиржавоблиги ва самимий чеҳраси кўз олдимда намоён бўлди.

Устознинг умри — китобида, илмида, шогирдларида. Қуданинг умри эса фарзандлар ва набиралар меҳрида давом этади. Бекмурод қудам ҳам биз учун ана шу икки буюк меросни қолдирган инсон сифатида қалбимизда абадий яшайди.

Жойлари жаннатда, руҳлари шод бўлсин. Биз эса у кишини яхши хотиралар билан эслаб, дуода ёд этиб яшаймиз.

Файзиева Комилахон Ҳожи она
Навоий шаҳри, қудалари

ЯХШИЛИКЛАРИ ХОТИРАМДА ЯШАЙДИ

Ўтган аср ўрталаридаги урф-одатларга кўра, мени 17 ёшимда турмушга беришган эди. Келин бўлиб тушган хонадон Зиёвуддин қўрғончасидаги ҳунарманд ва зиёли оила сифатида эл-юрт орасида ҳурматга эга эди.

Мен келин бўлиб тушган пайтимда қайин укам Бекмурод талаба эди. Самарқандда таҳсил олар, ҳафтанинг шанба куни уйга келиб, якшанба яна ўқишига кетарди. Қош-кўзи қоп-қора, келишган, хушмуомала ва самимий

йигит эди. Айниқса, ота-онасига жуда меҳрибон бўлиб, китобни ниҳоятда яхши кўрар, ўқиган китобларини яқинларига совға қилишни хуш кўрарди.

Менинг шу хонадонда яшаб, бахтли ҳаёт кечиришимда, аввало, қайнонамнинг меҳри ва оқилалиги катта ўрин тутган бўлса, иккинчи сабабчи инсон қайин укам Бекмурод эди.

Чунки мен жуда ёш келин эдим. Ҳали оила, турмуш, эр-хотин муносабатларининг нозик жиҳатларини тўлиқ англаб етмаган пайтларим эди. Бекмурод эса ўша ёшлигига қарамай, ниҳоятда ақлли, маърифатли, кўнгли тоза ва одамийлиги баланд йигит эди.

Турмушдаги қийинчиликлардан руҳан чарчаб, сабрим тугай бошлаган пайтларимда Бекмуроднинг ўқишдан келиб қолиши мен учун катта таскин бўларди. Баъзан кечгача суҳбатлашардик. У билан кўнглимдагини бемалол айтар, дардимни яширмасдим. У ҳам мени шунчаки янгаси эмас, яқин инсонидек тингларди.

Бир куни ҳаётимдаги аччиқ қисматларимни унга айтиб берганимда:

— Янга, келинг, шу кечмишларингизни бир китоб қилиб ёзамиз, — деган эди.

Мен эса бунга рози бўлмаганман. Аммо бу гапни у бир неча бор такрорлаган. Балки у менинг қалбимдаги дардларнинг оғирлигини ҳис қилгандир.

Бу гаплар унинг оилапарварлиги, аёл зотига ҳурмати ва яқинларининг бахтини ўз бахтидек билишидан далолат берарди.

Бугун ортимга қараб, ўша кунларни эслар эканман, тақдиримдан минг марта рози бўламан. Ҳа, шу хонадондаги яхши инсонлар, айниқса, Бекмурод укамнинг меҳри ва қўллаб-қувватлаши туфайли мен ҳам бу оилада ўз ўрнимни топдим.

Бекмурод укам билан энг сирли суҳбатларимиздан бири унинг севган қизи — менинг синфдошим Фазилатхон ҳақида эди. Аёл киши сифатида уларнинг муҳаббатига ҳавас қилардим. Чунки Бекмурод икки оиланинг ҳам қаршилигига мардонавор туриб, ўз севгисига эришиш учун курашган эди.

Воқеа бундай бўлган.

Бекмурод Самарқандда Женпедда ўқиётган Фазилатхонни кўриб, севиб қолади. Синфдошим ҳам унга бефарқ эмас эди. Икки ёш бир-бирини яхши кўриб қолишган.

Совчиликка қайнонам, онам, отам ва турмуш ўртоғим боришади. Аммо қиз томони рози бўлмайди. Устига-устак, катта қалин сўрашади. Буни эшитган совчилар:

— Энди қизларини олмаймиз, — деган қарор билан қайтиб келишади.

Бекмурод укам жуда қийналарди. Чунки у севган қизига ҳатто гаплашиш имконига ҳам эга эмас эди. Қиз томони ёшларнинг учрашиши ва гаплашишига рухсат бермасди.

Укамнинг бу ҳолатини кўриб, мен қайин синглим Малика билан бирга Фазилатхонларнинг уйига бордик. Зиёвуддин қўрғончасини айланиб, уйимиз орқасидан ҳовлига кирдик. Бекмурод ҳам ўша ерда бизни пойлаб турган экан.

Икки ёш ниҳоят учрашиб, бир-бири билан очиқ гаплашишди. Ўша учрашув уларга яна бир бор ўз муҳаббатлари учун курашишга куч берди.

Ниҳоят, 1969 йилда уларнинг тўйи бўлди.

Бугун ўйласам, уларнинг бахтли оила қуришида менинг ҳам кичик бир ҳиссам бор экан. Аммо менинг шу хонадонда палак ёйиб, умримни бахтли ўтказишимга эришган инсонлардан бири — мард, оқил ва оилапарвар қайин укам Бекмурод эди.

Бугун мен 4 қиз, 2 ўғил, 19 набира ва 22 чеваранинг севимли момоси сифатида ували-жували бўлиб, шукроналик билан яшаяпман. Бу бахтли кунларга етиб келишимда ўша хонадондаги меҳр-оқибатнинг ўрни беқиёс.

Бекмурод укам нафақат ўз оиласи, балки акаси, жиянлари ва яқинларининг ҳам билим олиши, яхши инсон бўлиб камол топиши учун қўлидан келган барча ёрдамни аямаган. У жиянларининг ўқишига, илм олишига шароит яратишга ҳаракат қилган. Бугун уларнинг барчаси амакисини меҳр ва миннатдорлик билан эслайдилар.

Бекмурод укам тирик бўлганида бугун 80 ёшга кирган бўлар эди.

Инсон бу дунёдан ўтиб кетади, аммо унинг қилган яхшиликлари, айтган яхши сўзлари, одамларга берган меҳри ва эзгу ишлари қолади. Бекмурод укамнинг бизга қилган яхшиликлари ҳам хотирамизда ҳамиша яшайди.

У мен учун шунчаки қайин ука эмас, ҳаётимнинг оғир кунларида кўнглимга суянч бўлган, бахтли кунларимда қувончимни баҳам кўрган яқин инсон эди.

ЖОЙЛАРИ ЖАННАТДА БЎЛСИН! РУҲЛАРИ ШОД, ОХИРАТЛАРИ ОБОД БЎЛСИН!

Юлдошева Муқаддас

Зиёвуддин қўрғони, янгаси

BIRGA KECHGAN UMR XOTIRASI

Har bir insonning hayotida uning taqdirini, quvonch va tashvishlarini, orzu va umidlarini baham ko‘radigan bir umr yo‘ldoshi bo‘ladi. Men uchun shunday inson — umr yo‘ldoshim, farzandlarimizning otasi, taniqli olim va ustoz, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev edi.

Bizning birga kechgan hayot yo‘limiz 1969-yilda boshlangan. Yoshligimizning orzu-umidlari bilan oila qurdik. Oldimizda qanday kunlar kutib turganini bilmasdik. Ammo yillar davomida hayotning quvonchli va tashvishli kunlarini birga yengib o‘tdik. Bir-birimizga suyanch bo‘lib, oilamizni, farzandlarimizni deb yashadik. Oilamizning eng katta boyligi — farzandlarimiz bo‘ldi.

Biz to‘rt o‘g‘il va bir qiz farzandni voyaga yetkazdik. Ularning har birining kamolini ko‘rish, ta’lim olishi, hayotda o‘z o‘rnini topishi, yaxshi inson bo‘lib ulg‘ayishi biz uchun eng katta maqsad va orzu edi. Farzandlarimizning barchasi oliy ma’lumotli bo‘lib, hayotda o‘z yo‘llarini topdilar. Ularning oilali bo‘lib, mustaqil hayot kechirayotganini ko‘rish esa biz uchun yillar davomida qilingan mehnat va tarbiyaning eng katta mevasi bo‘ldi. Farzandlarimizning har bir to‘yini birgalikda o‘tkazgan kunlarimiz hamon yodimda. Har bir to‘y — bir tomondan quvonch, ikkinchi tomondan esa ota-ona uchun katta mas’uliyat va hayajon edi. Farzandlarimizni uyli-joyli, oilali qilib, ularning baxtini ko‘rish bizga nasib etgani uchun hamisha shukr qilardik. Ota uchun farzandlarining kamolini ko‘rishdan ortiq baxt bo‘lmasa kerak. Otasi ham farzandlarining har bir yutug‘idan quvonardilar. Ularning ta’limi, tarbiyasi va kelajagiga befarq qaramasdilar. Farzandlarimizning mustaqil hayotga qadam qo‘yishi, oila qurishi, o‘z yo‘lini topishi u kishi uchun katta faxr edi.

Oilamizning bu yillari Bekmurod akaning ilmiy hayoti bilan hamohang kechdi. U kishi ilm yo‘lida tinimsiz izlandilar. Oddiy talabadan yetuk olim, filologiya fanlari doktori, professor darajasigacha bo‘lgan yo‘lni bosib o‘tdilar. Ilmiy izlanishlari, kitoblari, maqolalari, darslik va qo‘llanmalari, shogirdlari — u kishining umr mehnatining natijalaridir. Oilada esa bu ilmiy izlanishlarning boshqa bir tomoni bor edi. Kitob va qo‘lyozmalar, kechki va tungi mehnatlar, ilmiy safarlar, anjumanlar, shogirdlar bilan suhbatlar — bular oilaviy hayotimizning ham bir qismiga aylangan edi.

Turmush o‘rtog‘im ilmni hayotining mazmuni deb bildilar. Men esa umr yo‘ldoshi sifatida u kishining bu yo‘ldagi mehnati va izlanishlariga guvoh bo‘ldim. U kishining yutuqlaridan faxrlandim, qiyinchiliklarida yonida bo‘ldim. Chunki oilaviy hayot faqat quvonchli kunlardan iborat emas. Uning ichida sabr, tushunish, kechirish, bir-birini qo‘llab-quvvatlash va bir maqsad sari birga intilish ham bor. Bizning hayotimiz ham ana shunday kechdi. Yillar o‘tib, farzandlar ulg‘aydi. Ularning to‘ylarini birgalikda ko‘rdik. Uyimizga kelinlar keldi, farzandlarimiz o‘z oilalarini qurdi. Bir paytlar kichkina bolalar bo‘lib, atrofimizda yugurib yurgan farzandlarimizning o‘zlari ota-ona bo‘lib borayotganini ko‘rish biz uchun hayotning eng katta ne’matlaridan biri edi. Shunday kunlarda inson ortda qolgan yillarga nazar tashlar ekan, qancha mehnat, qancha tashvish va qancha sabrning ortida mana shu

baxt turganini anglaydi. U kishi ham ana shu kunlarni koʻrib, farzandlarining kamoliga guvoh boʻlib, ularning toʻylarida bosh-qosh boʻlib yurdilar.

Bugun esa u kishining oʻrni boʻsh.

Oradan yillar oʻtgan boʻlsa-da, u kishining oilamizdagi oʻrni hech qachon toʻlmaydi.

Ammo farzandlarimizning kamolini koʻrsam, u kishining orzulari davom etayotganini his qilaman. Har bir farzandning yutugʻida otasining mehnati, tarbiyasi va duosi borligini oʻylayman.Bekmurod aka oʻzlaridan katta ilmiy meros qoldirdilar. Ammo menimcha, u kishining eng katta meroslaridan biri — besh nafar farzandini voyaga yetkazib, ularni oliy ma’lumotli, oilali, elga foydali insonlar qilib tarbiyalaganliklaridir.

Ilmiy kitoblar ham qoladi. Ilmiy maqolalar ham qoladi. Lekin farzandlar — insonning hayotdagi eng tirik merosidir. Bugun farzandlarimizning hayotini koʻrib, u kishining mehnati va orzulari behuda ketmaganini his qilaman.

Shunday buyuk inson 2016-yil 20-dekabrda bu dunyoni tark etdilar.

Ayriliq ogʻir. Ammo birga kechgan umr xotiralari undan ham kuchli. Birga oʻtkazgan yillarimiz, farzandlarimizning ulgʻayishi, ularning ta’lim olishi, hayotda oʻz oʻrnini topishi va toʻylarini birgalikda koʻrgan kunlarimiz — bularning barchasi hayotimizning eng qadrli sahifalaridir.

Bugun u kishini eslar ekanman, avvalo shunga shukr qilaman: bizga birga umr kechirish, farzandlarimizni voyaga yetkazish va ularning kamolini koʻrish baxti nasib etdi.Inson umri yillar bilan oʻlchanadi, ammo uning mazmuni ortida qolgan ezgu ishlar bilan belgilanadi. U kishi ilmga xizmat qildilar. Oilaga xizmat qildilar. Farzandlarining kelajagi uchun mehnat qildilar. Shogirdlariga ilm va tarbiya berdilar, oʻzlaridan yaxshi nom qoldirdilar.

Bugun u kishining nomi farzandlarimizning qalbida, nabiralarimizning xotirasida, shogirdlarining ilmiy faoliyatida va oʻzbek tilshunosligi tarixida yashab kelmoqda. Men esa bir umr yoʻldoshi sifatida u kishi bilan kechgan yillarni qalbimda asrab yashayman. Shunday oilaparvar, mehnatkash inson hozir hayotda yoʻq, ammo u kishining mehnati, farzandlari, shogirdlari va yaxshi nomi bor. Shu bois xotira bor ekan, inson hamisha tirikdir.

Fazilat ona.

Turmush oʻrtogʻi

МЕНГА ПЕДАГОГИКАНИ ЎРГАТГАН АКАМ

Ўтган асрнинг 50–60-йилларида, айниқса қишлоқ жойларда, қиз боланинг тақдири кўпинча унинг ўзига эмас, катталарнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эди. Қизларнинг олий маълумот олиши, касб танлаши бугунгидек одатий ҳол эмасди. Кўпчилик қизлар 10-синфни битириши билан турмушга узатилар, уларнинг орзулари, билим олиш истаклари оилавий юмушлар ортида қолиб кетарди.

Менинг тақдиримда ҳам шундай бўлди. Ўша йиллари Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олаётган Бекмурод акам қиз боланинг ўқиши, илм олиши тарафдори эди. У менинг ҳам ўқишимни давом эттиришимни истар, бу борада ота-онам жуда кўп айтарди. Аммо ўша даврнинг қарашлари, урф-одатлари устун келди. Мактабни битиришим билан мени қўшни йигитга турмушга беришди.

Шундай бўлса-да, Бекмурод акам бу билан чекланмади. У менинг ўқишга бўлган иштиёқимни қўллаб-қувватлаб, Самарқанд давлат университетининг рус тили ва адабиёти факультети сиртқи бўлимига киришимга ёрдам берди. Мен учун бу оддий бир иш эмас, балки ҳаётимдаги катта бурилиш эди. Чунки акам менга фақат “ўқи” демади, балки билим олишим учун шароит яратишга ҳаракат қилди.

Бекмурод акам ўша пайтларда Самарқанд вилоятининг “Ленин йўли” газетасида ишлаб, шаҳарнинг Тошохур деган ҳудудидан қатнаб ишларди. Ўзи ҳам ёш оила бошлиғи, ижарада яшар, рўзғор ташвишлари билан банд эди. Шунга қарамай, мен ҳар йили сессияга борганимда, оиласи билан яшаб турган уйидан менга жой ажратарди. Бунинг ўзи мен чин дилдан кўрсатилган ака меҳри ва самимий ғамхўрлик эди.

Айниқса, бир воқеа ҳанузгача кўз ўнгимда. Қиш қаттиқ келган йил эди. Олти ойлик чақалоғим Гулчеҳра билан сессияга бордим. Дарслар тушдан кейин бошланар, шу сабабли кечгача университетда қолиб кетардим. Боламни кимга қолдириш ҳақида ўйлардим. Акам эса ишдан чарчаб келганига қарамай, мен дарсдан қайтгунимча чақалоғимни қараб, бешигини тебратиб ўтирарди.

Ўша манзарани кўрганимда, ич-ичимдан эзилиб кетардим. Ўзи ҳам ёш рўзғор, ўзининг ташвишлари бор, аммо синглисининг ўқиши учун ўз вақтини, меҳнатини аямасди. Бугун ўйласам, инсоннинг ҳақиқий олижаноблиги ҳам ана шундай оддий, аммо беғараз амалларда намоён бўлар экан.

Бекмурод акам менинг ўқишимга шароит яратибгина қолмади. У менга касбий сабоқ ҳам берди. Айниқса, дарс ўтиш технологияси ҳақида айтганлари бир умр ёдимда қолган. У киши 45 дақиқалик дарснинг ҳар бир дақиқасини олдиндан режалаштириш, қайси пайтда қандай фикрни айтиш, ўқувчи

диққатини қачон жалб қилиш, мавзуни қандай тушунтириш кераклигини жуда аниқ ва содда қилиб тушунтирганди.

“Дарснинг ҳар бир дақиқаси қадрли”, деган мазмундаги ўгитлари мен учун ҳақиқий касбий мактаб бўлди. Акамнинг айтганларини амалиётда қўллаб, мактабда қирқ йил давомида ўқитувчилик қилдим. Бу йиллар давомида доимо илғор ўқитувчилар сафида бўлишга интилдим.

Энг муҳими, мен ўқитувчилик касбини фақат китобдан эмас, **Бекмурод акамнинг шахсий намунасидан** ҳам ўргандим. У киши менга таълим беришнинг технологиясинигина эмас, ўқитувчи қандай инсон бўлиши кераклигини ҳам кўрсатди. Ўз ишига масъулият билан ёндашиш, билимни бошқаларга етказиш, ёшларга ишонч билдириш, қийин вазиятда яқинларига суянч бўлиш — буларнинг барчаси мен учун ҳаётий сабоққа айланди.

Бекмурод акам тирик бўлганларида бугун 80 ёшни қаршилаган бўлар эдилар. Афсуски, тақдир тақозоси билан бу қутлуғ санани у киши билан бирга нишонлаш насиб этмади. Аммо инсоннинг умри унинг дунёдан ўтган куни билан эмас, эл-юрт, фарзандлар, яқинлари ва шогирдлари қалбида қолдирган эзгу излари билан ўлчанар экан.

Бугун ортига назар ташлаб, бир ҳақиқатни фахр ва миннатдорлик билан айта оламан: **менга педагогикани Бекмурод акам ўргатган.**

У киши мен учун аввало ака эди. Кейинчалик эса ҳаётимдаги энг яқин устозлардан бирига айланди. Менинг ўқишимга йўл очган, қийин пайтларимда қўллаб-қувватлаган, боламни бағрига босиб, сессияларга боришимга имкон яратган, касб сирларини ўргатган инсон сифатида акамнинг ҳаётимдаги ўрни беқиёс.

Бугун Бекмурод акамнинг 80 йиллик таваллуд саналари муносабати билан у кишини яна бир бор меҳр ва соғинч билан ёд этаман. У кишининг ҳаёти, меҳнати, инсонларга қилган яхшиликлари, фарзандлари ва шогирдларига берган сабоқлари хотирамизда ҳамиша яшайди.

Мен учун энг катта бахт — Бекмурод акамдек инсоннинг синглиси бўлганим, энг катта фахр эса у кишидан устозлик сабоғини олганимдир.

Бекмурод акамнинг жисми орамизда бўлмаса-да, у кишининг меҳри, айтган сўзлари, берган сабоқлари ва эзгу хотираси ҳамон биз билан бирга.

Мен умримнинг охиригача фахр билан: **«Педагогикани менга Бекмурод акам ўргатган»,** деб айтиб юраман.

Юлдошева Шаходат

Зиёвуддин қўрғони, синглиси.

ХОТИРАГА АЙЛАНГАН ФЕНОМЕНАЛ АКАМ

Баъзи инсонлар ҳаётимиздан ўтиб кетмайди — улар биз билан бирга яшайди. Уларнинг овози, қараши, гапириш услуби, айтган гаплари, ҳатто оддий бир ҳазили ҳам хотирамизда узоқ йиллар сақланиб қолади. Мен учун шундай инсонлардан бири — таниқли тилшунос олим, профессор, менинг Бекмурод акам эди.

Акам бу дунёдан 69 ёшида кетди. Ҳали айтилмаган гаплари, амалга оширилиши керак бўлган орзулари, илм-фанга бағишланиши мумкин бўлган йиллари бор эди. Шунинг учун акамнинг вафоти мен учун ҳамиша эрта туюлади. Орадан ўн йил ўтса ҳам, «Агар Бекмурод акам ҳозир бўлганларида...» деган ўй беихтиёр хаёлимга келаверади.

Чунки у киши менинг акамгина эмас, илмдаги устозим, ҳаётдаги суянчим, оғир кунларимда ёнимдан турган энг яқин инсонларимдан бири эди. Шунинг учун Бекмурод акам ҳақида ёзиш мен учун оддий хотира ёки мақола ёзиш эмас. Бу — умримда чуқур из қолдирган инсон ҳақида қалбимдаги сўзларни қоғозга туширишдир.

Мен Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида ўқиган йилларимда Бекмурод акамнинг уйида тургандим. Талабалик йиллари инсон ҳаётида алоҳида давр. Бир томонда илм олиш, орзу қилиш, келажакка интилиш бўлса, иккинчи томонда ўзга шаҳарда яшаш, турли қийинчиликларни енгиш керак бўлади. Ана шундай пайтларда ака меҳри мен учун катта таянч бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлашим мумкинки, акам мени илмга қизиқтириб, ўзимга ишонишимга ёрдам берганлар. Илмий изланишларимда маслаҳат берар, фикрларимни тинглардилар. Хатоларимни кўрсатсалар-да, менга ҳеч қачон қаттиқ танбеҳ бермасдилар. Аксинча, тегишли мақоллар, байтлар билан муносабат билдириб, тўғри йўлга бошлардилар.

Ҳатто 1977 йилнинг баҳор ойлари, талабалик йилларим эди. Мен жуда ортиқча пардозланиб, дарсга кетаётганимда, акам менга атаб айтган қуйидаги мисралар бир умр ёдимда қолган:

Лаб қизил, юзлар қизил,
Тирноқ учи ҳам қип-қизил.
Қош қаро, кўзлар қаро,
Ҳеч бўлмасин бахтинг қаро.

Бу мисраларни акамнинг ўзи тўқиб айтганмилар ёки бирор шеърдан олинганмиди — билмайман. Аммо ўша пайтдаги акамнинг ҳазиломуз, бироз танбеҳ аралаш гаплари ҳамон ёдимда.

Тилшунос олим сифатида Бекмурод акамнинг сўзга муносабати ҳам ўзига хос эди. Сўзнинг маъноси, келиб чиқиши, одамлар нутқидаги нозик

фарқлар ҳақида соатлаб гапиришлари мумкин эди. Лекин мен учун акамнинг энг қадрли жиҳати олимлиги эмас, аввало, **ака сифатидаги меҳри ва ғамхўрлиги** эди.

1983 йилда уч ёшли қизим Шаҳло ва бир ёшли Мадина билан Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактабнинг иккита синф хонасида иш бошладим. Кейинчалик Тошкент давлат педагогика институтининг Навоий филиалида лаборант бўлиб ишлашга таклиф қилишди. Кейин мустақил Навоий давлат педагогика институтида методист-услубчи, ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб узоқ йиллар меҳнат қилдим.

Жигарчилик фақат бир ота-онадан туғилиш эмас. Ҳақиқий жигарчилик — бир-бирининг қувончини ўз қувончидек, дардини ўз дардидек ҳис қилиш экан. Бундай жигарчилик йиллар ўтиши билан сўнмайди, аксинча, ҳаёт синовларида тобланиб, янада қадрли бўлиб боради.

Мен Бекмурод акамнинг жигарчилигини айнан ҳаётимнинг оғир кунларида ҳис қилганман.

Оиламизда шундай жудолик бўлдики, бугун ҳам эсласам, юрагим эзилади. Турмуш ўртоғим заводдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганидан кейин ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Ана шундай кунларда инсонга фақат моддий ёрдам эмас, маънавий суянч ҳам жуда керак бўлар экан.

Оилада тўрт болани тарбиялаш, рўзғор ташвишларини бажариш билан бирга, 1990-йилларга келиб, акамнинг маслаҳати билан 1920-йилларда фан, маданият, адабиёт, санъат ва таълимнинг ривожланиши муаммоларига доир номзодлик диссертацияси мавзусини тасдиқлатиб, илмий ишимни бошладим. Илмий раҳбарим таниқли тарихчи олим, профессор Комил Оқилов Тошкентда, ЎзФА Тарих институтида ишлар эди.

Акам илмий ишимнинг режасини тузишда, илмий адабиётлар, айниқса, архив материаллари билан ишлашда менга жуда катта ёрдам берди. Ишни библиография тузишдан бошладим ва биринчи илмий ишим — 1997 йилда акамнинг эллик йиллиги муносабати билан нашр этилган библиографик кўрсаткич бўлди.

Масофа узоқ бўлса ҳам, қадрдон акам мени ҳеч қачон ёлғиз қолдирмади. Бекмурод акам дардимни ўз дардидек қабул қилди. Навоийга тез-тез келиб, ҳолимдан хабар оларди. Мен тушкунликка тушиб қолган пайтларимда руҳан қўллаб-қувватлади. Илмдан узилиб қолмаслигим, ўзимни қўлга олишим, ҳаётни давом эттиришим учун куч берарди.

Илмий ишимни ҳимоя қилиш чўзилиб кетганидан сўнг, Бекмурод акам Навоий шаҳрига кўчиб келиб, Навоий давлат педагогика институтида Ўзбек филологияси факультети декани сифатида ишлай бошлади ва илмий ишимни давом эттиришимга ёрдам берди.

Акамнинг менинг фарзандларимга муносабати ҳам алоҳида меҳр билан йўғрилган эди. Фарзандларим ўзбек тилини мукаммал билишида тоғасининг алоҳида ўрни борлигини доимо таъкидлашади. Буни оддий қариндошлик бурчи билан изоҳлаб бўлмайди. Бу — юракдан чиққан меҳр, масъулият ва сингилга садоқат эди.

Шундай пайтларда инсон жигарчиликнинг ҳақиқий қийматини англар экан. Яхши кунларда ҳамма ёнингизда бўлиши мумкин. Аммо **дардингиз сўрамасдан ҳис қиладиган, сизга куч бериш учун ўз осойишталигидан кечадиган инсон — ҳақиқий жигарингиздир.**

Бекмурод акам мен учун ана шундай инсон эди.

У киши тўртала қизимнинг тўйларида ҳам отаси ўрнида турди. Бу мен учун оддий бир қариндошлик вазифаси эмас, балки бир умр унутилмайдиган жигарчилик тимсоли бўлиб қолди. Чунки фарзандларининг бахтини кўриш ҳар бир она учун қанчалар азиз бўлса, уларнинг қувончли кунида отасининг ўрнида турган инсоннинг қадри ҳам шунчалар беқиёсдир.

Шу сабабли Бекмурод акамнинг 2016 йилдаги вафоти менинг қалбимда тўлдириб бўлмас бўшлиқ қолдирди.

Ака деган сўзнинг ўзида қандайдир суянч бор. Мен Бекмурод акамни эслаганимда ҳам ана шу суянч ҳиссини эслайман. У киши бор пайтларида баъзи нарсалар мен учун осонроқ, баъзи ташвишлар енгилроқ туюларди. Чунки «Акам бор» деган ҳиснинг ўзи инсонга далда берар экан.

Энди эса у кишини фақат хотиралар орқали излайман.

Баъзан бирор таниш исмни эшитсам, акамнинг ўша одам ҳақида нима деганлари ёдимга тушади. Қайсидир илмий масала ҳақида гап кетса, у кишининг фикрлари хаёлимдан ўтади. Бирор воқеа сабаб бўлиб, «Бу ҳақда Бекмурод акам жуда яхши эслар эдилар», деб қўяман.

Шунда яна бир нарсани англайман: инсоннинг ўзи кетади, аммо унинг **хотираси бошқаларнинг хотирасида давом этади.**

Акамнинг энг ҳайратланарли фазилатларидан бири — **феноменал хотираси** эди.

У киши одамларнинг исмларини, туғилган йилларини, илмий фаолиятини, бир неча йиллар олдин бўлиб ўтган воқеаларни шундай аниқ эслар эдиларки, баъзан ҳайратда қолардим. Орадан ўнлаб йиллар ўтган воқеани гапириб берсалар, худди кеча бўлиб ўтгандек, тафсилотларини санаб ўтардилар.

Айниқса, инсонлар билан боғлиқ хотиралари беқиёс эди. Ким қаерда ўқиган, қайси йилларда қаерда ишлаган, ким билан қачон учрашган — ҳаммаси ёдларида бўларди. Бирор одамнинг исми тилга олинса, унинг ҳаётига

оид бир неча воқеани бир зумда эслаб, «Ҳа, уни биламан...» деб, ўша инсон ҳақида ҳикоя қилиб кетардилар.

Навоийлик қадрдонлари билан бирга акамнинг таваллуд кунига борганимда, суҳбат асносида бир курсдошим ҳақида гап кетди. Акам ҳеч эринмасдан, бирга ўқиган курсдошларимнинг деярли барчасини бирма-бир эслаб, ҳар бирининг исм-шарифи, қаерда ишлаши ва ҳаётига оид маълумотларни аниқ айтиб бердилар. Мен эса акамнинг хотирасига яна бир бор қойил қолдим.

Аммо акамнинг хотирасига бўлган ҳайратимни янада оширган бир воқеа бор.

Бир куни жияним Нодиржонга асли Хатирчилик бўлган, Навоий шаҳрида яшовчи қадрдоним Комилахоннинг қизини келинликка тавсия қилдим. Шунда акам дарҳол:

— Йўқ, фамилияси Ҳалимова эмас, **Файзиева Комилахон Тошпулатовна**, — дедилар.

Бунинг ўзига ҳам ҳайрон қолган эдим. Аммо акам шу билан тўхтаб қолмадилар. Комилахоннинг отаси ким бўлгани, қаерда ишлаганигача аниқ айтиб бердилар.

Мен ўша пайтда яна бир бор англадим: акамнинг хотираси оддий хотира эмас эди. У киши йиллар, ҳатто ўнлаб йиллар ўтган бўлса ҳам, инсонларнинг исм-шарифини, уларнинг ҳаётига оид маълумотларни ҳайратланарли даражада аниқ эслаб қолар эдилар. Бунга кўпчилик қойил қоларди.

Мен баъзан акамнинг хотирасини оддий хотира эмас, **бутун бир даврнинг тирик архиви, жонли энциклопедияси** деб ўйлардим.

Бекмурод акамнинг феноменал хотираси кўпчиликни ҳайратга солган бўлса, бугун менинг хотирамда у кишининг меҳрибонлиги, ака сифатидаги ғамхўрлиги, илмга садоқати ва одамларга бўлган муносабати яшайди.

Бугун ана шу хотиралар мен учун жуда қадрли. Чунки акамнинг ўзи йўқ, аммо у кишининг ҳар бир гапи, ҳар бир хотираси, биз билан ўтказган ҳар бир суҳбати қалбимда яшаяпти.

Бекмурод акам менинг хотирамда ана шундай — умри қисқа туюлган, аммо изи узоқ йиллар ўчмайдиган, феноменал хотира соҳиби, илмга садоқатли олим ва мен учун ҳамиша қадрли ака бўлиб қолади.

Жойлари жаннатда, руҳлари шод бўлсин.

Сизни соғинган синглингиз, Муҳаббат.

Юлдошева Муҳаббат
Тарих фанлари номзоди, доцент.
Навоий вилояти “Устозлар” ННТ раҳбари

МЕНИ УСТОЗЛИККА ЧОРЛАГАН АКАМ

Юлдошевлар сулоласида илм-маърифатга, таълимга ва устозлик касбига бўлган ҳурмат авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлардан биридир. Бугунги кунда сулоламизда олий маълумотлилар сони икки юз нафарга яқинлашгани ҳам бу анъананинг нечоғлик мустаҳкам эканидан далолат беради. Бугун улар Тошкент, Самарқанд, Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Зиёвуддин каби шаҳар ва ҳудудларда, шунингдек, Россия, Корея сингари хорижий мамлакатларда турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг аксарияти педагоглар. Ҳатто сулолага келин бўлиб тушган кўплаб аёллар ҳам устозлик касбини танлаган.

Бу анъананинг илдизлари оиламиз тарихининг чуқур қатламларига бориб тақалади. Бобокалонимиз Латиф Шайх — Юлдош бувамизнинг оталари — илмни, маърифатни ва инсон тарбиясини қадрлаган инсон бўлганлар. Ана шу маънавий мерос кейинги авлодларга ўтиб келди. Аммо бу анъананинг яна бир йирик давомчиси, уни янги босқичга кўтарган инсонлардан бири, шубҳасиз, менинг акам — таниқли тилшунос олим, профессор Бекмурод Юлдошев эдилар.

Бекмурод акам бизга фақат «ўқинглар» деб маслаҳат бермасди. У киши илмга қизиқишни қалбимизга сингдиришга, билимнинг инсон ҳаётидаги ўрнини англатишга ҳаракат қиларди. Қайси соҳани танламайлик, аввало билимли, маданиятли ва ўз касбининг устаси бўлишимиз кераклигини уқтирарди. Шу маънода, Бекмурод акам нафақат бир оиланинг фарзандларига, балки бутун сулоланинг илм-маърифат йўлига катта таъсир кўрсатган инсон эди. Мен энам билан акамнинг уйига ёшлигимдан жуда кўп борганман. Ўша йиллар хотираси бугун ҳам кўз ўнгимда.

Акам Самарқанд шаҳрининг Карл Маркс кўчаси, 5-уйда ижарада турар эдилар. Жиянларим ҳали кичик эди. Уйларига Критиринок бозори яқин бўлгани учун баъзан бирга бозорга борардик.

Мен ҳали мактаб ўқувчиси эдим. Акам эса йўл-йўлакай мени турли саволларга тутарди:

— Ким бўлмоқчисан?

— Менделеев ким?

— Ньютон ким?

— Врач бўлмоқчи бўлсанг, мана шу олимларнинг ишларини яхши билишинг керак.

Оддий бир бозор йўли мен учун гўё кичик бир дарсга айланарди. Акамнинг ҳар бир саволи мени ўйлашга, китоб ўқишга, дунёқарашимни кенгайтиришга ундарди. Ўша пайтда бу оддий суҳбатлардек туюлган бўлса, бугун уларнинг қанчалик катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлганини англайман.

Мен ҳам акам ва Муҳаббат опам сингари Пахтачи тумани Зиёвуддин қўрғончасидаги 22-ўрта мактабни «Олтин медаль» билан битирдим. Химия ва биология фанларини пухта ўргандим. Табиийки, олий ўқув юртига кириш ҳақида ўйлар, келажак касбимни танлаш арафасида эдим.

Самарқандга ўқишга келганимда, акамнинг бир гапи ҳамон ёдимда:

У киши бу фикрини менга жуда оддий, аммо ҳаётий мисол билан тушунтирган эдилар.

— Сен қиз боласан. Эртага оила қурасан, фарзандларинг бўлади. Ўқитувчи бўлсанг, улар билан уйда ҳам бирга бўласан, уларга ўргатасан. Врач бўлсанг, кечалари навбатчиликда қоласан, болаларинг ёлғиз қолиши мумкин, — деган эдилар.

Акамнинг бу маслаҳати ўша даврда менинг касб танлашимга жиддий таъсир кўрсатди. Шу тариқа, химия факультетига ҳужжат топшириб, кириш

Ўша пайтларда акам Самарқандда, Гўри Амир мақбараси яқинида яшар эдилар. Биз баъзан бирга пиёда ўқишга борардик.

Бу йўллар ҳам мен учун алоҳида бир мактаб эди.

Акам йўл-йўлакай Самарқанддаги бинолар, тарихий обидалар, шаҳар тарихи ҳақида гапириб борар, менга факультетга боришнинг энг қисқа ва қулай йўлларини кўрсатар эдилар. Шу тариқа, мен университетга борар эканман, фақат дарсга эмас, Самарқанд тарихи ва маданиятига ҳам қизиқиб борардим.

Йўлда акам кўплаб олим ва устозлар билан учрашиб, суҳбатлашар эдилар. Мен эса бироз орқароқда юрардим.

Бир куни:

— Мен гаплашаётганимда икки қадам орқада юр. Биринчидан, катталарнинг гапини пойлама. Иккинчидан, сен қиз боласан, эртага оила қурасан... — деб яна ўзларига хос тарзда насиҳат қилган эдилар.

Бу гаплар ҳам менга оддий насиҳат эмас, одоб ва муомала маданиятидан берилган сабоқ эди.

Акам профессор олимлар билан суҳбатлашиб бўлгач, мени уларга таништирар эдилар:

— Бу менинг синглим. Химияда ўқийди. Менга ўхшамайди, сал сариқроқ, — деб ҳазиллашардилар.

У кишининг шундай оддий, самимий ҳазиллари бугун мен учун энг қадрли хотираларга айланган.

Афсуски, ўша даврнинг урф-одатлари ва оилавий қарашлари туфайли мен ҳам кўпчилик қизлар қатори иккинчи курсни тугатмасдан турмушга чиқдим. Кейинчалик Шаҳодат опам сингари ўқишимни сиртдан давом эттирдим.

Шундай қилиб, ҳаёт мен учун бошқа бир йўлни белгилаган бўлса-да, акам қалбимда уйғотган илмга муҳаббат сўнмади.

Бугун ўйлаб қарасам, инсон ҳаётида баъзи суҳбатлар, баъзи маслаҳатлар борки, уларнинг қадри йиллар ўтган сари янада ортиб борар экан. Бекмурод акамнинг ўша пайтда айтган ҳар бир сўзи, берган ҳар бир маслаҳати бугун мен учун ҳаётий сабоқ бўлиб қолган.

Бекмурод акамнинг яна бир ажойиб фазилати — камтарлиги ва оддийлиги эди.

Профессор, таниқли олим бўлишларига қарамай, ўзларини ҳеч қачон бошқалардан устун қўймасдилар. Бирор жойга бормоқчи бўлсак, кўпинча автобусда кетардилар. Ҳатто Самарқанд шаҳридаги автобусларнинг йўналиш ва жадвалларини жуда яхши билардилар.

— Мана шу жойга бормоқчиман, — десам, қайси автобусга чиқишим, қаерда тушишим ва кейин қайси томонга юришим кераклигини аниқ айтиб берардилар. Бундай оддий жиҳатлар ҳам у кишининг ҳаёт тарзини кўрсатиб турарди. Илмда юксак, ҳаётда эса содда ва камтар инсон эдилар.

Бекмурод акамнинг ҳаётига назар ташласам, бир нарсага яна бир бор ишонч ҳосил қиламан: **инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг орттирган илми ва шу илмни бошқаларга улашганида экан.**

У киши бизга илмга интилишни, касбга садоқатни, катталарга ҳурматни, одобни ва камтарликни ўргатдилар. Энг муҳими, ўзлари шу фазилатларнинг амалдаги намунаси бўлдилар.

Бугун Юлдошевлар сулоласида икки юзга яқин олий маълумотли инсон борлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, бу рақам ортида қанча меҳнат, қанча устозлик, қанча ота-она орзуси ва қанча авлоднинг илмга бўлган интилиши турганини ҳис қиламиз.

Бу силсилада Латиф Шайх бобокалонимиздан бошланган маърифий анъана, кейинги авлодларнинг меҳнати билан давом этиб, Бекмурод акам сингари илм фидойилари тимсолида янада мустаҳкамланди.

Бекмурод акам бугун орамизда йўқлар. Аммо у кишининг номи, илмий мероси, шогирдлари, фарзандлари, қариндошлари ва энг муҳими, илмга бошлаган авлодлари бор. Акамнинг бизга қолдирган энг катта меросларидан бири ҳам ана шу — **илмга ҳурмат, устозликка садоқат ва авлодни маърифат сари бошлаш анъанаси**дир.

У кишининг ёркин хотиралари, эзгу ишлари ва бизга берган устозлик сабоқлари доимо қалбимизда яшайди.

Хотиралари абадий, жойлари жаннатдан бўлсин.

Юлдошева Малика

Зиёвуддин қўрғони, синглиси.

КИТОБГА МЕҲР УЙҒОТГАН — АКАМ

Ўзбек фразеологияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган, фразеография ва фразеологик услубият муаммоларини чуқур тадқиқ этган, бу соҳада кўплаб илмий асарлар, қўлланмалар ва тадқиқотлар яратган раҳматли акам, профессор Бекмурод Йўлдошевнинг китоблари мен учун алоҳида қадрли. У киши нашр эттирган кўплаб китобларини менга совға қиларди. Бу китоблар мен учун оддий совға эмас, балки акамдан қолган бебаҳо маънавий мерос, маърифатга етакловчи йўлчи юлдузлардек азиздир.

Бу меҳр ва эҳтиромнинг илдизлари эса жуда узоққа — болалик йилларимга бориб тақалади.

Зиёвуддин қўрғончасидаги ота уйимизда акамнинг ойнаванд китоб жавони бўларди. У доимо қулфланган ҳолда турарди. Жавон ортидаги китоблар мен учун қандайдир сирли ва сеҳрли олам эди. Айниқса, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини кўриб, уларни қачон ўқишим мумкин экан, деб орзу қилардим.

Акам эса:

— Мактабга борганингда ўқийсан, — дерди.

1970 йилда акам Тошкентдан мен учун сумка, китоб, дафтар ва кийим-кечаклар сотиб олиб уйга кириб келганди. Мени биринчи синфга ўқишга акамнинг ўзи олиб борди. Ўша пайтда менинг хаёлимда фақат бир нарса бор эди — қулфланган китоб жавонидаги китоблар.

— Энди шу китобларни беринг, — деб сўраганимда, акам кулиб:

— Бешинчи синфга ўтсанг, бераман, — деди.

Шу тариқа китобга бўлган иштиёқим янада ортди. Ниҳоят, орзиқиб кутган кунларим келди. Бешинчи синфга ўтганимда акам келиб, ўша ойнаванд жавонни очди ва ундан Алишер Навоийнинг **«Хамса»** асарини олиб менга берди. Бу менинг ҳаётимдаги энг унутилмас совғалардан бири бўлди.

Айнан шу китоб менда мутолаага, адабиётга ва маърифатга бўлган чексиз меҳрни уйғотди. Ўнинчи синфни тугатгунимча китобга шунчалик берилиб кетган эканманки, ота-онам:

— Бунча кўп китоб ўқийсан? — деб ҳазиллашиб қўярдилар.

Туман марказий кутубхонасида ўтказилган китобхонлар мусобақасида биринчи ўринни олганим ҳамон ёдимда. Кутубхона мудираси Ҳалима опа Тўқсонова менинг ҳар куни кутубхонага келиб китоб ўқишимни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатарди. Ўшанда мен:

— Акамнинг изидан бораман, ўқитувчи бўламан, — деб қатъий қарор қилганман.

Йиллар ўтиб, олий ўқув юртига кириш учун Самарқандга, акамнинг ҳовлисига бордим. Акам менинг билимимни синаб кўриш учун 50 та иншо

ёзиб келишимни вазифа қилганди. Топшириқни бажариб, ёзганларимни акамга бердим.

У киши барча иншоларимни синчиклаб текшириб чиқди. Дафтарларим қизил қалам билан тўлиб кетган, хатоларим эса кўп эди. Акам ҳар бир камчилигимни кўрсатиб, ҳатто икки баҳо ҳам қўйган эди.

Ўша пайтда бу баҳо менга оғир туюлган бўлса-да, кейинчалик унинг ортида қандай катта ғамхўрлик ва устозлик масъулияти турганини англадим.

Акам икки ой давомида менга оддий ва мураккаб режа тузишни, матнни таҳлил қилишни, грамматик ва морфологик таҳлилларни, фикрни тўғри ва мантиқий ифодалашни ўргатди. Ҳар бир ишимни талабчанлик билан текширди.

Натижада аввалги 50 та иншомнинг кейинги вариантига **«5»** баҳо олдим. Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида ҳам барча фанлардан аъло натижа кўрсатиб, биринчи ўринда ўқишга қабул қилинганман.

Бу муваффақият, аввало, акамнинг менга қилган беқиёс меҳри, талабчанлиги ва ғамхўрлиги самараси эди.

Шундай қилиб, акам туфайли Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлдим.

Акам ҳақиқий билим берадиган домла эди. У кишининг дарслари ниҳоятда қизиқарли ўтар, талабаларни фанга жалб қила олиш маҳоратига қойил қолардим. Барча талабалар акамни яхши кўрар, унинг дарсларини интизорлик билан кутар эдилар.

Мен акамдан нафақат ўзбек тили ва адабиётини, балки устозлик касбининг нозик сирларини ҳам ўргандим. Ўз устида ишлаш, сўз устида ишлаш, фикрни равон ва таъсирчан ифодалаш, нотиқлик санъати, воизлик маданияти — бир сўз билан айтганда, ҳақиқий ўқитувчи маҳоратини белгилайдиган кўплаб мезонларни акамнинг фаолиятидан ўргандим.

Акамнинг ҳар бир сўзида илмга ҳурмат, китобга муҳаббат, устозга садоқат ва Ватанга дахлдорлик туйғуси мужассам эди. У киши эл-юрт учун куйиб-ёниш, юрт тақдирига бефарқ бўлмаслик, ҳар бир инсон ўз фуқаролик бурчини англаб яшаши зарурлигини доимо уқтирарди.

Бугун орқага назар ташлар эканман, ҳаётимдаги энг муҳим сабоқларнинг кўпини акамдан олганимни янада чуқур ҳис қиламан. Болалигимда қулфланган китоб жавонига қараб, китоб ўқишни орзу қилган қизалоқдан то маърифат йўлида ўз ўрнини топган устозгача бўлган йўлимда акамнинг меҳри ва маслаҳати бор.

Акам менга аввало китобни севишни, кейин илмни қадрлашни, сўнгра эса ўрганган билимни бошқаларга беришни ўргатди.

Шу боис менинг хотирамда профессор Бекмурод Йўлдошев нафақат ўзбек тилшунослигига муносиб ҳисса қўшган таниқли олим, фидойи педагог ва илмпарвар устоз, балки **менинг китобга меҳримни уйғотган, ҳаёт йўлимни белгилаб берган акам** сифатида абадий муҳрланиб қолади.

Аллоҳ таоло устозим, меҳрибон акам Бекмурод Йўлдошевни ўз раҳматига олсин, охиратларини обод айласин. У кишининг илм-фан йўлида қолдирган бой мероси, фарзандлари,шогирдлари ва эзгу эзгу ишлари умрининг давоми бўлиб яшайверсин.

Юлдошева Раъно
Зиёвуддин қўрғони, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,
«Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони
ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
15 йиллиги эсдалик нишони соҳибаси,нафақада.
Бекмурод Йўлдошевнинг синглиси

АКАМ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИМ

Инсон ҳаётида шундай яқинлари бўладики, улар ҳақида бир-икки саҳифа ёзиш билан хотиралар тугамайди. Аксинча, ёза бошлаганингиз сари яна бир воқеа, яна бир суҳбат, яна бир меҳрли лаҳза ёдингизга тушаверади.

Бекмурод акам ҳақида менда шундай хотиралар жуда кўп. Балки акам бўлгани учунми, у киши билан боғлиқ хотираларимнинг ўзи бир китоб бўлади.

Мен учун Бекмурод акам аввало — **жуда яхши инсон** эди. Раҳмдил, кўнгилчан, меҳрибон ва одамнинг дардини ўзиникидек қабул қиладиган инсон эди. Айниқса, бирор яқинига ташвиш тушса, безовта бўлиб, кўзларига дарров ёш келарди. У кишининг ана шу самимийлиги, қалбининг юмшоқлиги менинг хотирамда энг кўп сақланган фазилатларидир.

Мен Бекмурод акамнинг кичик укасиман. У киши менинг ҳаётимдаги икки хил қиёфаси — ака ва устоз сифатида ҳамиша алоҳида ўрин тутади.

1976 йилда мактабни тамомладим. Акамникига бориб, ўша ерда уч ой Ҳикмат деган ўртоғим билан физика фанидан имтиҳонларга тайёрландик. Аслида физикага жиддий тайёрланган эдим. Аммо имтиҳонларга бир ҳафта қолганда фикримни ўзгартириб, филология факультетига ҳужжат топширдим.

Имтиҳонларда учта «5» ва битта «4» баҳо олдим. Сайдулло Мирзаев ва Ҳамдам Бердиёров домлалар менга кулиб-кўриб, «5» қўйишгани ҳамон ёдимда. Немис тилидан ҳам «5» олдим. Иншодан эса «4» баҳо чиқди.

Кейин билсам, иншони ўз акам Бекмурод текшириб, «4» қўйган экан.

Ўша пайтда буни унчалик тушунмаган эканман. Лекин кейинчалик акамнинг қандай адолатли инсон эканини янада чуқурроқ англадим. У киши учун укаси бўлишим билимимга қўшимча баҳо олишимга сабаб бўлмаган. Аксинча, **қариндошликдан кўра адолатни устун қўйганлар.**

Мен кечки бўлимга ўқишга кирдим. Шу сабабли мени армияга олиб кетиш учун повестка ҳам келди. Ота-онам ёлғиз эди, отамнинг кўриш билан боғлиқ муаммолари бор эди. Шу сабабли армиядан қолдим ва Зиёвуддинга қайтиб кетдим.

Аммо акамнинг «ўқишинг керак» деган ишончи менда доимо қолди.

1977 йил май ойи эди, адашмасам. Акам билан Самарқанддаги Кооператив техникумига ҳужжат топшириш учун бордик. Техникум директори эронлик киши экан. Акамни танир экан, жуда яхши кутиб олди.

Акам мени унга:

— Укам магазинда ишлайди, — деб таништирди.

Мен ўқишга кирдим ва техникумни аъло баҳолар билан тугатиб, диплом олдим. Ўша пайтда дипломим бўйича ишлаш насиб қилмади. Аммо бу касбнинг ҳам тақдиримда бор эканини кейин англадим. Бугун нафақада бўлсам ҳам, уйимнинг олдидан дўкон очиб, шу соҳада ишлаяпман.

Акам ҳар гал уйимизга келганларида:

— **Барибир олий маълумотли бўлишинг керак**, — дер эдилар.

Бу гапни қайта-қайта айтардилар. Балки ўша пайтда бу сўзларни оддий ака маслаҳати деб қабул қилгандирман. Аммо акамнинг кўзида менинг келажагим, илмли бўлишим, ҳаётда ўз ўрнимни топишим турган экан.

1984 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Навоий филиали математика факультетига ўқишга кирдим.

Тўғри, кейинчалик ўқитувчи бўлиб ишламадим. Тадбиркорлик менга ота касби бўлиб, кўнглимга яқин эди ва шу соҳа билан шуғулландим. Лекин акамнинг «олий маълумотли бўлишинг керак» деган орзуси амалга ошди.

Мен отамнинг эрка ўғли эдим. Отам ўша пайтларда жуда қиммат ҳисобланган «Волга» 21 русумли машина олиб берган эдилар.

1977 йилда отам касал бўлиб қолдилар. Шу машинада отамни Самарқандга, акамникига олиб бордим. Акам тезда республика касалхонасига жойлаштирдилар. Отамни операция қилишди.

Биз — Элмурод, Шоди, Бекмурод акамлар ва Самарқанд давлат университетида таҳсил олаётган Муҳаббат опам бирга касалхонага бордик.

Шифокорлар отамга қон қуйиш кераклигини айтишди.

Шунда Бекмурод акамнинг кўзларига ёш келиб, жуда безовта бўлиб қолганлари эсимда. Катта акам қон берди. Бекмурод акам эса уни ўйлаб, ширин чой билан ширин кулча олиб келиб:

— Тез еб олинг, — деб безовта бўлиб юрдилар.

Бу кичик бир воқеадек кўриниши мумкин. Аммо мен учун бу акамнинг қалби қандай эканини кўрсатадиган катта хотира. У киши бир вақтнинг ўзида ҳам отамиз учун қайғурди, ҳам қон берган катта акамизни ўйлади.

Акамнинг отам ва энамга меҳрининг чеки йўқ эди.

Айниқса, энам билан боғлиқ бир воқеа ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Бир куни, адашмасам, ёз куни эди. Зиадинга ота-онамизни кўргани келгандилар. Энамнинг оёғи шишиб кетган, ётиб қолган эди.

Акам менга:

— **Кетдик**, — дедилар.

Энамни Самарқандга олиб кетдик. Касалхонага жойлаштирдик. Аммо, афсуски, энамнинг оёғи яхши бўлмади. Кейин ҳасса билан юрганини кўрганида акамнинг жуда раҳми келарди.

Ҳатто ўзини айбдордек ҳис қилардилар.

— Нима қилсак бўларди? — дегандек, ўзларини ич-ичларидан куйингани сезиларди. Ҳар ҳафта энамни кўргани келардилар.

Акамнинг ота-онага бўлган меҳрини сўз билан ифодалаш қийин. Улар учун ота-она оддий яқин инсон эмас, ҳаётларининг энг азиз кишилари эди.

Бекмурод акам Москвада докторантурада ўқиётган пайтлари эди.

Бир куни менга қўнғироқ қилиб:

— Энамни ва Раъно синглимни олиб кел, бир шаҳарни кўриб кетишсин, — дедилар.

Биз уччаламиз — мен, энам ва синглим Раъно поездда Москвага бордик.

Акам Қозоғистон давлат университетининг математика факультети декани ва грузиялик файласуф домлалар билан бирга яшар эканлар. Биз учун ҳам жой тайёрлаб қўйган эканлар. Менга ёнларидан жой, энам билан Раънога эса бошқа хонадан жой ажратиб қўйганлар.

Акамнинг хонадошлари ҳам жуда яхши инсонлар экан. Мен улар билан тезда улфатлашиб кетдим. Москвадаги ресторанларда масза қилиб келардик.

Кейин акамга:

— Ичганимиз йўқ, шаҳар айландик, — деб қўярдик.

Москвада акамнинг яна бир одатига гувоҳ бўлдим. У киши печатлаш машинкасини ҳам ўзи билан олиб кетган ва кечалари билан машинкада докторлик ишларини ёзардилар.

Машинканинг тиқир-тиқири менга Самарқанддаги йилларимизни эслатди. Ўшанда акам нималрнидир ёзиш учун машинкада кечалари билан ишлардилар.

Мен:

— Бу нима? — деб сўраганимда, номзодлик иши эканини тушунтирганлар.

Акамнинг илмга бўлган муносабати шундай эди. Қаерда қачон бўлмасин, илмдан узилмасдилар.

Энам ва Раъно Москвада шаҳарни айланиб, кўп совғалар билан қайтишди. Поездга чиқадиган кунимизда акамнинг хонадошлари — менинг улфатларим ҳам бизни кузатиб қўйишди.

Акамнинг кўзларида яна ёш кўрдим.

У киши хурсанд бўлганида ҳам, яқинларидан ажралаётганда ҳам кўзларига ёш келарди. Қалби жуда юмшоқ эди.

1994 йил қиши эди, адашмасам. Акам докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун Тошкентдаги Аспирантлар уйида яшар эдилар.

Бекмурод акам биз — Элмурод акам билан менга ҳам рухсатнома олиб, бир хонага жойлашдик. Машина билан хизмат қилдик.

Ўша пайтда академик Шоабдураҳмонов ва таниқли ёзувчи Саид Аҳмадни бир неча марта уйларидан олиб келиб, яна уйларига олиб борганимиз ҳам ёдимда.

Айниқса, ҳимоя куни мен учун унутилмас воқеа бўлди.

Бекмурод акам менга:

— Иккита гул оласан. Ҳамма гапириб, мени табриклаб бўлгандан кейин гулларнинг бирини Шоабдураҳмоновга, бирини Саид Аҳмадга берасан, — дедилар.

Мен эса учта гул олиб келдим.

Акам бундан бехабар эдилар.

Ҳимоя жараёни бошланди. Олимлар сўзладилар. Ҳар бири акамнинг илмий фаолияти, меҳнати ва диссертацияси ҳақида жуда чиройли фикрлар билдирди.

Аммо акам минбарга чиққанларида мен яна бир бор қойил қолдим.

Акам жуда яхши нотиқ эканлар!

У киши фикрларини аниқ, равон, ишончли ва таъсирчан баён қилдилар. Мен акамни ўша куни олим сифатидагина эмас, нотиқ сифатида ҳам бошқача кашф қилдим.

Ҳимоя тугагач, мен биринчи гулни олиб, тўғри Бекмурод акамнинг олдиларига бордим.

Акам гулни олиб, йиғлаб юбордилар.

Кейин:

— Домлага... домламга... — дедилар.

Мен гулларни Шоабдураҳмонов ва Саид Аҳмадга ҳам бердим.

Уларнинг уйларигача кузатиб қўйдим.

Акамнинг устозларига бўлган ҳурмати жуда баланд эди.

У кишининг меҳри шундай кенг эди — қариндошлардан ким касал бўлса, албатта Самарқандда даволаниш учун акамнинг ёнига борар эди.

Мен кейинчалик акамнинг кўп фазилатларини ўз ҳаётимда англаб бордим.

У киши фақат университетда талабаларга дарс бериб қўймасди. Илмни, маданиятни, одобни ҳар бир инсонга етказишга ҳаракат қилардилар.

Акамни танимаган одам уни аввало олим сифатида биларди. Илм аҳли учун у киши — билимли, меҳнаткаш, ўз соҳасига садоқатли устоз эди.

Мен учун эса у киши булардан ҳам аввал **акам** эдилар.

Бугун ўйлаб қарасам, акамнинг менга берган энг катта мероси **илмга ҳурмат, ота-онага меҳр, устозга эҳтиром ва инсонга яхшилик қилиш** каби қадриятларни ўргатиб кетган эканлар.

Мен ҳам акамдан ўрганганларимни ҳаётим давомида қадрлаб келдим.

У киши энди орамизда йўқлар. Аммо менинг хотираларимда у киши ҳамиша тирик.

Инсон дунёдан ўтади. Аммо унинг меҳри, яхши сўзи, қилган яхшилиги ва берган тарбияси қолади.

Бекмурод акам ҳам ана шундай инсонлардан эдилар.

Акам ҳақида ёзишда давом этсам, ҳали қанча хотиралар бор. Балки уларнинг ҳар бири алоҳида бир ҳикоя бўлар. Шунинг учун ҳам баъзан ўзимга ўзим:

«Бекмурод акам ҳақидаги хотираларимнинг ўзи бир китоб бўлади», — дейман.

Шундай инсонни ака деб атаганимдан ва умримнинг бир қисми у киши билан боғлиқ бўлганидан фахрланаман.

Акамнинг жойлари жаннатда бўлсин. Руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.

Юлдошев Олимжон

Зиёвуддин қўрғони, укаси

ЗИЁЛИ ХОНАДОНДА ЎТГАН ЯРИМ АСР

Мен Юлдошевлар хонадонига келин бўлиб тушганимга сал кам эллик йил бўлибди. Инсон умри учун бу катта давр. Шу йиллар давомида бир оиланинг келини, набираларининг онаси сифатида кўп воқеаларга гувоҳ бўлдим. Аммо йиллар ўтгани сари инсоннинг хотирасида айрим инсонлар, айрим суҳбатлар, айрим иборалар янада қадрли бўлиб бораверар экан.

Мен келин бўлиб тушган хонадон — оддий хонадон эмас, илм ва маърифатга ҳурмат устувор бўлган зиёли оила эди.

Қайнотам Юлдошев Болта бобо жуда билимли, донишманд инсон эдилар. Араб ва форс тилларини яхши билардилар. Айниқса, муқаддас Қуръони каримни ёд билганлари, оятларни жуда чиройли ва таъсирчан қироат қилганлари ҳали-ҳамон ёдимда. У киши мадраса кўрган, ўз даври учун ниҳоятда билимли ва маърифатли инсон эдилар.

Афсуски, ўша даврнинг оғир сиёсий шароити Бувамнинг бор билими ва салоҳиятини кенг намоён этишига имкон бермаган. Отаси-онаси ва оила аъзолари билан бирга Қрим томонларга «қулоқ қилинган», «халқ душмани» деган оғир тамғага дучор бўлган даврлар эди. Шу боис у кишининг қалбидаги улкан маърифат ва зиёни жамиятга эркин тарқатиш имкони чекланган.

Шундай бўлса-да, хонадонда илмга, одобга, инсон қадрига бўлган ҳурмат авлоддан-авлодга ўтиб келди.

Биз томонда қайнота кишини «бува» деб аташади. Бувамнинг ўзига хос бир фазилатлари бор эди. Айниқса, келинларни рағбатлантириш, уларнинг меҳнатини қадрлашга алоҳида эътибор берардилар. Бу хонадонда аёллар, хусусан, келинлар доимо ҳимоя қилинган, эъзозланган ва қадрланган.

Янги келин бўлиб тушган кезларимда нон ёпсам ёки бирор мазали таом тайёрласам, бувам мени мақтаб:

«Гандум ҳама жо, пазанда жо жо»,

— деб қўярдилар.

Бу оддий мақтовдек туюлса-да, янги келин учун унинг қадри жуда катта эди. Бундай илиқ сўзлар инсонга ишонч беради, меҳнат қилишга ундайди. Мен ҳам, бошқа овсинларим ҳам бувамизнинг мақтовларидан руҳланиб, янада яхшироқ таом тайёрлашга, хонадон ишларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилардик.

Бувамнинг шундай ўзига хос иборалари, ҳазиломуз шеърлари жуда кўп эди. У киши оғир ҳаёт синовларини кўрган бўлсалар-да, хонадонда меҳр-оқибат ва яхши кайфият муҳитини сақлашга интилар эдилар.

Шу хонадонда йиллар ўтиб, фарзандлар камол топди, набиралар улғайди. Аждодлари зиёли бўлган бу оилада фарзандларнинг барчаси олий маълумотли, эл-юртга хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишдилар. Бу, албатта, оилада илм ва тарбияга алоҳида эътибор берилганининг натижаси эди.

Ана шу хонадоннинг энг йирик зиёли вакилларидан бири — қайин акам, профессор **Бекмурод Йўлдошев** эди.

Бекмурод ака мен учун фақат қайин ака эмас, балки Самарқанд давлат университетида олти йил давомида менга дарс берган устозим ҳам эдилар.

Университетда таҳсил олган йилларимда у кишидан ўзбек тили ва тилшунослик соҳаси бўйича кўп нарсаларни ўргандим. Устоз сифатида талабага талабчан, аммо адолатли ва маданиятли муносабатда бўлар эдилар.

Бекмурод акам ўта билимли, юксак маданиятли, оилапарвар инсон эдилар. Илм-фанга бўлган муносабатлари, одамлар билан муомаласи, ўзини тутиши, ҳар бир масалага чуқур ёндашиши менда катта ҳурмат уйғотган.

Мен кейинчалик узоқ йиллар мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бердим. Ўқитувчилик касбининг машаққатини ўзим ҳис қилганим сари Бекмурод акамга бўлган ҳурматим янада ортди. Чунки у киши фақат университет аудиториясида талабаларга дарс берибгина қолмас, балки ҳаёти давомида учратган ҳар бир кишига илм, одоб ва маърифатдан сабоқ беришга қодир инсон эдилар.

Баъзан инсоннинг ҳақиқий устозлиги унинг лавозими ёки илмий унвони билан эмас, балки атрофидаги одамларга қолдирган таъсири билан ўлчанади. Бекмурод акам ҳам ана шундай инсонлардан эди. У киши билан суҳбатлашган одам, ҳатто оддий бир мулоқотдан ҳам қандайдир янги фикр, ибрат ёки сабоқ олиб чиқарди.

У киши оилада ҳам ўз фарзандларини тўғри тушуниб, уларга муносиб тарбия берган меҳрибон ота эдилар. Оталик бурчини сидқидилдан адо этдилар. Фарзандларининг илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши, элга хизмат қиладиган инсон бўлиб етишишига катта эътибор бердилар.

Бугун орқага қараб, шу хонадондаги авлодлар ҳаётини кузатар эканман, бир ҳақиқатга яна бир бор амин бўламан: **зиёли оилада берилган тарбиянинг самараси бир авлод билан чекланмайди.** У фарзандларга, набираларга ва кейинги авлодларга ҳам кўчиб ўтади.

Бувамнинг мадрасада олган билими, китоб ва маърифатга бўлган меҳри, оғир замонларга қарамай сақлаб қолган маънавий бойлиги кейинги авлодларда ўзининг муносиб давомини топди. Бекмурод акам ана шу зиёли муҳитнинг энг муносиб вакилларидан бири бўлиб етишди.

Мен эса тақдир тақозоси билан ана шу хонадонга келин бўлиб тушдим. Қарийб эллик йиллик умримнинг катта қисми шу оила билан боғлиқ ҳолда ўтди. Шу йиллар давомида мен нафақат оилавий меҳр-оқибатни, балки илм ва маърифатнинг инсон ҳаётидаги ўрнини ҳам чуқур ҳис қилдим.

Шунинг учун бу хонадонга келин бўлганимдан доимо миннатдорман. Бу хонадон мен учун нафақат оила, балки катта ҳаёт мактаби ҳам бўлди.

Айниқса, менга олти йил дарс берган, ҳаётимда устоз сифатида ҳам, қайин акам сифатида ҳам ўчмас из қолдирган Бекмурод Йўлдошевнинг хотираси мен учун доимо азиз.

Инсон дунёдан ўтади, аммо унинг илми, тарбияси, яхши сўзи ва эзгу ишлари қолади. Бекмурод акам ҳам ўзидан шундай бой маънавий мерос қолдирдилар. У кишининг шогирдлари, фарзандлари, яқинлари ва улардан сабоқ олган инсонлар бор экан, номи ва хотираси ҳамиша яшайди.

Акамнинг жойлари жаннатда бўлсин. Руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин. Мен эса тақдиримдан розиман — шундай зиёли, маърифатли ва меҳрли хонадонга келин бўлганимдан ярим асрдан буён фахрланаман.

Аташова Сожида

Зиёвуддин қўрғони, нафақада.
Бекмурод Йўлдошевнинг келини

МЕН ФАХРЛАНГАН ТОҒАМ

Бекмурод Йўлдошев — онамнинг акаси, менинг севимли тоғам эди. У киши мен учун шунчаки яқин қариндош эмас, балки ҳаётимда из қолдирган, илмга қизиқиш уйғотган, ўқишнинг қадрини англатган инсонлардан бири бўлган.

Тоғамни эсласам, аввало, унинг илм-фанга бўлган меҳри, одамларга бўлган бағрикенглиги ва яқинларининг келажагига бефарқ бўлмагани кўз олдимга келади.

2006 йилнинг ёзида Самарқандга борганимда тоғамнинг уйига кириб бордим. Ўша куни катта хурсандчиликнинг устидан чиқиб қолдим. Тоғам Халқаро **Antique World («Антик дунё»)** илмий академияси академиги этиб сайланган экан. Хонадонидаги қувончли муҳитга мен ҳам қўшилиб, тоғамни чин дилдан табрикладим. Шундай юксак илмий эътирофга сазовор бўлган инсоннинг жияни эканимдан қалбимда фахр уйғонди.

Лекин бугун ўша кунни эслар эканман, менинг тоғам билан боғлиқ энг катта хотираларим унинг академик унвони ёки илмий мартабаси билан эмас, балки менинг ҳаётимда тутган ўрни билан боғлиқ эканини англайман.

1989 йилда саккизинчи синфни битирган эдим. Тиббиёт техникумига ўқишга кириш ниятида кичкина тоғам Шодининг қизи Насиба билан бирга Самарқандга бордик. Тоғамнинг Дагбитскийдаги ҳовлисида яшай бошладик.

Имтиҳонларга тайёргарлик қизғин эди. Ҳар куни тоғам ишдан қайтиб келгач, кечқурун бизни имтиҳон қиларди. Она тили ва адабиётидан ёзма диктант, математикадан эса оғзаки имтиҳон бўлиши керак эди.

Ростини айтсам, ўша пайтларда тоғамнинг ҳар куни биздан дарс сўрашига унчалик ҳам хурсанд бўлмасдим. Имкон қадар гап эшитмасликка, тайёргарликдан қочишга ҳаракат қилардим. Ҳозир ўйласам, у киши бизга вақт

ажратиб, келажагимиз ҳақида қайғуриб, ўз ишидан кейин чарчаб келса ҳам дарс тайёрлатган экан.

Ниҳоят, имтиҳон куни ҳам етиб келди. Бордик. Не кўз билан кўрайки, имтиҳон олувчилар орасида тоғамнинг ўзи ҳам бор!

У киши биз учун атайлаб тиббиёт техникумига келган экан.

Имтиҳонлар тугаб, уйга қайтдик. Тоғам бизга бир қараб:

— Иккалангиз ҳам йиқилдинглар, — деди.

Биз бу гапини эшитиб тоғамга, у киши реакциямизга қараб турди. Насибанинг қандай ҳолатга тушганини аниқ эслай олмайман. Мен эса унчалик таъсирланмадим. Ростини айтсам, ўша пайтда уйга жуда кетгим келаётган эди.

Тоғам бироз койиди. Кейин эса:

— Ўқишга кирдинглар, — деди.

Биз хурсанд бўлиб кетдик. Кейин ўйлаб қарасам, «йиқилдинглар» дегани диктантда хатоларимиз кўп бўлганини билдирар экан. Лекин тоғам натижани бизга олдиндан айтмай, аввало сабоқ бериб, кейин хурсандчилигимизни кўрган экан.

Шундай қилиб, тоғамнинг катта ҳомийлиги, назорати ва ғамхўрлиги билан уч йил ўқиб, тиббиёт техникумини битирдик.

Техникумни тамомлагандан кейин ҳам тоғам менинг келажагим ҳақида ўйлади. Мени Самарқанд давлат университетининг биология факультетида ўқишни давом эттиришга таклиф қилди.

Лекин негадир ўша пайтда уйга жуда қайтгим келди. Зиёвуддин қўрғончасига кетдим ва касалхонага ишга кирдим. Ишладим, касбимни яхши кўрдим, кейин турмушга чиқдим, оила ташвишлари билан яшадим.

Ҳаёт шу тарзда давом этди.

Аммо йиллар ўтиб, орқага қараганимда, тоғамнинг ўша таклифини янада чуқурроқ англай бошладим. У киши мендаги имкониятни мендан кўра яхшироқ кўрган экан.

«Ўқиш пайтида хаёлларинг фақат ўқишда бўлсин», дерди тоғам.

Бу гапни ўша вақтда оддий насиҳат деб қабул қилган эканман. Бугун эса унинг маъноси мен учун бутунлай бошқача.

Афсуски, тоғам айтганидек, ўқишни давом эттирмадим. Баъзан шу ҳақда ўйлаб, пушаймон бўламан. Балки Самарқандда қолиб, университетда ўқиганимда, ҳаётимнинг йўли бошқача давом этармиди?

Лекин тақдирнинг ўз йўли бор экан.

Шунга қарамай, тиббиёт соҳасида меҳнат қилдим. Олий тоифали ҳамшира бўлдим, касбимда муайян муваффақиятларга эришдим. Ўз ишимни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилдим.

Ҳар бир ютуғимда, ҳар бир яхши натижамда тоғамнинг насиҳатлари ёдимга тушарди.

Чунки у киши менга бир нарсани эрта ўргатган эди: инсон қайси касбни танламасин, уни билим ва меҳнат билан эгаллаши керак.

Бугун нафақадаман. Ҳаётимнинг ўтган йилларини сарҳисоб қилар эканман, тоғамнинг қанчалик бағрикенг ва узоқни кўра билган инсон бўлганини янада яхшироқ англаяпман.

У киши ўз фарзандларидек биз — жиянларининг ҳам тақдирига бефарқ қарамаган. Ўқишимиз, касб эгаллашимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун қўлидан келганича ёрдам берган.

Бугун ҳам ўша имтиҳон кунини эсласам, тоғамнинг «иккалангиз ҳам йиқилдинглар» деган ҳазиломуз гапи ҳам ёдимга тушади. Ўша пайтда бу гап ортида қанчалик катта меҳр, масъулият ва бизга бўлган ишонч борлигини тушунмаган эканман.

Энди англаяпман.

Тоғамнинг биздан имтиҳон олгани ҳам, койигани ҳам, кейин қувонтиргани ҳам, университетда ўқишни таклиф қилгани ҳам — барчаси бизга бўлган меҳрининг бир кўриниши экан.

Мен тоғам билан доимо фахрланардим. У кишининг олим сифатидаги обрўси, илмий ютуқлари, академик унвони биз, яқинлари учун катта ифтихор эди.

Аммо мен учун Бекмурод тоғамнинг энг улуғ фазилати — инсонлар тақдирига бефарқ бўлмагани эди.

У киши менинг ҳаётимда ҳам тоғам, ҳам устоз, ҳам маслаҳатчи бўлиб қолган.

Йиллар ўтди. Кўп нарсалар унутилди. Аммо тоғамнинг овози, насиҳатлари, биз учун қилган яхшиликлари хотирамда ҳамон тирик.

Баъзан инсон ҳаётда бирор имкониятни қўлдан чиқариб қўйганини кейинроқ англайди. Мен ҳам тоғамнинг «СамДУда ўқишни давом эттир» деган таклифини қабул қилмаганимни бугун афсус билан эслайман. Аммо шу билан бирга, менга шундай меҳрибон, илмли ва бағрикенг тоға насиб этганидан шукр қиламан.

Тоғамни жуда яхши кўрардим. У киши мен учун ҳамиша қадрли инсон бўлиб қолади.

Жойлари жаннатда бўлсин.

Руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.

У кишининг бизга қолдирган энг катта мероси — илму маърифатга ҳурмат, меҳнатсеварлик, одамларга яхшилик қилиш ва яқинларининг келажаги учун қайғуриш эди.

Бекмурод тоғам хотирамда ҳамиша меҳрибон тоға, талабчан устоз ва мен фахрланган улуғ инсон сифатида яшайди.

Давронова Гулчеҳра
Навоий шаҳри, нафақада

ОНА ТИЛИНИ БИЛСАНГ, ДУНЁНИ ЯХШИРОҚ АНГЛАЙСАН

Инсон ҳаётида шундай инсонлар бўладики, уларнинг бир оғиз сўзи, бир маслаҳати, бир эзгу иши бутун умрга йўлчи юлдуз бўлиб қолади. Мен учун ана шундай инсонлардан бири, балки энг улуғларидан бири — отамнинг укаси, менинг Бекмурод амаким эди.

1989 йилда Пахтачи туманидаги 23-умумтаълим мактабини аъло баҳолар билан тамомлаб, ўқишни давом эттириш ниятида Самарқандга келган эдим. Ўша пайтларда Бекмурод амакимнинг Даҳбед кўчасида ҳовлиси бўлиб, талабалар учун алоҳида хона ажратилган эди. Мен ҳам шу хонада яшаб, Самарқанддаги ўқишга тайёргарлик кўра бошладим.

Амаким мени шунчаки ўқишга киришини кутиб ўтирмас, ўзи ҳам мен билан жиддий шуғулланарди. Самарқанд кўчаларида репетиторга, бирга борганларимиз ҳали ҳам ёдимда. У киши ҳар бир ўқитувчига мени фахр билан:

— **«Қизим математик бўлмоқчи, бир ўқитиб кўринг-чи»,** — деб таништирарди.

Менга эса бу гаплар жуда илиқ таъсир қиларди. У киши мени жияни эмас, худди ўз қизидек кўрар, менинг келажагимга жиддий муносабатда бўларди.

Йўл-йўлакай эса ўзлари мени она тилидан имтиҳон қилиб борардилар. Ҳар бир саволлари ортида катта маъно бор эди. Амакимнинг:

«Ўз она тилингни яхши ўргансанг, дунёни яхшироқ англайсан. Шунинг учун она тилини мукаммал билишнинг энг яхши йўлларидан бири — яхши китобларни мунтазам ўқиш», — деган гаплари ҳанузгача қулоғимда жаранглайди.

Ўша вақтларда бу сўзларни оддий маслаҳатдек қабул қилган бўлсам, йиллар ўтиб, унинг қанчалар катта ҳаётий ҳақиқат эканини англадим. Чунки тил — инсоннинг фикрлаш тарзи, дунёқараши, миллий хотираси ва маънавий олами билан чамбарчас боғлиқ. Она тилини чуқур билган инсон нафақат ўз фикрини равон ифода этади, балки ўз халқининг тарихи, адабиёти ва маънавиятини ҳам яхшироқ англайди.

Бекмурод амакимнинг ўзи ҳам китобга ниҳоятда меҳр қўйган инсон эди. Уйларида жуда бой кутубхонаси бор эди. Аммо у ерга ҳар ким ҳам кира олмасди. Кутубхонанинг калити доимо амакимнинг ўзида бўларди.

Бир куни мен амакимдан китоб сўрадим. У киши мени кутубхонасига бошлаб кирдилар. Эшик очилиб, ичкарига кирганимда кўзларимга ишонмай қолдим. Рафларда китоблар қатор-қатор терилган, ҳар бир бурчакда, стол, стуллар устида журналлар, газеталар ва қоғозлар турарди. Мен бунча кўп китобни бир жойда биринчи марта кўришим эди.

Ҳайрат билан:

— **Амаки, шу китобларнинг ҳаммасини ўқиганмисиз?** — деб сўрадим.

У киши кулиб:

— **«Ҳа. Агар олим бўлмоқчи бўлсанг, фақат китоб ўқишинг керак»,** — дедилар.

Бу гап ҳам менинг ёдимда бир умрга муҳрланиб қолди.

Самарқанд давлат университети математика факультетига ўқишга кирганимдан кейин ҳам амаким менинг таълимим билан қизиқишда давом этдилар. Балки тушдан кейин бекор юрмасин, деб ўйладиларми, балки китобга бўлган ҳавасимни пайқадиларми — ҳар қалай, бир куни қўлимдан етаклаб университет кутубхонасига олиб бордилар ва мени у ерга ишга жойлаштирдилар.

Ўша кун менинг ҳаётимдаги муҳим бурилишлардан бири бўлган экан. Университет кутубхонасида ишлаш менга китоблар оламига янада яқинлашиш, илм аҳли билан мулоқот қилиш, изланиш ва ўз устимда ишлаш имконини берди. Бугун ўйлаб қарасам, амакимнинг мени кутубхонага етаклаб боргани оддий бир иш эмас, балки келажакдаги ҳаётимга берилган катта йўлланма экан.

Амаким ҳақида қанча гапирсам ҳам оз. Мени университетга ҳам худди ўз қизидек етаклаб борган, илмга меҳр уйғотган, китобга ошно қилган, ўзимга ишонишимга сабаб бўлган инсоннинг ҳаётимдаги ўрни беқиёс.

Бугун мен Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 21-умумтаълим мактаби раҳбари сифатида фаолият юритяпман. Таълим соҳасида ишлашимда, ёшлар билан мулоқот қилишимда, уларга илм ва китобнинг аҳамиятини тушунтиришга интилишимда амакимнинг таъсири борлигини доимо ҳис қиламан.

У киши менга нафақат китоб ўқишни, балки одамни қадрлашни, қариндош-уруғ билан алоқани узмасликни, яхшилик қилишни ҳам ўргатдилар.

Бекмурод амакимда **силаи раҳм, одамийлик ва эл-юртга меҳр жуда кучли эди**. Пахтачига ота-онасини кўргани келганларида, албатта, барча ака-укалари, сингилларидан хабар олардилар. Қариндош-уруғнинг тўйи бўладими, азаси бўладими — амаким бундай йиғинлардан деярли қолмасдилар.

Оғайинлари ҳам амакимни тўйларга биринчи бўлиб таклиф қилишга ҳаракат қилардилар. Чунки у киши даврага файз киритадиган инсон эди. Сўзга чиқсалар, жуда чиройли ва мазмунли гаплар айтардилар. Баъзан ўзи ёзган шеърларини ўқир, баъзан ёд билган ғазалларидан айтиб, даврани янада қиздириб юборардилар.

Биз томонларда эркаклар рақсга кўпам тушавермайди. Аммо амаким бу борада ҳам бошқача эдилар. Чиройли рақсга тушиб, атрофидагиларни ҳам даврага жалб қилардилар. У кишининг ўзига хос ҳазил-мутойибаси, самимияти ва очиққўнгиллиги даврадаги барчага кўтаринки кайфият бағишларди.

Бекмурод амаким мени жияни эмас, **ўз қизидай яхши кўрган инсон** эди. Мен ҳам у кишини доимо амакимгина эмас, ҳаётимдаги биринчи маслаҳатчиларимдан, устозларимдан бири сифатида қадрлайман.

Йиллар ўтгани сари инсон ўтмишга бошқача назар билан қарайди. Болалик ва ёшликда оддийдек туюлган сўзларнинг асл маъносини кейинроқ англай бошлайди. Бугун амакимнинг:

«Она тилини яхши ўргансанг, дунёни яхшироқ англайсан», деган насиҳатлари ҳаётимда ўз тасдиғини топганини янада чуқур ҳис қиламан.

Инсонга қоладиган энг катта мерос бойлик ёки мол-дунё эмас, балки унинг яхши сўзи, берган тарбияси, кўрсатган йўли ва эзгу амалларидир. Бекмурод амаким ҳам бизга ана шундай бебаҳо маънавий мерос қолдирдилар.

Мен амаким билан ҳамиша фахрланаман. У кишининг меҳри, насиҳатлари, китобга бўлган муҳаббати ва менинг ҳаётимда тутган ўрни ҳеч қачон унутилмайди.

Жойлари жаннатда, руҳлари шод бўлсин. Амакимнинг нурли хотиралари қалбимизда абадий яшайди.

Юлдошева Саодат
Зиёвуддин қўрғони 21-умумтаълим
мактаби раҳбари, жияни.
Бекмурод амаким хотирасига

ILMGA AYLANGAN UMR

Ba’zan inson hayotidagi eng aziz odam haqida so‘z yozish naqadar mushkul ekanini anglaydi. Qancha chiroyli so‘zlarni bilmaylik, qalbdagi sog‘inchni, mehrni, faxrni va armonni so‘z bilan to‘liq ifodalab bo‘lmas ekan. Men uchun shunday inson — otam, filologiya fanlari doktori, professor Bekmurod Yo‘ldoshev.

Otam haqida o‘ylaganimda, avvalo, ko‘z oldimga olim emas, Dadajonim keladilar. Kitoblar orasida o‘tirgan, qo‘llarida qalam, xayollarida minglab fikrlar

bilan yashagan, ammo oilasi davrasida mehribonligi va samimiyligi bilan qalbimizga yaqin bo‘lgan inson. U kishining butun hayoti ilm bilan chambarchas bog‘liq edi. Ammo ilm u kishi uchun martaba yoki unvon emasdi. Ilm — hayot tarzi, e’tiqod va mas’uliyat edi. Dadajonim oddiy bir hunarmand oilasida dunyoga kelib, mehnat va izlanish orqali katta ilm olamiga kirib bordilar. Ziyovuddin qo‘rg‘onidagi oddiy bolalikdan Samarqand davlat universitetining talabasi, keyinchalik shu dargohning professori, filologiya fanlari doktori darajasigacha bo‘lgan yo‘l — bir qarashda katta masofa. Ammo bu yo‘lning har bir qarichi ortida tinimsiz mehnat, sabr, kitob, izlanish va eng muhimi, ilmga sadoqat mujassam edi.

Maktabni oltin medal bilan tamomlaganlar. Talabalik yillaridayoq ilmiy maqolalari matbuotda chop etilgan. Universitetda o‘sha davrning mashhur olimlaridan saboq olganlar. Keyinchalik esa o‘zlari yuzlab yoshlar uchun ustozga aylandilar. Otamning hayot yo‘liga qarab, men bir haqiqatni anglayman: insonning buyukligi uning qayerdan boshlaganida emas, o‘z oldiga qo‘ygan maqsadiga qanday yetib borganidadir. Dadajonim ana shunday inson edilar.

U kishi o‘zbek tilining boyligi, uning nozik va betakror imkoniyatlarini o‘rganishga butun umrlarini bag‘ishladilar. Badiiy matn uslubiyati, frazeologiya, umumiy tilshunoslik, lingvopoetika kabi sohalarda olib borgan tadqiqotlari o‘zbek tilshunosligi taraqqiyotida munosib o‘rin egalladi. U kishining yuzlab ilmiy ishlari, monografiyalari, darslik va qo‘llanmalari bor. Ammo men uchun u kishining eng katta asari — o‘z hayotlarining o‘zi edi.

Chunki Dadajonim o‘z hayotlari bilan bizga qanday yashashni, mehnat qilishni, ilmni qadrlashni, ustozni e’zozlashni, shogirdga mehr berishni, odamni mansabiga qarab emas, insonligiga qarab qadrlashni ko‘rsatdilar.

U kishining kamtarliklari hamisha meni hayratga solardi. Qancha ilmiy daraja va unvonlarga ega bo‘lmasinlar, o‘zlarini boshqalardan ustun qo‘ymas edilar. Ustozlarini doimo hurmat bilan tilga olardilar. O‘zlaridan keyingi avlodning yutuqlaridan quvonardilar. Menimcha, haqiqiy olimlik ham shunda. Odam o‘zidan keyin nafaqat kitob, balki insonlar qoldirishi kerak. Dadajonim shunday insonlarni, ya’ni, shogirdlarini qoldirdilar. Ularning ko‘pchiligi bugun o‘z ilmiy yo‘llarida davom etmoqda. Demak, otamning umri bir insonning umri bilan chegaralanib qolmadi. U kishining fikrlari, bilimlari va saboqlari boshqa insonlarning hayotida davom etmoqda.

Yaqin insonlarni qadrlash, ular bilan o‘tgan oddiy lahzalarning qadriga yetish, aytilmay qolgan so‘zlarni vaqtida aytish — hayotning eng muhim haqiqatlaridan biridir. Chunki ba’zan biz oddiy deb o‘ylagan bir kun, bir suhbat yoki birgina mehrli so‘z keyinchalik butun umr sog‘inib eslanadigan xotiraga aylanadi.

Inson bu dunyodan ketadi, ammo uning yaxshi nomi, ezgu ishlari va qalblarda qoldirgan izi yashashda davom etadi. Balki umrning eng katta mazmuni ham

shundadir — ortingdan seni yaxshi so‘zlar bilan eslaydigan, duolar bilan yodga oladigan insonlarni qoldirish. Yaxshi insonlar xotiradan hech qachon o‘chmaydi. Ular biz bilan birga yashaydi — xotiralarimizda, qalbimizda, so‘zlarimizda va qilayotgan ezgu ishlarimizda.

Uyimizdagi oddiy kunlar...

Suhbatlar...

Nasihatlar...

Kitoblar...

U kishining ovozlari...

Ba’zan oddiygina bir qarashlari...

Bugun o‘ylab qarasam, inson hayotidagi eng qadrli xotiralar ko‘pincha ana shunday oddiy lahzalarda yashar ekan. O‘sha paytda oddiy tuyulgan suhbatlar, birga ichilgan choy, aytilgan nasihatlar, mehr bilan qaralgan nigohlar vaqt o‘tishi bilan bebaho xotiralarga aylanadi.

Shuning uchun ham yaqin insonlarning borligi — hayotning eng katta ne’matlaridan biri. Ularning mehrini his qilish, suhbatlariga quloq tutish, duosini olish va birga o‘tgan har bir lahzani qadrlash kerak. Chunki vaqt o‘tadi, insonlar hayotimizdan ketadi, ammo ular bilan bog‘liq xotiralar qalbimizda qoladi.

Insonning umri uning bu dunyoda qancha yashagani bilangina emas, ortidan nimalar qoldirgani bilan ham o‘lchanadi. Yaxshi so‘z, ezgu amal, ilm, tarbiya, shogirdlar, farzandlar va eng muhimi, insonlar qalbida qoldirilgan yaxshi nom — umrning davomidir.

Bugun otamni eslar ekanman, u kishining hayoti menga yana bir haqiqatni anglatadi: inson bu dunyodan ketishi mumkin, ammo uning qilgan yaxshiliklari, bergan saboqlari va qalblarda qoldirgan izi yashashda davom etadi. Dadajonimning hayoti ham shunday davom etmoqda — kitoblarda, ilmda, shogirdlarida, farzandlarida, u kishini tanigan va qadrlagan insonlarning xotiralarida.

Ehtimol, inson uchun bundan ortiq meros ham kerak emasdir. Chunki umrning eng katta qadriyati — yaxshi yashash, yaxshilik qilish va o‘zingdan keyin seni mehr, hurmat va duo bilan eslaydigan insonlarni qoldirishdir.

Yotgan joylaringiz jannatda bo‘lsin, Dadajon. Alloh rahmatiga olgan bo‘lsin. Ruhingiz shod, oxiratingiz obod bo‘lsin.

Sizni sog‘ingan qizingiz, Dilnoza.

ОИЛАМИЗ ТАЯНЧИ БЎЛГАН ТОҒАМ

Биз оилада тўрт қиз эдик. Болалигимдан қалбимда бир орзу яшарди: акам бўлса эди, деб кўп ўйлардим. Бу орзуимнинг шаклланишига эса аямнинг акалари, айниқса, Бекмурод акасининг сингилларига бўлган меҳр-эътибори сабаб бўлган. У кишининг сингилларига муносабати, уларни асраб-авайлаши, ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлаши менда акага нисбатан ўзига хос ҳавас уйғотган.

Мен учун Бекмурод тоғам ана шундай орзу қилинган акадек инсон эдилар.

Эсимни танибманки, то вафот этганларига қадар тоғам ҳар йили аямнинг туғилган кунида албатта келардилар. Оиламизда бирор маросим бўлса, бир кун олдин ёки жуда барвақт етиб келиб, ташвишларимизга шерик бўлардилар. Бу оддий қариндошлик ташрифи эмас, балки ўзини оиласига дахлдор деб билган инсоннинг меҳр ва масъулияти эди.

Айниқса, адам вафот этганларидан кейин тоғам бизнинг уйимизга тез-тез келиб турадиган бўлдилар. Ўша пайтларда шляпа кийиб юрар, бу либос у кишига жуда ярашарди. Қирқ ёшлардан ошган, кўркам, салобатли ва маданиятли инсон эдилар.

Қўшниларимиз тоғамни деярли танимас эдилар. Бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор эди. Аямнинг институтдаги ишларидан ташқари яна бир неча жойда меҳнат қилишлари, уй-рўзғор ва фарзандлар тарбияси билан бандлиги сабабли қўшнилар билан кўчада ўтириб, суҳбатлашишга деярли вақтлари бўлмасди.

Шу орада опамнинг тўйи бўлди. Тўй муносабати билан қўшниларимиз уйимизга келишди, суҳбат асносида тоғам ҳақида гап кетди. Шунда қўшниларимиздан бири:

— Вой, Муҳаббат, бизни кечиринг. Акангизни танимай юрган эканмиз. Сиз ҳақингизда бошқача хаёлларга борибмиз, — деган эди.

Бу гап ҳали ҳам ёдимда. Кейин аямнинг айтишларича, ўша қўшнимиз умрининг охиригача ҳар кўришганда «кечиринг» деб юрган экан. Бу воқеа тоғамнинг оиламизга қанчалик яқин ва ғамхўр инсон бўлганини яққол кўрсатади.

Тоғам аямни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймас эдилар. Илмий иши билан боғлиқ масалалар туфайли Тошкентга боришлари керак бўлса, аям аввал Самарқандга тушиб, акаси билан бирга боришарди. Илмий ишни тайёрлаш жараёнида ҳатто ёзув машинкасини ҳам бирга сотиб олишганди.

Мени эса атайлаб стенография курсида ўқитишди. Аямнинг диссертацияси устида ишлаш жараёнида жуда кўп марталаб матн терганман. Шунчалик кўп печат қилган эканманки, қўлларим қавариб кетган пайтлар ҳам

бўлган. Тоғам бу меҳнатимни яхши билар эдилар. Чунки ўзлари ҳам машинкада ишларни печат қилар, мен терган матнларни диққат билан кўриб чиқар эдилар.

Шундан сўнг аям ишларни устозларига кўрсатиш учун Тошкентга олиб борардилар. Бугун орқага назар ташласам, ўша даврдаги бу жараён оддий оилавий ёрдамдан анча катта маъно касб этганини англайман. Бу — илмга ҳурмат, яқин инсоннинг илмий изланишига елкадош бўлиш ва натижа учун масъулиятни бирга ҳис қилиш маданияти эди.

Тоғам менга ҳам кўп соҳаларда устозлик қилдилар. Аввало, ўзбек тилини пухта билишимда у кишининг таъсири катта бўлди. У кишининг тилга муносабати, сўзнинг маъноси ва қўлланишига эътибори мен учун катта мактаб вазифасини ўтади.

Бугун кадрлар соҳасида ишлаётганим учун тоғам берган билим ва кўникмаларнинг аҳамиятини ҳис қиламан. Инсонлар билан мулоқот қилиш, фикрни аниқ ифодалаш, ҳужжатлар билан ишлаш, уларни ўзбек тилида тўғри ёзиш, сўзнинг масъулиятини ҳис этиш каби жиҳатларда у кишидан олган сабоқларим асқотиб келмоқда.

Тоғамнинг менга ўргатган яна бир эсда қоларли «технологияси» бор эди. У киши чой дамлашнинг ҳам ўзига хос усулини ўргатганлар. «Аққол чой», деб атайдиган бу чойни ҳозиргача эслайман. Оддий бир маиший кўникма ҳам у киши билан боғлиқ хотира сифатида мен учун қадрли.

Аямнинг илмий ишларига ёрдам бериш мақсадида тоғам Навоийга келганларида олти ой давомида бизнинг уйимизда яшадилар. Кейин бизга яқин жойдан бир хонали уй олиб, алоҳида яшай бошладилар.

Ўша даврда мен ўнинчи синфда ўқирдим. Уйдаги деярли барча ишлар менинг зиммамда эди. Аммо тоғам менинг меҳнатимни ҳеч қачон ўзларига хизмат қилиш мажбурияти деб билмас эдилар. Масалан, кийимларини ювишга бирор марта ҳам рухсат бермасдилар. Ё ўзлари ювар, ёки Самарқандга олиб кетардилар.

Янгам Навоийга келмади, тоғам бир ўзлари яшардилар. Шундай бўлсада, уйлари доимо ниҳоятда тоза ва озода бўларди. Бу ҳолат менга у кишининг нафақат илмли, балки ўзини ўзи бошқара оладиган, озодалик ва тартибни қадрлайдиган юксак маданиятли инсон эканини кўрсатди.

Бир хонали уйларида биз қизларга репетиторлик ҳам қилардилар. Уйда кийим-кечак ёки маиший буюмлардан кўра китоблар кўпроқ эди. Дарс ўтиш услублари ҳам жуда ўзига хос бўлиб, тушунтирганлари гўё миямизга муҳрланиб қолгандек эди. У киши учун таълим бериш шунчаки маълумот узатиш эмас, балки инсон тафаккурига таъсир кўрсатиш санъати эди.

Аям диссертациясини ҳимоя қилган кунларда тоғамдан ортиқ хурсанд бўлган инсон кам эди. У киши аям билан бирга Тошкентга бориб, ҳимоя жараёнида бош-қош бўлдилар. Ҳимоя муваффақиятли ўтгач, Самарқандга қайтиб кетдилар.

Кейин мен турмушга чиқиб, Учқудуқда яшай бошладим. Аммо масофа тоғамнинг меҳрини узоқлаштира олмади. Учқудуқнинг узоқлигига қарамай, муҳим кунларимизда у киши ҳамиша биз билан бирга бўлишга ҳаракат қилардилар.

Қизим туғилганидаги тадбирга ҳам, синглим Нафисахоннинг бахт тўйига ҳам тоғам махсус машина ташкил қилиб, барча қариндошларни олиб борган эдилар. Бу воқеаларни эслар эканман, инсоннинг меҳри масофа билан эмас, қалбдаги яқинлик билан ўлчанишини яна бир бор англайман.

Тоғамнинг вафотлари бизни жуда қаттиқ қайғуга солди. Айниқса, аям учун бу яна бир оғир жудолик эди. Дафн маросимида аямнинг айтган сўзларини эшитиб, юрагим эзилиб кетган. Дод деб юборай, деганман.

Чунки ўша вақтда тоғамнинг 70 йиллик юбилейига тайёргарлик бошланган эди. Аям у киши ҳақида хотиралар тўпламини тайёрлашни режалаштириб, материаллар йиғишга киришган эдилар. Аммо тақдир ўз ҳукмини билдирди. Биз кутган юбилей эмас, аввало, унинг хотирасига бағишланган кунларга етиб келдик.

Вақт ўтиши билан инсоннинг ўзи эмас, унинг қилган яхшиликлари, берган сабоқлари, қалбларда қолдирган меҳри янада қадрли бўлиб борар экан.

Бугун тоғам ҳақида ўйлар эканман, тақдир менга акадек меҳрибон, устоздек билимдон, тоғадек ғамхўр инсонни берди.

Бекмурод тоғам мен учун шунчаки онамнинг акаси эмас эдилар. У киши ҳаётимдаги муҳим сабоқларни берган инсон, илмга қизиқишимни кучайтирган устоз, оиламизга таянч ва меҳр тимсоли бўлиб қолдилар.

Инсоннинг умри унинг ёши билан эмас, бошқалар ҳаётига берган маънавий таъсири билан ўлчанади. Тоғамнинг умри ҳам ана шу маънода давом этмоқда: улар ўргатган билимларда, айтган насиҳатларида, фарзандлари ва шогирдлари хотирасида, энг муҳими, биз — яқинларининг қалбида.

Тоғамнинг жойлари жаннатда бўлсин. У кишининг порлоқ хотиралари ва бизга қолдирган маънавий мероси абадий яшасин.

Мадина Нарбаева
Учқудуқ шаҳри, НКМК ШКБ
Гуруҳ раҳбари, жияни

СИЗ ДОИМО ХОТИРАМДАСИЗ, ТОҒАЖОН

Ўзбек тилшунослиги ривожига салмоқли ҳисса қўшган етук олим, филология фанлари доктори, профессор Бекмурод Йўлдошев менинг аямнинг акаси, менинг эса тоғам бўладилар. У киши билан боғлиқ хотираларим жуда кўп. Аммо бу хотираларнинг барчасини бирлаштириб турадиган асосий жиҳат — тоғамнинг илмга бўлган юксак эҳтироми ва атрофидагиларни ҳам илм олишга, изланишга, ўз устида ишлашга даъват этиб яшаганларидир.

Тоғамни эсласам, аввало, илм аҳлига хос камтарлик, кучли хотира, кенг дунёқараш, одамларга меҳрибонлик ва самимийлик кўз олдимга келади. У киши илмий унвон ва мартабасидан қатъи назар, илмни инсон ҳаётини юксалтирувчи муҳим қадрият сифатида тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам таниш-билишларига, айниқса, ёшларга доимо билим олиш, китоб ўқиш, илмий изланиш билан шуғулланиш кераклигини уқтирар эдилар.

Мен 7-синфда ўқиётган пайтимда тоғам бизнинг уйимизда яшай бошладилар. Кейинчалик билсам, у киши аямнинг илмий ишига ёрдамлашиш мақсадида атайин Навоийга ишга келган эканлар.

Тоғамнинг уйимизда яшаган даври менинг хотирамда алоҳида ўрин тутади. У киши жуда меҳрибон, самимий ва болалар билан тез тил топишадиган инсон эдилар. Бизга ўз қизларидай муносабатда бўлар, ҳар бир саволимизга эринмасдан, аниқ ва тушунарли жавоб берардилар.

Мен тоғамнинг ҳар бир сўзини жон қулоғим билан тинглардим. Чунки оддий суҳбатнинг ўзида ҳам биз билмаган маълумотлар, қизиқарли фикрлар, китоблар ва илм-фанга оид тушунчаларни айтар эдилар.

Дарсларимизга ҳам ёрдамлашардилар. Аниқ фанларданми, гуманитар фанларданми — саволимиз бўлса, сабр билан тушунтирардилар. Мадина опамга ўзбек тилидан репетиторлик ҳам қилганлар.

Ўша пайтларда биз учун бу ҳолат оддий ва табиийдек туюларди. Кейинчалик эса англадимки, тоғамнинг бундай муносабати уларнинг педагогик маданияти ва инсонга билим беришни ҳаётининг ажралмас қисми деб билганидан далолат экан. Аям тоғам билан боғлиқ бир воқеани менга кўп бор сўзлаб берганлар. 1985 йилда аям Бекмурод акаси — тоғамнинг қистови билан Самарқанд давлат университетининг КПСС тарихи кафедрасида В.И.Ленин асарларининг тарғиботи ҳақида илмий иш қилиш мавзусини тасдиқлатиб, тадқиқотни бошлаган эканлар.

1986 йилда декрет таътилига чиққанларидан сўнг илмий ишни икки ой ичида тезроқ тугатиш мақсадида ҳар ҳафта Навоийдан Самарқандга автобусда эрталаб кетиб, илмий ишларини қилиб кечқурун қайтар эканлар. Илмий ишни ниҳоясига етказиш учун бор имкониятларини сафарбар қилганлар.

Бироқ ўша йил апрель ойида мен — аямнинг учинчи қизи дунёга келганман.

Орадан бир ой ўтиб, аям мени отам билан бирга кўрикка олиб борганларида, шифокор елкамда гемангиома борлигини ва унинг пайдо бўлиши узоқ вақт ўтириш билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини айтган.

Шунда отам аямга:

— Болани даволатиш керак. Энди бўлди, илмий ишни йиғиштиринг, — деган эканлар.

Аям тоғамга телефон қилган экан, у киши вазиятни эшитиб:

— Чақалоғингни олиб, тезда Самарқандга кел, — деганлар.

Биз отам билан машинасида Самарқандга борганмиз. Тоғам махсус клиникада менинг елкамдаги гемангиомани операция қилдириб, даволатиш ишларини ташкил қилганлар.

Биз бир ҳафта касалхонада ётганмиз. Шу вақт давомида тоғам ҳар куни бизни кўргани келганлар. Аямга таскин бериб:

— Хафа бўлма. Сен олима бўлмасанг, мана шу қизинг олима бўлади. Эрингнинг айтганини қил, — деган эканлар.

Бу воқеа мен учун тоғамнинг шахсиятини англашда жуда муҳим.

У киши илмни ниҳоятда қадрлаганлар. Аммо илм йўлида оила, фарзанд саломатлиги ва инсон тақдири каби муқаддас қадриятларни ҳеч қачон иккинчи ўринга қўймаганлар.

У кишининг қарашларида илм ва оила бир-бирига зид тушунчалар эмас эди. Аксинча, инсон аввало ўз оиласи олдидаги масъулиятини адо этиши, фарзандини асраши, кейин илмий фаолиятини давом эттириши керак эди.

Тақдир тақозоси билан аям кейинчалик олима бўлдилар. Бу йўлда тоғамнинг хизмати катта эканини оиламиздагилар яхши билади.

Тоғамнинг яна бир ўзига хос хусусияти — у киши илмни фақат ўзлари билан чеклаб қўймасдилар.

Таниш-билишлари, яқинлари, ёшлар билан суҳбатлашганларида доимо илм олиш, китоб ўқиш, илмий иш қилиш зарурлигини таъкидлар эдилар.

У киши учун илм — муайян лавозим ёки илмий унвонга эришиш воситаси эмас, балки инсоннинг маънавий ва интеллектуал камолотига хизмат қиладиган жараён эди.

Шу маънода, тоғамнинг педагогик фаолиятини фақат аудитория ва дарс жараёни билан чеклаш тўғри бўлмайди. У кишининг яқинлари ва шогирдлари билан мулоқоти ҳам ўзига хос маърифий мактаб вазифасини бажарган.

Менинг шахсий ҳаётимда ҳам бу таъсир жуда катта бўлди.

Талабалик йилларимда илмий мақола ёзиш керак бўлса ҳам, илмий иш тайёрлашда қийналсам ҳам, диплом иши билан боғлиқ муаммога дуч келсам ҳам, тоғамга мурожаат қилардим.

У киши ҳеч қачон мени қайтармасдилар.

Аксинча, муаммонинг ечимини тайёр ҳолда бериб қўйишдан кўра, уни қаердан излаш, қайси манбадан фойдаланиш, қайси китобни ўқиш ва маълумотни қандай таҳлил қилиш кераклигини кўрсатар эдилар.

Бу жиҳат у кишининг ҳақиқий илмий раҳбарлик маданиятини намоён этарди. Шу ўринда бир воқеа ҳамон ёдимда.

Мен Тошкентда чет тиллар университетида “.....” мавзусидаги диплом ишимни ёзаётган пайтимда тўртта тилда(ўзбек, инглиз, ...)род категорияси ҳақида тадқиқот олиб бораётган эдим. Ўша даврда интернет мавжуд бўлса-да, бугунгидек кенг ва осон фойдаланиладиган ахборот базалари йўқ эди. Айниқса, ўзбек тилидаги илмий манбаларни топиш анча қийин эди.

Керакли маълумотни тополмай, Самарқандга тоғамга телефон қилдим.

— Тоға, шу мавзуни ёзяпман, лекин ўзбек тилида керакли маълумотларни тополмаяпман, — дедим.

Тоғам эса ҳеч иккиланмасдан:

— Миллий кутубхонага борасан. Илмий ишлар бўлими бор. Фалончининг илмий ишини оласан. Унинг фалон бобидаги, фалон параграфидаги маълумот айнан сенинг мавзуйингга тўғри келади, — дедилар.

Мен айтганларини бажардим. Кутубхонага бордим, илмий ишни изладим ва тоғам кўрсатган манбани топдим.

Ўшанда тоғамнинг илмий хотирасига яна бир бор қойил қолганман.

У киши ўқиган китоблари, танишган илмий тадқиқотлари, керакли маълумотлар жойлашган манбаларни жуда яхши эслаб қолардилар. Бу, бир томондан, кучли хотира бўлса, иккинчи томондан, илм билан мунтазам ва тизимли шуғулланганликнинг натижаси эди.

Баъзан ўзбек тилидаги бирор сўзни тушунмай қолардим. Яна телефон қилардим:

— Тоға, мана шу сўзни тополмаяпман, нима қилай?

У киши эса:

— Илмий луғатни оласан, мана шу бетига қарайсан, — деб йўл кўрсатар эдилар.

Бугун ўша маслаҳатларни эслар эканман, уларнинг ҳар бири илмий изланиш маданиятининг бир кичик, аммо муҳим сабоғи бўлганини англайман.

Тоғам менга бир неча бор бирга илмий мақолалар ёзишни, илмий иш олиб боришни таклиф қилганлар.

У киши мендаги қизиқишни сезганлар ва:

— Бирга ёзамиз, — деганлар.

Ўша пайтларда мен бу таклифларнинг қанчалик катта имконият эканини тўлиқ англамаган эканман.

Бугун эса ўйлаб қарасам, инсон баъзи имкониятларнинг қадрига улар қўлдан кетганидан кейин етар экан.

Ўша вақтда мен тоғамни ҳали кўп йиллар кўраман, яна суҳбатлашаман, яна маслаҳат сўрайман, яна:

— Тоға, мана шу масалада нима қилай? — деб телефон қиламан, деб ўйлаган эканман.

Тоғам бутун умр тоғам бўлиб яшайди, деб ўйлаган эканман...

Аммо ҳаётнинг ўз қонуни бор.

Энди телефон қилиб маслаҳат сўрай олмайман. Бироқ илм йўлида кўрсатган йўллари ҳамон мен билан.

У кишининг маслаҳатлари, китобга бўлган муносабати, манба билан ишлаш маданияти, илмий изланишга ундаши — менинг хотирамда сақланиб қолган маънавий меросдир.

Ҳақиқий устоз шогирдига тайёр жавобни берибгина қолмайди. Уни мустақил излашга, савол беришга, манба билан ишлашга, фикр юритишга ўргатади. Тоғам ҳам айнан шундай йўл тутардилар.

Бугун мен бу ёндашувни илм ўргатишнинг муҳим педагогик тамойили сифатида баҳолайман.

Бекмурод Йўлдошевнинг ўзбек тилшунослигига қўшган илмий ҳиссаси, шогирдлари ва илмий мероси ҳақида мутахассислар ҳали кўп ёзадилар. Мен эса у кишининг бошқалар кўп кўра олмайдиган — оила бағридаги устозлик, яқинларини илмга чорлаш, фарзандлар ва жиянларнинг таълимига эътибор бериш, илм билан бирга инсон қадрини улуғлаш каби фазилатларини хотираларим орқали ёритишни истадим.

Чунки менинг ҳаётимда тоғамнинг таъсири жуда катта.

У киши мен учун олим, профессор ва тилшунос сифатидагина эмас, илмга етаклаган, изланишга ундаган, қийналганимда йўл кўрсатган меҳрибон тоғам сифатида ҳамиша қадрли бўлиб қоладилар.

Аллоҳ тоғам Йўлдошев Бекмуроднинг жойларини жаннатдан қилсин. Қабрларини нурга тўлдирсин. Охиратларини обод айласин.

Биз эса у кишини яхши номлари, яхши амаллари ва қалбимизда қолдирган ёрқин хотиралари билан эслаб яшаймиз.

Сиз доимо хотирамиздасиз, тоғажон.

Нафисахон Давронова
Тошкент шаҳри, 231 мактаб
инглиз тили ўқитувчиси, жияни

BOBOMNI XOTIRLAB

Bobojonimni eslasam, avvalo, ko‘z oldimga mehrga to‘la chehralari, samimiy tabassumlari va nabiralariga bo‘lgan cheksiz mehrlari keladi. U kishi biz uchun nafaqat taniqli tilshunos olim, bilimli va ziyoli inson, balki hayotimizdagi eng mehribon, eng g‘amxo‘r insonlardan biri edilar.

Bolaligimdagi eng yorqin xotiralarimdan biri — har yakshanba kunlari bobomni kutishimiz. Bobom bozorga chiqib, nabiralari uchun turli xil sovg‘a-salomlar olib, erinmay 35-avtobusga minib kelardilar. Vokzaldan kelib, Aziz bozor tomondan o‘tadigan 35-avtobus yaqinlashishi bilan telefon qilib, “Tezroq chiqinglar”, deb aytardilar. Shunda ayam ikkovimiz yugurib ko‘chaga chiqardik. 35-avtobus kelib to‘xtardi, bobom esa avtobusdan tushmasdilar. Biz uchun olib kelgan sovg‘a-salomlarini berib, bizning quvonchimizni ko‘rib, yana 35-avtobusda uylariga qaytib ketardilar. O‘sha qisqa uchrashuvlarning o‘zi biz uchun katta bayram edi. Qo‘llaridagi sovg‘alarni birma-bir ko‘rib, bolalarcha xursand bo‘lardik. Bugun o‘ylab qarasam, o‘sha sovg‘alarning har birida bobomning bizga bo‘lgan mehrlari mujassam ekan.

Bobom bizning o‘qimishli bo‘lishimizni juda istardilar. Shuning uchun bizga turli xil, ayniqsa rasmli kitoblar olib kelardilar. “O‘qinglar, o‘qimishli bo‘linglar”, deb doimo nasihat qilardilar. O‘sha paytlarda bu gaplarning ma’nosini bolalarcha qabul qilgan bo‘lsam, bugun ulg‘ayib, bobomning har bir so‘zida qanday katta orzu va mehr yashiringanini chuqurroq anglayapman. U kishi bizga shunchaki kitob sovg‘a qilmagan ekanlar, balki qalbimizga ilmga muhabbat urug‘ini ekkan ekanlar.

Bugun men ulg‘aydim. Samarqand davlat universiteti akademik litseyini tamomlab, hozir Samarqand davlat chet tillar institutining 3-kurs talabasiman. Eng hayratlanarlisi va men uchun eng katta faxrli jihati shundaki, bugun fakultetimizda menga dars berayotgan professor-o‘qituvchilarning ko‘pchiligi bobomning shogirdlari, hamkasblari yoki do‘stlari ekan. Ularning bobom haqidagi qimmatli fikrlarini, u kishining ilmga bo‘lgan muhabbati, ustoz sifatidagi fazilatlari va insoniy xislatlarini eshitganimda qalbimda o‘zgacha bir faxr tuyg‘usi uyg‘onadi. Ich-ichimdan “Men ana shunday insonning nabirasiman”, deb faxrlanib ketaman.

Bobomning nomi va xotirasi men uchun oilaviy xotiradan ham ko‘ra kattaroq ma’noga ega. Chunki u kishini nafaqat biz — farzandlari va nabiralari, balki shogirdlari, hamkasblari va do‘stlari ham hurmat va mehr bilan eslashadi. Bugun u kishining shogirdlari ilm yo‘lida faoliyat yuritib, o‘zlari ham yosh avlodga ta’lim berayotganini ko‘rish men uchun katta faxr. Bobomning bergan ilmi, tarbiyasi va mehrlari ana shu insonlar orqali davom etayotgandek tuyuladi.

Ba’zan 35-avtobusni ko‘rib qolsam, bolaligimning o‘sha beg‘ubor kunlari yodimga tushadi. Bobomning telefon qilib, “Tezroq chiqinglar”, degan ovozlarini, ayam bilan yugurib chiqishlarimizni, avtobusdan tushmay turib qo‘limizga

sovg‘alarni tutqazishlarini sog‘inaman. Eng ko‘p esa o‘sha mehribon nigohlarini sog‘inaman.


Qaniydi, hozir yonimda bo‘lganlarida... O‘qiyotgan joyimni, ustozlarimni, bugungi hayotimni ko‘rsatib, u kishining nasihatlarini unutmayotganimni ayta olsam edi. Balki meni ko‘rib, “Barakalla, qizim, o‘qishda davom et”, deb duo qilgan bo‘lardilar.

Bobojon, sizning “O‘qimishli bo‘linglar” degan so‘zlaringiz hamon qulog‘imda jaranglaydi. Siz bergan kitoblar, bolaligimdagi o‘sha sovg‘alar va mehrga to‘la yakshanbalar qalbimda bir umr saqlanadi. Men bugun sizning nabirangiz ekanimdan faxrlanaman. Sizning nomingizni eshitgan har bir insonning yuzida hurmat va iliqlikni ko‘rish men uchun katta baxt.

Siz men uchun nafaqat mehribon bobom, balki ilmga muhabbat, kitobga hurmat va yaxshi inson bo‘lishning yorqin namunasiz. Sizning xotirangiz qalbimda hamisha yashaydi.

Ruhingiz shod, joyingiz jannatda bo‘lsin, aziz Bobojonim. Sizni sog‘inib, doimo faxr bilan eslaydigan nabirangiz — Sevinch.

BEKMUROD YO'LDOSHEV KUTUBXONASI VA KITOBLARDAGI DASTXATLAR



АВТОРЕФЕРАТЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Яхши ниятлар билан Б.Юлдашевга. Муаллиф. Имзо. Обида.

(Абдуллаева А. Эмоционально-экспрессивная лексика в современной узбекской прозе (по роману Абдуллы Каххара «Огни Кошчинара»). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Самарканд, 1968 – 44 с.).

***

Талантливому языковеду Б.Юлдашеву. Т.Нафасов. 22.01.85.

(Нафасов Т.Топонимы Кашкадарьинской области. – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1968 – 25 с.).

***

Бўлғуси талантли адабиётшунос қадрли укам Бекмуродга. Автор. Имзо.

(Саламова. С.Некоторые вопросы передачи стиля М.Шолохова в переводе на узбекский язык. – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Самарканд,1969 – 25 с.).

***

Дўстим Бекмуродга автордан эсдалик. Имзо.

(Ташалиев И. Вставочные конструкции в современном узбекском литературном языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Ташкент,1972 – 24 с.).

***

Бекмуродбой! Планлаштирган ишингизнинг юз фоиз амалга ошиши учун. Автор. Имзо. 27.11.73.

(Туйчибаев Б. Синонимика именных словосочетаний в современном узбекском литературном языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Ташкент,1973 – 27 с.).

***

Қадрдон дўстим домла Йўлдошевга фанда муваффақиятлар тилаб, ҳурмат ила муаллиф. Имзо. 22.12.75.

(Мирзаев И. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Ленинград,1975 – 22 с.).

***

Ўртоқ Юлдашевга чин дўстлик учун. Муаллиф. Имзо. 30.06.75.

(Игамбердиев Р. Художественно-стилистическая роль фразеологизмов в «Бадаи-ал-вакаи» Зайниддина Восифи.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Душанбе,1975 – 27 с.).

***

Дўстим Бекмуродга, яхши ниятлар билан. Имзо. 16.05.76.

(Маматов М.Предикативный атрибут в немецком и узбекском языках.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ленинград,1976 – 23 с.).

***

Қадрли укамиз Бекмурод Йўлдошевга самимий истаклар билан, Х.Данияров.

(Данияров Х. Восточно-кыпчакские (джекающие) говоры и их участие в развитии узбекского литературного языка.– Автореф. дисс.. доктора филол. наук. –Ташкент,1977 – 52 с.).

***

Дорогому Бекмурату Юлдашеву с искренним уважением и на добрую память. 19.11.78.

(Кадыров В. Фразеология в русско-узбекских словарях.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1978 – 22 с.).

***

Бекмурод дўстимга эсталик учун. Имзо

(Усманов К. Проблемы языковой преемственности среднеазиатских тюркоязычных памятников XI – XIV вв. и современных тюркских языков Средней Азии.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1979 – 22 с.).

***

Дўстимиз ва ҳамкасбимиз Б.Йўлдошевга самимият ва ҳурмат рамзи сифатида. Имзо.11.01.1980.

(Файзуллаев Б. Диалектизмы в языке художественных произведений.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1979 – 25 с.).

***

Қадрдоним Бекмурод Йўлдошевнинг машҳур олим бўлиб кетишини тилайман. Автор. Имзо.

(Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1979 – 23 с.).

***

Дўстим Бекмурод Йўлдошевга самимий ҳурмат билан, Зариф. Имзо.

(Уринбаев З. Семантические и грамматические особенности слов-повторов в современном узбекском языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1980 – 24 с.).

***

Касбдошим ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга энг яхши истаклар билан. Имзо.

(Ахтамова Х. Послеложное аналитические формы в современном узбекском литературном языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Ташкент,1981 – 25 с.).

***

Фан оламида заҳматкаш олим, дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга. Автор.

(Халбеков М. Эволюция принципов художественного перевода французской литературы на узбекский язык.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1981– 22 с.).

***

Ҳурматли ва азиз дўстим Бекмуроджонга энг эзгу орзуларининг амалга ошишида тилакдошман. Автор. Имзо. 12.12.81. Ленинград шаҳри.

(Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ленинград,1981 – 20 с.).

***

Истеъдодли олим Бекмурод Йўлдошевга қимматли маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдириб. Имзо.

(Каримов С. Язык и стиль произведений Зульфии.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1982– 18 с.).

***

Қадрдон Бекмурод акамизга ҳурмат ва эҳтиром билан Нишонбой.
5 апрель.1982 йил.

(Хусанов Н. Лексикографическая характеристика словаря Шейха Сулеймана Бухари “Лугати чагатайи ва турки усмани”. – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1982 – 20 с.).

***

Бекмурод ака! Илмий ишларингизга муваффақиятлар тилаб ҳурмат ва эҳтиром билан укангиз Шавкат.

(Махматмурадов Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1982– 25 с.).

***

Истиқболи порлоқ талантли олим, касбдош дўстимиз ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга. Имзо. 14.12.83.

(Арзибеков Р. Поэтика и пути развития лирических жанров узбекской классичекой поэзии.– Автореф. дисс.. доктора филол. наук. –Ташкент,1983– 32 с.).

***

Ҳурматли домла Бекмурат акага миннатдорчилик рамзи сифатида. Автор. Имзо.

(Мадаминов А. Сложные словосочетания педикативной модели в современном узбекском языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Ташкент,1983– 23 с.).

***

Ҳурматли дўстимиз ва касбдошимиз Бекмурод Йўлдошевга! Соғлик-саломатлик, илм йўлида янги парвозлар тилаб, ҳурмат ва эҳтиром билан Бекпулат. 3.03.83. Имзо.

(Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1983– 20 с.).

***

Глубокоуважаемому Бекмураду Юлдашевичу от автора.

(Байрамова Л. Фразеология в произведениях В.И.Ленина и принципы ее перевода на татарский язык.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Москва,1983– 35 с.).

***

Илмий изланишларимиз ташкилотчиси, тарғиботчиси, ажойиб устозим Б.Йўлдошевга шогирдлик эҳтироми билан Илҳом. Самарқанд 15.02.86.

(Хасанов И. Реалистическое и романтическое в поэтике романов Аскада Мухтара.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1985– 18 с.).

***

Етук филолог олим, чин инсон, ҳақиқий дўст Бекмурод Йўлдошевга самимийлик тимсоли сифатида тақдим этаман. Имзо.

(Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1985– 20 с.).

***

Уважаемому Бекмураду Юлдашевичу с наилучшиемыми пожеланиями успехов во всех сферах вашей жизни. Автор. 14.01.86 г.

(Шакиров А. Семантико-типологический анализ нумеративных фразеологических единиц в разносистемных языках.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Москва,1986– 20 с.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Самимий ҳурмат ва каломи эҳтиром билан укангиз Илҳом.

(Расулов И. Наречные фразеологические единицы в русском и узбекском языках.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1987– 25 с.).

***

Касбдош дўстимиз, акамиз Бекмурод Болтаевичга миннатдорчилик ва эзгу ният сифатида. Муаллиф.

(Курбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1987– 22 с.).

***

Дўстим Бекмуродга яхши истаклар билан. Имзо.

(Юлдашев М. Синонимия изъяснительных конструкций в узбекском языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1987– 20 с.).

***

Ҳурматли домламиз, устозимиз Бекмурод Йўлдошевичга улкан соғлиқ ва илмда чўққилар тилаб Абдуғофур. Имзо. 30.09.1988.

(Маматов А. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1988– 20 с.).

***

Ҳурматли домламиз Бекмурод акага энг яхши истаклар тилаб Бердақ. Имзо.

(Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке /XV-XVI вв/.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1988– 25 с.).

***

Ҳурматли устозим Бекмурод акага! Оламдаги бутун яхши ниятларни Сизга истаб шогирдингиз Ашур 19.05.1989.

(Яхшиев А. Фразеология диалога (на материале языка немецкой прозы). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ленинград,1989– 18 с.).

***

Уважаемому коллеге Бекмураду Юлдашеву с добрыми пожеланиями. Автор. 2.10.1990 г.

(Эмирова А. Русская фразеология в коммуникативно-прагматическом освещении.– Автореф. дисс.. доктора филол. наук. –Ташкент,1989– 41 с.).

***

Бекмурату Юлдашеву с наилучшими пожеланиями! Автор. 30.09.1990 г.

(Поварисов С. Роль Г.Ибрагимова в развитии татарского языка.– Автореф. дисс.. доктора филол. наук. –Баку,1990– 25 с.).

***

Ҳурматли акам ва ҳамкасбим Бекмурод акага чуқур ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Маматов А. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке.– Автореф. дисс.. доктора филол. наук. –Ташкент,1991– 52 с.).

***

Бекмурод акамга юксак муваффақиятлар тилаб. Имзо.

(Элтазаров Ж. Усечение в узбекском языке.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Самарканд,1992– 22 с.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага! Имзо.

(Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категорияларини систем тадқиқ этиш (келишик категорияси).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 28 б.).

***

Аллома Бекмурод акамга ҳурмат билан. Имзо. 8.10.93.

(Тожибоев Р. XX аср бошларида ўзбек адабий танқиди тарихидан.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 28 б.).

***

Ҳурматли домла Йўлдошевга муаллифдан.

(Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 20 б.).

***

Қадрли Бекмурод ака Йўлдошевга катта ютуқлар, саломатлик тилаб, Шарифа.02.12.93.Тошкент.

(Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. –Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 26 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Болтаевич! Оллоҳ иккаламизга ҳам мададкор бўлиб, довондан эсон-омон ўтиб олайлик. Эҳтиром билан, С.Каримов.12.01.94.

(Каримов С.Ўзбек тилининг бадиий услуби.–Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 50 б.).

***

Ҳурматли домламиз Бекмурод ака Йўлдошевга ҳурмат билан. Муаллиф.

(Номозов А. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 28 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага! Энг эзгу ниятлар билан муаллифдан. 2.03.94. Имзо.

(Халилов А. “Нусратнома” асари тилининг морфологик қурилиши (Грамматик категориялар). –Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 27 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Чексиз ҳурматимиз рамзи сифатида ушбу автореферати тақдим этаман. Ҳимояда бирга бўлинг, акажон. Қўчқорбой Ҳакимов. 13.04.94.

(Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологзмларнинг зарурий бирикувчанликлари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.).

***

Жонажон тоғажонимга! Соғлик ва самимий тилаклар тилаб Дилбар.

(Ўринбоева Д. Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар (Ёрдамчи сўзлар).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 22 б.).

***

Дўстим Бекмуродга энг яхши ниятлар билан, Турсунали. 15.05.94.

(Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. –Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 42 б.).

***

Ҳурматли дўстим Бекмуродга энг эзгу ниятлар тилаб Йўлдош. Имзо.

(Ибрагимов Ю. Исследования узбекских говоров приаралья.–Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 50 б.).

***

Устозим Б.Йўлдошевга садоқат рамзи сифатида муаллифдан. Имзо.

(Жўраев Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 24 б.).

***

Ҳурматли ва доимо меҳрибон доктор бўлажак профессор акамга! Онамнинг ниятини амалга ошириб, дадамнинг ва турмуш ўртоғимнинг изидан бориб, бошлаган ишимни охиригача етказдим. Бекмурод ака – доимо соғ бўлинг, босган қадамларингиз, сафарга чиқсангиз сафарларингиз бехатар бўлсин, гулгин чеҳрангиз чароғон бўлсин деб – Шарофат Бектош қизи.

(Тухлиева Ш. Системные отношения разговорных формул и стилистико-прагматические особенности их функционирования в текстах диалогической речи. – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1994– 24 с.).

***

Дўстимиз Бекмурод Йўлдошевичга! Муаллифдан.

(Бабаджанов А.Тюркские заимствования в толковых словарях русского языка (на материале толковых словарей русского языка XVIII-XX вв.). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,1994– 18 с.).

***

Дўстимиз, тилшунос олим Б.Йўлдошевга! Ижодий муваффақиятлар ва соғлик тилаб муаллиф. Имзо.

(Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил) .– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.).

***

Истеъдодли тилшунос, ажойиб инсон, дақиқ олим Бекмурод Йўлдошевга соғлик тилаб муаллифдан. Имзо. 22.06.1996.

(Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.).

***

Ҳурматли устозим Бекмурод Йўлдошевга энг эзгу тилаклар билан. Имзо.

(Бабаева Д. Садриддин Айни и французская литература (к проблеме литературных связей Востока и Запада на современном этапе). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Душанбе,1996– 20 с.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Сизга эзгу тилаклар тилаб. Муаллиф. Имзо.

(Умиров И. Ўзбек тили парафразалари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод укамизга эсдалик учун. Имзо.

(Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 28 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Сизга эътиқодим ва эътиборим рамзи сифатида укангиз. Имзо.

(Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 26 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага самимият билан Байрамали. 17. 01. 1997. Имзо.

(Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 22 б.).

***

Азиз ва муҳтарам домла Б. Юлдашев. Сизга узоқ умр,сиҳат саломатлик, машаққатли илм йўлида фақат зафар ёр бўлсин. Д. Каримова.Имзо.

(Каримова Д. Мирзо Содиқ Мунший Жондорий адабий меросининг жанрий таркиби ва бадиияти.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 28 б.).

***

Устоз Б.Юлдашевга! Ҳурмат ва эҳтиром ила муаллиф. Имзо.

(Улуқов Н. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 30 б.).

***

Профессор Б.Юлдашевга чексиз эҳтиром билан Феруза. Имзо.

(Ҳайитова Ф. Никоҳ тўйи қўшиқларининг лисоний талқини.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.).

***

Қалби кенг инсон. Йирик тилшунос ва адабиётшунос олим, муҳтарам Бекмурод домла Йўлдашевга шогирдлик эҳтироми ила Дилшод Ражабов. Имзо.

(Ражабов Д. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.).

***

Ҳурматли устозим Бекмурод акага. Дунёдаги энг самимий тилаклар билан Саодат.

(Муҳаммедова С.Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.).

***

Ҳурматли устоз проф. Б.Йўлдошевга эзгу ниятлар билан Лайло.

(Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WP $_m$– WP$_m$] қурилишли гаплар.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 26 б.).

***

Ҳурматли устозим проф. Б.Йўлдошевга дунёдаги эзгу ниятлар билан. Имзо.

(Турабов А. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Сизга чуқур эҳтиром билан муаллиф. Имзо.

(Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 28 б.).

***

Қадрдон устозим, проф. Б.Йўлдошевга энг эзгу истаклар билан Шарифа.

(Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони) .–Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б.).

***

Уважаемому Бекмурад ага! С огромным уважением и признательностью!

(Жолдасбек А. Компонентный анализ лексико-семантической группы «Одежда» (на материале русского и казахского языков). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Алматы, 2000– 25 с.).

***

Муҳтарам устоз Йўлдошевга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан муаллифдан. Имзо.

(Бобокалонов Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.).

***

Ҳурматли домла Б.Йўлдошевга самимий тилаклар билан. Имзо.

(Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 22 б.).

***

Ҳурматли устозим проф. Б. Йўлдошевга энг яхши ниятлар ила муаллиф. Имзо.

(Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.).

***

Бекмурад акага! Энг яхши тилаклар билан! Имзо.

(Шразов Б. Фонетические особенности служебных слов в каракалпаском языке). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Нукус, 2001– 20 с.).

***

Кўп ҳурматли ва эъзозли устозим, таниқли фразеолог олим проф. Б. Йўлдошевга шогирдлик таъзими билан. Имзо.

(Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2001. – 22 б.).

***

Азиз инсон Бекмурод акага. Имзо.

(Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 24 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод домла Йўлдошев! Сизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила. Имзо.

(Бобоёров М. Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 33 б.).

***

Зукко олим Б.Йўлдошевга чексиз миннатдорчилик рамзи сифатида. Имзо.

(Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 24 б.).

****

Ўзбек тилшунослигининг порлоқ юлдузи, зукко олим, муҳтарам устоз проф. Б. Йўлдошевга самимий эҳтиром билан муаллиф. Имзо.

(Абдуллаева Д. Семантик-синтактик валентлик ва ўзга гапли қурилмалар.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самақанд, 2002. – 22 б.).

***

Ҳурматли домла Б.Йўлдошевга эҳтиром билан. Имзо.

(Баҳриддинова Б. Феъл луғавий шакллари тизими (тур категорияси).– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 23 б.).

***

Эсдалик учун! Ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Палуанов Б. Қорақалпоқ адабиётида эссе жанри (Жанрнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, маҳорат масалалари).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Нукус, 2002. – 27 б.).

***

Зукко олим, профессор Б.Йўлдошевга! Соғлик-саломатлик, юксак илмий парвозлар доимо ёр бўлсин. А.Раҳимов. Имзо.

(Раҳимов А. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 27 б.).

***

Етук тилшунос олим – Бекмурод Йўлдошевга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила муаллиф. Имзо.

(Зарипов Б. Зоонимларнинг бадиий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоийнинг асарлари асосида).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 24 б.).

***

Отадек меҳрибон устозимиз, проф. Б.Йўлдошев домлага узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаб самимий миннатдорчилик рамзи сифатида чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан. Имзо.

(Бабаджанов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 23 б.).

***

Қадрдон акам, иқтидорли тилшунос олим проф. Б.Юлдашевга! Соғлик-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаб, синглингиз Муҳаббат. Имзо.

(Юлдашева М. Ўзбекистон миллий маданияти: ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (XX асрнинг 20-йиллари).–Тарих. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 29 б.).

***

Ҳурматли устоз, Б.Йўлдошевга! Имзо.

(Сайидираҳимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 27 б.).

***

Ҳурмат ва эҳтиром ила муаллиф. Имзо.

(Яхшибоев Ғ. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 22 б.).

***

Ҳурматли домла, талабчан тилшунос проф. Б.Йўлдошевга!

(Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 25 б.).

***

Бекмурад аға! Сизга соғлик ва омонлик тилайман! Академик бўлинг!

(Қудайбергенов М. Қорақалпоқ тилида морфонологик ҳодисалар.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Нукус, 2004. – 40 б.).

***

Муҳтарам устозим Б.Йўлдошевга! Катта ҳурмат билан муаллиф.

(Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 23 б.).

***

Икки асрлик дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга чуқур ҳурмат билан муаллиф.

(Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияланиши.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 50 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга!

(Бобожонов Ш. Семема, унинг нутқий воқеаланиши ва изоҳли луғатдаги талқини.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 23 б.).

***

Ҳурмат ва эҳтиром ила проф. Б. Йўлдошевга муаллифдан.

(Баратова Н. Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин” ва “Сабот ул-ожизин” асарларининг қиёсий таҳлил.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 20 б.).

***

Қадрли устозимиз Б. Йўлдошевга муаллифдан.

(Аҳатова М. Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологияси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.).

***

Қадрли устоз Бекмурод акага самимият ва эҳтиром билан. Имзо.

(Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 47 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга камоли ҳурмат ва эҳтиром ила муаллиф.

(Ваққосова Д. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Фарғона, 2005. – 25 б.).

***

Тўғри йўлга бошловчи ғамхўр устоз Йўлдошевга эзгу истаклар билан М.Абдиев. Имзо.

(Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлил (Самарқанд вилояти касб-ҳунарлари материаллари асосида).– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 57 б.).

***

Ҳурматли устозим проф. Б.Йўлдошев домлага илмий ишларида омад тилаб шогирди Отабекдан.

(Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 22 б.).

***

Ҳурматли устоз проф. Б.Йўлдошевга шогирдингиздан. Имзо.

(Тоҳиров С. Ўзбек мумтоз адабиётида туркум сюжетлар ва “Нўҳ манзар”.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 25 б.).

***

Устоз Б.Йўлдошевга! Ҳамиша омад ёр бўлсин! Имзо.

(Исақов З. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Фарғона, 2005. – 22 б.).

***

Қадрдон акам, фан заҳматкаши, усталар-устаси Бекмурод Юлдашевга муаллифдан. Имзо.

(Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 23 б.).

***

Чуқур ҳурматим рамзи сифатида Ширин.

(Шорасулова Ш. Содда гап таркибидаги сифатдошли қурилмаларнинг семантик-синтактик тадқиқи.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент , 2005. – 25 б.).

***

Устоз проф. Б.Йўлдошевга! Илмий камолот ва оилавий саодат тилаб. Имзо.

(Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.).

***

Ҳозирги кунда Самарқандда яккаю ягона фаол, билимдон, тилшунос олим, эътиборли ва ғамхўр инсон Бекмурод акамга чексиз ҳурмат билан Абдували.

(Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 48 б.).

***

Бекмурад ака Юлдашеву с уважением, Автор.

(Мирзаев Р. Роль и значение транспортных коммуникаций шелкового пути в современных международных отношениях .– Автореф. дисс.. доктора полит. наук. –Москва, 2005.– 32 с.).

***

Ҳурматли устозим Б.Йўлдошевга юксак эҳтиром билан. Имзо.

(Пардаев А. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 25 б.).

***

Профессор Б. Йўлдошевга ҳурмат ва эҳтиром билан муаллиф.

(Холиқулова Г. Очилдимурод Мирийнинг “Рустам ва Суҳроб” асари таҳлил ва талқини.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 25 б.).

***

Муҳтарам устоз Б Йўлдошев! Сизга узоқ умр,соғлиқ ва фан йўлидаги ишларингизга ривож тилайман.сизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила шогирдингиз Раъно. Имзо.

(Нуритдинова Р.Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 23 б.).

***

Муҳтарам устоз профессор Б.Йўлдошевга чексиз ҳурматим рамзи сифатига. Имзо.

(Наримова Г.Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.).

***

Муҳтарам домла! Юлдашев Б.Юрак тўридаги орзуларингизни амалга ошишини тилаб, муаллиф.Имзо.

(Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг етук салафларидан бири Б.Юлдашевга сиҳат-саломатлик, оилавий рўшнолик тилаб, муаллиф.

(Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш.–Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 49 б.).

***

Домлага ҳурмат ва эҳтиром ила муаллифдан. Имзо.

(Раҳимов Ғ. Британия ва Америка сленгининг социалингвистик хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.).

***

Домла, биз, шогирдларингизга ҳам сизнинг ижодий ютуқларингиз насиб этсин. Узоқ умр кўринг деб, муаллиф. Имзо.

(Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.).

***

Ҳурматли Бекмурад ағаға! Сизга ва оилангизга соғлик-омонлик тилайман деб, Б. Убайдуллаев. Имзо.

(Убайдуллаев Б. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарлари тилида олмошларнинг лексик-граматик хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Нукус, 2006. – 22 б.).

***

Устоз Йўлдошевга муаллифдан.

(Ражабова М. Алишер Навоий “Назм ул-жавоҳир” асарининг манбалари ва бадиияти.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2006. – 25 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга!

(Аҳмедов А. Ўзбек адабий тили тарихида ўғуз унсур ва кўринишларининг қўлланилиши.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2006. – 25 б.).

***

Таниқли ўзбек тилшуноси Б. Йўлдошевга энг яхши тилаклар билан. Имзо.

(Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2006. – 25 б.).

***

Ҳурматли устоз Б. Йўлдошевга! Эзгу ниятларингиз доимо ижобат бўлсин деб, муаллиф. 3.11.2006.

(Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 56 б.).

***

Устоз! Доимо соғ-саломат бўлинг! Имзо.

(Лутфуллаева Д. Гапнинг семантик-синтактик қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгилари асосида зидланувчи гаплар мисолида).– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 47 б.).

***

Бекмурод ака Йўлдошевга омад тилаб. Имзо.

(Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.).

***

Севимли ва ҳурматли устозимга!!! Чексиз эҳтиром ва ҳурмат ила шогирдингиз.

(Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 22 б.).

***

Илм йўлида қаттиқ қўл, инсонийликда бағри кенг устоз Бекмурод Йўлдошевга энг самимий тилаклар билан шогирдингиз Шавкатжон. Имзо.

(Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.).

***

Бекмурод ака Йўлдошевга эзгу тилаклар билан муаллиф. Имзо.

(Айтбоев Д. Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви лексикографик талқини.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.).

***

Азиз ва қадрдон устозим Б.Йўлдошев! Сизга Самарқанд чинорларидек узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва илмий фаолиятингизга улкан ривож тилайман. Олима. Имзо.

(Ўринова О. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.).

***

Домла Б. Йўлдошевга! Соғ-саломат бўлиб юринг, ижодий зафарлар ёр бўлсин. Имзо.

(Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 25 б.).

***

Ko‘p hurmatli Domlam, maslahatchim, arslonim Prof. Dr. B. Yo‘ldoshevga eng samimiy tilaklarim bilan. Imzo. 30 mart.

(Элтазаров Ж. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши.–Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 42 б.).

***

Папиному Брату моему дорогому амаки Бекмураду с искренним уважением от дважды кандидата наук.

(Мирзаева Н. Многомерность образа героя в жанре рассказа (на материале произведений А. Чехова и А.Каххара).– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Ташкент,2007– 26 с.).

***

Қадрли устозим Б.Йўлдошевга дунёдаги эзгу тилаклар ёр бўлишини тилаб, шогирдингиз. Имзо.

(Кадиров К. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида).– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.).

***

Азиз устозим, проф. Б.Йўлдошевга чексиз эҳтиром ва умрбод миннатдорлик билан Саодатдан.

(Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 48 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг йирик тадқиқотчиси, ёшларнинг севимли мураббийи, устозим Б. Йўлдошевга Барча эзгу ниятлар билан. Муаллиф. Имзо.

(Нурманов Ф. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 24 б.).

***

Устоз проф. Б.Йўлдошевга юксак эҳтиром билан.

(Қурбонова Б. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.).

***

Муҳтарам домлага! Чуқур эҳтиром ила Гулнора Нишоновадан.

(Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида “Ойина” журналининг ўрни ва аҳамияти.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.).

***

Пахтачилик талантли тилшунос олим, ажойиб фарзандлар тарбиялаган инсонлар Бекмурод ака Йўлдошев, Фазилат опа ва уларнинг фарзандларига юксак ҳурмат белгиси сифатида энг яхши истаклар йўллаб, Азиз. Имзо.

(Меликулов А. Особенности электрофизической диагностики и результаты хирургического лечения пациентов с синдромом вольфа-паркинсона-уайта и сопутствующей патологией сердца.– Автореф. дисс.. доктора медиц. наук. –Москва, 2008– 42 с.).

***

Ҳурмат билан устозим Бекмурод Йўлдошевга муаллифдан. Имзо.

(Сувонова Н. Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини (француз тили материалида).– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б.).

***

Устоз! Сизга доимо соғлик ва омад ёр бўлсин! Замира. Имзо.

(Мирзакаримова З. Феъл бошқарувидаги *билан* кўмакчили бирикмалар семантикаси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.).

***

Муҳтарам устозим Йўлдошев домлага. Муаллиф.

(Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Раҳмон, А.Ўктам, И.Мирзо шеърияти мисолида).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.).

***

Суюкли устозим, проф. Б. Йўлдошевга шогирдлик эҳтироми ила тақдим этаман. Муаллиф.

(Муҳаммадиев А. Муҳйининг туркий ва форсий девони поэтикаси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2008. – 24 б.).

***

Ҳурматли устоз филология фанлари доктори, профессор Б.Й.Йўлдошев! Сизга самимий ва эзгу тилаклар билан муаллиф. Имзо.

(Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейксиснинг ифодаланиши.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 21 б.).

***

Устозим, профессор Бекмурод Йўлдошевга!

(Шодиев Ф. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.).

***

Бекмурод оғага чуқур самимият ва ҳурмат билан. Имзо.

(Маматов Дж. Ўзбек тилида редукция.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга самимият билан. Имзо.

(Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида).– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2009.– 49 б.).

***

Многоуважаемому Бекмураду Юлдашевичу с благодарностью за оказанную поддержку.

(Насруллаева Н. Семантический статус фразеологической единицы в ракурсе её стилистического восприятия.– Автореф. дисс.. канд. филол. наук. –Самарканд,2009. – 26 с.).

***

Филология фанлари доктори, профессор, улуғ олим, устозимиз Бекмурод ака Йўлдошевга юксак эҳтиром ила Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа тумани, Сорибий қишлоғилик курсдошингиз Ҳабибулла аканинг шогирди, биринчи фан номзоди шогирдингиз Фарҳод Бобожоновнинг яқин қариндоши – укаси Азаматдан.

(Примов А. Ўзбек тили космонимларининг лисоний хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга илмий ишларида омадлар тилаб, Олмосдан.

(Турсунова О. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланиши.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.).

***

Устозимиз Б. Йўлдошевга илмий ва ижодий ишларига ривож тилаб муаллифдан.

(Юлдошева Н. Йиғиқ гапнинг формал-функционал талқини.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 23 б.).

***

Ҳурматли устоз Бекмурод акага эзгу ниятлар тилаб. Муаллиф.

(Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 22 б.).

***

Ҳурматли устоз, истеъдодли олим, самимий инсон, ф.ф.д. Б. Йўлдошевга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан.

(Ҳамраева Ё. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари (ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.).

***

Таниқли олим, муҳтарам устозимиз Б. Йўлдошевга! Сизга соғ-саломатлик тилаб, ҳурмат ва эҳтиром ила шогирдингиз. Имзо.

(Муҳитдинова Б. Сайидаҳмад Васлий Самарқандий мероси ва унинг адабий муҳитдаги ўрни.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга ҳурмат ва самимият билан. Имзо. 12.05.2010.

(Турниёзова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Хайруллаев Х. Тил ва нутқ бирликларининг поғонали муносабати.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 43 б.).

***

Муҳтарам устозим Бекмурод Йўлдошевга! Чуқур ҳурмат билан.

(Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 49 б.).

***

Ҳурмат ва эҳтиром ила шогирдингиз Исроил.

(Сулаймонов И. Мулла Маҳмуд Қорий ва унинг поэтик мероси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2010. – 26 б.).

***

Устозим Бекмурод акага ҳурмат ва эҳтиром билан шогирдлари Раънодан.

(Юсубова Р. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик (А. Орипов лирикаси мисолида).– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б.).

***

Ҳурматли устоз, проф. Б. Йўлдошевга камоли эҳтиром ила шогирдингиздан. Самимий маслаҳатларингиз ва йўл-йўриқларингиз учун раҳмат, устоз. Имзо.

(Шомуродова Ш. Фразеологическая деривация в английском языке (Ситемно-словарная интерпретация). – Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Самарканд, 2011 – 25 с.).

***

Бекмурод Юлдашевга соғлик-саломатлик тилайман. Муаллиф. Имзо.

(Қурбанов М. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Нукус, 2011. – 23 б.).

***

Ҳурмат билан Лолахондан. Имзо.

(Аҳророва Л. Ўзбек шеърий романларининг спецификаси.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.).

***

Ҳурматли устоз Б. Йўлдошевга чексиз эҳтиром билан. Имзо.

(Амонова З. Ҳуруфийлик ва XIV-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиёти.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2012. – 27 б.).

***

Устозим Бекмурод акага! Ҳурмат ва эҳтиром билан муаллиф. Имзо. 18.04.12.

(Шофқоров А. Миртемир шеъриятида такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.).

***

Азиз устозим, Б. Йўлдошевга самимий миннатдорчилик билан муаллифдан. Юлдашева С. Имзо.

(Юлдашева С. Бадиий-биографик қиссалар поэтикаси (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Сайид Насимий” , “Қиссаи Машраб” асарлари асосида).–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2012. – 26 б.).

***

Ф.ф.д., профессор Бекмурод Йўлдошевга самимий эҳтиром билан. Имзо. 1.05.2012.

(Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм.– Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.).

***

Азиз устозим Бекмурод акага энг самимий тилаклар билан. Имзо.

(Дониярова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси.– Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 42 б.).

***

Ҳурматли устозимиз, ф.ф.д., проф. Б. Йўлдошевга эҳтиром билан. Имзо.

(Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши.–Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.).

МОНОГРАФИЯЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Бекмуродга Андижонлик дўстларидан эсдалик учун. Автор: Умархўжаевдан. 1983 йил. 2.04. Имзо.

(Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеографии. – Ташкент, 1977. – 103 с.).

***

Укамиз Бекмурод Йўлдошевга Х. Дониёровдан. 14.04.79.

(Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Лексик-стилистик имкониятлари ва ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1979. – 160 б.).

***

Ҳурматли олим, қадрдон дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга самимият ила автордан. Апрель, 1980 йил.

(Шукуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Тошкент, 1979. – 127 б.).

***

Ҳурматли касбдошимиз Бекмуроджон. Яхши ният ва истаклар билан Муҳаррам опангиздан эсдалик деб билурсиз. 29.05.81.

(Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари.– Тошкент, 1981. – 114 б.).

***

Дўстим Бекмуродга ҳурмат билан муаллифдан. Имзо. 25.01.84.

(Кунгуров Р.К. Стилистика имени существительного в узбекском языке.– Ташкент, 1983. – 160 б.).

***

Ҳурматли ҳамкасбимиз Бекмурод Йўлдошевга энг эзгу истаклар билан автор. 25.10.83. Имзо.

(Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари.– Тошкент, 1983. – 111 б.).

***

Қадрдон дўстим, Бекмурод домлага! Самимий илмий ютуқлар истаб Қаршибой. 14 май 1984 йил. Имзо.

(Леонтьев А.А. Евгений Дмитриевич Поливанов и его вклад в общее языкознание. – Москва, 1983. – 75 с.).

***

Қадрли ҳамкасбим Бекмурод ака Йўлдошевга катта ҳурматим ва самимиятим рамзи сифатида Низомиддин. 28.05.86.

(Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия.– Тошкент, 1984. – 148 б.).

***

Дорогому Бекмураду в знак глубокого уважения 10.09.88. Александр Григорьевич.

(Ломов А. Г. Фразеология в творческой лаборатории А.Н. Островского. – Ташкент, 1987. – 96 с.).

***

Уважаемому коллеге Бекмураду Юлдашеву с добрыми чувствами и пожеланиями. Автор. 2 ноября 1990 г.

(Эмирова А. М. Русская фразеология в коммуникативном аспекте.– Ташкент, 1988. – 90 с.).

***

Бекмуродбойга энг яхши истак ва ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика (От бирикмалар асосида). – Тошкент, 1988. – 86 б.).

***

Кўп ҳурматли Бекмурод Йўлдошевичга энг яхши истаклар билан Б. Чориев. Имзо. 14.05.92.

(Чориев Б. Ғафур Ғулом шеърияти тили. – Тошкент, 1990. – 112 б.).

***

Дўстимиз ва устозимиз Б. Йўлдошевга чексиз ҳурматимиз рамзи сифатида Эшқобил.

(Абдиев Э. Язык и стиль произведений Камиля Яшена (на материале драм). – Ташкент, 1990. – 85 б.).

***

Қимматли Бекмурод ака! Сизга фан оламида юксак зафарлар тилаб муаллиф.

(Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.– Тошкент, 1991. – 274 б.).

***

Бекмурод Йўлдошевга автордан эсдалик. Усмонов К. 11.09.98.

(Усмонов К. Ўзбек шеваларида феълнинг ўтган замон формалари. – Тошкент, 1991. – 166 б.).

***

Ҳурматли устозимиз Бекмурод Йўлдошевга катта ҳурмат, шогирдлик рамзи сифатида тақдим этаман. А. Маматов. 17.05.92.

(Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари.– Тошкент, 1992. – 120 б.).

***

Ҳурматли дўстим Бекмурод Йўлдошевга! Сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, илмий ишларингизда улкан ютуқлар тилайман. Самимият билан Бекпўлат. 21.02.94.

(Умуркулов Б. Бадиий адабиётда сўз.– Тошкент, 1993. – 132 б.).

***

Ушбу китоб ҳозирги даврнинг аъломул уламоси бўлган Бекмурод Юлдашевга тақдим этилди. Имзо. 22.04.94.

(Абдураҳмонов А. Мумтоз адабиётнинг сеҳрли поэтикаси. – Хўжанд, 1994. – 95 б.).

***

Дорогому Бекмураду Юлдашеву в знак глубокого уважения. 25. 12. 95. Александр Григорьевич.

(Ломов А. Г. Фразеология пьес А.Н. Островского. – Самарканд, 1995. – 163 с.).

***

Қадрли устозимиз, проф. Б. Йўлдошевга катта ҳурмат ва шогирдлик эҳтироми ила муаллиф. Имзо.11.05.98.

(Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Тошкент, 1996. – 54 б.).

***

Қадрдон Бекмурод акамга! Илмий фаолиятдаги жонбозлик, фидоийлик, сермаҳсуллик хислатларига ҳавас ва эҳтиром билан Нишонбойдан. 1997. 11.04. Имзо.

(Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари (II китоб). – Тошкент, 1997. – 134 б.).

***

Азиз устоз! Сизга соғлик, боқий умр, илм сирларини очишдек фидойи ишларингизга ривож ва оилавий бахт тилайман! Ҳурмат ила муаллиф шогирдингиз 19.10.2001.

(Шоимова Н. Қашқадарё ўзбек қипчоқ шевалари лексикаси. – Қарши, 2000. – 140 б.).

***

Филология илмининг забардаст билимдони, устоз Бекмурод акамизга чексиз хурматим рамзи сифатида тақдим этаман. Муаллиф. Имзо. 27.03.04.

(Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари.– Тошкент, 2000. – 128 б.).

***

Дўстим, азиз Бекмуродга омадлар тилаб – муаллифдан 16.05.2002.

(Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент, 2001. – 72 б.).

***

Таниқли олим, ажойиб дўстим Бекмурод Йўлдошевга! Самимий тилаклар билан. Имзо. 4.11.2001.

(Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар). –Тошкент, 2001. –170 б.).

***

Ҳурматли устозим Б. Йўлдошевга! муаллифдан... 9.02.09.Имзо.

(Эназаров Т. Топонимларни этимологик тадқиқ қилишнинг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари (1-китоб). – Тошкент, 2001. – 129 б.).

***

Истеъдодли олим ва устозим Б. Йўлдошевга! Имзо.2002.10.январь.

(Носиров А. Бадиият ва тарихий ҳақиқат (“Юлдузли тунлар” романи мисолида). –Тошкент, 2001. – 136 б.).

***

Дўстимиз Бекмуродга энг яхши ниятлар билан авторлар. Имзо.

(Мирзаев С., Мирзаев Р. Ижодкорлар бешиги. –Самарқанд, 2002. – 184 б.).

***

Ҳурматли устозим, СамДУнинг улуғ олимларидан бири Бекмурод акага!!! Муаллифдан... 9.02.09. Имзо.

(Эназаров Т. Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи (2-китоб). – Тошкент, 2002 – 60 б.).

***

Бекмурод! Илмий салоҳиятингиз янада юксалсин. Омад истаб, Ҳотам Умр. Имзо.2.09.2002.

(Умуров Ҳ. Адабий тур ва жанрларнинг қонун-қоидалари. – Самарқанд, 2002. – 78 б.).

***

Профессор Бекмурод Йўлдошевга ижодий баркамоллик тилаб, Ҳотам Умр.Имзо.2.09.2002.

(Умуров Ҳ. Бадиий асар назарияси. – Самарқанд, 2002. – 110 б.).

***

Ҳурматли устозим Б.Б. Йўлдошевга камоли эҳтиром ила муаллифдан. 21.04.04.

(Аллаёрова Н. Сўфи Оллоҳёр ва шеърий маҳорат. – Тошкент, 2003. – 114 б.).

***

Ҳурматли устозим, Домла Б. Йўлдошевга яхши кунлар намунаси сифатида тақдим этаман. Роҳила. 25.11.2003.

(Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. – Тошкент, 2003. – 108 б.).

***

Ҳурматли устозим Бекмурод акага! Чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан муаллифдан эсдалик. 2004 йил 29 март.

(Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. – Тошкент, 2003. – 104 б.).

***

Энг қадрли ва меҳрибон устозим Бекмурод домлага бир умрлик содиқлик ҳамда миннатдорлик билан шогирди Абдували. Имзо.

(Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. – Самарқанд, 2004. – 102 б.).

***

Ҳамкасбимиз проф. Б. Йўлдошевга хурмат билан муаллифдан. 2004 йил. 31.03.

(Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил.– Тошкент, 2004. – 120 б.).

***

Ko‘p hurmatli Prof. Dr. B. Yo‘ldoshevga eng samimiy tilaklarim bilan muallifdan. 30.04.04.

(Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. – Самарқанд, 2004. – 110 б.).

***

Севимли, заҳматкаш, маслаҳатгўй, азиз Устозим, профессор Бекмурод Йўлдошевга эзгу тилаклар ила шогирдингиз М.Б. Абдиев. Имзо. Самарқанд 2004 йил. 5 сентябрь.

(Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент, 2004. – 117 б.).

***

Таниқли тилшунос Б. Йўлдошевга энг язши истаклар билан муаллифдан. 28.10.06. Имзо.

(Бегалиев Н.Б. Ўзбек этнонимлари тарихидан. – Самарқанд, 2004. – 92 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акамга! Омад тилаб. Ҳурмат билан Хўжамурод.

(Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси.– Қарши, 2004. – 160 б.).

***

Ҳурматли устоз Б. Йўлдошевга самимий ва эзгу тилаклар билан.

(Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент, 2005. – 168 б.).

***

Чуқур ҳурматим ва самимиятим рамзи сифатида тақдим этилди. Дильфуза.

(Сайидырахимова Д.С. Сўз туркумлари тизимида равишнинг ўрни.– Ўш, 2005. – 89 б.).

***

Муҳтарам проф. Б. Йўлдошевга эҳтиром билан Салоҳий. 6.09.05.

(Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. – Тошкент, 2005. – 206 б.).

***

Илмпарвар ва китобсевар дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга энг яхши истаклар билан Таржимон. 25.02.06. Имзо.

(Бертельс Е.С. Навоий ва Аттор (Рус тилидан Мирзаев И. таржимаси). – Тошкент, 2005. – 75 б.).

***

Ҳурматли устоз Б. Йўлдошевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. 2006.02.06.

(Усмонова Ҳ. Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион тадқиқи.– Тошкент, 2005. – 165 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акамга ҳаётий, илмий баркамоллик тилаб, муаллиф. 2007.20 январь.

(Жабборов Х. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари.– Қарши, 2005. – 152 б.).

***

Муҳтарам устозим Бекмурод акага! Дунёдаги энг самимий ва энг эзгу тилаклар, беҳад ҳурмат ва эҳтиром билан муаллифдан. Проф С. Муҳамедова. Имзо. 26.12.2011 йил.

(Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. – Тошкент, 2005. – 121 б.).

***

Таниқли ва истеъдодли олим укамиз Бекмурод Йўлдошевга энг яхши ниятлар тилаб, муаллифдан. 10.01.2006 йил.

(Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент, 2006. – 390 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга! Имзо.

(Bobokalonov R. O‘zbek tilida gap sintaksisi va so‘z-gaplarning sistem-struktur talqini. – Toshkent, 2006. – 122 б.).

***

Энциклопедист олим, дўстим ва акам Бекмурод Йўлдошевга энг яхши ниятлар билан Т.Қурбонов. Имзо.

(Қурбонов Т., Худойбердиева М. Бадиий асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изоҳи масаласи (Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур”, “Ҳумоюн ва Акбар” романлари материаллари асосида). – Самарқанд, 2006. – 79 б.).

***

Зукко олим ва беназир маслаҳатчи Б. Йўлдошевга муаллифдан. 21.09.06.

(Қурбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари (Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” романи материаллари асосида) – Тошкент, 2006. – 132 б.).

***

Зукко олим, багри кенг ва камтар ҳамкасб дўстим Бекмуродга муаллифдан. 14.10.2006.

(Шукуров Р. Сўз вариантларининг лексик-семантик дифференциацияси. – Тошкент, 2006. – 164 б.).

***

Ko‘p hurmatli Prof. Dr. B. Yo‘ldoshevga eng samimiy tilaklarim bilan Muallif. Imzo. 30.10.2006.

(Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари.– Тошкент, 2006. – 170 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Сизга соғлик, оилангизга омонлик, бахт тилайман. Имзо.15.12.2006.

(Қудайбергенов М. Қарақалпақ тилининг морфологиясы. – Тошкент, 2006. – 170 б.).

***

Ёш олимларнинг мехрибон устози ва йўлбошчиси, Бекмурод акамга ҳурмат билан укангиздан. 4.01.07. Имзо.

(Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятлари чорвадорлари нутқи асосида). – Тошкент, 2006. – 231 б.).

***

Ҳурматли домлам Б. Йўлдошевга самимий тилаклар билан муаллифдан. Сурхон. 24.01.07.

(Каримов С. А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёти босқичида.– Тошкент, 2006. – 131 б.).

***

Профессор Бекмурод Йўлдошевга муборак 60 йиллик тўйлари арафасида соғлик ва бағрикенглик тилаб, ҳурмат билан С. Каримов. 18.04.07.

(Каримов С. Зулфия асарлари лингвостилистикаси. – Самарқанд, 2006. – 172 б.).

***

Iste'dodli tilshunos olim Bekmurod Boltayevichga samimiy ezgu niyatlar bilan. 7.09.07. Imzo.

(Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент, 2006. – 296 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга чуқур ҳурмат билан муаллифдан. 15.06.07.

(Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндошув.– Тошкент, 2007. – 151 б.).

***

Профессор Бекмурод Йўлдошевга эҳтиром ила муаллифлардан. Имзо.

(Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.– Тошкент, 2007. – 273 б.).

***

Ҳурматли устоз Бекмурод Йулдашевга самимий тилаклар билан.Имзо.

(Холманова З. "Бобурнома" лексикаси. – Тошкент, 2007. – 176 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга самимий тилаклар билан.Имзо.

(Дадабоев Х, Ҳамидов З, Холманова. – Тошкент, 2007. – 156 б.).

***

Б. Йўлдошевга! Энг эзгу тилаклар билан муаллифдан. Имзо. 23.02.08.

(Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланилган ҳуқуқий терминларнинг тадқиқи. – Самарқанд, 2008. – 150 б.).

***

Устозим Б. Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан Саодат.

(Боймирзаева С. Бадиий матнда қўшма гап. –Самарқанд, 2008. – 114 б.).

***

Забардаст тилшунос, проф. Б. Йўлдошевга самимий тилаклар ила муаллиф. Имзо.

(Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 286 б.).

***

Домламга чуқур ҳурмат билан. Имзо.

(Отажонова М. Иззат Султон драматургиясида замон ва қаҳрамон. – Тошкент, 2008. – 101 б.).

***

Устозим Бекмурод Йўлдошевга самимий тилаклар билан... Беҳзод Неъмат ўғли.

(Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. – Самарқанд, 2008. – 84 б.).

***

Кўп йиллик дўстимнинг хизмати, сермаҳсул ва ҳозиржавоб тилшунос, профессор Бекмурод Йўлдошевга эҳтиром ила Ш.Шукуров январь, 2009.

(Шукуров Ш. Лирика Бедиля.– Тошкент, 2008. – 280 б.).

***

Устоз Бекмурод акага шогирдлик эҳтироми билан Маъмуржон. 15.05.2015.

(Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент, 2008. – 84 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат билан Носиржон. Имзо.

(Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент, 2008. – 192 б.).

***

Профессор Бекмурод дўстимизга самимият билан. 6.02.09. Имзо.

(Расулов Р.Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Тошкент, 2008. – 143б.).

***

Ҳурматли устоз Б.Йўлдошевга ҳурмат ила. Имзо.

(Аҳмедов Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент, 2008. – 180 б.).

***

Ҳурматли домла Б.Юлдошевга оҳират саодатини тилаб муаллиф. С. Раҳмонова 21.05.10.

(Раҳмонова С. Ўзбек сонети: поэтик структура ва бадиий образ. – Тошкент, 2008. – 96 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. – Самарқанд, 2008. – 80 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг йирик дарғаларидан бири, профессор Бекмурод Йўлдошевга камоли эҳтиром ила муаллиф. Имзо.

(Пардаев А. Ўзбек тилида кўмакчилар стилистикаси. – Самарқанд, 2008. – 158 б.).

***

Забардаст тилшунос олим, янгиликлар жарчиси Бекмурод ака Йўлдошевга ёшларга кўпроқ меҳрини беришини тилаб муаллиф. 31.12.2008. Имзо.

(Абдусаидов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 132 б.).

***

Бекмурод Йўлдошевга! Энг самимий тилаклар билан муаллиф. 18.02.2009 йил.

(Абдулхайров М. Навоий асарларида сўз иборалар. – Тошкент, 2009. – 240 б.).

***

На добрую память умнейшему профессору, Б.Б. Юлдашеву, который любит, дарить свои научные труды Р.Г. Назарьяну. 11.05.2009.

(Михайличенко Б.С. Проблемы литературоведения: теория литературы.– Самарқанд, 2009. – 182 с.).

***

Б. Йўлдошевга самимият рамзи сифатида Б. Ўринбоев.

(Уринбаев Б.,Турсунов С. Лексико-фразеологичкские особенности растана «Алпамыш». – Самарқанд, 2009. – 80 с.).

***

Талантли олим Б. Йўлдошевга энг яхши тилаклар билан муаллиф. 14. 04. 10. Имзо.

(Турниёзов Н.,Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари.– Самарқанд, 2009. – 138 б.).

***

Ҳурматли устозим Б. Йўлдошевга! Чексиз ҳурмат билан Саодат.

(Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Тошкент, 2009. – 188 б.).

***

Таниқли тилшунос олим, қадрли тоғажоним, устоз Б. Йўлдошевга! Эзгу тилаклар билан Д. Ўринбоева. Имзо. 27.01.10.

(Ўринбоева Д. Ўзбек халқ оғзаки достонлари тилининг лингвостатистик таҳлили.– Самарқанд, 2009. – 136 б.).

***

Бекмурод акага Шанхайга кетиш кунларидан эсдалик учун. 30.07.10.

(Абдуқодиров А., Пардаев А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент, 2009. – 145 б.).

***

Таниқли серқирра, ҳозиржавоб олим Бекмурод Йўлдошевга янги-янги ютуқлар ва омад ҳамиша ёр бўлсин. Имзо. Муаллиф. 2.04.2010 йил.

(Мирзаев С. Узбекская литература XX века. – Москва, 2010. – 376 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга юксак эҳтиром рамзи сифатида Муаллифлар. Имзо.

(Дўсимов З. Д., Тиллаева М. Б. Хоразм ономастикасининг шаклланиши ва “Авесто”. – Тошкент, 2010. – 112 б.).

***

Ҳурматли устозимиз Б. Йўлдошевга соғлик-саломатлик тилаб, муаллифдан. 30.04.2010 й.

(Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент, 2010. – 127 б.).

***

Иқтидорли олим Б. Йўлдошевга, яхши ниятлар билан муаллиф. Имзо.

(Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 2010. – 172 б.).

***

Иқтидорли ва зукко олим, бағри кенг устоз Бекмурод Йўлдошевга соғлик-саломатлик тилаб, муаллиф. Имзо. 22.09.10.

(Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини (XII-XV асрлар). – Тошкент, 2010. – 123 б.).

***

Ҳурматли устоз Б. Йўлдошевга! Самимий тилаклар билан муаллиф. Имзо. 30.04.2010.

(Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация.– Тошкент, 2010. –129 б.).

***

Муҳтарам устозим Бекмурод Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан Саодат. Имзо.

(Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент, 2010. – 151 б.).

***

Муҳтарам устозга! Чексиз ҳурмат-эҳтиром билан шогирдингиз.

(Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси.– Тошкент, 2010. – 104 б.).

***

Муҳтарам устозим дақиқ олим проф. Б. Йўлдошевга соғлик ва илмий зафарлар тилаб Б. Менглиев. 20.11.2014. Имзо.

(Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида.– Тошкент, 2010. – 191 б.).

***

Устоз, проф. Б. Йўлдошевга! Доим соғ бўлинг, домла. А. Мусаев. Имзо.

(Мусаев А. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлаклари тартиби.– Тошкент, 2011. – 120 б.).

***

На память от Татьяна Бушуй.

(Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли.– Ташкент, 2011. – 383 с.).

***

Ҳурматли шогирдим Бекмуроджонга самимият рамзи сифатида Б. Ўринбоев. Имзо. 3.06.2011.

(Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи морфологияси.– Самарқанд, 2011. – 132 б.).

***

Тил илмининг заҳматкаш тадқиқотчиси, ажойиб инсон, дақиқ тилшунос Бекмурод акамга ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси.– Тошкент, 2011. – 160 б.).

***

Таниқли олим Бекмурод Йўлдошевга камоли эҳтиром билан. Имзо.

(Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили.– Тошкент, 2011. – 326 б.).

***

Устози соний Бекмурод акага самимият ва эҳтиром билан Шавкат. 11.06.11.

(Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати.– Самарқанд, 2011. – 230 б.).

***

Эҳтиром ила миннатдорчилик рамзи сифатида ҳурматли домла Б. Юлдашевга тақдим этаман. 22.05.12 й. Муаллифдан.

(Ҳазратқулиён Д. Поэтикаи шеъри Фарзона.– Тошкент, 2011. – 130 б.).

***

Йирик тилшунос олим Самарқанд тилшунослигининг таянчи (ричаги) устоз Бекмурод домла Йўлдошевга соғлик-саломатлик тилаб, А. Пардаев.

(Пардаев А. Тил тизимида ёрдамчи сўзлар.– Самарқанд, 2011. – 160 б.).

***

Таниқли олим Б. Йўлдошевга энг яхши истаклар билан Турниёзовлар оиласидан эсдалик.

(Турниёзов Н., Турниёзов Б., Турниёзова Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси.– Тошкент, 2011. – 164 б.).

***

Бекмурод домлага олий тилаклар ила муаллиф. Имзо. 25.02.2012.

(Каримов Ж. Демократик жамиятда эркин тафаккур ривожи.– Тошкент, 2011. – 160 б.).

***

Таниқли олим Бекмурод акага самимий тилаклар билан 26. 04.12. Имзо.

(Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари (Илмий-маънавий мерос) –Тошкент, 2011. – 132 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг забардаст вакили, устозимиз, навқирон ва салоҳиятли олим, проф. Бекмурод Йўлдошевга! Ҳамиша ўзбек зиёлиларининг Беги бўлиб юришингизни тилайман! Муаллиф. Имзо.

(Rahimova B. O’zbek adabiyotida Pahlavon Mahmud obrazi talqinlari.– Urganch, 2012. – 96 b.).

***

Бекмурод ака! Беклик тарк этмасин. Имзо.

(Алимбеков А. Юлдузнинг беш қирраси.– Тошкент, 2012. – 272 б.).

***

Ўзбек тилшунослигида фахрли ва салобатли ўринга эга бўлган профессор Бекмурод Йўлдошевга шогирдлик эҳтироми ила муаллиф. Имзо.

(Pardayev A. Grammatizatsiya va yordamchi so‘zlar.– Samarqand, 2012. – 150 b.).

***

Устоз! Доимий соғлик, ҳаётий ва ижодий ишларингизга зафарлар тилаб, муаллиф. Имзо. 19.01.2013.

(Носиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси.– Тошкент, 2012. – 160 б.).

***

Китоб ўқиб турган олим, проф. Бекмурод Йўлдошевга самимият ила муаллиф. Имзо.

(Сафаров Ш. Семантика.– Тошкент, 2013. – 341 б.).

***

Ҳурматли устозим Бекмурод ака Йўлдошевга Оллоҳ умрини зиёда қилишини ва ижодий баркамоллик тилайман. А. Маҳмудов. Имзо.

(Маҳмудов А. Лессинг ижодида шарқ маданияти талқини.– Тошкент, 2013. – 208 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акамизга! Республикамизда кўзга кўринган инсон, етук олимга! Энг эзгу ниятларингиз амалга ошишининг тилакдошиман. Муаллифдан. 22.08.2013.

(Эркаев Ў.А. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори. –Тошкент, 2013. – 304 б.).

***

Буюк тилшунос олим Бекмурод ака Йўлдошевга соғлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилаб А. Пардаев. Имзо. 31.10.2013.

(Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимидаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили.– Тошкент, 2013. – 261 б.).

***

Таниқли тилшунос олим Бекмурод акага ҳурмат билан муаллифдан. 2013 йил, декабрь.

(Худойберганова Д. Матннинг антроцентрик тадқиқи.– Тошкент, 2013. – 136 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга соғлик-саломатлик тилайман. Муҳаммадхондан. 28.03.14. Имзо.

(Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.– Тошкент, 2013. – 176 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга самимий эҳтиром ила Абдулладан. 23.04.2016. Имзо.

(Ўрозбоев А. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси.– Тошкент, 2013. – 140 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг отахонларидан Бекмурод Йўлдошевга қалбимдаги эзгу тилакларим билан! Муаллиф. Имзо. 09.06.2016 йил.

(Бердимуродова М. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий даври. Ҳаёти. Адабий мероси.– Тошкент, 2013. – 152 б.).

***

Бекмурод ака! Соғ-омон бўлинг.

(Йўлдошев Қ., Ҳусанбоева Қ., Йўлдошева М. Кийиксўқмоқдаги йўловчи.– Тошкент, 2014. – 192 б.).

***

Домла! Илмий-ижодий фаолиятингизга янада кўтаринкилик, жўшқинлик тилаб қоламан. М. Бобохонов. Имзо. 20.06.14.

(Бобохонов М. Ўзбек қиссаларида бадиий психологизм.– Тошкент, 2014. – 168 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга соғлик-саломатлик тилаб шогирдингиз Акрам. Имзо. 2014. 12.08.

(Тошпўлатов А. Новелла жанри (тарихи, генезиси, назарияси ва бадиияти).– Тошкент, 2014. – 144 б.).

***

Устозим, профессор Б. Йўлдошевга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан. Имзо. 23.10.2014.

(Холиқулова Г. Мирийнинг “Рустам ва Суҳроб” достони бадиияти.– Тошкент, 2014. – 160 б.).

***

Ўзбек тилшунослик илмининг етук дарғаларидан бўлган муҳтарам Б. Йўлдошевга юксак эҳтиром ила муаллифдан. Имзо.

(Норбоева Ш. Хоразм шеваларидаги соҳавий лексика.– Тошкент, 2014. – 120 б.).

***

Қадрдон ва жонкуяр акам, таниқли олим Бекмурод Йўлдошевга чуқур ҳурмат ила муаллифдан. 2014. 21. 12. Имзо.

(Ҳусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи.– Тошкент, 2014. – 244 б.).

***

Ҳурматли устоз, домла Бекмурод ака Йўлдошевга энг эзгу ниятлар билан муаллифлар. 01.06. 2015 йил.

(Сайидаҳмедов Н.С., Индиаминов Н.Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.– Тошкент, 2014. – 336 б.).

***

Многоуважаемому профессору Юлдашеву Бекмураду Юлдашевичу ведущему фразеологу от автора. 14.04.2016 г.

Бушуй Т.А. Язык в системной структурации.– Ташкент, 2014. – 232 с.).

***

Катта тилшунос олим, профессор Бекмурод Йўлдошевга самимият ила муаллифдан. Имзо.

(Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология.– Тошкент, 2015. – 376 б.).

***

Устозим Бекмурод ака Йўлдошевга! Эркин Мусурмоновдан. 23.10.2015 йил.

(Мусурманов Э.Р. Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар.– Самарқанд, 2015. – 160 б.).

***

Ҳурматли устоз! Сиз қувватлаган илмий ғоя амалда ушбу китоб ҳолига келтирилди. Устоз СамДУнинг илмий ҳарорати доимо сезилиб турсин. Сизга соғлик-омонлик тилаб Толиб Эназаров. 11.11.2015. Имзо.

(Эназаров Т.Ж., Ҳусанова М.Н., Есемуратов А.Е. Ўзбек номшунослиги.– Тошкент, 2015. – 224 б.).

***

Устоз Бекмурод акага – мен ҳурмат қиладиган улкан олимга янгидан-янги ижодий зафарлар тилайман. Нурбой. Имзо. 12.11.2015.

(Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият.– Тошкент, 2015. – 304 б.).

***

Забардаст тилшунос олим Б. Йўлдошевга самимий тилакларни тилаб муаллиф. 28.01.2016 йил. Имзо.

(Kazakov I. O‘zbek va qoraqalpoq tillarida affiksatsiya usulida so‘z yasalishi.– Toshkent, 2015. – 106 b.).

***

Назарий тилшуносликнинг катта билимдони, тил илми ва таълимининг толмас тадқиқотчиси, ҳурматли Бекмурод ака Йўлдошевга энг эзгу тилаклар билан Ёркинжон Одилов. 24.09.16.

(Одилов Ё. Ўзбек тилида лексик ва фразеологик энантиосемия.– Тошкент, 2015. – 240 б.).

***

Устоз Йўлдошев домлага ҳурмат билан. Имзо.

(Турниёзова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари.– Тошкент, 2016. – 120 б.).

***

Ҳурматли ва қадрдон устозим Б. Йўлдошевга шогирди Алижондан. 6.06.2016. Имзо.

(Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шеваларининг лексик қатламлари.– Тошкент, 2016. – 216 б.).

***

Бек домлага ҳурмат билан С. Каримовдан. 4.12.2016.

(Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси.– Самарқанд, 2016. – 152 б.).

***

ДАРСЛИК, ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР, МАЪРУЗА МАТНЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Ҳамкасб ва ҳамкор дўстим Бекмурод Йўлдошевга яхши ниятлар билан.

Имзо. 10 март 1975 йил.

Кодуков В.И. Общее языкознание (Учебник для студентов филол. специальностей ун-тов и пед. ин-тов). – Москва, 1974. – 303 с.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга Фозиловдан. 18.09.78.

(Фазылов Э.И., Зияев М.Т. Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический трактат XIV в. На арабском языке). – Ташкент, 1978. – 452 с.).

***

Бекмурод, Сизга эзгу истаклар ила. Имзо 26.01.79.

(Решетов В.В., Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси (Университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик). – Ташкент, 1978. – 230 с.).

***

Қадрли дўстимиз, умидли тилшунос Бекмурод Йўлдошевга яхши истаклар билан авторлар номидан Х. Дониёров. 18.02.81.

(Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм (Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик). – Ташкент, 1980. – 448 с.).

***

Талантли олим Бекмурод укамизга эсдалик учун. Имзо. 6.01.82.

(Исроилов О. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўзга гап.(Лекциялар тексти) I қисм. – Самарқанд, 1981. – 55 б.).

***

Касбдошимга, Йўлдошевга катта ижодий ютуқлар тилаб. Имзо.

(Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия.(Филология факультетининг студентлари учун қўлланма). – Тошкент, 1981. – 91 б.).

***

Эсталик учун Йўлдошев Бекмурод акага. Ўроқов Худойберди. 21.11.83 й.

(Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. (Студентлар учун махсус курс). – Тошкент, 1981. –103 б.).

***

Ушбу қўлланмани касбдош укам Бекмуродга самимият рамзи сифатида тақдим этдим. Н.Ражабов.

(Ражабов Н. Ўзбек совет тилшунослигининг 60 йиллик тараққиёти тарихидан (сиртқи ва кечки бўлим студентлари учун қўлланма). – Самарқанд, 1982. – 116 б.).

***

Глубокоуважаемому Б.Ю.Юлдашеву с наилучшими новогодними пожеланиями. 28.12.82. Г.Благова.

(Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. – Москва, 1982. –304 с.).

***

Глубокоуважаемому Бекмураду Юлдашеву от автора с наилучшими пожеланиями. 11.02.83

(Волков А.А. Грамматология. – Москва, 1982. –176 с.).

***

Таниқли тилшунос олим Б. Йўлдошевга яхши ниятлар билан Автордан. Имзо.

(Абдуллаев А.Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзга гапларнинг ифода формалари (Ҳозирги ўзбек адабий тилидан махсус курс). –Тошкент, 1983. –88 б.).

***

Ҳурматли Бекмуродга эҳтиром билан автордан. 17.10.86.

(Шайхулов А.Г. Татарские и башкирские личные имена тюркского происхождения. Учебное пособие. –Уфа,1983. –72 с.).

***

Бекмурод дўстимизга!

(Қўчқортоев И., Исабеков Б.Туркий филологияга кириш (Университетларнинг филология факультетлари студентлари учун қўлланма). –Тошкент, 1984. –112 б.).

***

Ҳурматли касбдошимиз Бекмуродга энг яхши тилаклар билан авторлар номидан Юсуф Эшонқулов.

(Мирзаев М., Эшонқулов Ю. Ҳозирги ўзбек адабий тили машқлар тўплами (Пед. ин-тлари филол. фак. студ. учун қўлл). –Тошкент, 1984. –208 б.).

***

Ҳурматли акамиз, етук тилшунос олим Бекмурод Болтаевичга катта ҳурмат билан Т. Қурбонов. Имзо. 26.02.85.

(Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А., Қурбонов Т.И. Ўзбек тилининг функционал стиллари (ўқув қўлланма). – Самарқанд, 1984. –84 б.).

***

Родному другу Б.Юлдашеву от Т.Нафасов.

(Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи (Студентлар учун махсус курс). – Тошкент, 1985. –82 б.).

***

Қадрли укамиз ва ҳамкасбимиз доц. Бекмурод Йўлдошевга самимият билан Х.Дониёров.

(Дониёров Х.Д. Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси (Ўзбек тили тарихи курси бўйича лекциялар тексти). –Самарқанд,1985. – 56 б.).

***

Азиз укамиз Бекмурод Болтаевичга энг яхши тилаклар тилаб, автор. Имзо.

(Мирзаев С. Ойдиннинг маҳорати (Ўқув қўлланмаси). – Самарқанд, 1985. –129 б.).

***

Қадрли устозим Б.Йўлдошевга! Қандай ютуққа этишсам Сизнинг ҳиссангиз бор деб биламан. Сиздан миннатдор шогирдингиз Абдували.

(Абдусаидов А. Газета тили ва адабий норма (Ўқув қўлланмаси). – Самарқанд,1986. – 107 б.).

***

Бекмураду Юлдашеву в знак признательности и глубокого уважения – автор.

(Поварисов С.Ш. Поэтика художественной прозы Г.Ибрагимова (Учебное пособие). – Уфа, 1987. – 72 с.).

***

Севимли устозимиз Б.Йўлдошевга! Чуқур ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида шогирдингиз Фаррух Ҳамид. 1993.04.14.

(Эгамов В. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис (Ўқув-методик қўлланма). –Тошкент, 1988. –120 б.).

***

Дорогому Бекмурату в знак глубокого уважения признательности от автора – Алмас Ш.

Историческая и диалектная лексика тюркоязычных народов Волго-Камско-уральского региона (Учебное пособие). –Уфа,1988. – 88 с.).

***

Касбдош укамиз Бекмурод Йўлдошевга муаллифдан. 24.12.88.

(Раҳматуллаев Ш. Илмий иш олиб бориш асослари (Университет гуманитар факультетларининг студентлари учун ўқув қўлланмаси). – Тошкент,1988. – 41 б.).

***

Касбдошимиз Б. Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан Эшқобил. 04.01.89. Имзо.

(Абдиев Э. Драматик асар тилини ўрганиш (Ўқув қўлланмаси). – Самарқанд,1988. –72 б.).

***

Тилимиз донишманди, улуғ устоз Бекмуроджон Йўлдошевга чексиз эҳтиромим сифатида. Маллиф. 1999 йил 24 декабр. Имзо.

(Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлаклари типологияси (Пед. ин-тлари филол. фак. студ. учун қўлл). – Тошкент, 1988. – 212 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевичга фан оламида юксак зафарлар тилаб, муаллиф. 10 январь 1989 йил.

(Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. – Ташкент, 1989. –118 с.).

***

Мазкур ишнинг юзага келишига муҳим ҳисса қўшган талантли олим Бекмурод Йўлдошевичга энг яхши истаклар билан муаллифдан. Имзо. 26.01. 90й.

(Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили структуал синтаксисига кириш (Ўқув қўлланмаси). –Самарқанд, 1989. – 75 б.).

***

Кўп ҳурматли шогирдим, касбдошим Бекмурод Йўлдошевга энг яхши истаклар билан муаллифдан. Имзо. 10.09.89 й.

(Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил (Пед. ин-тлари филол. фак. студ. учун қўлл). – Тошкент, 1989. –157 б.).

***

Ҳурматли Б. Йўлдошевга самимият рамзи сифатида Б.Ўринбоев. 28.05.90.

(Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлил (Олий ўқув юрти филол.фак. талабалари учун). – Тошкент, 1990. –215 б.).

***

Бекмуродга ҳурмат ва эҳтиром билан муаллифдан 4.11.90.

(Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси (Пед. ин-тлари филол. фак. студ. учун қўлл). – Тошкент, 1990. –75 б.).

***

Дўстим Бекмуродга парвоз тилаб муаллиф. 11 март 1992 йил. Имзо.

(Аликулов Т. Сўз маъноларининг лексикорафик тавсифи (методик қўлланма). – Тошкент, 1990. –72 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Юлдашевга эсдалик учун муаллифдан. 21.02.1997.

(Бекбергенов А. Қарақалпоқ тилининг стилистикаси. – Нукус, 1990.–80 б.).

***

Ижодий ишларингизда юксак муваффақиятлар тилаб.

(Тожиев Ё.Т. Ўзбек тилида аффиксал синонимия (Феъл туркумидан махсус курс бўйича ўқув қўлланма). – Тошкент, 1991. –73 б.).

***

Бекмуроджон! Сизнинг барча фаолиятларингизга омад тилаб қолувчи касбдош акангиз Баҳром.

(Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент, 1991. –145 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод! Илмий-тарбиявий фаолиятингизда катта зафарлар ёр бўлсин. Муаллиф. Имзо.

(Носиров Ў. Образларда услуб жилолари. – Тошкент, 1991. –196 б.).

***

Ажойиб инсон, ҳурматли устозимиз Б.Йўлдошевга шогирдлик эҳтироми сифатида тақдим этаман. Абдували.

(Абдусаидов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари (Ўқув қўлланмаси) . – Самарқанд, 1991. –84 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга ҳимоя ишларингизга муваффақият тилаб, Сизга узоқ умр тилаб муаллиф. Тошкент, 17.04.92.

(Масъул муҳаррирлар: Каримов Э., Саримсоқов Б. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. –Тошкент, 1992. – 247 б.).

***

Қадрли укамиз Бекмуродга яхши ниятлар билан. Имзо. 7.10.92.

(Қўнғуров Р., Бегматов Э.,Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари (Олий ўқув юрти филол.фак. талабалари учун). – Тошкент, 1992. – 160 б.).

***

Kasbdosh ukamiz Bekmurod Yo‘ldoshevga avtordan esdalik uchun. 14.12.93.

(Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Тошкент, 1992. –126 б.).

***

Ҳурматли касбдошим ва Дўстимга эзгу ниятлар билан.

(Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси (Олий ўқув юрти филол.фак. талабалари учун). – Тошкент, 1992. –68 б.).

***

Дўстим Бекмуродга энг эзгу истаклар билан муаллиф. Имзо.

(Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон, 1992. – 35 б.).

***

Kasbdosh ukamiz Bekmurod Yo‘ldoshevga esdalik. 14.12.93.

(Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Олий ўқув юртлари филология талабалари учун дарслик). – Ташкент, 1992. – 399 с.).

***

Ukamiz Bekmurod Yo‘ldoshevga avtordan esdalik. 14.12.93.

(Раҳматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. – Тошкент, 1993. – 110 б.).

***

Сермаҳсул ва серқирра олим Бекмуродга.

(Жўрабоева М.А. Ўзбек тилида аффиксал омонимия (Ўқув қўлланма). – Тошкент, 1993. –85 б.).

***

Заҳматкаш олим, қадрдон дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга самимият билан муаллифдан 15.06.93.

(Шералиев Э. Ленинобод вилоятидаги ўзбек шеваларининг лексик-семантик хусусиятлари (Ўқув қўлланма). – Хўжанд, 1993. –63 б.).

***

Ukamiz Bekmurodga avtordan.14.12.93.

(Раҳматуллаев Ш.Ўзбек тилида тобе боғланишнинг турлари (Ўқув–методик қўлланма). – Тошкент, 1993. –56 б.).

***

Таниқли тилшунос олим Б.Йўлдашевга шогирдлик эҳтироми ва ҳурмати рамзи сифатида тақдим этаман. Абдували. Имзо.

(Абдусаидов А. Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи (Ўқув қўлланмаси). – Самарқанд, 1993. –112 б.).

****

Avtordan estelik. Imzo.

(Деўлетов А.Ҳозирги қарақалпоқ тили. Фонетика (Ўқув қўлланмаси). – Нукус, 1994. –252 б.).

***

Профессор Бекмурод Йўлдошевга автордан.11.09.98. Имзо.Усмонов К.

(Усмонов К.Тарихий ўзак масаласи (Олий ўқув юртлари ва мактабларнинг она тили ўқитувчилари учун қўлланма). –Тошкент,1994. – 55 б.).

***

Азиз ва муҳтарам устозим Бекмурод Йўлдошевга миннатдорлик рамзи сифатида тақдим қилдим. Имзо. 7.01.97.

(Абдусаидов А.Газета сарлавҳаси (Қўлланма). –Самарқанд,1995. –118 б.).

***

Дўстим Бекмуроджонга эзгу ниятлар ила. Муаллиф. 30.09.95.

(Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси (Журналистика ихтисослиги учун ўқцв қўлланма). –Тошкент, 1995. – 89 б.).

***

Кўп ҳурматли Бекмурод Болтаевичга миннатдор муаллифдан. Имзо.

(Элтазаров Ж.Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялари (маърузалар матни). – Самарқанд,1996. –127 б.).

***

Ўзбек тилшунослиги фани фидойиси, дўстим Йўлдошевга бир умр эсдалик учун. Муаллиф. Имзо. Х.Холмўминов.

(Нафасов Т., Холмўминов Х., Ёриев Б. Бойсун топонимикаси. – Термиз,1997. – 45 б.).

***

Ҳурматли устозим Б. Йўлдошевга! Шогирдлик туҳфам деб... 24.02.2009.

(Эназаров Т. “Ўзбекистон топонимикаси” номли махсус курсни ўқитиш методикаси (Махсус курс бўйича маъруза матнлари). –Тошкент, 1999. – 80 б.).

***

Ҳурматли укам профессор Бекмуроджонга! Самимий эсдалик учун. Имзо. 18.03.2000.

(Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Бакалавр – ўзбек филологияси ихтисослиги учун қўлланма). –Бухоро, 1999. – 227 б.).

***

Ҳурматли проф. Бекмурод Йўлдошевга! Муаллифдан. Имзо.

(Ўқинг, маъқул бўлса нечта кераклигини 3-48-43 га тел қилинг ёки М.Раҳмоновага айтиб юборинг. Салом билан Э.Қиличев.)

(Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили (Ўқув қўлланма). –Бухоро, 2000. – 36 б.).

***

Zo‘r ilmiy iste’dod sohibi, taniqli olim Bekmurod Yo‘ldoshevga. Muallifdan. 28 fevral 2002-yil.

(Hamdamov J. O‘zbek tilida ravishdosh (O‘quv qo‘llanmasi). –Samarqand, 2000. – 142 b.).

***

Забардаст тилшунос олим, ажойиб инсон Б. Йўлдошевга!
Эсдалик учун муаллифлар номидан С. Раҳимов. 11.01.

(Раҳимов С., Умуркулов Б., Эшонқулова А. (Ҳозирги ўзбек адабий тили.– Ташкент, 2001. – 340 с.).

***

Забардаст тилшунос олим Бекмурод акамларга чексиз ҳурмат билан муаллифлар 19.02.2002.

(Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Маъруза матнлари). –Термиз, 2001. – 107 б.).

***

Ташқи тақризчи дўстим, укам Бекмуроджонга. 11.04.02.

(Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро, 2002. – 113 б.).

***

Азиз ва меҳрибон Бекмурод домлага эҳтиром билан муаллиф. Имзо.

(Абдусаидов А. Матбуотда адабий нормага риоя қилиш муаммолари (Журналистлар, таҳририят ходимлари, талабалар учун қўлланма). – Самарқанд, 2001. – 56 б.).

***

Қадрдоним Бекмурод акага чуқур ҳурмат билан муаллиф. Имзо.

(Абдусаидов А. Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита (Журналистлар, таҳририят ходимлари, талабалар учун қўлланма). – Самарқанд, 2001. – 45 б.).

***

Қадрли Бекмурод акага энг яхши истаклар билан Боқижон. 21.10.2003.

(Тўхлиев Б. Алишер Навоий ижодида касб-ҳунар мадҳи (касб-ҳунар таълимида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид услубий қўлланма). – Тошкент, 2001. – 80 б.).

***

Дорогому Бекмураду Юлдашеву на добрую память. От автора.

(Малиновский Е.А. Функционирование фразеологии в творчестве С. Есенина (Учебное пособие). –Самарканд, 2002. – 73 с.).

***

Ҳурматли Б.Юлдашев. Илмда, ҳаётда доим чарчаманг. Муаллиф. Имзо.

(Туркий филологияга кириш (Ўқув-услубий қўлланма). – Қарши, 2002. – 112 б.).

***

Проф. Бекмурод Болтаевич Йўлдошевга яхши истаклар билан 25.02.03.

(Каримов С.Тил таълими ва меъер (Ўқув қўлланма). – Тошкент, 2002. – 268 б.).

***

Муҳтарам устоз, қадрдон дўст,бир кўришда мен учун минг йиллик туғишгандек бўлиб қолган, катта олим, фозил инсон Бекмурод ака Йўлдошевга муаллифдан самимий тилаклар билан Н. Раҳмон. Нукусдан эсдалик. 13 декабр 2005 йил.

(Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. – Тошкент, 2002. – 128 б.).

***

Устоз тилшунос проф. Б.Йўлдошевга юксак ҳурмат билан. Имзо.

(Менглиев Б.Ўзбек тилининг структур синтаксиси (Ўқув қўлланмаси). – Қарши, 2003. – 148 б.).

***

Бугунги ўзбек тилшунослигининг ўқимишли ва изланувчан вакили, биродаримиз Бекмурод Йўлдошевга энг яхши истаклар билан таржимон. 2003.29.03.

(Гак. В. Г. Француз тили назарий грамматикаси (Таржимон: Мирзаев И.). – Самарқанд, 2002. – 110 б.).

***

Дўстим Бекмуродга энг самимий истаклар билан А. Нурмонов. 16.09.06.

(Nurmonov A., Mahmudov N., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili (Akademik litseyning 3-bosqich talabalari uchun darslik). –Toshkent, 2003. –192 b.).

***

Йирик тилшунос олим Б.Йўлдошевга ҳурмат ила муаллифдан. Имзо.10.04.04.

(Сафаров О., Йўлдошев Б., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи (Пед. ин-тлари филол. фак. студ. учун қўлл). –Бухоро, 2003. – 284 б.).

***

Таниқли тилшунос, профессор Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат рамзи сифатида муаллиф 16.02.2004.

(Абдурахмонов А. “Туркий адабиётнинг қадимги даври” фанидан муаммоли маърузалар матни. –Самарқанд, 2004. – 138 б.).

***

Қимматли дўстим Бекмурод Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан муаллиф. 16.02.2004.

(Абдураҳмонов А. “Қадимги туркий адабиёт” фанидан муаммоли маърузалар матни. – Самарқанд, 2004. – 145 б.).

***

Устозим проф. Б. Йўлдошевга самимий ҳурмат ила 22.09.04.

(Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Ўқув қўлланмаси). – Қарши, 2004, – 170 б.).

***

Шогирдим Бекмуроджонга самимият рамзи сифатида тақдим этаман. 23.09.2004.

(Ўринбоев Б. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси (Ўқув қўлланма). – Самарқанд, 2004. – 63 б.).

***

Қадрдон устозимиз проф. Б. Йўлдошевга! Оилавий бахт ва ижодий баркамоллик тилаб... Шогирдлик эҳтироми ила Муаллиф. Имзо.

(Бобожонов Ф. Ўзбек тили (Ўқув қўлланма). –Нукус, 2004. –62 б.).

***

Бекмурод Йўлдошевга муаллифдан 15.03.06. Имзо.

(Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili (Darslik). –Toshkent, 2006. – 464 b.).

***

Энг эзгу тилаклар билан Тошалиевлар оиласидан.

(Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби (Ўқув қўлланма). –Тошкент, 2006. –246 б.).

***

Қадрли Бекмурод акага камоли эҳтиром ила Боқижон. 18.11.06. Имзо.

(Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиядова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (Ўқув қўлланма). –Тошкент, 2006. – 174 б.).

****

Илм йўлидаги устозим, қадрдон акам Бекмурод Йўлдошевга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муаллиф. 13.04.07. Имзо.

(Yo‘ldosheva M. Milliy madaniyat rivojining mashaqqatlari: O‘zbekiston milliy madaniyati: rivojlanish yo‘nalishlari va muammolari (XX asrning 20-yillari) xususida. –Toshkent, 2007. 120 b.).

***

Дўстим, маслакдошим Бекмурод акага беҳад ҳурматим рамзи сифатида Имзо. 26.10.07.

(Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Тошкент, 2007. – 185 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга чуқур ҳурмат билан Шарифа.

(Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. – Андижон, 2007. – 210 б.).

***

Азиз устозим Бекмурод акага!

Дунёдаги барч эзгу ва самимий тилаклар ва ҳамиша Сиздан миннатдорман, деб Саодатдан. 1.06.2007 й.

(Муҳамедова С. Компютер лингвистикаси (Методик қўлланма). – Тошкент, 2007. – 74 б.).

***

Қадрдон дўстим, етук олим, Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат билан Н. Раҳмон. 15.05.08. Имзо.

(Насимхон Раҳмон Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари (XIV-XV асрнинг бошлари). –Тошкент, 2007. – 320 б.).

***

Талантли тилшунос Бекмурод Йўлдошевга энг яхши тилаклар билан. Муаллиф. 20 апрель 2009 йил.

(Turniyozov N. Xorijiy mamlakatlar lingvistik nazariyalari (O‘quv-uslubiy qo‘llanma). – Samarqand, 2007. – 55 в.).

***

Қадрдон дўстим, таниқли тилшунос олим Бекмурод Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан муаллифдан. А. Қамарзода. Самарқанд, 5.04.2010.

(Қамарзода А. Гулистони адаб (Тожик мактаблари учун). –Тошкент, 2007. – 688 б.).

***

Таниқли олим, қадрдон акамиз Бекмурод акага! Сиз қилаётган хайрли ишларда Аллоҳдан мадад сўраб, Б. Ҳамидулла. 11.02.2008.

(Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари (1-китоб).– Тошкент, 2008. – 426 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга! Ҳаётда омад ва бахт тилаб! Шогирдингиз Олмосхон. 9.12.08. Имзо.

(Tursunova O. F. Inson huquqlari o‘quv kursini o’rganish bo’yicha uslubiy qo‘llanma). –Samarqand, 2008. –138 в.).

***

Дўстим Бекмуродга энг самимий истаклар билан. Имзо.

(Нурмонов. А. Лингвистик белги назарияси (Ўқув қўлланма). –Тошкент, 2008. – 47 б.).

***

Ўзбек тилшуносларининг етакчи намоёндаларидан бири, ҳассос адабиётшунос, мен учун қадрдон инсон Бекмурод Йўлдошевичга! Мустаҳкам соғлик, бунданда юксак ижодий баркамоллик, илмий жамоатчилик ва эл-юртда янада юксак иззат-обрў тилаб, Д.Тўраев. 15.11.2008.

(To‘raev D. Yangi o‘zbek adabiyoti (O‘quv qo’llanma). –Toshkent, 2008. – 190 b.).

***

Дўстимиз Бекмуродга эзгу тилаклар билан муаллиф. Имзо. 20.10.2010.

(Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати (Ўқув қўлланма). –Тошкент, 2008. – 94 б.).

***

Дўстим, маслакдошим Бекмуродга энг самимий истаклар билан. А.Нурмонов. Имзо.

(Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. –Тошкент, 2008. – 175 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод! Наврўзи олам Сизга кўплаб қувончлар келтирсин. Ҳотам Умуров. Март 2009 йил. Имзо.

(Умуров Ҳ. Сайланма (тўртинчи жилд). Олий таълим муаммолари. – Тошкент, 2009. – 228 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга самимий ҳурмат рамзи сифатида. Эҳтиром билан муаллиф. 22.04.2010. Имзо.

(Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси (“Ўзбек тили”дан ўқув қўлланма). –Тошкент, 2009. – 222 б.).

***

Дўстим Бекмуродга энг самимий истаклар билан. Имзо.

(Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo‘nalishlari.–Toshkent, 2009. – 159 b.).

***

Оллоҳ сизни янада сийласин, ҳаётингиз тинч, умрингиз фаровон бўлсин. Болаларингизга бош бўлинг. Муаллиф. О.Иномиддинова. Имзо.

(Мирзаева Н., Иномиддинова О. 80-йиллар ўзбек шеъриятида тарихий ижодкор шахс. –Тошкент, 2009. – 135 б.).

***

Муҳтарам Бекмурод ака! Қалбингиздаги юксак инсоний сифатлар зиё бўлиб умрингизни ёритсин. Узоқ умр ва ижодий парвозлар тилаб муаллиф Саодат. 29.07.2011. Имзо.

(Sultonsaidova S., Sharipova O‘. O‘zbek tili stilistikasi (O‘quv qo’llanma). – Toshkent, 2009. – 111 b.).

***

Б. Йўлдошевга! Янги тилаклари йўлдош бўлишини тилаб 1.12.2010. Б. Ўринбоев.

(Ўринбоев Б.,Ўринбоева Д. Тилшунослик назарияси (Маърузалар матни). –Самарқанд, 2010. – 252 б.).

***

Бекмурод ака энг яхши истаклар билан 24.03.2011. Имзо.

(Тўхлиев Б., Юсупова Ш., Райимбердиева З. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида юксак маънавиятли шахс тарбияси (Услубий қўлланма). – Тошкент, 2010. – 87 б.).

***

Бекмурод ака энг яхши истаклар билан 24.03.2011. Боқижон.

(Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси (Ўқув қўлланмаси). –Тошкент, 2010. – 167 б.).

***

Бекмурод акага! Имзо.

(Эназаров Т.Ж. Номшунослик масалалари (Услубий қўлланма). – Тошкент, 2010. – 110 б.).

***

Устоз Бекмурод акамга эзгу ишларида муваффақиятлар, илмий зафарлар тилаб муаллифдан. Р. Тожибоев. 13.05.2011. Имзо.

(Тожибоев Р. Фурқат абадияти (Ўқув-услубий қўлланма). –Фарғона, 2010. – 52 б.).

***

Қадрдоним, маслакдошим Бекмуродга энг самимий истаклар билан. Имзо.

(Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari (O‘quv-uslubiy qo‘llanma). –Toshkent, 2010. – 111 b.).

***

Ҳурматли устоз, филология фанлари доктори, профессор Бекмурод домла Йўлдошевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, илмий-ижодий изланишларда бардавомлик, оилавий хотиржамлик тилаб, Азаматжон Раҳимов. Имзо.

(Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi asoslari. –Toshkent, 2011. – 159 b.).

***

Самимий ҳурмат эҳтиром ила дўстим Бекмурод Йўлдошевга энг яхши эзгу тилаклар ила муаллифдан. Имзо.

(Санақулов У., Эшонқулов Ш. Ўзбек халқи ва тил тарихини ўрганишда ўтмиш манбаларнинг талқини (Ўқув-услубий қўлланма). –Самарқанд, 2013. – 196 б.).

***

Шогирдпарвар инсон, истеъдодли олим, проф. Б. Йўлдошевга ҳурмат билан. 24.03.14.

(Xydoyberdiyev A., Muhitdinova B. Adabiyot o‘qitish metodikasi fanidan mustaqil ish topshiriqlari (Uslubiy qo‘llanma). –Samarqand, 2014. – 48 b.).

***

Проф. Б. Йўлдошев домламизга катта ҳурмат билан муаллифлардан. 24.03.14.

(Xydoyberdiyev A., Boltayev M., Badriyev F. O‘zbek tili va adabiyot o‘qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish (Uslubiy qo‘llanma). – Samarqand, 2014. – 87 b.).

***

Самарқанд тилшунослик мактабининг етук намоёндаси проф. Б. Йўлдошевга миннатдорчилик рамзи сифатида муаллифлардан. 24.03.14.

(Xydoyberdiyev A., Boltayev M. Pedagogik amaliyot va uni tashkil qilish metodikasi (Uslubiy qo‘llanma). –Samarqand, 2014. – 52 b.).

***

Қомусий олим, проф. Б. Йўлдошевга шогирдингиз А. Туробовдан. 4.02.15. Имзо.

(Бегалиев Н. Б., Туробов А. М. Самарқанд топонимияси (Ўқув-услубий қўлланма).–Самарқанд, 2015. – 156 б.).

***

Зукко тилшунос, фразеология ва фразеография соҳалари дарғаси, проф. Б. Йўлдошевга энг эзгу тилакларни тилаб, муаллиф. 28.01.2016. Имзо.

(Kazakov I. Pedagogik amaliyot mas’uliyati (Uslubiy qo‘llanma). –Toshkent, 2015. – 32 b.).

***

Дорогому учителю, от ученицы Шахнозы, с большим уважением и почитанием.

(Ишниязова Ш. А., Ниязов Т.Ф., Рузикулов Ф. Ш. Узбекский культурный сценарий. –Ташкент, 2015. – 288 с.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан, Н. Улуқов. Имзо.

(Uluqov N. Turkiy filologiyaga kirish (O‘quv-uslubiy qo’llanma). – Toshkent, 2015. – 32 b.).

***

Бекмурод Йўлдошевга эзгу дуолар ила 28.07.2016 йил.

(Ёриев Б. Тил ва услуб (Сайланма). – Тошкент, 2016. – 432 б.).

РИСОЛАЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Ҳурматли укамиз Бекмуроджонга улкан ютуқлар тилаб, муаллифлардан. 10.01.1980 йил.

(Бегматов Э., Исматуллаев Н. Ўзбек имлоси.–Тошкент, 1979. – 32 б.).

***

Истеъдодли тилшунос олим, касбдошимиз ва дўстимиз Б. Йўлдошевга энг яхши тилаклар билдириб, Эшқобил. 9.07.86.

(Абдиев Э. Бадиий ижодда тил ва тасвир.–Тошкент, 1986. – 30 б.).

***

Кўп ҳурматли Бекмурод Болтаевичга энг яхши тилаклар тилаб, автор. 5.11.87.

(Мирзаев С. Серқирра талант соҳиби.–Тошкент, 1987. – 30 б.).

***

Ҳурматли Б. Йўлдошевга самимият рамзи сифатида Б.Ўринбоев. 07.09.1995.

(Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари.–Жиззах, 1992. – 54 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага мустаҳкам соғлик ва илмда омадлар тилаб, Суюн Каримов. 23.01.96.

(Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари.–Самарқанд, 1994. – 72 б.).

***

Таниқли тилшунос олим Бекмуродни Фитрат жуда қўлласин деб, муаллиф. 11.04.95.

(Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос.–Тошкент, 1995. – 60 б.).

***

Энг яхши тилаклар билан. 15.06.95.

(Қосимов У. Ёзувчининг сирлари (Абдулла Қаҳҳор сабоқлари).–Тошкент, 1995. – 64 б.).

***

Севимли укам Мулла Йўлдошевга Э. Қиличевдан. 19.11.96.

(Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия–Тошкент, 1996. – 30 б.).

***

Очиқ кўнгил инсон, филология фанлари доктори, фахримиз бўлган ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга муаллифдан. Имзо.

(Ниёзов М. Маърифат зиёси (Пахтачи тумани Халқ маорифи тараққиётидан тарихий лавҳалар). –Самарқанд, 1996. – 206 б.).

***

Ҳурматли устозим Бекмурод Йўлдошевга катта ҳурмат ила муаллиф.

(Маматов А. Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари. – Тошкент, 1997. – 26 б.).

***

Таниқли тилшунос олим, самимий инсон Б. Йўлдошевга эзгу истаклар билан тақдим этилади. Р. Воҳидов. 23.04.99 йил.

(Воҳидов Р., Маҳмудов М. Маънавият – комиллик саодати.–Тошкент, 1997. – 192 б.).

***

Инсоннинг имтиҳон дунёсидаги ўткинчи умридан яхши амалларгина ёдгор қолади. Шу саодатнинг проф. Б. Йўлдошевга муяссар бўлишини тилаб, Р. Воҳидов. 1999 йил, 24 апрель. Бухоройи Шариф.

(Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси.–Самарқанд, 1997. – 80 б.).

***

Бутун фаолиятини сўзлашиш санъатини ёшлар қалбига сингдиришга баҳшида этган Бекмурод акамга шогирдлик ва укалик меҳри ила совға этаман. Муаллиф. 1999 йил. 25.06.

(Мўминов С. Сўзлашиш санъати.–Фарғона, 1997. – 100 б.).

***

Етук тилшунос олим Бекмурод акага юксак зафарлар тилаб, ҳурмат билан Шоира.

(Аҳмедова Ш. Юмор жилолари.–Тошкент, 1998. – 50 б.).

***

Атоқли ўзбек тилшуноси, биродари киромий профессор Бекмурод Йўлдошевга Бухорода бўлган кунлар ёдгорлиги сифатида муаллифдан. 20 апрель, 1999 йил.

(Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти.–Тошкент, 1998. – 160 б.).

***

Бекмурод ака Йўлдошевга ҳавас ва ҳурмат билан Шарифа. Тошкент, 08.10.99.

(Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари.–Тошкент, 1998. – 50 б.).

***

Муҳтарам проф. Бекмуроджонга эзгу истаклар билан муаллиф. 5.05.2000.

(Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида.– Тошкент, 1999. – 88 б.).

***

Тезкор Олим Б. Йўлдошевга муаллифдан ҳурмат ва эҳтиром билан Б. Тўйчибоев. 23.02.2007.

(Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. –Тошкент, 2001. – 160 б.).

***

Муҳтарам Бек акага эзгу тилаклар билан З. Дўсимов.

(Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари.–Тошкент, 2002. – 88 б.).

***

Ҳурматли ва қадрли устозим Бекмурод акага! Энг яхши тилаклар тилаб ушбу китобни тақдим этаман. Эҳтиром ила Оллобердихон. 7.01.04.

(Оллобердихон Самариддинхон ўғли, Мамадамин Ҳусан ўғли Маърифатга бағишланган умр.–Тошкент, 2002. – 80 б.).

***

Ниҳоятда зариф тилшунос, ҳурматли устоз Бекмурод Йўлдошевга илм йўлида толмас куч, соғ-омонлик тилаб муаллиф. 10.04.04. Бухоро.

(Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати.–Бухоро, 2002. – 102 б.).

***

Устозга таъзим билан. 17.12.03.

(Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари.–Тошкент, 2002. – 80 б.).

***

Чексиз ҳурмат билан ушбу китобимни устозим Бекмурод ака Йўлдошевга тақдим этаман. Муаллиф.

(Сатторова М.Р. Оноре де Бальзак прозасининг бадиий услуби.–Самарқанд, 2003. – 60 б.).

***

Ажойиб инсон, истеъдодли олим, жонкуяр ва жонфидо тилшунос акамиз Бекмурод Йўлдошевга укангиз Хўжамуроддан. Сизга ҳурмат билан. Имзо. 2004. 25.12.

(Жабборов Х. Буюк тилшунослар. – Қарши, 2003. – 97 б.).

***

Muhtaram ustoz Bekmurod Yo‘ldoshevichga shogirdlik ehtiromi ila muallif.

(Mo‘minov S. Muloqot mezoni.–Toshkent, 2004. – 96 b.).

***

Адабиёт илмининг йирик тадқиқотчиси проф. Б. Йўлдошевга катта ҳурмат билан Гулчеҳра. 10.05.2005 йил.

(Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент, 2004. – 120 б.).

***

Таниқли профессор Бекмурод Йўлдошевга энг яхши тилаклар тилаймиз. Мирзаевлар оиласи. 29.12.2005 йил.

(Мирзаев Р. Геопотолитика нового шелкового пути. – Москва, 2004. – 304 с.).

***

Ажойиб инсон ва катта олим, камтарин ва камсуқум акахонимиз Бекмурод Йўлдошевга илмий-ижодий зафарлар, оилавий тотувлик тилаб, Раҳматулладан. 21.05.2010.

(Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти в Абдулла Авлоний ижоди. – Тошкент, 2004. – 157 б.).

***

Бекмурод ака Юлдашеву! С уважением автор.

(Мирзаев Р. Солнце путешествует по миру, чтобы рассеять тени. – Москва, 2005. – 232 с.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевич! Сизга бўлган чексиз эҳтиромим рамзи сифатида ушбу китобни тақдим этаман. Дуо саломлар билан муаллиф. 21.11.2005.

(Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент, 2005. – 208 б.).

***

Ҳурматли устоз Б. Йўлдошевга эҳтиром билан муаллифдан.

(Аҳмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. – Тошкент, 2005. – 100 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга эҳтиром ила Ш. Сафаров.

(Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – 92 б.).

***

Таниқли олим, самимий дўст, фидойи қалб соҳиби Бекмурод акага энг эзгу истаклар ила Маматқул. 30.03.07.

(Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт.– Тошкент, 2006. – 184 б.).

***

Катта тилшунос олим, мураббий ва самимий дўст, проф. Б. Йўлдошевга ҳурмат билан муаллифдан. 22.06.07.

(Салоҳий Д. Ҳуррият ҳарорати. – Тошкент, 2007. – 111 б.).

***

Ҳурматли Бекмуроджонга самимият рамзи сифатида Б. Ўринбоев. 14.12.2007.

(Ўринбоев Б. Ғазирам салоҳияти. – Самарқанд, 2007. – 90 б.).

***

Ҳурматли шогирдим Бекмуродга самимият рамзи сифатида тақдим этаман. Б. Ўринбоев. Имзо.

(Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири.– Самарқанд, 2007. – 80 б.).

***

Ҳурматли домла Б. Йўлдошевга омад ва соғлик тилаб, муаллиф. 17.05.08.

(Солижонов Й. Сўз сеҳргари.– Тошкент, 2007. – 56 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга оилавий ва ижодий ишларида омад тилаб, муаллиф. 22.04.2010.

(Абдуллаев Ҳ., Қурбонбоев И. Наср ва назмда поэтик нутқ психологизми ва полифонизми.– Нукус, 2008. – 58 б.).

***

Энг самимий тилакларим билан Бекмурод домлага таржимондан. 16.02.09.

(Ризоуддин бин Фахриддин Шогирдлик одоби (Таржимон Эшмуҳамедова М.). – Тошкент, 2008. – 56 б.).

***

Ҳурматли ва муҳтарам профессор Юлдашев Бекмурод акага буюк эҳтиром билан Фарҳод Ализода. 16.04.2009.

(Ализода Ф.Т. Сайид Ризо Ализода (Илмий-педагогик ва ижодий фаолиятига оид маълумотнома).– Самарқанд, 2008. – 32 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевичга! Энг яхши истаклар билан эсдалик учун. 23.02.2008.

(Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар, тўлдирилган иккинчи нашри). – Самарқанд, 2008. – 86 б.).

***

Қадрдон дўстим, атоқли олим Бекмурод акага омадлар тилаб, эҳтиром ила Маматқул. 04.12.09.

(Жўраев М. Наврўз байрами.– Тошкент, 2009. – 230 б.).

***

Устоз Бекмурод ака Йўлдошевга катта ҳурмат билан, муаллиф. 30.10.2009.

(Тошев Ф. Мухбирлик сабоқлари.– Тошкент, 2009. – 79 б.).

***

Устоз, олим, тилшуносликка оид тадқиқотлари билан миллий маърифатимиз юксалишига улкан ҳисса қўшаётган акамиз Бекмурод Йўлдошга фарзандлар ва шогирдлар камолини тилаб, Нурбой. 17.02.2012.

(Жабборов Н. Маърифат надир.– Тошкент, 2010. – 110 б.).

***

Ҳурматли шогирдим Бекмуродга самимият рамзи сифатида Б. Ўринбоев. 3.06.2011. Имзо.

(Ўринбоев Б. Яссавий тариқатининг ўн биринчи ҳалқаси раҳнамоси.– Самарқанд, 2011. – 52 б.).

***

Ижодкор инсон проф. Б. Йўлдошевга! 10.09.12.

(Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Худойбердиев А. Сўзнинг сеҳрли қудрати (В.Г.Белинскийнинг шеър, шеърият ва шоирлик ҳақидаги ҳикматлари). – Самарқанд, 2012. – 32 б.).

***

Катта тилшунос, дўстим Бекмурод акага беҳад ҳурматим рамзи сифатида. 17.11.12.

(Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилло сандиғи.– Тошкент, 2012. – 150 б.).

***

Муҳтарам устозга ҳурмат билан Н. Афоқова. 29.06.2012.

(Афоқова Н., Ражабзода М. Шеърият ва сабабият.– Тошкент, 2012. – 55 б.).

***

Таниқли тилшунос олим Бекмурод Йўлдошевга эсдалик учун муаллифдан. 25.03.14.

(Омонтурдиев Ж. Маърифатнома.– Тошкент, 2013. – 232 б.).

***

Мамлакатимизнинг таниқли тилшунос олими Бекмурод Йўлдошевга самимий истаклар билан муаллиф. 13.06.2016.

(Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси.– Тошкент, 2009. – 196 б.).

***

Устоз Бекмурод акага! Тилшунослигимизнинг Сиздай жонкуярига мустаҳкам соғлик, янада улкан илмий-ижодий зафарлар тилайман. Муаллиф. 12.11.2015.

(Жабборов Н. Адабиёт ва миллий маънавият.– Тошкент, 2015. – 32 б.).

***

Таниқли олим Бекмурод Йўлдошевга юксак муваффақиятлар тилаб, муаллиф. 1.05.2016.

(Санаев И. Ғубор остидаги ҳақиқатлар.– Тошкент, 2015. – 96 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга! Чексиз ва самимий эҳтиром билан муаллиф. 9.06.2016.

(Умуркулов З. Эркин Аъзамнинг сўз қўллаш маҳорати.– Тошкент, 2015. – 56 б.).

***

Таниқли ва забардаст олим Бекмурод Йўлдошевга! Энг эзгу ва самимий тилаклар ила О.Шофиев. 9.06.2016.

(Шофиев О., Абдураимова Ш. Бадиийлик жозибаси.– Термиз, 2016. – 36 б.).

***

Ўзбекистонимизнинг барча филологик илмий муҳитнинг қадрдони, жонкуяр тилшунос, профессор Бекмурод Йўлдошевга мустаҳкам соғлик, оиласига қут-барака тилаб, Д.Тўраев. 13.06.2016.

(Тўраев Д. Мумтоз ижод сабоқлари.– Тошкент, 2016. – 64 б.).

***

ЛУҒАТЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Глубокоуважаемому Бекмураду Юлдашеву от автора Л. Байрамова.

(Байрамова Л.К. Русско-татарский фразеологический словарь языка В.И.Ленина. –Казань, 1980. –232 с.).

***

Ҳамкасб дўстимиз Бекмуродга эсдалик учун. Самарқанд 26.01.1981. Қаршибойдан.

(Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1980. – 231 б.).

***

Дўстим Бекмуродга Абдухалилдан эсдалик. 25.09.85.

(Абдуллаев Э., Исаев Д., Орузбаева Б., Османова Ж., Сартбоев К., Турсунов А., Юдахин К. Қирғиз тилининг фразеологик луғати. – Фрунзе, 1980. –323 б.).

***

Бекмураду Юлдашеву в знак глубокого уважения от автора. М. Чернов. 10 октября 1986 год. Город Чебоксары.

(Чернов М.Ф. Чувашско-русский фразеологический словарь.– Чебоксары, 1982. –176 с.).

***

Энг хурматли дўстимиз Бекмуроджонга! Илмий-педагогик ишларингизда улкан парвозлар тилаб Суннатулла. 2.01.87. Имзо.

(Ризаев С., Бўронов Н. Абдулла Қаҳҳор “Синчалак” повестининг частотали луғати. –Тошкент, 1986. –170 б.).

***

Қадрли иним Бекмуродга! А. Абдураҳмоновдан. 28.05.87.

(Абдураҳмонов А. Топонимика ва этимология. – Алматы, 1975. –207 б.).

***

Келажаги порлоқ, талантли тилшунос олим Бекмурод укамизга эсдалик учун деб, Очил акангиз. 1987 йил.

(Шанский Н.М., Зимин В.И., Филиппов А.В. Опыт этимологического словаря русской фразеологии. –Москва, 1987. –238 с.).

***

Тилшунос олим, ажойиб инсон Бекмурод акамга ҳурмат ила тақдим этаман.

(Махматмурадов Ш.М. Словарь языка поэтических произведений Хамзы. –Ташкент, 1989. –127 с.).

***

Истеъдодли тилшунос укамиз Бекмуроджонга! Самимий эҳтиром рамзи сифатида. 7.11.89.

(Ризаев С.А. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (Частотный словарь и конкорданс). –Ташкент, 1989. –248 с.).

***

Бекмуроджон, Сизга соғлик ва улкан ютуқлар ёр бўлишини тилаб муаллифдан.

(Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. –Ташкент, 1991. –119 б.).

***

Касбдошим Бекмурод Юлдашевга автордан эсдалик.26.02.1997.

(Насыров Д.С., Бекбергенов А., Жеримбетов А. Русча-қарақалпоқча лингвистик терминлар луғати. –Нукус, 1992. –191 б.).

***

Bekmurodga muallifdan esdalik 23.11.1998. Samarqand.

(Йўлдошев И. Ўзбек ва турк мақоллари иборалари. –Тошкент, 1998. –192 б.).

***

Ҳурматли Б. Йўлдошевга самимият билан муаллифдан. 25.09.98.

(Ўринбоев Б. Сўфизм атамалари луғати. –Самарқанд, 1998. –130 б.).

***

Укам Бекмуродга ҳурмат билан Эрнст Бегматовдан эсдалик. 15.04.06 й.

(Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Тошкент, 2002. –47 с.).

***

Бекмуроджон! Ҳамкорлик йилларимиздан хотира сифатида Зиёдулла. 27.11.04.

(Ҳамидов З. Луғатшунослик тарихи ва қўлёзма луғатлар.–Тошкент, 2004. –36 б.).

***

Забардаст олим, устозим, акам Бекмурод акага ҳурматим ва эҳтиромим рамзи сифатида муаллифдан эсдалик. 10.01.07.

(Омонтурдиев А.Ж. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати.–Тошкент, 2006. –134 б.).

***

Ҳурматли Бекмуродга – китоблар шайдосига муаллифлардан эсдалик.

(Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати.–Наманган, 2006. –104 б.).

***

Ҳурматли устозим, проф. Б. Йўлдошев домлага ҳурмат ила муаллиф. Имзо.

(Shukurov O., Boymatova B. O‘zbek tilining ma’nodosh so’zlar o‘quv lug‘ati.–Toshkent, 2007. –54 b.).

***

Илмни ўзига Йўлдош қилиб, Бек бўлиб, Муродига етаётган укамга Т. Нафасовдан эсдалик. 14.02.09.

(Nafasov T., Nafasova V. O‘zbek tili toponimlarining o’quv izohli lug‘ati.–Toshkent, 2007. –82 b.).

***

Илмга Йўлдош бўлиб, Бек унвони ва даражасига эришиб, Муродига етаётган укамга Т. Нафасовдан эсдалик. 14.02.09.

(Nafasov T., Nafasova V. O‘zbek tili talaffuzdosh so‘zlari o’quv izohli lug‘ati.–Toshkent, 2007. –118 b.).

***

Bekmurod Yuldashevga Berdak Yusufdan esdalik. 15.05.09.

(Yusuf B. Turkcha - o‘zbekcha “Aldoqchi” so‘zlar lug‘ati.–Toshkent, 2009. – 648 b.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага энг яхши тилаклар билан. Имзо.

(Пахратдинов Қ., Бекниязов Қ. Қарақалпоқ тилидаги фразеологизмлар. –Нукус, 2012. –108 б.).

***

Бекмурод акага илмий-ижодий ишларига ривож, омад ва бахт тилаб муаллифлар номидан Д.Қуронов.

(Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.– Тошкент, 2013. –408 б.).

***

Қадрдоним, Бекмурод акага беҳад ҳурматим рамзи сифатида. Имзо 6.04.15.

(Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият (Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати).–Тошкент, 2014. –288 б.).

***

Забардаст ва таниқли олим, устоз Бекмурод акага самимият билан муаллифлардан. 23.06.15.

(Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Маърифий-ирфоний истилоҳлар изоҳли луғати. –Тошкент, 2014. – 252 б.).

***

Таниқли тилшунос олим Бекмурод акамга ҳурмат билан. Имзо 23.06.15.

(Омонтурдиев А. Чорвачиликка оид сўз ва атамаларнинг қисқача тематик эвфемик луғати.–Тошкент, 2015. – 92 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага энг яхши тилаклар билан. Имзо.

(Пахратдинов Қ. Бекбергенов Қ. Қарақалпоқ тилининг омонимлар луғати.–Нукус, 2015. – 60 б.).

***

Устозимиз Бекмурод акага катта ҳурмат билан муаллифдан. Имзо. 2015 йил.

(Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳи луғати.–Тошкент, 2015. – 44 б.).

***

ХОТИРАЛАР ВА ЭСДАЛИК КИТОБЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Дорогому Бекмураду Юлдашеву с добрыми чувствами и пожеланиями.

(Ларцев В. Евгений Дмитриевич Поливанов страницы жизни и деятельности.– Москва, 1988. – 328 с.).

***

Жонкуяр, ғайратли ва доимо меҳрибон, садоқатли Бекмурод акага эсдалик учун Шарофат Бектош қизи. 12.08.92 йил.

(Тухлиева Ш. Онажоним – нури жаҳоним. –Самарқанд, 1992. – 22 б.).

***

Қадрдон ҳамкасб дўстим, таниқли олим Бекмурод Йўлдошевга энг яхши истаклар билан тақдим этаман. Аслиддин Қамарзода. Самарқанд, 20.03.2013 йил.

(Қамарзода А. Бўстони маърифат. –Тошкент, 2012. – 424 б.).

***

Қимматли дўстим, профессор Бекмурод Йўлдошевга самимий ҳурмат билан муаллиф. 22.01.04.

(Абдураҳмонов А., Нуруллаев Х. Истиқлол ва маҳалла. –Тошкент, 2003. – 128 б.).

***

Ko‘p hurmatli Prof. Dr. B. Yo‘ldoshevga eng yaxshi tilaklarim bilan J. Eltazarov. 21.05.04.

(Элтазаров Ж. Бошни фидо айла, жисмни қил садқа... . –Самарқанд, 2004. – 40 б.).

***

Қадрдон дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан муаллифдан.

(Нашрга тайёрловчи: Розиқова Г., Мамажонов М. Эл ардоғидаги олим (Профессор Алижон Мамажоновнинг ҳаёт йўли, илмий ва педагогик фаолияти ҳақида). –Фарғона, 2006. – 48 б.).

***

Устоз, домла, иқтидорли олим ва журналист Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат билан муаллиф. 11 май, 2006 йил. Имзо.

(Ҳайитов А. Мен ўтган йўллар (Адҳам Ҳайитовнинг 55 йиллик ҳаёт йўли, ҳамкасб дўстлари ҳақида хотиралари). –Самарқанд, 2003. – 70 б.).

***

Муҳтарам проф. Бекмурод Юлдашевга эзгу тилаклар билан Ғ. Абдураҳмонов. 3.12.2005.

(Тўпловчилар: Лафасов Ў., Омонов Қ. Академик Ғанижон Абдураҳмонов (Олим ҳақида дўстлари ва шогирдларининг дил сўзлари). – Тошкент, 2005. – 63 б.).

***

Қадрдон дўстимиз, Она тилимизнинг жонкуяр билимдони Б. Йўлдошевга самимий ҳурмат рамзи сифатида тақдим этаман.

(Тўпловчилар: Шукуров Р., Дўсматов Ҳ. Илм билан безалган умр (Профессор Алижон Мамажоновнинг ҳаёт йўли ва ижодий портретига чизгилар.– Фарғона, 2006. – 64 б.).

***

Энг яхши орзу истаклар ила Бекмурод ака Йўлдошевга тақдим этилади. 13.10.2010. М. Орифий. Имзо.

(Маҳмудов Н., Орипов М. Нутқи тома, зеби жома, мақбули омма (Маърифатпарвар шоир Ориф Гулханий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган хотиралар, ғазаллар, мухаммаслар). – Самарқанд, 2006. – 95 б.).

***

Бекмуроджон! Сизни яхши кўраман. Омон бўлинг – Т. Аҳмад. 8.05.07 йил.

(Тошпўлат Аҳмад "Излаганим сенсан, Она – Бухоро!" (Тошпўлат Аҳмад таваллудининг 63 йиллиги). –Бухоро, 2007. – 140 б.).

***

Ҳурматли дўстим Бекмурод Юлдашевичга эсдалик учун эзгу тилаклар билан сизга доимо оллоҳ-таоло мададкор бўлсин деб. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М.А. Аҳмедовдан. Имзо.

(Эшқобилов Т. Устозлар меҳрига пайванд қалблар (Аҳмедов Маҳмуджон Аҳмедовичнинг ибратли ҳаёт йўли). –Самарқанд, 2008. – 132 б.).

***

Таниқли ва истеъдодли олим Бекмурод Йўлдошевга энг яхши тилаклар тилаб. Муаллиф. 8.07.2009 йил.

(Мирзаев С. Устозлар. –Тошкент, 2009. – 144 б.).

***

Устозим Бекмурод Йўлдошевга шогирдлик ҳурмати билан. 2010 йил, декабр.

(Нашрга тайёрловчи: Қодиров М.Қ. Оқаётган умр сарҳисоби (Шавкат Маҳматмуродовнинг ҳаёти, илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолияти).– Тошкент, 2010. – 239 б.).

***

Хотира учун Бекмурод Йўлдошевга! 13.10.2018 йил. М. Орифий.

(Гулханий О., Орифий О. Орифлар ҳикмати.– Самарқанд, 2010. – 68 б.).

***

Ажойиб дўстим Бекмурод Йўлдошевга энг яхши истаклар билан, Мусо Йўлдошевдан.

(Нашрга тайёрловчи: Худойбердиев А. Таниш сиймолар (Мусо Йўлдошевнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида).– Самарқанд, 2010. – 112 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод! Ижодингизга барака, қаламингизга яратувчанлик тилайман. Ҳотам Умр. 30.01.12.

(Умуров Ҳ. Меҳр боқийдир, боқий... .– Тошкент, 2011. – 248 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод! Ижодий парвозларингиз юксак ва бегубор бўлсин. Ҳотам Умр. 23.02.11.

(Умуров Ҳ. Сайланма (Бешинчи жилд) Эҳтиёж тафти.– Самарқанд, 2011. – 216 б.).

***

Бекмурод домлага олий тилаклар ила муаллиф. 25.02.2012. Имзо.

(Жумақул Карим Садоларим ва шайдоларим.– Тошкент, 2011. – 183 б.).

***

Бекмурод оғамга эзгу тилаклар билан муаллифдан.

(Қозоқбой Йўлдош Йўл одами (Азим Суюннинг инсоний ва ижодий қиёфасига чизгилар).– Тошкент, 2011. – 143 б.).

***

Устоз Бекмурод акага энг гўзал истак, ниятлар билан Ўлмас. 2011 йил, июнь.

(Нашрга тайёрловчи: Мелиев Қ. Ватанга бахшида умр. Ўлмас Маҳматмуродовнингҳаёти ва меҳнат фаолиятига чизгилар. – Тошкент, 2011. – 288 б.).

***

Иқтидорли тилшунос, истеъдодли журналист, моҳир педагог, олим, филология фанлари доктори, профессор, устоз Б. Йўлдошевга илмий ва ижодий ишларингизга муваффақиятлар тилаб, ушбу китобимни тақдим этаман. 2014 йил, 22 февраль.

(Раҳимов Ш. Шарқ наволари: илмий-оммабоп мақолалар, шарҳлар, хотиралар.– Самарқанд, 2013. – 227 б.).

***

Қадрдон дўсти Бекмуроджон акага! Эзгу орзу ниятларингизнинг амалга ошишини тилаб, эҳтиром ила Н.Низомов. 10.02.2015.

(Қамарзода А., Курталиев Э. Эътиров ва эъзоз (Физика-математика фанлари доктори, СамДУ фахрий профессори Неъмат Низомовнинг 75 йиллигига бағишланади).– Тошкент, 2015. – 228 б.).

***

Ҳурматли касбдошим Бекмуродга! Энг эзгу ниятлар билан, Мамлакат опангиздан. 10.03.2015. Имзо.

(Нашрга тайёрловчи: Маҳмудова С.И., Тошалиева С.И. Умр мазмуни (Филология фанлари номзоди, доцент Ирисали Тошалиев таваллудининг 75 йиллигига бағишланади). – Тошкент, 2015. – 270 б.).

***

Сермаҳсул, салоҳиятли олим Бекмурод домлага умр дафтарининг янада сермазмун бўлишини тилаб, муаллифдан. 30.05.2015 йил.

(Нашрга тайёрловчи: Маҳмудона С., Тошалиева С. Умр дафтари (Филология фанлари номзоди, доцент Мамлакат Жўрабоеванинг ҳаёт йўли). – Тошкент, 2016. – 276 б.).

***

Проф. Б. Йўлдошевга чексиз ҳурмат билан: А. Мамажонов.

(Тўпловчи: Абдупаттоев М. Садоқатли шогирд, шогирдпарвар устоз (Алижон Мамажоновнинг илмий-педагогик фаолияти). – Фарғона, 2016. – 126 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевич! Ушбу китобимда ҳаёт ва унинг саҳнасига келиб кетувчи беш кунлик меҳмон – Ҳазрати Инсон ҳақидаги умрим давомида кузатишларим ва хулосаларим баён этилган: Сизга соғлик, ижодий баркамоллик тилаб, Д. Тўраев. 13.06.2016 йил.

(Тўраев Д. Ҳаёт манзаралари (Хотира-эссе).– Тошкент, 2016. – 416 б.).

***

Қадрли устоз, фразеологиянинг отаси, юрувчи “энциклопедия”, буюк олим! Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, Дилбар. 15.10.2016 йил.

(Ўринбаева Д. Яқинларим юрагида яшайман (Таниқли тилшунос олим Бозорбой Ўринбоев хотирасига бағишланади). – Самарқанд, 2016. – 208 б.).

***

Менинг қадрдоним Бекмурод Йўлдошевич! Мен ҳақимдаги Сизнинг синчков ва адолатли, энг муҳими, китобхонга эътирофни уқтирувчи тавсифларингиздан миннатдор бўлиб орамиздаги адабий гурунглар яна кўп йиллар дўстона давом этишини тилаб, Д.Тўраев. 7.11.2016.

(Имомова Г., Муродов М. Илм ва ҳаёт йўллари (Профессор Дамин Тўраев замондошлар хотирасида).– Тошкент, 2016. – 196 б.).

БИБЛИОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Уважаемому коллеге Юлдашеву Бекмураду в знак признательности уважения и с пожеланиями творческих успехов, а также благополучия и радостей в канун Первомая 1978 год. Светлана Хушенова, 28 апреля, Душанбе.

(Хушенова С.В. Библиографический указатель литературы по таджикской фразеологии (с приложением библиографии по фразеологии памирских языков). – Душанбе, 1977. – 65 с.).

***

Дорогому Бекмураду Юлдашеву – талантливому исследователю узбекской фразеологии от автора. 29 марта 1980 год.

(Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Выпуск –V. – Самарканд, 1979. – 246 б.).

***

Қадрли Б. Йўлдошевга! Миннатдорчилик рамзи сифатида шогирдидан. 28.12.87.

(Абдусаидов А. Газета тилида мақоллардан фойдаланиш (Газета тилини ўрганишга доир материаллар). Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 1987. – 68 б.).

***

Истеъдодли олим, укамиз Бекмуродбойга энг яхши тилаклар тилайман. 10.08.1990 йил. Имзо.

(Тузувчилар: Холматов Ш., Мирзаев Р. Сайдулла Зиёдуллаевич Мирзаев библиографик кўрсаткич.– Самарқанд, 1990. – 40 б.).

***

Қадрли Бекмурод Йўлдошевга катта ҳурмат ва миннатдорлик ҳисси билан. 27.09.90. Имзо.

(Тузувчи: Ҳасанов И.А. Нуриддин Шукурович Шукуров библиографик кўрсаткич– Самарқанд, 1990. – 32 б.).

***

Домла! Сизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, илмий фаолиятингизда фақат зафарлар тилайман. Сизга ҳурмат билан: Салим Жабборов. 4 январь, 1995 йил.

(Тузувчилар: Холбеков М., Ҳайитов С.,Усмон П., Содиқий З., Жабборов С. Профессор Ғайбулла ас-Салом (Ғайбулла Саломов). Илмий ва ижодий фаолиятига оид маълумотнома.– Самарқанд, 1992. – 123 б.).

***

Шогирдим, таниқли тилшунос Б. Йўлдошевга! Сизга ҳам шундай кун насиб этсин. Устоздан эсдалик. Имзо.

(Тузувчилар: Каримов С., Қурбонов Т., Элтазаров Ж. Профессор Носир Абдураҳмонов 75 ёшда. – Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 2003. – 14 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевичга катта эҳтиром ила... 20.08.04. Имзо.

(Ахтам Бабаходжаев: Библиографический очерк. – Самарқанд, 2004. – 20 с.).

***

Жонкуяр тилшунос Б. Йўлдошевга ҳурмат билан. Имзо.

(Тузувчи: Имяминова Ш. Профессор Абдузуҳур Абдумажидович Абдуазизов (Биобиблиографик кўрсаткич) .– Тошкент, 2007. – 54 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод домла! Сизга камоли эҳтиром билан Ҳамдамов Ж. Имзо.

Тузувчи: Ҳамдамов Ж. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида ўзбек тилшунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ва ахборотларнинг библиографик кўрсаткичи (1958-2007 йиллар). – Самарқанд, 2008. – 170 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга чексиз самимий эҳтиром билан, Носиржон. Имзо.

(Бегматов Э.А., Улуқов Н.М. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (XIX аср охиридан – 2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). – Самарқанд, 2008. – 167 б.).

***

Таниқли тилшунос олим, дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга! Самимият билан: Носиржон Охуновдан 20.06.2015 йил.

(Тузувчилар: Пўлатов И., Низомиддинова Д. Носиржон Охунов биобиблиография.– Қўқон, 2014. – 94 б.).

***

Б. Йўлдошевга!

(Тузувчи: Улуқов Н. Бегматов Эрнст Азимович. Биобиблиография. – Тошкент, 2016. – 128 б.).

НАСРИЙ АСАРЛАР, ТЎПЛАМЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Устозим, фидоий олим Бекмурод акага ҳурмат ила муаллиф. 01.06.95.

(Тошев Ф. Онанг тирик, болам! – Самарқанд, 1995. – 30 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг катта билимдони, тожикистонлик тилшуносларнинг ардоқли дўсти, муҳтарам касбдошимиз, домла Бекмуродга Муаллифдан. 7.05.1997.

(Бердиалиев А. Сўздаги сеҳр. – Тошкент, 1996. – 33 б.).

***

Устоз Б. Йўлдошевга! Шогирдлик эҳтироми билан Саодатдан эсдалик. 3.03.04.

(Фахруддин А. С. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). –Тошкент, 2003. – 536 б.).

***

Узоқ йиллик қадрдон дўст таниқли тилшунос олим Бекмурод Йўлдошевичга! Бирга ишлаган йиллардан эсдалик учун энг яхши истаклар билан муаллифдан. 24.10.05. Имзо.

(Муқимов З. Шайбонийлар давлат ва ҳуқуқи (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). –Тошкент, 2005. – 124 б.).

***

Қадрли устоз Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат ила, Шодмон.

(Шодмон Сулаймон Туғилган кун (Адабий-бадиий нашр). – Тошкент, 2006. – 86 б.).

***

Устоз Бекмурод акага ҳурмат билан, муаллиф.

(Тошев Ф. Ўзимдек яшашни истайман (Талаба қизлар билан дилдан суҳбатлар).– Тошкент, 2006. – 48 б.).

***

Устозим Бекмурод домлага энг яхши ниятлар билан, муаллиф. 2006.11.06.

(Тошев Ф. Отамнинг сабоқлари (эссе, ҳикоя, драма). – Тошкент, 2006. – 96 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акамизга! Энг яхши тилаклар билан Б. Матбобоев. 18.05.07.

(Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари.– Тошкент, 2006. – 66 б.).

***

Адабиётимизнинг ва тилшунослигимизнинг забардаст, зукко тадқиқотчиси, профессор Бекмурод Йўлдошевга чуқур ва самимий эҳтиром, миннатдорлик билан. Э.Самандар. 31.03.2015. Имзо.

(Эркин Самандар Султон Жалолиддин (Тарихий роман). Биринчи китоб. – Тошкент, 2007. – 286 б.).

***

Самарқанд шаҳри Йўлдошев Бекмуродга эсдалик. Ҳ. Муҳаммад. Имзо.

(Ҳайдар Муҳаммад Амир Темурнинг туғилиши. Эртак-пьесалар.– Тошкент, 2008. – 288 б.).

***

Қалби тоза устозим Б. Йўлдошевга соғлик тилайман. Муаллиф. 12.06.2009. Имзо.

(Бўриев С. Қалб сири. Роман ва ҳикоялар. – Тошкент, 2009. – 312 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдашевга илмдаги фидойлиги ва одам сифатидаги олижаноблигига ҳаваслар билан. Имзо.22.05.10.

(Жабборов Н. Зубдату-т-таворих (Тарихлар сараси).– Тошкент, 2009. – 238 б.).

***

Устоз Бекмурод ака Йўлдошевга ҳурмат билан, муаллиф. 2009.30.10. Имзо.

(Тошев Ф. Мен англаган ҳақиқат.– Тошкент, 2009. – 80 б.).

***

Муҳтарам устози калон Бекмурод оғага ҳурмат билан Н. Раҳмон. 27.03.2012 йил. Самимий дўстлигимиз рамзи сифатида.

(Раҳмон. Н. Олтун ёруғ. 1-китоб.– Тошкент, 2009. – 248 б.).

***

Hurmatli ustoz, B. Yo‘ldoshevga ikki dunyo saodatini tilab… mutarjimdan. Imzo.

(Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва Усмонли шеърияти (Таржимонлар: Ҳасан Н., Рўзмонова Р.У.).– Тошкент, 2011. – 256 б.).

***

Ажойиб инсон, зукко олим Бекмурод акамизга энг сара тилаклар ила, муаллиф. 2016 йилнинг 20 апрели. Нукус шаҳри.

(Салаев Ф. Қайтинг, булбуллар (қисса ва ҳикоялар). – Тошкент, 2011. – 112 б.).

***

Устоз Бекмурод акага ҳурмат билан, муаллиф. 24.01.2012. Имзо.

(Тошев Ф. Сўз айтмоқ – саодат (Публицистика). – Тошкент, 2011. – 96 б.).

***

Самарқанд илмшуносларининг пешқадам вакили, қадрдон дўстим Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат ва эҳтиром билан Н. Раҳмон. 28.02.2014.

(Раҳмон. Н. Олтун ёруғ. 2-китоб.– Тошкент, 2013. – 328 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака! Баракали ҳаёт, самарали фаолият, таниженингизга саломатлик тилаб, муаллиф. 20.02.2015 йил.

(Пардаев М. Ҳикмат ахтарганга ҳикматдир дунё.– Тошкент, 2014. – 155 б.).

***

Ҳурмат ва эҳтиром билан адабиётшунос олим Бекмурод акага муаллифдан эсдалик! 2015 йил, 14 апрель.

(Шомуродов Т. Осмон қулаган кун (Ҳикоялар, ҳажвиялар, таржималар). – Тошкент, 2015. – 80 б.).

ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Дорогому Б. Юлдашеву! С уважением А. Бабахаджаев. 24.06.76.

(Вопросы ономастики. III. Новая версия, выпуск № 284. – Самарканд, 1976. – 170 с.).

***

Касбдош дўстим Бекмурод Юлдашевга Т. Нафасовдан эсдалик. 1985. 16.01.

(Ўзбек тилшунослиги масалалари (167-том).– Тошкент, 1976. – 83 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод акага ижодий фаолиятларида улкан ютуқлар тилаб, эҳтиром билан Салоҳиддин Ҳайитов. 14.03.1978.

(Таржима назарияси масалалари. Илмий ишлар тўплами №540. – Тошкент, 1979. – 94 б.).

***

Ҳамкасбимиз ва дўстимиз Бекмурод Йўлдошевга эсдалик сифатида Абдумажид Ражабовдан. Тошкент, 1978 йил, 26 декабрь.

(Ўзбек тилининг баъзи актуал масалалари. Илмий ишлар тўплами (188-том). – Тошкент, 1977. – 107 б.).

***

Дўстим Бекмуроджонга илм-фанда юксак парвозлар тилаб авторлардан бири Ғуломжон Хўжаев. 20.05.81.

(Таржима назарияси масалалари. Илмий ишлар тўплами №606. – Тошкент, 1979. – 99 б.).

***

Ҳурматли Бекмуродга эсдалик учун Р.Расуловдан. 12.06.82.

(Лексика, стилистика ва нутқ маданияти масалалари. Илмий асарлар тўплами.– Самарканд, 1980. – 108 б.).

***

Ажойиб инсон, сермаҳсул олим Бекмуроджонга! Катта ҳурмат ва эҳтиром ила Ирисалидан. 30.03.85.

Ўзбек тили стилистикасининг актуал масалалари. Илмий ишлар тўплами № 711.– Тошкент, 1983. – 84 б.).

***

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан Бекмуродга Абдухалилдан эсдалик. 20.09.85.

(III Научные чтения, посвященные памяти академиков И.А. Батманова, К.К.Юдахина, Б.М.Юнусалиева. Тезисы докладов и сообщений, 19-20 сентября 1985 г. – Ош, 1985. – 158 с.).

***

Ҳурматли устозимга эзгу ниятлар тилаб шогирдингиз Йўлдош Иброҳимов. Имзо.

(Проблемы диалектологии и лингвогеографии тюркских языков.– Уфа, 1986. – 166 с.).

***

Дорогому Юлдашеву Б. с наилучшими пожеланиями. 9.10.1987 год.

(Фразеология и контекст. Сборник научник статей.– Самарканд, 1987. – 150 с.).

***

Ҳурматли дўстимиз ва ажойиб ҳамкасбимиз Бекмурод Йўлдошевга чуқур самимият ва эзгу ниятлар билан, И. Тошалиев. 24.04.88.

(Ўзбек тили стилистикасидан тадқиқотлар. Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1987. – 91 б.).

***

Зўр истеъдодли олим Бекмурод Йўлдошевга яқин орада докторлик даражасини олишда тангри мададкор бўлишини тилаб, Н. Шукуров. 1993 йил 21 январь.

(Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. Адабий-танқидий мақолалар.– Самарқанд, 1992. – 216 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевич! Сизга ижодий камолот ва соғлик тилаб қолувчи дўстингиз Салоҳиддин Турсун ўғли. 24.06.95.

(Туркий тиллар тараққиёти муаммолари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 1994 йил, 25-26 октябрь).– Тошкент, 1995. – 150 б.).

***

Истеъдодли олим Б. Йўлдошевга самимият билан Зикриллаев. Имзо. Самарқанд 1999 йил 26 май.

(Истиқлол ва она тили қурилиши талқини ҳамда таълими (тўплам).– Бухоро, 1998. –112 б.).

***

Етук филолог олим Бекмурод акамизга Навоий бобомизнинг руҳлари ёр бўлсин. Муаллифлардан Х. Холмўминов. 19.02.2002.

(Навоийга армуғон (Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами).– Термиз, 2001. – 44 б.).

***

Бекмурод Юлдашеву с искренними уважением. Автор.

(Обдуллаев А.Р. Теорические проблемы языкознания. Статьи по актуальным вопросам фразеологии.– Ургенч, 2001. – 58 с.).

***

Йирик тилшунос олим, қадрли домламга миннатдорлик рамзи сифатида таъзим билан муаллиф.

(Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби (“Матбуот тили маданиятининг лисоний муаммолари” номли илмий-тадқиқот иши материаллари).– Самарқанд, 2001. –192 б.).

***

Қадрли маслаҳатгўй акам Бекмурод домлага миннатдор шогирдидан эсдалик.

(Абдусаидов А. Матбуот тили маданияти (илмий, илмий-оммабоп мақолалар, тақризлар тўплами).– Самарқанд, 2002. – 96 б.).

***

Бекмурад Юлдашеву с пожеланиями добра и благополучия. Автор.

(Обдуллаев А.Р. Теоретические проблемы языкознания. Статьи по актуальным вопросам фразеологии. Часть IV.– Ургенч, 2003. – 46 с.).

***

Муҳтарам устозимиз Б. Йўлдошев домлага шогирдларидан. 15.05.2006.

(Филологик тадқиқотлар (1-жилд).– Тошкент, 2006. – 110 б.).

***

Катта олим, моҳир педагог-устоз дўстимиз Б. Йўлдошевга ҳурмат рамзи сифатида проф. Р. Орзибековдан.

(Орзибеков Р. Адабий меросимиз сеҳри (Илмий, илмий-оммабоп мақолалар).– Самарқанд, 2006. – 344 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод Йўлдошевга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб.

(Тилшуносликнинг долзарб муаммолари. (Илмий мақолалар тўплами). IV. – Тошкент, 2008. – 216 б.).

***

Азиз устозимиз Бекмурод ака Йўлдошевга.

(Тилнинг лексик-семантик тизими ва қиёсий-типологик изланишлар: синхрония, диахрония. (Республика илмий-назарий анжуман материаллар тўплами). – Бухоро, 2009. – 307 б.).

***

Азиз ва қадрли дўстимиз, таниқли олим проф. Бекмурод Йўлдошев! Сизга, муборак хонадонингиз аҳлига соғлик-саломатлик, хотиржамлик, бахту иқбол ёр бўлишини тилаб, дуои саломлар ила муаллиф. 6.12.2013. Имзо.

(Муҳиддинов М. Навобахш ҳикматлар. (Адабий-танқидий, услубий мақолалар, тадқиқотлар). – Самарқанд, 2013. – 160 б.).

***

Б. Йўлдошевга.

(Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар (Таниқли олим, филология фанлари номзоди, профессор Худойберган Жўраевнинг 80 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент, 2014. – 276 б.).

***

Профессор Бекмурод Йўлдошевга миннатдорлик билан муаллиф проф. М. Холбеков. 18.10.2014 йил.

(Холбеков М.Н. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Мақолалар тўплами.– Тошкент, 2014. – 104 б.).

***

Таниқли филолог олим, профессор Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат билан муаллиф.12.01.2016 йил.

(Холбеков М.Н. Марло ва Шекспир. Тадқиқотлар, мақолалар, тақризлар. – Тошкент, 2015. – 340 б.).

***

ШЕЪРИЙ ТЎПЛАМЛАРДАГИ ДАСТХАТЛАР

Донгдор ва номдор олим, азиз дўстим Бекмуроджонга чин ихлос ва оташин меҳр ила муаллифдан. 8.04.2000 й.

(Тошпўлат Аҳмад Бухоронома. Шеърлар, балладалар, достонлар, таржималар.– Тошкент, 1997. – 302 б.).

***

Устоз Бекмурод акага! 2003.08.10.

(Тошев Ф. Мен ёмғирли кунда келаман.– Самарқанд, 1998. – 31 б.).

***

Азиз дўстим ва ҳамкасбим, ҳамфикр ва ҳамкор биродарим, истеъдодли оли Бекмурод акага улкан ижодий ютуқлар тилаб, Маматқул. 8.10.99.

(Нашрга тайёрловчилар: Жўраев М., Исмонова О. Қизил гулнинг ғунчаси. (келин салом).– Тошкент, 1999. – 97 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга улуғ аждодларимиз руҳи ёр бўлишини тилаб: Эргаш. 2006 йил, 25 март.

(Ишқ дафтари. Рубоийлар (Форс тилидан Очилов Э. таржимаси). – Тошкент, 2000. – 96 б.).

***

Қадрли Бекмурод акага улкан ижодий зафарлар, соғлик ва омадлар тилаб, ҳурмат билан Маматқул. 19.01.2002.

(Нашрга тайёрловчилар: Жўраев М., Шомусаров Ш. Улуғ ой умидлари.(“Ё рамазон” қўшиқлари). – Тошкент, 2001. – 93 б.).

***

Сўз заҳматкаши, илму-маърифат эгаси Бекмурод ака! Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин.! Хосият.9.07.2006 йил.

(Бобомуродова Х. Жонимнинг эгаси. Шеърлар ва драма.– Самарқанд, 2001. – 192 б.).

***

Таниқли тилшунос олим Бекмурод Йўлдошевга камоли эҳтиром билан муаллифдан. 31.03.2001.

(Нашрга тайёрловчи: Сафаров О. Изларингдан айланай. (Ғазаллар, мухаммаслар, таржеъбанд ва рубоийлар) – Тошкент, 2001. – 44 б.).

***

Устозим Бекмурод акага энг эзгу тилаклар билан шогирди Эшқобилдан. 14.10.2002 йил.

(Эшқобил Вали Минг иккинчи кеча. (Шеърлар). – Самарқанд, 2001. – 54 б.).

***

Катта олим, зукко инсон, меҳрибон дўст Бекмурод Йўлдошевга Эони Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари руҳи поклари ҳамиша мададкор бўлсин. Иншооллоҳ! Ҳурмат билан Иноятуллоҳ Ҳожи Субҳонқул ўғли. 12.02.2015.

(Нашрга тайёрловчи: Сувонқулов И. Кўзунг ибрат била оч. – Самарқанд, 2002. – 60 б.).

***

Улуғ тилшунос олим Бекмурод оғага ҳурмат билан муаллиф. 21.10.05.

(Нурулло Остон Осмон тўла фаришта (болалар ва катталар учун шеърлар ва эртаклар). – Самарқанд, 2004. – 267 б.).

***

Бекмуроджон! Сизга илмда янги равнақ тилайман. Раҳим Соли. 14.01.06.

(Раҳим Соли Боғдонли Янги тонг ишқи. Шеърлар.– Тошкент, 2004. – 148 б.).

***

Уйингизда тўй бўлсин! Остонангизни омад тарк этмасин! Хосият.

(Бобомуродова Х. Тўйлар муборак. Шеърлар.– Самарқанд, 2005. – 64 б.).

Устозимиз Бекмурод Йўлдошевга илмий-ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатлик тилайман. Дилором Каримова. 5.07.2006.

(Нашрга тайёрловчи: Каримова Д. Имло Бухорийнинг назмий гулдастаси. (Улуғ шоирнинг форсий ғазал ва рубоийларидан намуналар). – Тошкент, 2005. – 133 б.).

***

Ёш олим заҳматкаш,
Закий тилшунос.
Афоризм устаси
Бекмурод Йўлдош.
Оғринмас, фанда гар
Хизматлар буюк,
Унвонлар топилгай
Омон бўлса бош.
Устоз, Сизга оллоҳ ёр бўлсин деб Ориф Ҳожи.
Самарқанд 2007 йил, 9 июнь.

(Ориф Ҳожи Самарқанд сайқали. Шеърлар. – Тошкент, 2007. – 96 б.).

***

Бекмурод акага! Самимият юзасидан... муаллиф. 26.10.07. Имзо.

(Пиримқулов А. Навоийни севган нозанин. – Тошкент, 2007. – 48 б.).

***

Бекмурод акамга йўлдошлигимдан қувонаман. Муаллиф. Имзо. 09.09.09.

(Сиддиқ Мўмин Шеър қайнайди қалб булоғида... – Тошкент, 2008. – 64 б.).

***

СамДУ профессори ажойиб инсон Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат билан Олқор Дамин. 02.03.2009.

(Олқор Дамин Қирқ мухаммас.– Тошкент, 2008. – 52 б.).

***

Ҳурматли олимимиз Бекмурод ака Йўлдошевга ўзбек адабиёти тарғиботи йўлида толмажаксиз! Салим Ашур. 2 июнь, 2008 йил.

(Салим Ашур Она тилим. Шеърлар. – Тошкент, 2008. – 80 б.).

***

Устозим, салоҳиятли олим Бекмурод акага муаллифдан. Имзо. 2009.23.04.

(Тошев Ф. Бедаво кўнгил (Шеърлар, ғазаллар) .– Тошкент, 2009. – 40 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат билан Эргаш. 2010 йил, 17 сентябрь.

(Минг бир рубоий (форс-тожик тилидан Очилов Э. таржимаси). – Тошкент, 2009. – 244 б.).

***

Устозим Бекмурод акага! Сизга ҳамиша соғлик-саломатлик ва саодатли кунлар ёр бўлсин. Зуҳро. Имзо. 07.06.2011.

(Эшонқулова З. Севгимга битилган номалар. Шеърлар ва ғазаллар. – Самарқанд, 2009. – 64 б.).

***

Таниқли адабиётшунос олим, ҳурматли устоз Бекмурод Йўлдошевга самимий эҳтиромим рамзи сифатида тақдим этаман! 5.10.2011 йил. Самарқанд шаҳри. Имзо.

(Синдаров К. Қалбим қўшиғи. Биринчи жилд.(Икки жилдлик). – Тошкент, 2010. – 424 б.).

***

Устозим, фидойи олим Бекмурод акага ҳурмат билан, муаллиф. Имзо.

(Тошев Ф. Соғинч (Девон). – Тошкент, 2011. – 192 б.).

***

Буважоним Бекмурод Йўлдошевга ҳурмат ва самимият ила, муаллиф. О.Й.19.12.2011.

(Ойдиннисо Ҳовур (Шеърлар).– Тошкент, 2011. – 104 б.).

***

Устоз Бекмурод акага ҳурмат билан, муаллиф.

Аёллар нима дейди? (Ҳажвий шеърлар, пародиялар). – Тошкент, 2012. – 64 б.).

***

Ўзбек тилшунослигининг Самарқанд мактаби дарғаларидан бири Бекмурод домлага муаллифдан.Имзо. 10.11.2012.

(Ҳамроев Ф. Дунёнинг исми (Шеърлар). – Тошкент, 2012. –156 б.).

***

Ҳурмат билан Бекмурод акага соғлик-саломатлик тилайман. Зуҳро. Имзо. 23.05.2012.

(Эшонқулова З.Кўклам нафаси (Шеърлар). – Тошкент, 2012. – 40 б.).

***

Таниқли олим Бекмурод Йўлдошевга Ҳамиша соғ бўлинг, ижодингиз равнақ топсин. Муаллиф: Имзо. 8.10.2013.

(Ҳақбердиев Т. Шарқу ғарб оҳанглари (Танланган асарлар, шеърлар, тиббий ҳикоятлар). – Тошкент, 2013. – 276 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака сизга соғлик, омонлик тилаб, ҳурмат билан Намоз Ҳамроев. Имзо. 2013 йил. 11.11.

(Ҳамроев Н. Умрнома. – Тошкент, 2013. – 122 б.).

***

Ҳурматли Бекмурод ака сизга оилангизга соғлик ва бахт тилаб ҳурмат билан Намоз Ҳамроев. 2013.18.10.

(Ҳамроев Н. Меҳрим. – Тошкент, 2013. – 108 б.).

***

Ҳурматли домламиз Бекмурод Йўлдошевга янада юксак саодатлар тилаб қоламан. 2014.03.09.

(Ғайбиддин Фазлий Ой ердан юз ўгирмас (Девон).– Тошкент, 2014. – 204 б.).

***

Бекмуроджон! Илмий соҳада ва оилада ҳамиша бахт ва чидам йўлдош бўлишига тилакдошман. Имзо. 30.08.2014.

(Абдураҳим Соли ўғли Боғдонли Сени соғиндим (Шеърлар). – Тошкент, 2014. – 104 б.).

***

Ҳурмат билан таниқли тилшунос олим Б. Йўлдошевга! Доимий қувонч ва омадлар тилаб, муаллиф. Имзо. 9.01.2015 йил.

(Сувонова Ж. Тупроқ иси (Шеърлар). – Тошкент, 2014. – 176 б.).

***

Устоз Бекмурод Йўлдошевга! Мен тан берган, тан олган, бир умр ҳавас қилган олим, инсон сифатида Сизга таъзим қиламан. Муаллиф. 14.11.2015.

(Ҳамроев Ф. Онамнинг уйи (Шеърлар). – Тошкент, 2015. – 64 б.).

***

Бекмурод акамга. Имзо. 23.06.15.

(Омонтурдиев А. Умрим баҳори.– Тошкент, 2015. – 56 б.).

***

Ҳурмат билан устоз Бекмурод Юлдашевга соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва боқий умр тилаб, Зуҳро: Имзо. 4.09.2015 йил.

(Эшонқулова З. Кўнгил фасли (Шеърлар). – Тошкент, 2015. – 80 б.).

***

Ҳурмат билан Бекмурод Юлдашевга! Сизга соғлик-саломатлик ва боқий умр тилайман. Зуҳра Бегим. Имзо. 02.11.2016 йил.

(Зуҳра Бегим Юрагимга айланган Ватан (Шеърлар, достонлар, масал, баллада). – Тошкент, 2016. – 200 б.).




Ustoz Bekmurod Yo'ldoshevning fotosuratlarda muhrlangan umr lahzalari






ARMANI JEANS
Robust


ARMANI JEANS









OLIMNING OILA A’ZOLARI











OLIMNING HAMKASBLARI BILAN XOTIRALARI






NOAN' ANAVIY DARS NAMUNASI
MONOLOGIK
DIALYEKTIK
TEKSHIRISH
KO`RGAZMALI
EVRISTIK
ALGORITMIK
REJALASHTIRILGAN
MUAMMOLI DARS
DARS JARAYONIDA QO`LLANILADIGAN USLUBLAR
BAJARUVCHILIK
REPRODUKTIV
BO`LAKLAR IZLASH
ANALIY










USTOZ BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING PORTRETLARI XOTIRA — ABADIY. ZERO, HAR BIR SHOGIRD QALBIDA USTOZNING BIR ZARRASI YASHAYDI.

SHAXSIY KUNDALIKKA YASHIRINGAN XOTIRALAR



Бисмиллоҳи раҳмони раҳим!

Бугун Жиззахдан Абдужаббор Усмонов деган домла билан Тошкентга бордик. Мен ОАКка кириб, докторлик дипломимни олдим, ишқилиб бу диплом узоқ йиллар яхши ишлар учун хизмат қилсин! Шу куни Нуриддин Бегалиевнинг номзодлик дипломини ҳам ОАКдан олдим. Кечқурун Тошкентда проф. Низомиддин Маҳмудовнинг тўйига бордик.

13 июндан - 12 июлга қадар Жиззах Давлат педагогика институтида Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатдим, бу иш ҳам менга ҳар жиҳатдан сабоқ бўлди, чунки мен тенгдош, сафдош, касбдошларим Баҳодир Файзуллаев, Салоҳиддин Турсунов, Мардонқул Турсунпўлатовлар билан бирга ишладим, уларнинг ички ва ташқи дунёсини ҳам яхшироқ билиб олдим.

12.07. 1995.

4 август кеч соат 18:00. Мен қўшнимиз Ғайбулла аканинг невараси тўйига жўнаётган эдим. Уйдан Шуҳрат нохуш хабар олиб келди – отам, падари бузрукворим оламдан ўтибди. Тўй татийдими? Дарров микроавтобусдан тушиб, уйга келдим, кечаси қишлоққа кетдик. Отам!... Одам бир кишини йўқотса, унинг қадри кўпроқ билинар экан.

5 август куни отамни дафн этдик. Одам жуда кўп келди. Мен 10 августгача қишлоқда қолиб кетдим. Марҳум отамнинг ҳурматини жойига қўйдим.

17 август куни эрталаб уйда билдириш маросимини ўтказдик. Одам жуда кўп келди. Шунда билинар экан, одамларнинг бир-бирига иззат-ҳурмати.

12 сентябрь куни ректор ўринбосари проф. М. Нушаров мени профессорлик лавозимига ўтказишга рози бўлди.

17 сентябрь куни кафедра йиғилишида мени профессорлик лавозимига ўтказиш масаласи кўрилди.

21 сентябрь куни ихтисослаштирилган кенгаш йиғилиши бўлди, Ленинободлик Ш. Мирзақулов ва Шавкат Ҳасановлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Шу йиғилишдан кейин Самарқанддаги ЎзФА бўлими ҳузуридаги адабиётшунослик ва тилшунослик бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

21 октябрдан 30 октябрга қадар Гўзалкентдаги “Мустақиллик” жамоа хўжалигида пахтада бўлдим. Пахта йиғим-терими мавсуми яхши ташкил этилмагани учун анча азоб чекишга тўғри келди.

13 ноябрь куни талабалар пахтадан қайтишди. Шу куни қор ҳам ёғди.

20 ноябрь куни дарс бошланди. Шу куни 5-курсларга дарс ўтдим.

28 ноябрь куни Самарқанд Чет Тиллар Институтининг умумий ва амалий тилшунослик кафедрасида 0,5 штатда ишлашга рози бўлдим, ҳужжатлар расмийлаштирилди.

13 декабрь Тилшунослик тўгарагида “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” деган мавзуда чиқиш қилдим. Кечқурун СамДУ талабаларининг ётоқхонасида навбатчи эдим. Шу пайтда хоналарни айланиб чиқдик.

14 декабрь СамДУ чет эл адабиёти кафедрасида тадқиқотчи Дилбар Бобоеванинг “Садриддин Айний ва ҳозирги давр француз адабиёти” мавзусида номзодлик диссертациясининг муҳокамасида расмий тақризчи сифатида иштирок этдим. Бу иш тожик тилида ёзилган эди.

20 декабрь кафедра йиғилишида аспирант, тадқиқотчи ва докторантларнинг аттестацияси бўлди. Жумладан, Зафар Пардаевнинг аспирантлик муддати тугаган эди, унинг ҳисоботи яхши ўтди ва унга 15 февраль 1996 йилгача диссертацияни кафедра йиғилиши муҳокамасига тақдим этиш вазифаси топширилди.

22 декабрь СамДУ бошланғич таълим методикаси кафедрасининг тадқиқотчиси Равшан Мансуровнинг “Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтактик деривацияси” (нопредикатив ва предикативли бирикмалар асосида) номли номзодлик иши муҳокамасида тақризчи ва йиғилиш раиси сифатида иштирок этдим. Кечқурун Исмат Санаев билан бирга Муҳаммад Холбековларникига бориб, номзодлик имтиҳони билан боғлиқ ишларни гаплашдик.

23 декабрь проф. Ваҳоб Эгамовнинг 70 йиллик юбилейи тантаналарида иштирок этдим.

27 декабрь бош корпусда соат 14:00да И. Каримов асари бўйича анжуман бўлди. Проф. К.Саидов маърузаси маъқул бўлди. Шу куни соат 16:00да миллий таомлар ошхонасида журналистика бўлими талабаларининг янги тилга бағишланган кечасига иштирок этдим. Бўлим бошлиғи проф. Исроил Мирзаевнинг ташкилотчилигига тасаннолар ўқиймиз. Нима бўлса ҳам янги бўлим, мансаб пиллапоясига интилиш соҳасидаги яхши тадбир.

28 декабрь Филологик марказ илмий кенгаши бўлди. 1995 йил илмий ишлар ҳисоботи, 1996 йил илмий ишлар режасини тасдиқлаш, аспирантлар аттестацияси бўйича проф. М.Холбеков ҳисоботи; кенгаш проф А. Пардаев, доц. Т. Қурбонов, проф.С.Каримов музокаралари билан давом этди. Шу куни кечқурун 17:30да кечки VI курс талабаларига “Умумий тилшунослик” фанидан дарс ўтдим.

29 декабрь бўлажак илмий анжуманга “Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари”га тайёргарлик кўрдим, кечқурун VI курсларга дарс ўтдим.

30 декабрь Эски йил тугаяпти, янги йил арафасида ўтган йилдаги ишларни бир сарҳисоб қилсак:

1) Кафедра профессори сифатида контрактдан ўтдим 17.11.95;

2) Бир неча илмий мақолалар нашр этилди;

3) “Зарафшон”(27.04.95) ва “Пахтачи”(20.08.95) да “Орзунинг ойдин йўли” номли мақолада менинг фаолиятим кенг ёритилди;

4) Ўғлим Баҳодир Йўлдошев 10.01.05. - ихтисослиги бўйича кундузги бўлим аспирантурасига қабул қилинди;

5) 13.06.95.-12.07.95. давомида Жиззах Давлат педагогика институтида ДАК раиси сифатида сафарда бўлдим;

6) Ўғлим Шуҳрат Йўлдошев инглиз филологияси факультетининг 1-курс талабаси бўлди;

7) Сурайё келин СамДУ тарих факультетининг сиртқи бўлимини муваффақиятли тугатди;

8) Падари бузрукворимиз 4.08.95 да 86 ёшда оламдан ўтди.

<u>Амалга ошмай қолган ишлар:</u>

1) 1995 йилда бирон та китоб, ўқув қўлланмаси ёки монография эълон қилинмади;

2) Ўғлим Ботир Йўлдошев тарих факультетини битира олмай қолди;

3) Уйни таъмирлаш, деворни тартибга келтириш бўйича бирон иш қилинмади.

<u>Янги йилдаги асосий режалар:</u>

1) ”Ўзбек фразеологияси тарихидан” ўқув қўлланмаси нашр қилиниши керак;

2) “Ҳозирги ўзбек тилида фразеологизмларнинг функционал услубий хусусиятлари” монографияси нашр қилиниши керак;

3) “Б. Йўлдошев - 50 ёшда” библиографик очерк чиқиши керак;

4) Ботир тарих факультетини битириши керак, уйланиши керак.

1996 йил.

Янги йил яхши бошланди. СамДЧТИда ҳам яхши фаолият кўрсатдим, қарийб 400 соат дарс ўтдим. “Тилшуносликка кириш” фанидан талабалар реферат ёздилар, илмий анжуманда маърузалар қилдилар. Проф Б.Ўринбоев (библиографик кўрсаткич) асари (60 б.) босмадан чиқди. Мен бу ишга масъул муҳаррир эдим. “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” номли 84 бетдан иборат мақолалар тўплами чиқди, бунга ҳам масъул муҳаррирлик қилдим. 1996 йил 1 июнь куни проф. Б.Ўринбоевнинг 60 йиллик юбилейини ўтказишга бош-қош бўлдим, асосий маърузачи эдим.

25 сентябрдан - 5 октябргача Нарпай туманига қарашли Ислом Шоир номли жамоа хўжалигида пахта йиғим-теримида иштирок этдим.

6 ноябрь А.Нурматовнинг ва Шаҳноза Эшниёзоваларнинг номзодлик иши ҳимоясида кенгаш аъзоси сифатида иштирок этдим.

7 ноябрь Малика Сатторованинг номзодлик иши ҳимоясида иштирок этдим, иккинчи оппонент Б.Эрматов келмай қолгани учун ўрнига тақризни ўқиб бердим.

23-24 ноябрь кунлари “Фразеографиянинг долзарб муаммолари” мавзуидаги республика илмий анжумани ялпи очилиши ва секция йиғилишлари ўтказилди.

28-29-30 ноябрь Навоий ДПИда дарс ўтдим.

5-6-7 декабрь Навоий ДПИда дарс ўтдим, ўқитувчилар билан суҳбатлашдим.

25 декабрь Юнус Азимовнинг “А.Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” достонининг қиёсий-типологик таҳлили” мавзуидаги номзодлик иши ҳимосида иштирок этдим.

1996 йилда эришилган ютуқлар унчалик сезиларли бўлмади:

1) Монография ёки қўлланма нашр этилмади;
2) “Б. Йўлдошев” номли библиографик кўрсаткич нашрдан чиқмади;
3) Ботир Давлат имтиҳонига келмади. Туркияда эди.
4) Ботирнинг уйланиши учун маъқул номзод топилмади, уйланмади;
5) 50 йиллик юбилей ўтказилмади.

Илоҳим ана шу бажарилмаган муҳим, долзарб ишлар янги - 1997 йилда амалга ошсин. Бунинг учун куч-қувват, омад ва соғлиқ ёр бўлсин!

1997 йил.

Бу йил оилавий, илмий-педагогик фаолиятда омадли йил бўлди, дейиш мумкин. 50 ёшга тўлишим муносабати билан ректор буйруғи билан раҳматнома, бир ойлик иш ҳақи мукофот тарзида берилди. “Бекмурод Йўлдошев”(библиографик кўрсаткич) номли китоб нашр этилди.(тузувчилар: М. Йўлдошева, З. Пардаев, Самарқанд,1997, 67б.)

1997 йил 4 март куни онамиздан жудо бўлдик. Бу кун оиламиз учун энг қора мотам куни бўлди. Шундай қилиб, мен ҳам отадан, ҳам онадан айрилдим, ғирт етим бўлиб қолдим. Иншооллоҳ, фарзандларим, ака-ука, сингилларим, қариндош-уруғларим бор. 12 март куни шаҳарда билдирги

қилдик, одам кўп келди. Онаизоримиз жуда андишали, камсуқум аёл эдилар, болаларига жуда меҳрибон эдилар, эссиз, онажон... Сизнинг хизматингизни вақтида қила олмадим. Кечиринг, онажон. Алвидо... онажон...!

“Ўзбек филологияси ва журналистикасининг долзарб муаммолари” мавзуидаги халқаро илмий анжуман ташаббускорларидан бири сифатида фаолият кўрсатдим. Шу муносабат билан “Ўзбек филологияси масалалари” (Самарқанд, 1997, 131б.) номли тўплам, “Ўзбек филологияси ва журналистикасининг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 1997, 97 б.) номли анжуман материаллари нашр этилди (Масъул котиб: Б.Йўлдошев). “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” (Самарқанд,1997, 90 б.) номли қўлланма нашрдан чиқди (ҳаммуаллиф: З.Пардаев) “Ўзбек тилшунослиги равнақи йўлида” номли мақола “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида босилди (1997, 4-сон, 29-32-бетлар, ҳаммуаллиф: А.Ҳожиев).

20 декабрь куни Самарқанд вилоят телевидениясиоиламиз ҳаёти ҳақида телеочеркни видеога олди. Бир аспирантга ўрин берилди ва у сиртқи бўлимга қабул қилинди (Ражабова Комила) Зафар Пардаев журналистика кафедрасига ишга олинди, бу ҳам яхши муваффақият. Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида Алишер Ғаффоров, Эшмуҳаммад Қодиров (17 май 1997), Марди Очилов (17 сентябрь 1997), Дилором Каримова (26 ноябрь 1997) ларнинг номзодлик ишлари ҳимоясида қатнашдим.

7 декабрь куни Исмат Санаевнинг номзодлик иши ҳам ҳимояга қабул қилинди.

“Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси тарихидан очерклар” номли ўқув қўлланмаси матни компьютерда терилиб, нашр учун тайёрланди (65 б.) насиб этса бу иш 1998 йилда нашр этилади.

1997 йилда рўза тутдим, тақводорлик, иймон-эътиқод сари илк қадам ташладим. Илоҳим шу қадам келгусида яна ҳам қутлуғ бўлсин.

1997 йилда Темирйўл деҳқон бозори ёнидаги уйдан 93-квартирани расмийлаштириш амалга ошди. Бу ҳам яхши, лекин унинг таъмири (ремонти) болаларни жуда чарчатди. Аптека иши бир оз ривожланган экан шу билан таъмир иши ниҳоясига етай деб қолди (шунга ҳам оллоҳга шукур).

1997 йилда НавоийДПИда фаолият кўрсатдим, дарс ўтдим. Уч дипломант ўз ишини аъло баҳога ҳимоя қилди. Келгусида бу фаолиятни давом эттириш лозим.

1997 йилда ҚорақалпоқДУ аттестация қилиш комиссиясида фаолият кўрсатдим. Шу билан Қорақалпоқ университети билан ҳамкорлик алоқалари бошланди, ҳатто “Аму тонги” газетасида мақола ҳам чиқди (1997 йил, 27-июнь, №25(202)). Фарҳод Бобожонов СамДУга тадқиқотчи сифатида қабул қилинди, у номзодлик иши бўйича ўз фаолиятини бошлади. Шу йил май ойида

10 кун Нукусга ҚорақалпоқДУга дарс ўтишга бордим, бу ҳам алоқанинг мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Алқисса, 1997 йил ҳар соҳада самарали бўлди:

1) “Б.Йўлдошев” номли библиография нашр этилди.

2) “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” номли қўлланма нашр этилди.

3) Бир аспирант ва бир тадқиқотчига илмий раҳбарликни бошладим.

4) 50 йиллик юбилей билан боғлиқ айрим тадбирлар амалга оширилди.

5) ҚорақалпоқДУ билан илмий алоқаларга пойдевор қўйилди ва бошқалар.

1998 йил оила йили деб эълон қилинди. Бу ҳам оилавий ишлар, орзу-истакларнинг амалга ошиши учун йўл очса ажаб эмас.

1998 йил

1998 йилда кундаликни мунтазам тутишнинг иложи бўлмади. Шунга кўра, бу йилдаги янгиликларни умумий айтиб ўтаман: Ўғлимиз Ботир ниҳоят олий ўқув юртини битирди. Умумий тарих фанидан давлат имтиҳонини қайта топширди.

Сентябр ойида Қарши давлат университетини аттестациядан ўтказиш комиссиясида фаолият кўрсатдим.

Умуман олганда, 1998 йил мен учун унчалик омадли йил бўлмади, чунки профессорлик аттестати қўлга тегмади.

1999 йил

1999 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1) Ботир ёзда 20 июнь куни уйланди. Келин Пахтачидан Ориф Тошниёзовнинг қизи Насиба Шамсиева;

2) ҚорақалпоқДУга 15 кун давлат имтиҳон комиссиясининг раиси сифатида бориб келдим;

3) Октябрь ойида оёғим гипсланиб уйда ётиб қолдим, оҳ бу кулфатлардан қачон қутуламан, деб худога нола қилдим;

4) Баҳодир 29 июнь куни иккинчи марта ота бўлишга сазовор бўлди. Қизи Комила туғилди, невaралар сони биттага кўпайди. Худо менга битта қиз берганди, шунгамикан невараларнинг иккаласиям қиз, майли қиз бола отага меҳрибон бўлади дейишади;

5) НавоийДПИда ўриндошлик асосида фаолият кўрсатишни давом эттирдим;

6) СамДУ тайёрлов бўлимида ҳам ишлашни давом эттирдим;

7) Умуман, 1999 йилда кўпгина ишлар амалга ошиши лозим эди. Шу ошганига ҳам шукур. Энг муҳими, ўғлим Нодир ҳуқуқшунослик факультетини битириб, “Пилла” акционерлик бирлашмасига ишга кирди, яхши обрў қозонди;

8) “Фразеологик услубият асослари” номли 12,5 б/т ҳажмдаги ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди.

Барибир, мен Самарқанддан кетишга қарор қилдим, зора бу йил шу қарор амалга ошса.

2000 йил

ХХ асрнинг охирги йили жуда хайрли келди. Мени январь ойида НавоийДПИга ишга таклиф қилишди, рози бўлдим. 1 февралдан ўзбек филологияси факультети деканлиги вазифасини бажара бошладим. 10-мартдан Халқ Таълими Вазирлиги мени шу вазифага тасдиқлади.

Бу йил мен А.Мусаев (Жиззах ДПИ)нинг номзодлик ишига расмий ҳакамлик қилдим, бу иш 8 май куни тасдиқланди. Абдуғафур Маматовнинг докторлик ишига расмий ҳакамлик қилдим, бу иш ҳам декабрь ойида тасдиқланди.

Навоий шаҳрида Энергетиклар кўчасининг 8-уй, 16-хонадонида ижарада турдим. Отабек Ботиров Кончилик институтининг талабаси, 7 ой у билан яхши яшадик, лекин онаси яхши хотин эмас экан “Уйдан чиқасан, 2 кун муҳлат“ деди. Сентябрь ойининг охирлари эди, кўчада қолдим. Муҳаббат Йўлдошеванинг уйига нарсаларимни қўйиб, ўзим пахтага кетдим.

Ниҳоят, 6-ноябрь куни пешонамга бир хонали квартира битди. Бу квартира 9-микрорайонда бўлиб, Меъморлар кўчаси, 21-уй, 31-хонадонда эди.

18 сентябрдан 8 ноябрга қадар “Нарпай” жамоа хўжалигининг 3-агроучасткасида пахтада бўлдим.

2000 йилнинг энг улкан ютуғи қизимиз Дилнозанинг СамДУ ўзбек филологияси факультетига грант асосида ўқишга киргани бўлди.

2000 йил 9 апрель куни невaралар сони яна биттага кўпайди. Ботир ўғлимизнинг хотини Насиба қиз фарзанд кўрди. Исмини Шаҳризода қўйдик. Ишқилиб умри билан берган бўлсин. Невараларнинг учаласи ҳам қизлар, энди навбат ўғил невараларга. Иншооллоҳ.

2000 йилда, асосан, Навоий шаҳрида яшадим, барча ишлар деярли шу ерда бажарилди, янги йил омадли бўлсин!

30.12.2000 йил.

2001 йил

Президент фармони билан “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилинди.

9 февраль куни Тошкентда ЎзФА Тил ва Адабиёти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш йиғилишида Рўзиқул Нормуродовнинг “Шукур Холмирзаев асарлари тили” номли ишига расмий ҳакамлик қилдим. Шунга 2420 сўм кассадан беришди. Тошкентда Анвар Омонтурдиев, Нормурод Муродовлар билан бирга Рўзиқулнинг хурсандчилигига шерик бўлдик. Энди, тезроқ тасдиғи келсин, чунки ҳимоя жуда кескин ўтди, 12 кишидан 10 киши кенгашда иштирок этди.

14 февраль куни Самарқандда ихтисослашган кенгаш йиғилишида К.Бозорбоевнинг “Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари” мавзуидаги ишига расмий ҳакамлик қилдим. Кенгашда 17 кишидан 15 киши иштирок этди, уларнинг барчаси ижобий баҳо беришди. Зиёфат яхши ўтди, тўн, белбоғ, дўппи муборак бўлсин! Ишқилиб, Келдибекнинг омади келсин. Янги доктор Абдуғафур Маматов келган экан, яхши суҳбатлашиб, режалар тузиб олдик.

Умуман олганда, 2001 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1) Навоий шаҳрида яшаб, педагогика институтида фаолият кўрсатиб, “Умумий тилшунослик”, “Тилшунослик асослари”,”Бадиий асар тили масалалари”, “Тилшунослик ва табиий фанлар” каби 9та алоҳида китоблар нашр этилди;

2) Андижон университетининг профессори Абдуҳамид Нурмонов билан ҳамкорликда яратилган “Тилшунослик ва табиий фанлар” номли ўқув қўлланмаси Тошкентда “Шарқ” матбааси орқали нашр этилди;

3) 2001 йилда 21 сентябрдан 3 ноябрга қадар Хатирчи туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалигида пахта йиғим-теримида бўлдим. Пахта мавсуми бу йил жуда қийинчилик билан ўтди;

4) Қабул мавсуми яхши ўтди. Баҳодир иккинчи мутахассислик олиш учун Навоий ДПИ математика-информатика мутахассислигига қабул қилинди. Ўзбекавтогаз вилоят ташкилоти бошлиғи Жуманиёз Алибеков бир йил ўқиш учун 83.400 сўм пул ўтказди;

5) Ботир чет элда (Туркияда) ишлаб келди ва Самарқанд шаҳрида (Файзулла Хўжаев кўчаси, 21-уй, 38-хонадон) 2 хонали квартира сотиб олди, ноябр ойида кўчиб ўтди. Уйига бордик яхши жиҳозланган. Телефони: 22-36-38 Ишқилиб, шу ўғлимнинг омадини берсин;

6) Шуҳрат Навоий Давлат кончилик институти Тиллар кафедрасига 2001 йил 8 январдан ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Унинг бир нечта мақолалари газета ва илмий тўпламларда нашр этилди. Лекин у Навоийда қайсарлик

қилиб, мен билан турмай, Ойбек деган дўсти билан турадиган бўлди. Шунга бироз хавотирдаман. Ишқилиб, бу ўғилга ҳам инсоф берсин;

7) Баҳодирни Ўзбекавтогаз вилоят ташкилотига омборчи-таъминотчи қилиб ишга жойлаштирдик;

8) Нодир бир йил давомида Ғаллаоролда ишлаган эди, октябрь ойига келиб, у Тошкентда суҳбатдан ўтиб, Зомин туман прокурорига ёрдамчи бўлди. Муҳаббат Йўлдошеванинг ташаббуси ва кўмаги билан унга келин топилди. Навоий шаҳрида 8 декабрь куни бўлажак қудалар билан суҳбатлашиб, рўзадан кейин нон синдириш маросимини ўтказишга қарор қилдик. Энди ёшлар тинч, осойишта яшаб кетса, биз орзуга эришган бўлардик. Қудалар Абдураим Халимовлар оиласи Хатирчида, қолаверса, Навоий вилоятида таниқли оила экан. Ишқилиб, ўғлимиз баланд дорга осилган бўлмасин;

9) 2001 йил уйни таъмирладик, бунда Баҳодирнинг хизмати катта бўлди. Тўғри, асосий маблағни мен бердим, лекин ишни ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Усталар билан тил топишиш, бозорга бориш, қолган майда-чуйда ишларга мен чидамасдим. Баҳодирга алоҳида миннатдорчилигимни билдираман;

10) Келдибек Бозорбоевни Навоийга ишга олиб келдим. Сентябрдан катта ўқитувчи сифатида ишга тушди, пахта мавсуми давомида таъминотчи сифатида фаолият кўрсатди. Эндиги вазифа уни Навоийда муқим қолиш чораларини кўришдан иборат бўлмоғи лозим;

11) 2001 йил май ойида Исмат Санаевнинг оиласи, турмуш ўртоғи вафот этди. Жуда камтарона, камсуқум, андишали аёл эди. Жуда оғир йўқотиш бўлди, маракаларида тўла қатнашдим. И. Санаев жуда иродали одам экан, шундай қийин аҳволга қарамай, 4 июль куни қайта ўз ишини ҳимоя қилди. Ишнинг номи ҳам, расмий ҳакамлар ҳам, етакчи ташкилот ҳам тамомила ўзгарди. Умуман, И.Санаев жуда меҳнаткаш, фидоий одам эканлигини яна бир марта исботлади. Энди тезроқ ишнинг тасдиғи келганда яхши бўларди;

12) Илк бор компьютерга эга бўлдим. Бу ҳам бир бахт, уни Нодирга Зомин туманига бериб юбордим. Ишқилиб, Нодир уни бузмай, йўқотмай олиб келса бўлгани. Бу ёғини келажак кўрсатади.

2002 йил

Бу йил Президентимиз ташаббуси билан “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилинди. 8 январь куни Навоий шаҳрида нон ушатиш (синдириш) маросими яхши ўтди. Шу куни бўлажак келиннинг туғилган куни экан. Холмурод ва Саида асосий бош совчилар сифатида иштирок этдилар.

13 январь якшанба куни қудалар (аёллар) Самарқандга бориб келдилар. Улар жуда хурсанд бўлганга ўхшайди. Эндиги вазифа тезроқ тўйни ўтказиш ва келинни тушириб олишдан иборат бўлиши лозим.

23 март куни Навоий шаҳрида “Кооператор” кафесида яхшигина тўй бердик ва Нодирга Нилуфар деган қаллиқ топилди. Тўй жуда катта дабдаба билан ўтди.

2 апрель куни Самарқанд шаҳрида “Мўъжиза” кафесида тўйнинг давомини ўтказдик. Аслида 200 кишига мўлжаллаган эдик, лекин 300 кишидан кўп меҳмон келди. Тўйни Абдували Абдусаидов олиб борди. У киши қудаларимиз Комила Тошпўлатовна билан бирга ўқиган экан. Тўйда ўғиллар яхши фаолият кўрсатишди. Ака-укаларнинг борлиги шундай пайтларда билинади.

9 апрель куни Навоий шаҳрида қудамиз Абдураим Ҳалимов куёв чақирди маросимини ўтказди. Бу маросим ҳам жуда яхши ўтди.

10-26 апрель кунлари Навоий шаҳридаги 27-касалхона Кордиология бўлимида икки ҳафта ётиб даволанишга тўғри келди, асаблар бироз жойига келди. Онаси билан Баҳодир Самарқанддан атайлаб мени кўргани келганини кўриб, кўзимдан севинч ёшлари чиқиб кетди, ахир мен учун бундан ортиқ бахт борми бу дунёда?

27 апрель куни қудалардан Сайфи Шомуродов ўғли Баркамолни уйлантирди. Тўй Навоий шаҳрида ўтди. Вазирликдан ҳам одамлар иштирок этишди.

15 май куни НавоийДПИ ректори проф. Равшан Раҳмоновнинг туғилган куни эди, шу маросимда иштирок этдим.

15 май куни тунда қудамиз Абдураим Ҳалимов вафот этганлиги ҳақидаги нохуш хабар келди. Дарров уйига, эски шаҳарга бордим. 16 май куни Хатирчидаги қабристонда дафн этилди, одам жуда кўп келди. Қарийб бир ҳафта бу маросимда иштирок этдим. Қудамиз 46 ёшда оламдан ўтди, жуда ёш кетди. Қолган умрини фарзандларига берсин. 29 апрель куни уйида туғилган кунига бағишланган кичик зиёфатда яхши гаплар айтган эдим, узоқ умр тилаган эдим, афсус, афсус...

9 июль куни Самарқанд шаҳрида туғилган кунимни ўтказдик. Тор доирада фақат болалар, неваралар, келинлар иштирок этди. Ботир йўқ эди, чунки Туркияда эди.

29 август куни Навоий ДПИ ректори билан охирги марта гаплашиб, ишдан бўшаш ҳақида ариза бердим. Шундай қилиб, НавоийДПИдаги мансабдорлик фаолияти тугади, лекин бир томондан яхши бўлди, Самарқандга ишга қайтиб келдим. Яна ўз жойимда ишлай бошладим.

18 сентябрь куни СамДУда ихтисослашган кенгаш йиғилиши бўлди. Дилором Аҳмедовна Абдуллаеванинг “Семантик- синтактик валентлик ва ўзга гапли қурилмалар” мавзуидаги номзодлик иши ҳимояси ўтказилди. Илмий раҳбар проф. Ҳамид Неъматов эди.

2 октябрь куни СамДУда ихтисослашган илмий кенгаш йиғилиши бўлди, Маҳмуд Ҳамидович Бобоёров “Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Биринчи расмий ҳакам мен эдим, илмий раҳбар проф. Б.Ўринбоев эди.

19 октябрдан - 30 октябргача Каттақўрғон туманига қарашли Ўпка қишлоғида пахта йиғим-теримида иштирок этдим. Мен ўз шеригим Мардон Болтаев билан бирга мактаб директори Темир деган кишининг уйида ўн бир кун яшадик. Пахта жуда қийинчилик билан ўтди, чунки пахтага борадиган жойимиз жуда узоқ, пиёда бир соат йўл юрардик, пахта жуда кам эди. Охирги куни Иштихон туманига қарашли “Жарбош” қишлоғига кўчдик. Бу ерда пахта яхши эди, лекин биз бир кундан кейин Самарқанд шаҳрига қайтдик. Умуман, пахтага бориш менга тўғри келмас экан.

6 ноябрь куни СамДУда ихтисослашган кенгаш йиғилиши бўлди, унда Башорат Баҳриддинова (ҚаршиДУ), Аҳмад Раҳимов (СамДЧТИ)лар номзодлик ишини ҳимоя қилдилар. Шу куни Фарҳод Бобожоновнинг иши ҳимояга қабул қилинди, унинг куни 25 декабрь деб белгиланди.

25 декабрь куни СамДУда ихтисослашган кенгаш йиғилиши бўлди, Фарҳод Бобожонов номзодлик ишини ҳимоя қилди. Кенгаш аъзоларидан 14 киши иштирок этди. Келмаганлар рўйхати: Илҳом Ғаниев, Раҳим Воҳидов, Ғани Зикриллаев (Бухоро), Қудратилла Жўраев (Термиз), Суюн Каримов(Самарқанд). 14 киши ҳам якдиллик билан овоз беришди. Илмий раҳбар мен эдим, расмий ҳакамлар: А.Маматов (Жиззах), Д.Ўринбоева (Самарқанд). Зиёфат ҳам яхши бўлди. Эртасига меҳмонларни Имом-ал Бухорий ёдгорлигига олиб бориб, ўша ердан хайрлашдик.

30-31 декабрь янги йил байрами муносабати билан Нодир ва Нилуфар келин Зоминдан келишди, Шуҳрат Навоийдан келди. Ботирнинг уйида ўтириб, янги йилни яхши ўтказдик.

2002 йилда қуйидаги ишлар амалга ошди:

1. Самарқандга ишга қайтиб келдим, оворагарчилик ўз-ўзидан барҳам топди;
2. Нодирни уйлантирдик, Нилуфар келин билан улар яхши яшаяпти. Келинлар сони яна биттага кўпайди, ишқилиб кўз тегмасин;
3. Биринчи шогирдимиз Фарҳод муваффақиятли ҳимоя қилди;
4. Кичик ҳажмда бўлса ҳам 4 та китобчалар, 12 та илмий мақола эълон қилинди, жами балл 600дан ортиқ бўлиб, 50 фоиздан ортиқ устама маошга илиндим;

2003 йил (қўй йили)

1 январь куни Нодир, Нилуфар келин, Шуҳрат, Дилноза, онаси ва мен уйда янги йил байрамини давом эттирдик. Шу куни 2002 йилга тегишли асосий қайдлар шу кундалик дафтарга ёзилди. Янги йилнинг биринчи куни яхши бошланди, охиригача шундай бўлсин, қўй йили ҳар соҳада оиламизга омад келтирсин. Бу йил президентимиз “Обод маҳалла йили” деб эълон қилди.

Бу йил ишни Фарҳоднинг ҳужжатларини тайёрлашдан бошладик.

22 январь куни Тошкентга бориб, ҳужжатларни ОАКка топшириб келдик.

Январь ойида Баҳодирга жой излаш билан ўтди, 6 февраль куни ДСК ёнидан 7-қават 2 хонали квартира топилди. 1200 ақш долларига олдик, ҳамма хурсанд. Сурайё келиннинг нияти амалга ошди. 11 феврал куни болалар янги уйга кўчиб кетишди. Илоҳим, Баҳодир ва унинг оиласи шу хонадонда узоқ ва бахтли ҳаёт кечирсин.

4 февраль куни невaралар сони яна биттага кўпайди. Нилуфар келин фарзандли бўлди. Ўғил невараларнинг биринчиси, исмини Азимжон қўйдик, умри билан берган бўлсин.

9 май куни Шуҳрат айтган хонадонга бориб, Комилжоновлар оиласидаги янги келин Заринани сўраб келдик. Шу куни нон ушатиш маросими ўтказилди. Шуҳрат жуда хурсанд. Ишқилиб, тўй ҳам шундай яхши ўтсин-да! Тўй куни 20 август деб белгиланди.

5 июнь куни Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Абдураҳмон Сафоевнинг синглиси Марҳабони Самарқандда кўриб қолдим. У турмуш ўртоғи билан булварда мени учратиб, қизи Лобарни ўқишга кириши учун она тили ва адабиёти фанидан тайёрлашим учун мендан ёрдам сўради. Шундан кейин бу қиз қарийб икки ой бизникида турди. Мен унга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бердим. Афсуски, икки ой камлик қилди, Лобар ўқишга кира олмади. Жуда ноқулай бўлди. Лекин Лобарнинг отаси бизнинг оилага тўй ўтказишда жуда катта ёрдам берганди.

20 август куни “Сўғдиёна” ёзги боғида Шуҳрат ва Зариналарнинг бахт ва висол оқшоми бўлди. Тўйга 250дан ортиқ одам келди. Шундай қилиб, тўртинчи келинни ҳам тушириб олдик, у ҳам Йўлдошева фамилиясига ўтди. Ёшлар бахтли яшаса бўлди.

23 август куни Навоий шаҳрида жиянимиз Мадинахоннинг тўй оқшоми “Наврўз” кафесида бўлиб ўтди. Қудамиз Эрдон Тўраев фан номзоди, Учқудуқдаги коллеж директори экан. Тўй яхши ўтди. Ишқилиб, бу ёғига ёшлар бахтли бўлса бўлди.

9 сентябрь куни Навоий шаҳрида Нилуфар келиннинг синглиси Наргизанинг висол ва бахт кечасига бордик. Бу кеча ҳам “Наврўз” кафесида ўтказилди. Бу тўйда ҳам нутқ сўзлаб, ёшларга бахт тилашга тўғри келди.

3 октябрь куни Навоий шаҳрида Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги олдидан илмий –амалий анжуман бўлди. Бу анжуманга Тошкент, Бухородан меҳмонлар иштирок этди, аммо СамДУдан фақат бир киши – у ҳам бўлса мен қатнашганим жуда ноқулай бўлди. Чунки шу анжуман материалларига киритиш учун 14 кишининг маъруза матнларини дискет билан олиб келиб берган эдим.

16 сентябрь куни Зафар Пардаевнинг “Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари” мавзуидаги номзодлик иши кафедрада дастлабки муҳокамадан ўтди ва ҳимояга тавсия этилди.

18 октябрь куни акамизнинг қизи Адолатнинг тўйи бўлди. Кундуз куни ўтказилган тўй яхши ўтди, фақат менинг йиқилиб тушганим яхши бўлмади. Чўпга суяниб турувдим синиб кетди. Тўйга Навоийдан Зарина келин ҳам келди. Шуҳрат келмади, чунки пахтада эди.

23 октябрь куни СамДУ жамоаси, жумладан факультет аҳли Иштиҳон туманидаги Охунбобоев ширкат хўжалигига пахта йиғим-теримига жўнашди. 1 ноябрдан-10 ноябргача мен ҳам пахтада бўлдим. 4-курс талабалари билан яхшироқ танишиб олиш имконияти пайдо бўлди. Шеригимиз Муродқосим Абдиев билан пахта мавсумида рўза тутиб, яхши ўтказдик. Фақат айрим талабаларнинг қочиб кетгани, мен уларни тўсатдан Челакда учратиб, қайтариб олиб келганимни ҳисобга олмаганда, бу мавсум фақат ёмғир, уйда ётиб китоб ўқиш билан ўтди..

26 октябрь - 25 ноябрь кунлари рўза ойи эди. Мен жуда ихлос билан рўза тутдим ва покланиш, яхши ниятлар тилаш билан бу ойни якунладим.

16 октябрь куни Ботир Туркиядан келди ва уйини алмаштириш пайига тушди. Энг муҳими, акаси яшайдиган 66-уйнинг 28-хонаси, 4-қаватидан 4 хонали уй топди, уни олиб, ўз квартирасини сотди. Шундай қилиб, ака-укалар бир подъезд, бир уйда яшай бошладилар.

15 ноябрь куни Насиба келиннинг туғилган куни уй кўрдига бир гилам кўтариб бордик, маросим жуда яхши ўтди. Энди болалар яна ҳам иноқ ва бахтли яшаса бўлгани.

26 ноябрь Баҳодирнинг туғилган куни унинг уйида ўтказилди. Оилавий бордик, туғилган кун яхши ўтди.

29 октябрь куни Тошкентга бориб, Давлат ва Жамият қурилиш академиясида Президент асарларидан имтиҳон топширдим ва “яхши” баҳо олдим. Бу ҳам менинг ҳаётимда ўчмас хотира бўлиб қолди.

17 декабрь куни Тошкентда академик, устоз домламиз Азим Ҳожиевнинг 70 йиллиги ўтказилди, шу юбилейда иштирок этдим. Яхши таассуротлар билан Зафар Пардаев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига қайтдик.

18 декабрь куни СамДУ илмий кенгаши бўлиб, унда мени профессорлик унвонига сайловдан ўтказишди. 46 кишининг ҳаммаси якдиллик билан овоз беришди. Ш.Пиримқулов, Х.Келдиёров ва Х. Маматовлар ҳисоб комиссияси таркибида эди.

19-20 декабрь кунлари НавоийДПИга бориб, сиртқи бўлим 1 курс талабаларига “Тилшунослик асослари” ва V курс талабаларига “Умумий тилшунослик” фанларидан дарслар ўтдим.

24 декабрь куни бюджетдан ташқари устама маош белгилаш комиссиясига ҳужжатларимни топширдим. 1725 балл тўплаб, 100 % устама маош олиш ҳуқуқига эга бўлдим. Бу катта ютуқ саналади.

26 декабрь куни Тошкентга бориб ОАКка профессорлик унвонини олиш учун зарур аттестация ҳужжатларини топшириб келдим. Энди яна 2-3 ой кутиш, орзиқиб кутиш онлари бошланди.

27 декабрь куни факультетда 1-курс талабаларидан “Туркий филологияга кириш” фанидан оралиқ назорат олинди. Талабалар билими жуда бўш эканлиги маълум бўлди.

29 декабрь куни факультет илмий кенгаши бўлиб, мен 2003 йил илмий ишлар якунлари ва 2004 йил учун илмий ишлар режасини тасдиқлаш мавзусида маъруза қилдим. Кенгаш жуда яхши ўтди, танқидий руҳ сезилиб турди. Шундан кейин янги йилга бағишланган қабул маросими 106-хонада ўтказилди.

Умуман олганда, 2003 йил ҳар томондан омадли келди.

1). Неваралар сони биттага кўпайди. Азимжон қўйдик исмини;

2). Келинлар сони биттага кўпайди. Заринахон хонадонимизга келин бўлиб келди;

3). Баҳодир 2 хонали уй олди. У ҳам энди мутақил яшай бошлади;

4). Ботир Туркиядан келиб 2 хонали уйини 4 хоналига алмаштирди;

5). 2003 йилда жами 27 та илмий мақолам эълон қилинди, шундан 6 таси журнал мақола;

6). Президент асарларидан имтиҳон топширдим ва ҳоказо...

Умуман, маймун йили – 2004 йилдан умидимиз катта. Бу йилни Президентимиз “Меҳр –мурувват йили” деб эълон қилди. Бу йил ҳар соҳада омад келтиришига ишончим комил. Болалар тўртови ҳам алоҳида туради, улар мустақилликка ўрганди. Уйда мен, онаси ва қизимиз Дилноза учаламиз яшаймиз. Ҳар замонда неваралар келиб туришади. Шундай шароитда фақат ижод билан шуғулланиш, ўз устингда ишлаш керак! Бунинг учун соғлиқ, сиҳат-саломатлик бўлса бас. Ўйлайманки, маймун йилида орзуларимиз, албатта, рўёбга чиқади, болаларимиз бизга кўпроқ меҳр-мурувват кўрсатадилар. Одам ёши ўтаверса, меҳрга, эътиборга жуда ташна бўлиб қоларкан.

2004 йил (Маймун йили) Меҳр-мурувват йили

Янги йил яхши бошланди, охири ҳам бахайр бўлсин. 6-9 январь кунлари 45-ўрта мактабда вилоят ўқувчиларининг фан олимпиадалари вилоят кўриги бўлди. Бу олимпиадада ҳайъат раиси сифатида иштирок этдим. Эътиборлиси шундаки, 11-синф (Рашидова Умида), 10-синф (Жалилов), 9-синф (Шамсиева) бўйича 1-ўринни Каттақўрғондаги 17-махсус мактаб ўқувчилари олдилар (директори Бобомуродова Дилбар) Бу ўқувчиларнинг барчаси компьютердан энг юқори балл тўплашга эришдилар.

15 январь куни аспирант Муҳайё Вафоеванинг “Ўзбек тилида фразеологик синонимлар” номли номзодлик иши кафедра йиғилишига дастлабки муҳокамага қўйилди.

Неваралар сони яна биттага кўпайди. Зарина келин ўғил фарзанд кўрди. Исмини Диёрбек қўйдик. Шуҳрат ҳам ота бўлди, қани энди унга ҳам оллоҳим инсоф берса. Илоҳим фарзандлар ва неваралар камолини кўриш насиб этсин.

Ботир Туркияда пайтида 12 август куни унинг оиласида ҳам бир ўғилча туғилди. Унга яхши ният билан Бобуржон деб қўйдик. Неваралар сони яна биттага кўпайди.

Дилноза СамДУ ўзбек филологияси факультетини муваффақиятли тамомлаб, имтиёзли дипломга эга бўлди. Лингвистика (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича магистратурага имтиҳон топширди ҳамда бюджет асосида ўқишга қабул қилинди. Бу ҳам оиламиз учун катта муваффақият саналади.

2004 йил 29 апрель куни ОАК қарори билан менга ўзбек тилшунослиги кафедраси бўйича профессорлик унвони берилди. Шундай қилиб, эл орасида юзимиз ёруғ бўлиб, профессорлик аттестатини ҳам қўлга киритдик.

Шогирдимиз Зафар Пардаев “Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди, шогирдлар сони яна биттага кўпайди. 24 июнь куни ОАК унинг дипломини тасдиқлади. Бу хурсандчиликка нима етсин.

2004 йилда менинг 40 дан ортиқ илмий мақолаларим, 10 дан ортиқ газета мақолаларим нашр этилди. Айниқса, “Ибн Сино”, “Зиёкор”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тил ва адабиёт таълими”, “Бухоро мавжлари”, “Педагогик маҳорат” журналларида эълон қилинган мақолалар мен учун ниҳоятда қадрлидир.

15 октябрдан - 13 ноябрга қадар мен ихлос билан рўза тутдим. Бу ҳам яхшиликка хизмат қилсин. Тарихда биринчи марта мен бу йил пахтага бормадим. Кафедра мудири ва бошқалар билан урушиб бўлса ҳам, мен бу йил пахтага бориш ташвишидан қутулдим.

2004 йил июль ойида Дилноза онаси билан 10 кун Зоминда дам олиб келди. Бу ҳам Нодирнинг шарофати билан амалга ошди.

2004 йил 9 июлда менга тантанали равишда профессорлик аттестати ректор томонидан топширилди.

2004 йил ҳисобига икки марта (24-30 май, 4-13 октябрь) мен Жиззахда Гагарин шаҳридаги санаторийда озгина муддат даволаниш шарафига муяссар бўлдим. Бу ҳам Нодиржоннинг менга кўрсатган меҳр-мурувати туфайли амалга ошди.

2004 йил 10 ноябрдан Нодир ўз иш жойини ўзгартирди, Жиззах вилоят прокуратурасига ишга ўтди ҳамда Жиззах шаҳрига кўчиб келди. Бу ҳам оиламиз эришган ютуқлардан биридир, чунки Нодир узоқ туманда эртаю кеч ишлаш ташвишидан қутулди.

2004 йил 26 ноябрь куни Муҳаббат синглимиз ЎзМУ ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш йиғилишида иккинчи марта қайта номзодлик ишини ҳимоя қилди. Энди унинг омадини берсин, иши тезроқ тасдиғини топсин.

2004 йил 6 декабрь куни Пахтачи тумани мактабларига бордик. Гуруҳ таркибида мен, химия фанлари номзоди Исмоил Эргашев, тарихчи ўқитувчи Эрдон Раҳимовлар бор эди. Университет маъмурияти битта РАФ русумли машина ажратди. 21-мактабда ўқитувчилар билан суҳбат ўтказдик.

Декабрь ойининг охирларида факультетда катта ўзгариш юз берди. Декан Т.Қурбонов маъмуриятнинг хоҳиш–истаги ва ўз аризасига кўра деканлик лавозими топширди. Унинг ўрнини СамДУ илмий котиби Абдували Абдусаидов эгаллади. Ишқилиб, Абдувалининг қадами қутлуғ келган бўлсин.

2004 йил сайловлар йили бўлди. 2004 йил 26 декабрда мамлакатда қонунчилик палатасига вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига депутатлар сайлаш учун сайлов ўтказилди. Саловда жуда кўп таниш дўстлар бор эди. Бу сайловда Яхшинор Аллаёров, Фармон Тошев, Жуманиёз Алибеков, Темур Ширинов каби таниш биродарларимиз вилоят кенгашига депутат бўлдилар. Уларга бу соҳада фақат омад тилаб қоламиз.

Янги йилда илгари амалга ошмай қолган ишлар рўёбга чиқади деб умид қиламан. 2005 йил ҳар жиҳатдан ҳаммага омадли йил бўлишини тилаб, 2005 йил тафсилотларини бугун 16 февраль чоршанба куни ёзишга киришдим. Оллоҳ мадад берсин!

2005 йил (товуқ йили) сиҳат-саломатлик йили

Янги йил кечаси барча ўғиллар, келинлар келди, кечамиз жуда яхши ўтди. Навоийдан Шуҳрат оиласи билан келди. Жиззахдан Нодир оиласи билан келди. Баҳодир ва Ботир ҳам фарзандлари билан уйни тўлдирди. Уйимиз чақалоқ йиғисига тўлиб кетди. Бири тўхтаса, иккинчисининг йиғиси бошланади.

5-12 январь кунлари СамДУ қўшимча маблағ белгилаш комиссияси таркибида иштирок этдим. 17 та факультет жамоасини ҳужжатлар асосида текширишга проф. Жўрақул Хўжаев раислигида жалб қилинган эдик.

8 январь шанба куни Улуғ Турсунов домланинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда чиқиш қилдим, телевидение учун яхши интервью бердим. Бу йиғилишда Б. Ўринбоев, Р.Орзибеков, Б.Валихўжаев, Н.Абдурахмонов, Ж.Ҳамдамовлар ҳам чиқиш қилдилар.

24-28 январь кунлари Банк коллежида вилоят бўйича коллеж ва лицей ўқувчиларининг она тили ва адабиёт фанидан олимпиадаси бўлиб ўтди. Бу олимпиадада ҳайъат раиси сифатида ишлаб, Акрам Ниёзов билан яхшироқ, яқиндан танишиб олдик.

23 март куни неваралар сони яна биттага кўпайди. Нодирнинг иккинчи ўғли Азизжон туғилди, умри билан берган бўлсин, энди азиз фарзанд бўлсин, деб ният қилдик. Иншооллоҳ, ниятимиз амалга ошсин.

2005 йил апрель СамДУ магистрлари, талабалари, кейинчалик профессор-ўқитувчилари конференциялари бўлди, уларни ташкил этиш, ҳисоботларини тайёрлаш ва илмий бўлимга етказиш вазифалари бажарилди.

Май ойида қизимиз Дилнозанинг ташвиши бошланди. Жизмонсой қишлоғидан Анвар деган йигитдан совчилар кела бошлади. Бу йигит менинг собиқ дипломантим, 2002 йил филология факультетини битирган. Унинг отаси Тўрамурод ака ҳам ўқитувчи, география муаллими экан. Дилноза лингвистика

(ўзбек тили) ихтисослиги бўйича магистратурага 2004 йилда кирган эди. Яна бир йил ўқиши бор. Бўлажак қуда томонлар менга айтмасдан Дилнозанинг туғилган куни - 18 майда келиб нон ушатиш, белги қилишни мўлжаллаган эканлар, кўнмадим. Яна икки ҳафта муҳлат сўрадим.

Июнь ойида ўша айтилган муддат етиб келди. 40-50 киши билан қизимиз Дилнозани Анварга узатиш белгисини қилдим. Фотиҳа яхши ўтди. Ишқилиб, ёлғиз қизимиз бахтли бўлсин.

2005 йил 25 август куни Дилноза ва Анварнинг никоҳ базми бўлди. Тўй Дамариқдаги "Гулбоғ" тўйхонасида, кундуз куни бўлиб ўтди. Соат 16 да келинни Жизмонсойга олиб кетишди. Қиз узатган отанинг йиғлашини кўрсангиз эди.

25 август шу куни Ботирхон Валихўжаев вафот этди. Шунинг учун тўйга факультетдан камчилик келишди.

26 август куни қудалар бир автобус бўлиб узоқ Жизмонсойга бордик. Тўй яхши ўтди, лекин шамолни айтинг, ҳатто чодирларни кўтариб юборган. Тўйдан кечқурун автобусда хурсанд бўлиб қайтдик. Ишқилиб, бу хурсандчилик охиригача давом этсин.

Мустақиллик байрами ва билимлар кунини яхши кутиб олдик. Олмос Турсунованинг номзодлик ишининг дастлабки вариантини кўриб чиқиб унга топширдим. Насиб бўлса, пахтадан кейин бу ишни кафедрада дастлабки муҳокамадан ўтказиш режалаштирилмоқда.

17 ноябрь куни Олмос Турсунованинг иши кафедрада муҳокама қилинди ва маъқулланиб, ҳимояга тавсия қилинди.

Умуман олганда, 2005 йил яхши якунланди:

1) Неваралар сони биттага кўпайди, Азизжон туғилди;
2) Қизимиз Дилнозанинг никоҳ тўйи бўлди;
3) Шогирдлардан бири Олмос Турсунованинг номзодлик иши муҳокамадан ўтди;

Янги 2006 йил ҳаммамизга омадли келсин.

2006 йил

2006 йил яхши, омадли ютуқлар билан бошланди. Ўйлайманки, яна охиригача шундай бўлиб келади.

Февраль 2006 йил Зокир Шодиев билан ҳамкорликда яратилган "Уфқ" трилогиясининг лингвопоэтик таҳлил масалалари" номли монография эълон қилинди.

Март ва апрель ойлари Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллигига бағишлаб ўтказилган СамДАҚИ, НавоийДПИ, СамДЧТИ анжуманларида иштирок этдим, маъруза матнлари эълон қилинди.

16 март 2006 йил проф. Шавкат Раҳматуллаевнинг 80 йиллик юбилейи ЎзМУда ўтказилди. Шунда СамДУ номидан чиқиб, фразеология илмининг мамлакатимиздаги асосчиси, устоз Ш.Раҳматуллаев елкасига зар тўн ёпилди. Бундай обрўни олиб берган декан Ж.Элтазаровга раҳматлар айтамиз. Ҳаммани шундай улуғ ёшга етказсин.

Май 2006 йил проф. Н. Турниёзов билан ҳамкорликда яратилган "Матн тилшунослиги" номли услубий қўлланма нашрдан чиқди.

16 май 2006 йил невaралар сони яна биттага кўпайди. Қизимиз Дилноза фарзандли бўлди, исмини узоқ йиллар севиниб юрсин деб, Севинч қўйдик. Ота-онасини ва бизларни севинтиргани рост бўлсин.

3 июнь 2006 йил проф. Б.Ўринбоевнинг 70 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилди, шу куни кечқурун домла Ўринбоев невараларини қўшиб яхши зиёфат берди. Бу зиёфат "Садаф" ресторанида бўлиб ўтди. Ҳаммани шундай юбилейларга етказсин.

7 июнь 2006 йил Тошкентда проф. Э. Бегматовнинг 70 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этдим. Биз Олмос билан домланинг елкасига Самарқанддан олиб борган тўн ёпдик. Шундай учрашувлар яна кўп бўлаверсин.

Июль 2006 йил Дилноза магистратурани муваффақиятли тамомлади.

9 июль 2006 йил. Бугун мен расмий равишда ҳужжат асосида 60 ёшга тўлдим. Юбилейни насиб бўлса келгуси йил махсус тайёргарлик билан, невараларнинг суннат тўйлари билан бирга қилиш ниятим бор. Шу куни менга худо яна бир паҳлавон невара ато қилди. Баҳодирнинг хотини Сурайё келин икки қиз (Моҳидил ва Комила) дан кейин қўчқордай ўғил кўрди. Унга яхши ният билан Беҳзод деб исм қўйдик. Яъни Беҳзод Баҳодирович Бекмуродов бобоси билан бир кунда туғилди. Унинг мучали ҳам мен билан бир. Энди туғилган кунлар қилсак, икки киши (мен ва Беҳзоджон) бирга нишонлаймиз. Ишқилиб, умри билан берган бўлсин.

Август 2006 йил куёвимиз Анвар Нурмоновни лингвистика (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича магистратурага кириш ташвишлари бошланди ва улар яхши якунланди. Бунда янги декан – Жўлибой Элтазаровнинг алоҳида роли бўлганлигини таъкидлаш лозим.

9 сентябрь Фарғонада дўстимиз проф. Алижон Мамажоновнинг юбилейи бўлди, шунга мен университет маъмурияти томонидан иштирок этдим. Кечқурун Андижонга бориб, проф. Абдуҳамид Нурмоновнинг уйида меҳмон бўлдик.

Октябрь 2006 йил Қўқон шаҳрида олий ва ўрта таълим муассасаларида тил ва адабиёт фанларининг ўқитилишига доир анжуман бўлди. Шунда 2 та маъруза билан иштирок этдим.

Тошкент ДПУ профессори Р.Расуловнинг 60 йиллик юбилей тантаналари бўлди, шунда иштирок этдим.

Умуман, 2006 йил мен учун, оиламиз учун омадли йил бўлди.

1) Неваралар сони иккита (Севинч ва Беҳзоджон) га кўпайди;

2) Менинг 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма ва 20 дан ортиқ илмий мақолаларим эълон қилинди;

3) Ш.Раҳматуллаев, Б.Ўринбоев, Э.Бегматов, А.Мамажонов, Р.Расуловларнинг юбилей тантаналарида қатнашдим;

4) Баҳодирнинг ташаббуси билан уйимиз евроусулда яхши таъмирланди ва ҳоказо...

2007 йил

Бу йил яхши хабарлар билан бошланди. 2006 йил декабрь ойида факультет декани Ж.Элтазаров ташаббуси билан бошланган яхши ташаббус, яъни менинг 60 йиллик юбилейимни ўтказиш ҳақидаги буйруқ лойиҳасига университет ректори Т.Ширинов қўл қўйди. Ана шу буйруққа асосан 2007 йил 7-8 сентябрь кунлари “Услубшуносликнинг долзарб муаммолари” мавзуида республика илмий анжуманни ўтказиш ва бошқа тадбирлар белгиланган. Ишқилиб, ана шу тадбирни яхши эсон-омон ўтказиб олсак, яхши бўларди.

СамДУ магистри Қобил Халимов билан ҳамкорликда яратилган “Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизмлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида” номли монография нашр этилди.

Навоий шаҳридан магистрантимиз М.Санаева билан ҳамкорликда яратилган “Номловчи бирликларнинг маъно компонентлари” номли монография нашр қилинди.

Дилноза 2006 йил 15 декабрдан 10.02.02- ўзбек тили ихтисослиги бўйича кундузги аспирантурага қабул қилинган эди. Унинг “Ўзбек тилида орнитонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари” номли 108 саҳифадан иборат монографияси нашр қилинди.

“Математик ва компьютер лингвистикаси” номли услубий қўлланма (86 саҳифа) нашр қилинди.

Ф.ф.н. Зафар Пардаев билан ҳамкорликда яратилган “Туркий филологияга кириш” номли услубий қўлланма эълон қилинди. Кафедрада икки киши З.Пардаев ва С.Боймирзаева докторантурага қабул қилинди.

2007 йил 15 июнь куни шогирдимиз Олмос Турсунованинг Тошкентда номзодлик иши ҳимояси бўлди. Унинг шериги Саодат Муҳаммедова эди. У

ТошДУдан Р.Расуловнинг илмий маслаҳатчилигида докторлик ҳимоя қилди. Ана шу ҳимоя жараёнида иштирок этдим. Кечаси З.Муқимов билан бирга машинада қайтиб келдим, лекин кўнглим бироз хижил, чунки Олмос Турсунова ҳимоя пайтида саволларга унчалик жавоб беролмади.

2007 йил июль - август Ана шу икки ой давомида таътилга ҳам чиқмай, бўлажак юбилей тараддуди билан шуғулланишга тўғри келди. Ўзинг учун ўл етим, деб шунга айтсалар керак. 60 йиллик муносабати билан қуйидаги тайёргарлик ишлари оширилди:

1). М.Йўлдошева ва З.Пардаевлар томонидан тузилган 124 саҳифадан иборат "Профессор Бекмурод Йўлдошев" номли библиографик кўрсаткич чиройли, расмли полиграфик усулда нашр этилди.

2). 9 июлда Навоийдан синглимиз Муҳаббат, Зиёвуддиндан қудамиз И.Санаев, ўғиллар, келинлар, неваралар ва қизимиз уйга келишди. Мен шу куни ЎзА фото муҳбири, дўстимиз Тоҳир Норқуловни уйга чақириб суратлар олдирдим. Бу суратларнинг айримлари библиографик кўрсаткич ва бошқа китобларга, таклифнома - дастурга киритилди. Фоторасмлар жуда яхши чиққан эди. Демак, фотонинг ҳам ўз усталари бўлар экан. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб бежизга айтишмас экан.

3)."Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти" номли 108 саҳифадан иборат монография эълон қилинди.

4). Т. Қурбонов билан ҳамкорликда тайёрланган "Бадиий асар тили ва услуби масалалари" номли услубий қўлланма (164 саҳифа) эълон қилинди.

5). 7-8 сентябрь кунлари бўладиган юбилей тантаналари муносабати билан таклифнома – дастур, буклет кўп нусхада чиқарилди. "Алпомиш" ресторани билан келишиб, 7 сентябр соат 16: 00да зиёфат қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Бешта ўғил неваралар Беҳзод, Бобир, Азим, Азиз ва Диёрбекларнинг суннат тўйлари ҳам шу куни белгиланди.

6). "Услубшунослик ва фразеологиянинг долзарб масалалари" номли 164 саҳифадан иборат илмий тўплам нашр этилди.

7). Юбилей муносабати билан "Зарафшон", "Самарқанд овози", "Самарқанд" газеталарида, "Зиёкор", "Ўзбек тили ва адабиёти", СамДУ ахборотномаси журналларида Б.Йўлдошев ҳақида мақолалар нашр этилди.

31 август 2007 йил. Факультетда илмий кенгаш бўлди. Юбилейга тайёргарлик масаласи яна бир марта муҳокама қилинди. Декан Ж.Элтазаров Японияга 2 йилга ишга кетаётганлиги учун унинг ўрнига А. Абдураҳмонов (асли Ургутдан, бирга беш йил ўқиганмиз, курсдош бўлганмиз) тайинланди.

4 сентябрь куни уйга маҳалладан уч-тўрт кекса кишиларни чақириб, ҳатми-қуръон қилиб тўйни бошладик. Таклифномалар тарқатилди. Мен қишлоққа шахсан ўзим бориб, таклифномаларни тарқатиб келдим.

7 сентябрь куни юбилей тантаналари эрталаб наҳорги ош билан бошланди. Маҳалладан ҳам одамлар келди. Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Тошкент, Қарши, Бухоро, Навоий, Нукус, Жиззах шаҳарларидан меҳмонлар келишди. Соат 14:00даги тантанани ректоримиз Т.Ширинов олиб борди. Тантанадан кейин ресторандаги базм ҳам жуда яхши ўтди. Барча қудаларга чопон ва бошқа сарполар улашилди. Ишқилиб, ҳаммани шундай орзу-ҳавасга етказсин.

8 сентябрь куни меҳмонларнинг қолган қисмини ҳам жўнатдик. Юбилей ва тўй тантаналари тушурилган видеотасма ва "Б. Йўлдошев 60 ёшда" деган видеофильмда бу ҳолатлар яхши акс этган.

12 сентябрь куни тантаналар соат 12:00да НавоийДПИда давом этди. Мен Навоий шаҳрига Б.Ўринбоев ва Т.Қурбонов билан бирга бордим. Тантана жуда яхши ўтди, хурсанд бўлдим. "Муаллим" газетасида бир саҳифа мақола чиққан экан. Ҳаммаси учун раҳмат.

Октябрь 2007 йил. Бор-йўғи 10 кун Чўпонота массивидаги "Зарафшон" сиҳатгоҳи (санаторийси)да даволандим ва дам олдим. Бу ўн кун учун 180 минг тўлашга тўғри келди. Лекин барибир одамнинг ёши олтмишдан ўтгач, дам олиб туриши лозимга ўхшайди.

Бу йил неваралар сони яна биттага кўпайди. 27 октябрь куни Шуҳратнинг хотини Зарина келин қўчқордай ўғил кўрди. Исмини Темурбек қўйдик. Ишқилиб, умри билан берган бўлсин.

Умуман олганда, 2007 йил мен учун, оиламиз учун жуда омадли йил бўлди:

1) 60 йиллик юбилей тантаналари жуда яхши ўтди;
2) Бир неча монография ва услубий қўлланмалар нашр этилди;
3) Неваралар сони биттага кўпайди, Темурбек туғилди;
4) Шогирдимиз Олмосхон Турсунова номзодлик ишини ҳимоя қилди ва ҳоказо...

Ўйлайманки, янги 2008 йил ҳам шундай омадли ва серютуқ йил бўлади.

2008 йил (Ёшлар йили)

Бу йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинди. Йил бошидаёқ ойлик маошлар, стипендиялар 1,2 %га оширилди. 2006 йил июл ойидан буён 50 % пенсия олар эдим. 2008 йилга келиб, бу пенсия миқдори 55.000 сўмга етди.

Февраль ойида "Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари" номли услубий қўлланманинг 1-қисми 118 саҳифада босмадан чиқди.

24 апрель белгиланган режага мувофиқ 1-курс талабаларига “Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари” танланма фанидан “Ўзбек тилшунослигида лингвостатистик методлардан фойдаланиш тарихидан” мавзусида очиқ маъруза дарс ўтилди. Бу дарс 105-хонада слайдлар ва техника воситалари ёрдамида ўтилди ва унинг муҳокамаси кафедра йиғилишида факультет илмий-услубий кенгашда ўтказилиб, мазкур дарс материаллари СамДУ очиқ дарслар танловига тавсия этишга қарор қилинди.

22-24 апрель кунлари СамДЧТИда ёшлар тарбиясига бағишланган республика илмий анжумани бўлди. Бу анжуманга Тошкентдан С. Ризаев келган эди. У киши билан уч кун Самарқандда бирга бўлиб, кўп нарсаларни гаплашиб олдик. У академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг катта куёви, Озодахоннинг турмуш ўртоғи бўлгани учун кетишда унга Ш. Шоабдураҳмоновга атаб қўйилган юбилей материалларини бир папка қилиб бериб юбордим. Домла билан унинг хотини М.Содиқова номига ёзилган китобларни кўриб жуда хурсанд бўлишса керак.

Апрель 2008 йил ОАК бюллетенининг 1- ва 2-сонларини З.Пардаев менга Тошкентдан олиб келди. 1-сонда О.Турсунованинг номзодик ишининг қайтганлиги ва унинг сабаблари ёзилган, қавс ичида унинг раҳбари Б.Йўлдошев эканлиги кўрсатилган. Бу менга жуда қаттиқ таъсир қилди. ОАК бюллетенининг шу сонида Д.Абдуллаевнинг мавзуси “Кўп маъноли фраземаларни луғатларда изоҳлаш тамойиллари” деган номда қайд қилинган. ОАК бюллетенининг 2-сонида Дилноза Йўлдошеванинг номзодлик иши мавзуси тасдиқланганлиги қайд қилинган.

14-17 май кунлари 2008 йил СамДУ ректорининг буйруғига биноан Фарғонага бориб, республика талабаларининг ўзбек тили ва адабиёти бўйича олимпиадасида 4-курс талабаси Умида Рашидова билан бирга иштирок этдик. Уч кун Фарғонада А. Мамажонов, Й. Солижонов, С. Мўминов, Ш.Искандарова каби ҳамкасблар билан бирга бўлдик. Олимпиадада фахрли III ўрин ва диплом берилди. Бу сафарда мен ЎзМУ профессори Насимхон Раҳмонов билан бирга бўлганим, қайтишда унинг машинасида Тошкентгача бирга келганимиз яхши бўлди.

18 май якшанба куни оиламиз аъзолари билан биргаликда Миронқулга бориб дам олдик ва Дилнозанинг туғилган кунини қўшиб нишонладик. Мен Тошкентдан келиб, тўғри ўша жойга ўтдим, чунки Фарғона сафаридан якшанба куни эрталаб қайтишга тўғри келди.

11 июнь куни “Маърифат” газетасининг шу кунги сонида С.Ризаевнинг “Математик ва компьютер лингвистикаси” номли услубий қўлланмамга тақризи эълон қилинди.

11 июнь куни Т.Қурбонов билан ҳамкорликда ёзилган “Бадиий асар тили ва услуби масалалари” номли ўқув қўлланмасини вазирлик грифи билан 2008 йил охиригача чиқаришимиз мумкинлиги ҳақидаги сертификатга ҳам эга бўлдик. Бу жуда катта ютуқ саналади.

Июнь 2008 йил. “Ўзбек тилшунослиги масалалари” деб номланган 134 бетдан иборат илмий тўплам менинг муҳаррирлигимда босмадан чиқди. Унга 33 кишининг мақоласи киритилган бўлиб, проф. Ҳ.Бердиёров таваллудининг 90 йиллигига бағишланган бу тўпламдан менинг учта мақолам ўрин олган эди. Бундан ташқари 38 саҳифадан иборат библиографик кўрсаткич ҳам нашр этилди.

9 июль 2008 йил менинг ва Беҳзоднинг туғилган кунимиз бўлиб ўтди. Оила даврасида фарзандлар ва невaралар даврасида нишонладик.

12 июль куни келинимиз Нилуфархоннинг онаси Комилахон Тошпўлатовнанинг 50 йиллигига бағишланган, Навоий шаҳрида ўтказилган тантаналарда иштирок этдим. Сўз навбати менга берилди, ваъз ўқидим. К.Тошпўлатовнанинг ўзига ва оила аъзоларига яхши тилаклар билдирдим. Тунда соат 2 да Самарқандга қайтдик.

Август 2008 йил. Дилбар Ўринбоева билан ҳамкорликда яратган “Ўзбек халқ достонларининг частотали, изоҳли фразеологик луғати” номли китобимиз “Тошкент Миллий энциклопедия нашриёти” грифи билан 102 бет ҳажмида чоп этилди. Бу ҳам катта ютуқ саналади.

9 август – 23 август 2008 йил. СамДУ касаба уюшмасидан шу кунлар муддати кўрсатилган “Чортоқ” сиҳатгоҳида (санаториясида) даволаниш учун путёвка харид қилдим. 9 август шанба куни эрталаб Наманган (Чортоққа) Тошкент орқали жўнаб кетдим. 9-10 август кунлари оромгоҳнинг 10-биносида физиотерапия хонасида ётиб турдим. 11 августдан оромгоҳнинг 3-бино 504-хонасига кўчиб ўтдим. Шароитлари олдингилардан анча мураккаблашибди. Мен бу оромгоҳга 1990 йилда ва 1997 йилда икки марта келган эдим. Бу сафар учинчи марта келишим. Бу ерда ёзиш учун шарт-шароит яхши эди. Шунинг учун кундаликнинг 90- саҳифадан кейинги бетларини, яъни 2005 йилдан кейинги воқеаларни шу сиҳатгоҳда ёздим. Чунки охирги уч йиллик воқеаларни қоғозга туширишга менда қунт, ирода бўлмаган ва бироз эринчоқлик қилган бўлсам керак.

14 август куни эрталаб наҳор ошга бордим. Илгари Самарқандда Тиббиёт институтида ўқиб, Чортоққа ишга юборилган асли Самарқандлик врач Баҳром ака Вафоқулов (унинг уйи сиҳатгоҳ ёнида эди) қизини узатиш муносабати билан наҳор оши қилди. Наҳор ошга бир ўзим боришимга тўғри келди.

5 август – 13 август кунлари Фазилат Расуловна, Дилноза ва Севинч “Зомин” оромгоҳига бориб, дам олиб келишди. Бу ҳам яхши ҳолат.

“Чортоқ” сиҳатгоҳида бевосита мобил алоқа воситаси орқали (телефон рақамим 922-10-22) деярли ҳар куни танишлар билан, уйдагилар билан гаплашиб турдик. Бу ҳам ишимизни анча осонлаштирди. Илгари халқаро сўзлашув пунктига навбатда туриб гаплашар эдик.

16 август куни соат 14:00да “Чортоқ” сиҳатгоҳидан “Наманган гуллар шаҳри” деб номланган экскурсияга бордим. Наманган шаҳри марказида иккита оққуш ҳайкали солинган эзгулик тимсоли қурилган экан. Қани эди Самарқанд шаҳар боғлари ҳам Наманганники сингари анвойи ва кўркам бўлса. Бу шаҳарда НамДУ олимларидан ҳамкасбларимиз Ф. Бобохонова, Х.Усмонова, Н.Улуғовлар билан тасодифан кўришиб қолдик ва яхши суҳбатлашдик. Яхшиям мен Х.Усмонованинг китобига эълон қилинган тақризни СамДУ ахборотномаси (2006 йил 6-сон) ни олиб борган эканман, ҳамкасбларнинг боши кўкка етди.

17 август куни эрталаб соат 5:30 да Андижонга уюштирилган экскурсияга бордим. Соат 7:00дан 10:00гача уч соат “Жаҳон бозори”ни томоша қилдим. Кейин проф. А.Нурмонов билан телефон орқали боғланиб, Алишер Навоий боғи олдида кўришдик. Домланинг уйига бордик, катта невараси ўғли Дониёрнинг қизи Иродахон 200 балл тўплаб, АнДУ филология факультетига 1-бўлиб ўқишга кирган экан, уни табрикладим.

23 август куни “Чортоқ” сиҳатгоҳидан қайтиб Тошкентга келдим. Шу куни Нодир яшайдиган уйни зўрға топиб бордим. Чунки Нодир Жиззахдан Тошкентга кўчиб келиб, янги квартирага эга бўлган эди. Уларга Чортоқдан олиб келган совғаларимни бердим. Айниқса, болалар жуда хурсанд бўлишди. Нодирнинг уйида оз муддат меҳмон бўлганимдан сўнг, уйга Самарқандга қайтишимга тўғри келди.

28 август куни кафедра йиғилиши бўлиб ўтди. Янги 2008-2009 ўқув йилига тайёргарлик ишлари бошланди.

2 сентябрдан Дилноза СамДУ қошидаги 1-сон академик лицейга она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишга кирди.

Умуман олганда, 2008 йил жуда омадли йил бўлди. Кириб келаётган 2009 йил бизга омад келтирсин. Энг муҳими, сиҳат-саломат бўлайлик, соғлиққа жиддий эътибор бериш керак.

2009 йил (Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили)

2009 йил 2 февралдан - 28 февралгача Тошкентда ЎзМУ қошидаги ОПИ (Олий педагогика институти)да малака оширдим.

Март ойида Шуҳрат қўлини қайта операция қилдириб, қарийб бир ой бизникида Самарқандда яшади. Бир неча ой олдин қўли синган эди.

Апрель ойида Сурайё келин ўн кун СамМИ клиникаси умумий жарроҳлик бўлимида операция бўлди. Ўтхалтани олдиришга мажбур бўлди.

28 июнь куни неваралар сони яна биттага кўпайди. Қизимиз Дилноза яна битта қизчали бўлди. Исмини Севара қўйдик. Неваралар сони ўндан ошди. Ишқилиб, умри билан берган бўлсин.

26 июндан – 8 июлгача укамиз Шоди Самарқандга келиб, 1-сон шаҳар касалхонасида операция бўлди. Сурайё келинга ўхшаб, унинг ўтидан ҳам тош олишди. Қўшнимиз Уйғун Раҳмонов (Ботирнинг дўсти, тенгдоши) операция қилди. Яхши бўлгач, Зиёвуддинга кузатиб қўйдик.

26 июндан – 9 июлгача уйимизда уч киши Нарпайдан келиб ишлади. Айвон қилдик, жуда қийинчилик билан тиклаб олдик.

9 июль куни мен ва Беҳзоднинг туғилган кунимиз уйда нишонланди. Болалар ва неваралар даврасида ўтказдик.

17 июль – 28 июль кунлари “Зарафшон” санаториясида ўн кун даволандим. Нархи ҳар кунга 18 минг жами 180 минг. Лекин яхши муолажа бўлди, яна келиб даволанса арзийди. Айниқса, Икром деган йигит мануал терапия муолажаларини яхши ўтказди.

24 июль куни Шомурод Абдуллаев қизи Ферузахонни турмушга узатди. Пахтачи тумани прокурори Шерқул Намозов билан қуда бўлди. Эрталаб наҳорга ва кечқурун базмга “Кўксарой” ресторанига бордик.

1 августдан – 8 августгача Вилоят кўз касалликлари касалхонасида қатнаб даволанишга тўғри келди. Кўзнинг биттаси жуда хиралашган, иккинчиси эса фақат 60 % кўради. Намоз Мирсалиевич Очилов даволади. Билмадим, қандай натижа беради.

11 август куни Лола Тошпўлатованинг қизи Ёдгора ва куёв Раҳмонов Беҳзоднинг никоҳ тўйи “Боғишамол” ресторанида жуда яхши ўтди. Тўйга Фазилат Расуловна билан бирга бордик. Бу тўйда Эрон қўшиқчиси Анди иштирок этди.

12 август куни Тошкентга бориб, “Шифо нур” кўз марказида Динара Ҳасанованинг қабулида бўлдим. Керакли дориларни бериб, яна уч кундан кейин қабулга келишни маслаҳат берди. Нодир билан бирга бориб, яна бир кун унинг уйида қолиб уйга қайтдим. Ишқилиб, кўз яхши бўлиб тузалиб кетсин.

18 август куни Тошкентга яна бориб “Шифо нур” кўз марказига учрашишга тўғри келди.

Август ойининг охирида неварамиз Моҳидил (Баҳодирнинг қизи) Тошкентга Ҳуқуқшунослик коллежига ўқишга кирди.

13 ноябрь куни Олмос Турсунова Тошкентда ўз номзодлик ишини қайта ҳимоя қилди. Шунга мен ҳам 12 ноябрь куни бориб, бир кун геологлар ётоқхонасида ётдим. “Шифо нур” клиникасига яна учрашдим.

4 декабрь Муҳайё Вафоева ўз номзодлик ишини ҳимоя қилди. Бу ишга ҳам мен раҳбар бўлганим учун яна Тошкентга бордим. “Шифо нур”га қайта учрашдим. Ўша куни М.Вафоева билан академик А. Ҳожиевнинг уйига бордик.

Умуман олганда, 2009 йил яхши якунланди. Менинг кўзимнинг касаллигини ҳисобга олмаганда, бир қатор яхши натижаларга эришдик:

1) Неваралар сони яна биттага кўпайди, Дилноза яна битта қизли бўлди. Севара туғилди;

2) Айвонни тиклаб олдик;

3) Моҳидил Тошкентга Ҳуқуқшунослик коллежига ўқишга кирди ва ҳоказо...

2010 йил (Баркамол авлод йили)

Бу йил президентимиз томонидан “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди.

17 январь куни Ботир уйини сотиб, Навоийга кўчиб кетди. Чунки Шуҳрат ер олган, уни ишга қўйиш учун сармоя керак эди. Ака-укалар биргаликда парник очмоқчи ва ишни Навоийда бошламоқчи бўлишди. Ишқилиб, болаларнинг режалари ижобат бўлсин.

3 июль куни СамДУ илмий кенгашида ўзбек тилшунослиги кафедраси мудирлигига сайлов бўлди. А.Абдусаидов кафедра мудири бўлди.

26 июль – 30 июль кунлари Тошкентга бориб, Истеъдод жамғармаси танлов ғолиби сифатида ўқишга қатнашдим. Шанхай Университетига малака оширишга тайёргарлик кўрдим.

1 августдан – 25 августгача Тошкентдан Шанхай Университетига малака оширишга бордим. Гуруҳимизда 21 киши бор эди. Янчанг корпусида 601-хонада Шуҳрат Ёвқочев билан турдик. Умуман, Шанхай сафари таассуротларга бой бўлди. 24 август куни Тошкентга қайтиб келдик. 25 август куни эса Самарқандга келдим. Барча болаларга, невараларга, келинларга совға улашдик.

26 август куни меҳнат таътили тугаб, ишга чиқдим. Янги мудир А.Абдусаидов билан иш фаолиятим бошланди.

3 сентябрь Мутақиллик байрамидан кейин ишни бошлаб юбордим. Радио, телевидениеда Шанхай таассуротларига оид чиқишлар қилдим. Талабалар олдида СамДЧТИ Хитой бўлими талабалари олдида чиқишлар қилдим. СамДУ ҳузуридаги малака ошириш факультети тингловчилари олдида ҳам бир неча марта “Хитой Халқ республикасида таълим тизими” деган мавзуда суҳбатлар ўтказдим.

16 сентябрь куни талабалар пахта йиғим-теримига кетишди. Икки марта пахта йиғим – терими давом этаётган жойга бориб, талабалар билан учрашдик.

9 ноябрь куни “Шифо нур” клиникасига бориб, кўзимнинг биттасини (чап кўзни) лазер операцияси қилдирдим. 150 минг сўм тўланди. Лекин натижа унчалик яхши чиқмади.

22 ноябрь куни “Шифо нур”да ўнг кўзни глаукомага қарши операция қилдирдим. Азиз Баҳодирович деган 30 ёшлик йигит операция қилди. Натижа яхши. Бир ҳафта Тошкентда Нодирнинг уйида яшаб, ўша клиникага қатнадим. Операция учун 800 минг сўм сарфланди.

13 декабрь куни “Шифо нур”га келиб, кўзимни яна кўрсатдим. Энди 2011 йил 13 январь куни келиб, хирургга кўрсатишга келишилди.

30 декабрь куни кафедра аъзолари билан Панжоб чойхонаси ёнидаги ресторанда янги йил базмини нишонладик. Бу маросим яхши таассурот қолдирди.

31 декабрь куни янги йилни Баҳодирнинг оиласи билан кутиб олдик. Жавлон Санаев оиласи (хотини, Икром Ҳабибабону) билан қатнашди. Янги йил ҳар соҳада омадли келишига тилаклар билдирилди.

2011 йил омад ва ютуқларга бой бўлишига ишонч билдириб қоламан.

2011 йил

Бу йил кундалик дафтар тутишга унчалик вақт бўлмади. Бу йилда амалга ошган ишларни умумий айтиб ўтаман:

1) Даврон Абдуллаевнинг номзодлик иши тайёр бўлди, кафедрада муҳокама бўлди, аммо кафедра мудирининг инжиқликлари туфайли бу иш Тошкентга ҳимояга тавсия этилмай қолди.

2) Гулноза Адашуллаеванинг номзодлик иши ҳам кафедрада муҳокама қилинди, ҳимоя ўз-ўзидан қолди. Лекин Г.Адашуллаева билан ҳамкорликда монография чиқаришга муваффақ бўлдик.

3) Дилноза Йўлдошева ўз ишини якунлади. Кафедра йиғилишида муҳокама қилинди, сал кеч қолганимиз учун Тошкентда ҳимоя қилинмай

қолди. Бунда ҳам кафедра мудири А. Абдусаидовнинг разил қўли сезилиб турди.

4) Болаларнинг теплица парник иши ниҳоятда авж олди. Ботир уйини сотди, Шуҳрат уйини сотди. Қариндош-уруғларнинг кўпчилиги пулдан қарашди. Нима бўлганда ҳам ўғиллар тўғри йўлни танлаган бўлсин. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

2012 йил

Бу йил ҳам кундалик дафтар тутишга унчалик эътибор бермадим. Шунинг учун ўша йили амалга оширилган асосий эсимда қолган ишларни қисқача эсга олмоқчиман:

1) 2012 йилда “Тилнинг ижтимоий моҳияти”, “Ўзбек тилшунослиги тарихи” сингари услубий қўлланмаларим эълон қилинди;

2) 2012 йилда ҳовлимизнинг ичи яхши таъмирланди. Баҳодирнинг хизматлари туфайли уйимизнинг юзи анча тартибга келиб қолди. Биз кексаларга анча қулай бўлди. Шунисига ҳам раҳмат;

3) 2012 йил Шуҳрат Навоийдаги квартирасини ташлаб, оиласи билан Самарқандга кўчиб келди. Ўғли Диёрбекни Самарқанддаги мактабга қўйди;

4) Нодир Юнусободдаги уйини яхшилаб таъмирлади. Ўғли Азиз 1-синфга қадам қўйди. Нилуфар келин Ипотека банкка ишга жойлашди;

5) Моҳидил Тошкентдаги Ҳуқуқшунослик коллежини тамомлади;

6) Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2012 йил ноябр ойидан бошлаб номзодлик ишлари бекор қилинди. Олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими докторантура катта илмий ходимлик жорий этилди;

7) 2012 йил проф. А. Нурмоновнинг 70 йиллик юбилейи Андижонда 14-15 май кунлари бўлди. Шунга мен, Дилноза ва онаси Нодирнинг шарофати билан Андижонга бориб келдик;

8) Хорижда мақола чиқариш ташвиши ниҳоятда қийинлашди. Шундай бўлса-да, Дилноза, Умида, Даврон, Гулнозаларнинг мақолаларини Бакуда чоп этишига муваффақ бўлдик. Бу катта ютуқ, лекин улар номзодлик ишларини ёқлашга бироз кечикдилар;

9) Қайин укамиз Тўхтамурод Расулов 55 ёшида вафот этди. Пахтачига бордик, маракаларида иштирок этдик. Астма касали анчадан бери бор эди. Нафас қисганда врачлар биринчи ёрдамни кўрсатолмагани учун бу дунёни тарк этди. Жуда очиққўнгил инсон эди. Худойим ўз раҳматига олган бўлсин.

2013 йил

Бу йил “Соғлом турмуш йили” деб эълон қилинди. Бу йилда, асосан, қуйидаги эсда қоладиган ишлар амалга ошди:

1) 2013 йил феврал ойи бошида Навоий шаҳрида Алишер Навоий таваллудига бағишланган илмий анжуманга А. Носиров, И. Сулаймоновлар билан биргаликда бориб келдик. Конференция материаллари Муҳаббат Йўлдошева саъйи-ҳаракати туфайли эълон қилинди;

2) 2013 йил 27 апрелда Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтида луғатшуносликка оид илмий анжуманда иштирок этдим. Дилбар Ўринбоева саъйи-ҳаракати билан конференция материаллари Самарқандга етиб келди;

3) 2013 йил 29 июнь Ориф Тошниёзов кичик қизи Наргизани турмушга узатди. Бу никоҳ тўйида мен ҳам иштирок этдим;

4) Ёзда омад кулиб боқди. Набирамиз Моҳидил СамДАҚИ дизайн факультетининг грант асосида талабаси бўлди. Бу ҳам яхши ютуқ саналади;

5) Бу йил илмий тадқиқот соҳасида ҳам омад кулиб боқди, яъни Тошкентдаги “Муҳаррир” нашриёти “Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари” номли 300 бетлик (18,75 босма тобоқ) монография чоп этилди;

6) СамДУ нашриётида Д.Абдуллаев билан ҳамкорликда “Ўзбек тилидаги кўп маъноли фраземалар” номли монография эълон қилинди. Бу ҳам катта ютуқлардан бири саналади;

7) Ботирнинг оилавий аҳволи ёмонлашди. Насиба билан ортиқ яшамасликка қарор қилди. Ёшлар ўзлари билади, мен аралашмадим. Демак, жиддий сабаб бордирки, улар шундай хулосага келишган. Ноябрь ойида ҳаммасига нуқта қўйиб, Самарқандга Ботирни кўчиртириб олиб келдик. Бу ҳам ота-онага оғир бўларкан;

8) Шуҳрат Самарқандда унчалик яшолмади, уни Навоийга оиласи билан бирга кўчишида ёрдамлашдик. Бу ҳам оллоҳнинг бир синови бўлса керак;

9) 2013 йил 8 декабрь куни Ботир ўзи танишган Озода исмли аёлга уйланди. Аниқроғи, бу келинни Муҳаббат ва Анвар совчилик қилиб, Каттақўрғоннинг Андоқ қишлоғидан олиб келишди. Ишқилиб, Ботир янги оиласи билан бахтли, тинч-тотув яшаб кетса бўлгани. 22 декабрь куни Ботир оиласи билан Тошкент шаҳрига кўчиб кетди.

2014 йил

Бу йилни президентимиз “Соғлом бола йили” деб эълон қилди.

2014 йилда кафедрада вазият унча яхши бўлмади. Мудир ва магистрлар ўртасидаги норозилик уни ўқув йили охиригача таътилга чиқишга мажбур қилди.

Университетда амалга оширилган режадан ташқари ишлар натижаларига кўра 30% қўшимча иш ҳақи олишга эришдим.

Ҳар йилгидек шартнома 1 июлдан бекор қилинди. 2 сентябрдан шартнома қайта тузилди 0,75% ставка билан ишга қабул қилиндим. Лекин менинг 40 йиллик ҳамкорим доц. Қ. Усмонов билан қайта шартнома тузилмади, менга оғир ботди, чунки бир кун келиб менда ҳам шундай ҳолат содир бўлиши мумкин. Бу инсоннинг нафсониятига тегади.

Қаттиққўл, талабчан ректоримиз У. Ташкенбаев ўз-ўзидан 1 ноябрдан ишдан озод қилинди. Нега? Бу масала кўпчилик учун қоронғу бўлиб қолди.

Кафедра мудирининг ўғил уйлантириш тўйига негадир мен айтилмай қолдим. Демак, бирор сабаб бўлгандир?

Нилуфар келиннинг кенжа синглиси Чарос турмушга чиқди. Тўй Навоий шаҳрида жуда яхши ўтди.

2014 йил 14 ноябрь куни нохуш хабар келди. Устозимиз, ҳамкасбимиз Бозорбой Ўринбоев вафот этди. Менга оғир ботди. Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг забардаст олимларидан эди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Хуллас, 2014 йилда алоҳида китоб, рисола нашр этилмади. Келгуси йил бу жиҳатдан омад кулиб боқса керак. Дам олишга, соғлиқни тиклашга кам эътибор берилди. Фақат ўн кун “Зарафшон” сиҳатгоҳида дам олдим. 2014 йилда эришмай қолган ишларга илоҳим 2015 йилда эришайлик.

2015 йил

Бу йил президентимиз томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди. Олий Мажлис қонунчилик палатасида депутатлар сайлови якунлари эълон қилинди.

11 январь куни Андижондан нохуш хабар келди. Қадрдон дўстимиз, биродаримиз Абдуҳамид Нурмонов тўсатдан вафот этди. Эссиз, шундай инсон орамизда энди йўқ. Келажакда кўп ишларни режалаштиргандик. Эсдалик учун унинг мобил (қўл) телефони рақамини ёзиб қўяман +998905531294. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Бу йил ҳам аввалги йилгидек кундалик тутишга ҳавсала етишмади. Шунинг учун бўлиб ўтган ишларни умумий айтмоқчиман:

1) 2015 йилда “Наврўз” нашриётида 2 та китобим чиқди;

2) 2015 йилда Эркин Самандарнинг 80 йиллик юбилейига иштирок этдим. Унинг асарлар мажмуасида менинг ишим ҳам босилди. 100 (юз) бетдан ортиқроқ М. Сафаров хизмати туфайли;

3) Ш. Раҳматуллаевнинг 90 йиллиги ва А.Ғуломовнинг 100 йиллиги тантаналарида иштирок этдим, материаллар нашр этилди;

4) 2015 йил 2 март куни Дилнозанинг таклифига биноан СамДУ қошидаги 1-сон академик лицейида Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирда И. Ёқубов билан бирга бордим. Зулфия ҳақида нутқ сўзладим. Тадбир яхши ўтди;

5) 2015 йил август ойида неварамиз Моҳидилнинг фотиҳа тўйини ўтказдик. Тўй “Алпомиш” ресторанида бўлди. Бўлажак қуда-андалар асли Самарқанддан бўлиб, Тошкентда яшайди. Насиб бўлса никоҳ тўйини 12 октябрь куни деб бегилашди;

6) 12 октябрь куни белгиланган никоҳ тўйи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Невара куёвимиз Шерзод ва Моҳидилнинг бахт ва висол оқшоми нишонланди. Илоҳим ёшлар бахтли бўлсин. Юзимизни ерга қаратмасин;

7) 2015 йил ноябрь - декабрь ойларида ЎзМУ қошидаги малака ошириш курсида ўқидим. А. Ғаффоров билан 16-сон ётоқхонанинг 9-хонасида икки ой яшадим. Ўқиш ниҳоятда қийин бўлди, 72,0 балл билан малака аттестати олишга эришдим. Бу катта ютуқ саналади;

8) Биз Тошкентда малака оширишда пайтимизда З. Пардаевни порахўрликда айблаб, узоқ муддатга ҳибсга олиб кетишибди. Ҳар қалай келажаги бор шогирдларимиздан бири эди. Унинг илмий ишига раҳбар эдим;

9) Кафедра мудирлиги сайлови бўлиб, Ж. Элтазаров кўпчилик овоз билан мудирликка сайланди;

10) 2015 йил 6 декабрь куни невaралар сони яна биттага кўпайди. Ботирнинг хотини Озода келин ўғил фарзанд кўрди. Исмини Лазизбек қўйдик. Умри билан берган бўлсин. Мен бу чақалоқни малака оширишдан қайтаётганимда, декабрь ойининг охирларида кўришга муваффақ бўлдим;

11) 8 декабрь куни Моҳидил Шерзод куёв ва унинг оиласи билан биргаликда Самарқандга ташриф буюрди. Яъни, янги келин-куёвни урф-одатларга биноан чақирдисини ўтказдик. Маросим “ Ният” кафесида бўлиб ўтди. Навоийдан Муҳаббат Йўлдошева келди, Шуҳрат келди. Мен ёшларга яхши тилаклар билдирдим;

12) 2015 йил 29 декабрь куни Тошкентда Д. Худойберганованинг докторлик иши ҳимояси бўлди. Кейинги уч йилда ҳимоя бўлмаган эди, бу яхши ютуқ саналади.

Хуллас, 2015 йил яхши якунланди. Эски йилда эришилмаган ютуқларга 2016 йил эришайлик. Илоҳим бунинг учун оллоҳдан соғлиқ, куч-қудрат сўрайман. Янги 2016 йил оиламиз учун бахт, омад олиб келсин. Ишимиз бароридан келсин.

2016 йил
(Соғлом она ва бола йили)

Январь ойида кафедрага малака оширишдан кейин ишга тушиб, СамДУ энг яхши педагог" кўрик-танловида иштирок этдим. Натижа сентябрда маълум бўлади.

2016 йилда ҚорақалпоқДУда 0,25 ставка ишлаш мақсадида январь ва апрель ойларида бир ҳафтадан бориб, 1-курс магистрларига "Матн тилшунослиги" ва "Лингвокультурология" фанларидан дарс ўтдим. Бир диплом иши (М. Ўразбоева) ва бир магистр (Н. Тожибоева) га илмий раҳбар бўлдим.

2016 йил 9-10 март кунлари Дилнозанинг шарофати билан СамДУ қошидаги 1-сон академик лицейда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мен иштирок этиб, корпоратив ҳамкорлик масалаларига доир нутқ сўзладим. Конференция яхши ташкил қилинган эди. Ҳаммага биттадан тўплам берилди. Тўпламда бир нечта мақолаларим чоп этилган.

"Етук олим салоҳияти" илмий рисола (Т., 2016) ҳаммуаллифликда чоп этилди (Г. Рўзибоева). Шу билан бирга "Лингвокультурология ва бадиий асар тили масалалари" номли услубий қўлланмалар нашрдан чиқди.

2016 йил апрель – май ойлари менинг ошқозоним роса безовта қилди. Иннова клиникасига бордим, ошқозонни текширтирдим. Парҳез тутиш кераклигини айтди. Анча даволандим. Оғриқ ҳали ҳам бор.

2016 йил 11 май куни ЎзМУда К. Назаров хотирасига бағишланган илмий анжуманда иштирок этдим.

2016 йил 25 июнь куни неваралар сони яна биттага кўпайди. Нодирлар оиласида яна бир ўғил дунёга келди. Исмини Улуғбек қўйдик. Демак, Нодир ҳам менинг изимдан бориб кетма-кет уч ўғиллик бўлди.

9 июль куни мен ва Беҳзоднинг туғилган кунимиз Баҳодирнинг шарофати билан Тайлоқдаги Қўрғонча деган дам оладиган масканда ўтди. Биз оилавий бордик. Баҳодир оиласи билан Моҳидил ҳам келган эди, Беҳруз (Шерзоднинг жияни) деган қариндоши билан. Бу бола ҳам бизга жуда ўрганиб қолди. Тошкентдан Азиз ҳам келган эди. Жуда салқин жой экан, оилавий дам олдик, суратларга тушдик.

25 июлдан – 4 августгача мен, Дилноза ва онаси биргаликда Тошкентга “Фарҳод Мадад Шифо” клиникасида 10 кун даволандик ва дам олдик. Биринчи кун Нодирнинг уйига бориб, бир кеча уникида меҳмон бўлдик. Шу куни мен Улуғбекни бир ойлик пайтида илк марта кўрдим ва қўлимга олдим. Ўн кун давомида врачлар бизга яхши қаради. Нодир бир неча марта келиб хабар олди. Озода келин ҳам Лазизбекни кўтариб бир неча марта кўргани келди. Моҳидил ҳам Шерзод билан бирга келди. Ҳаммасига раҳмат. Бу орада биз оилавий Азаматларникига Нодирнинг машинасида бордик. Жуда яхши кутиб олишди. Охирги кун Ботирнинг квартирасига кириб, меҳмон бўлдик. Тошкентдан 4 август куни қайтдик.

24 сентябрь куни қувончли хабар эшитдик. Неварамиз Моҳидил ўғил фарзандли бўлибди. Мен биринчи марта чевара кўрдим. Ахир, бундан ортиқ бахт бормикан. Оллоҳим ҳаммани чевара кўриш бахтига муяссар қилсин. Жуда хурсанд бўлдик. Исмини Муҳаммадали қўйдик. Умри билан берган бўлсин. Энг қизиғи шундаки, мен чеварам Муҳаммадалини кўришга, юзидан ўпишга муваффақ бўлдим. Мен бундан жуда бахтиёрман.

***

Охирги пайтларда соғлигимнинг аҳволи анча ёмонлашаяпти. Иннова клиникасига бориб терапевтга учрашдим. Дори-дармон ёзиб берди. Ҳар куни тўхтовсиз дори ичаман. Кўзим хиралашиб боряпти. Менимча, фойдаси йўқ. Бизни ҳам умрбод туттириб қўйгани йўқ. Ҳеч ким абадий яшамас экан. Устозларим, ҳамкасбларим, дўстларим: Б.Ўринбоев, З.Аликулов, Т.Қурбонов, А.Нурмонов каби яқинларимни йўқотганимдан сўнг, мен билан ҳам қачондир ҳаётнинг шундай аччиқ қисмати юз беришини ўйлаб, кундалик дафтарни шу жойга келганда тугатишга қарор қилдим. Ҳаётимда жуда кўп ишларни режалаштиргандим. Умрим давомида жуда кўпига эришдим. Бундан кейин фарзандларимга, невараларимга, оиламга соғлиқ, мустаҳкам ирода, бахт, саодат, тинчлик ато этсин. Ҳаётим давомида эслашга арзигулик ишлар қилдим, деб ўйлайман. Кундаликдаги мен билан боғлиқ муҳим саналарни ўқиганингизда кўз олдингизда намоён бўлганимдан бахтиёрман! Хайр саломат бўлинг! Оллоҳу акбар!

MUNDARIJA

БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ		**6**
АВТОБИОГРАФИЯ		**7**
V - SHO‘BA: TANIQLI TILSHUNOS OLIM BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI RIVOJIGA QO‘SHGAN HISSASI		
Almaz Ulviy BINNATOVA	**O‘ZBEK TİLSHUNOSLİGİNİNG YORQİN SİYMOSİ**	**13**
Pirniyazova A.K.	**B. YO‘LDOSHEV MEROSI – FRAZEOLOGIYA SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA ASOSIY MANBA**	**22**
Abdug‘ofur Mamatov, Bibish Jo‘rayeva.	**BEKMUROD YO‘LDOSHEV – O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI RIVOJIGA MUNOSIB HISSASINI QO‘SHGAN OLIM VA USTOZ**	**26**
Muhamedova Saodat Xudoyberdievna	**PROFESSOR BEKMUROD YO‘LDOSHEV: ILMIY MEROS VA O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI**	**31**
Келдибек Базарбаев	**БЕКМУРОД БОЛТАЕВИЧ ЙЎЛДОШЕВНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**	**39**
Келдибек Базарбаев	**БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВНИНГ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ТИЛШУНОСЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИГИ**	**45**
Tursunova Nasiba	**EZGULIK YO‘LIDA – E`ZOZ TOPGAN OLIM**	**50**
Umida Rashidova	**BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING O‘ZBEK FRAZEOLOGIK STILISTIKASI TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI**	**53**
Muxtor Begmatov	**ILMGA BAXSHIDA UMR: PROFESSOR BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING ILMIY MEROSI VA USTOZLIK MAKTABI**	**58**

Allaberdiyev Alijon Avazberdiyevich, Boymanov Elyor G‘iyozovich.	**ILMGA BAXSHIDA UMR**	**61**
Isakov Zakirjon Soliyevich	**TANIQLI TILSHUNOS OLIM — BEKMUROD YO‘LDOSHEVNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI RIVOJIGA QO‘SHGAN HISSASI**	**64**
Sh.A.Ganiyeva, Sh.M.Iskandarova.	**O‘ZBEK FRAZEOLOGIYASINING ZABARDAST VAKILI**	**69**
EZGU NOM - ABADIY XOTIRA		
Фармон ТОШЕВ	**ҲАЛОВАТИ – МАШАҚҚАТ ЭДИ…**	**74**
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев	**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ЕТУК НАМОЁНДАЛАРИДАН БИРИ БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВНИ ХОТИРЛАБ**	**76**
Bobojonov Farhod Qurbonboyevich	**BEKMUROD YO‘LDOSHEV – BENAZIR VA BETAKROR USTOZ**	**79**
Азамат Нормурадович Махмудов	**“УСТОЗИМ ҲАЁТИМ ЧИРОҒИ” БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВНИ ХОТИРЛАБ**	**81**
Олим Хўжаев	**ТАНИҚЛИ ОЛИМНИНГ ЎЧМАС ИЗЛАРИ**	**84**
Гулчеҳрахон Шамсиддинова	**ИЛМ ЙЎЛИДА ҚОЛГАН ИЗЛАР**	**88**
Umida Rashidova	**XOTIRA AZIZ: USTOZ SOYASI TUSHGAN YO‘LLAR**	**90**
Maxammatova Feruza Olimovna	**USTOZ – QALB ME’MORI**	**95**
Mahkamoy Tursunova	**ILMGA BAG'ISHLANGAN UMR**	**97**
Muxayyo Vafoyeva	**FRAZEOLOGIYANING OTASI SAMARQANDDA-KU!**	**98**
Ch.Xushmurodova	**RAHMATLI USTOZIM — BEKMUROD YO‘LDOSHEV XOTIRASIGA!**	**101**
Файзиева Комилахон Ҳожи она	**ҚУДАЧИЛИК— МИНГ ЙИЛЧИЛИК**	**103**

Юлдошева Муқаддас	**ЯХШИЛИКЛАРИ ХОТИРАМДА ЯШАЙДИ**	**104**
Fazilat ona	**BIRGA KECHGAN UMR XOTIRASI**	**106**
Юлдошева Шаходат	**МЕНГА ПЕДАГОГИКАНИ ЎРГАТГАН АКАМ**	**109**
Юлдошева Муҳаббат	**ХОТИРАГА АЙЛАНГАН ФЕНОМЕНАЛ АКАМ**	**111**
Юлдошева Малика	**МЕНИ УСТОЗЛИККА ЧОРЛАГАН АКАМ**	**115**
Юлдошева Раъно	**КИТОБГА МЕҲР УЙҒОТГАН — АКАМ**	**118**
Юлдошев Олимжон	**АКАМ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИМ**	**120**
Аташова Сожида	**ЗИЁЛИ ХОНАДОНДА ЎТГАН ЯРИМ АСР**	**124**
Давронова Гулчеҳра	**МЕН ФАХРЛАНГАН ТОҒАМ**	**127**
Юлдошева Саодат	**ОНА ТИЛИНИ БИЛСАНГ, ДУНЁНИ ЯХШИРОҚ АНГЛАЙСАН**	**130**
Dilnoza	**ILMGA AYLANGAN UMR**	**132**
Мадина Нарбаева	**ОИЛАМИЗ ТАЯНЧИ БЎЛГАН ТОҒАМ**	**135**
Нафисахон Давронова	**СИЗ ДОИМО ХОТИРАМДАСИЗ, ТОҒАЖОН**	**138**
Sevinch	**BOBOMNI XOTIRLAB**	**142**
BEKMUROD YO'LDOSHEV KUTUBXONASI VA KITOBLARDAGI DASTXATLAR		**144**
USTOZ BEKMUROD YO'LDOSHEVNING FOTOSURATLARDA MUHRLANGAN UMR LAHZALARI		**228**
SHAXSIY KUNDALIKKA YASHIRINGAN XOTIRALAR		**241**

“DAVLAT TILI - TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani

MATERIALLAR TO‘PLAMI (2-qism)

(2026-yil 20-21-oktabr)

“STAP-SEL” MChJ. nashriyoti.
Samarqand - 2026.

ISBN: 978-9910-350-20-7

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
© “STAP-SEL” MChJ. nashriyoti,
Samarqand-2026

2668

2026-yilda chop etildi.
Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog`i 17.37
Buyurtma № 0180A/26. Adadi 35 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo`limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko`chasi 60-uy.


9 789910 350207